

**Н.Маҳмудов, А.Нурмонов**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ  
НАЗАРИЙ  
ГРАММАТИКАСИ  
(синтаксис)**

**Тошкент “Ўқитувчи” 1995**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дарсликларни  
цайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.*

М~~353(04)\* 95~~ Д" 142~95 © «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

5—645—02378—1

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги даврда ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари учун тавсифий характердаги дарслик ва қўлланмалар яратилди. Бу дарслик ва қўлланмаларда ўзбек тилининг фонетикаси, морфемикаси, сўз ясалиши, лексикологияси, морфологияси ва синтаксиси юзасидан изчил маълумотлар берилди.

Бундай асарларнинг вужудга келиши ўзбек тилининг назарий грамматикасини яратишга имконият яратди.

Назарий грамматиканинг одатдаги ўқув грамматикасидан фарқи шуки, унда маълум грамматик тушунчаларнинг келиб чиқиш илдизлари баён қилинади, у ёки бу масалага хилма-хил қарашларнинг мавжудлиги бўйича қисқача маълумот берилади.

Китоб ҳажмидан келиб чиқиб, мавжуд дарслик ва қўлланмаларда изчил баён қилинган баъзи мавзулар бу грамматикада ихчамроқ шаклда ўз аксини топди. Шунинг учун айрим мавзулар сизга кенгрок, айримлари эса қисқарок туюлиши мумкин.

«Кириш», «Содда гап» қисми проф. А. Нурмонов, «Гапда шакл ва мазмун» («Содда гап ва қўпша гап») қисми проф. Н. Маҳмудов томонидан ёзилган.

Бундай грамматика ўзбек тилшунослигида биринчи маротаба яратилаётгани учун, унда айрим нуқсонлар, Сизга нотабиий туюлган жиҳатлар бўлиши мумкин. Ишни яхшилашга қаратилган ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

## КИРИШ

Синтаксис (грекча *syntaxis* сўздан олинган бўлиб, ёпиштирмоқ, бирлаштирмоқ демакдир) тил тизимининг юқори сатҳи бўлган синтактик сатҳ ҳамда шу сатҳ ҳақидаги таълимотдир.

Морфология ва синтаксис грамматиканинг ўзаро боғланган икки бўлими саналади. Грамматиканинг бу икки бўлими, аввало, предметларига кўра фарқланади.

Морфологиянинг ўрганиш предмети алоҳида сўз шаклларининг маълум грамматик маъно асосидаги парадигмалари, уларнинг грамматик категориялари бўлса, синтаксиснинг ўрганиш предмети гап ва уни ташкил этган сўз шаклларининг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатлари ҳамда бу муносабатларни юзага чиқарувчи воситалардир.

Синтаксис, бир томондан, сўз шаклларининг боғланиш қоидаларини, иккинчи томондан, таркибида бу қоидалар рўёбга чиқадиган бир бутунликни — гапни ўрганади. Англашиладики, морфологик бирлик бўлган сўзнинг шакли ҳам синтаксис учун аҳамиятлидир. Лекин фақат сўзнинг бошқа шакллари билан алоқаси ва синтактик бирлик ичида унинг бир қисми сифатида бажарадиган вазифаси нуктаи назаридангина синтактик қимматга эга бўлади.

Боғли нутқнинг ахборот ташувчи энг кичик бирлиги ва шундай бирликларнинг умумлашган намунаси гапдир. Демак, синтактик сатҳнинг асосий бирлиги ва синтаксиснинг асосий ўрганиш объекти гап ҳисобланади.

Гап бир бутунлик сифатида гап бўлакларидан ва сўз бўлакларидан ташкил топади. Демак, гапнинг ички тузилиш бирлиги гап бўлаклари ва сўз бирикмаларидир.

Гап бўлаги бутун бир гап мазмунини ифодалашда маълум мазмуний аҳамиятга эга бўлган бу вазифага мувофиқ грамматик шаклланган мустақил сўзлардан ифодаланади.

Сўз бирикмаси эса борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги маълум муносабатларни акс эттирувчи икки мустақил сўзнинг ўзаро грамматик ва мазмуний бирикувидан ташкил топади.

Шундай қилиб, гап ва сўз бирикмасининг ташкил этувчи энг кичик бирлик сўз ва сўз шакллари саналади. Морфологик бирлик бўлган сўз шакли синтактик бирлик ичида маълум вазифа бажаради, ҳақиқий ҳаётини унинг ичида топади. Бу эса синтаксис тил тизимининг морфо-логик сатҳи устида турадиган юқори грамматик сатҳ эканлигини кўрсатади.

Синтаксис лексика билан ҳам узвий боғлиқ. Синтактик категориялар ўзаро алоқада бўлган муайян вазият элементларининг вазифаларини ифодалайди. Маълум бир вазифа бажараётган вазият элементи муайян белгиларга эга бўлади ва бу белгилар шу элементнинг тилдаги моддий ифодаси бўлган лексик сўз маъносида акс этади, ўзаро синтактик муносабатга киришаётган синтактик бирликлар ўзларининг грамматик маънолари билангина эмас, балки лексик маънолари билан ҳам уйғунликни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам ўзаро бирикаётган сўзлар танлаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, курк сўзининг лексик маъносида товукча хос бўлган белги акс этади. Шунинг учун ҳам бу сўз барча предмет билдирувчи сўзлар билан эмас, балки фақат товук сўзи билангина боғланиш хусусиятига эга. Бу эса сўзларнинг ўзаро боғланиши шу сўзларнинг маъно тузилиши билан, уларнинг маъно тузиллишидаги муайян семалар уйғунлиги билан узвий боғлиқ эканлиги, сўз бирикмасининг лексика билан чамбарчас алоқадор эканлигини кўрсатади. Шу туфайли сўз бирикмаси синтаксисда сўзнинг семантик тузилиши ва унинг бўш ўринлари (валентлиги) катта аҳамият касб этади.

Синтаксис предмети юзасидан тилшунослиқда хилма-хил қарашлар мавжуд. Ўзбек тили синтаксисига доир барча адабиётларда синтаксиснинг икки бирлиги: сўз бирикмаси ва гап ҳақида фикр юритилади ва бу икки бирлик синтаксиснинг текшириш объекти эканлиги айтилади. Бундай қараш рус тилшунослиги таъсирида кириб келди. Рус тилшунослигида синтаксиснинг иккита ўрганиш объекти мавжуд эканлигини А.А.Шахматов баён қилган эди. Бу фикр В.В. Виноградов томонидан ривожлантирилди. В.В. Виноградов фикрига кўра, фақат сўз бирикмаси ва гапгина эмас, балки қўшма гап ҳам алоҳида синтактик бирлик сифатида тан олинади. Бу қарашга мувофиқ, синтаксис уч бирлик: сўз бирикмаси, гап ва қўшма гап ҳақидаги таълимотдир.

Қисмлари ўзаро синтактик алоқа билан боғланган сўз шаклларининг нопредикатив синтактик бирлиги — сўз бирикмаси; сўз шаклларининг бир неча синтактик алоқасидан ташкил топган предикатив синтактик бирлик - гап; қисмлари ўзаро синтактик муносабатга киришган гаплардан иборат бўлган синтактик бирлик қўшма гап саналади.

Ҳозирги кунда матн синтаксиси эътироф этилиши муносабати билан матн ҳам синтаксиснинг алоҳида ўрганиш объекти сифатида тан олинади. Шундай қилиб, мавжуд адабиётларда синтаксиснинг тўртта ўрганиш объекти кўрсатилади ва ўз навбатида, синтаксис ҳам ўрганиш объектига кўра тўртга ажратилади: 1) сўз бирикмаси синтаксиси; 2) гап синтаксиси; 3) қўшма гап синтаксиси; 4) матн синтаксиси.

Қўшма гапни гапга қарама-қарши кўйиш мумкин эмас. У гап доирасида гапнинг бир

тури сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Сўз бирикмасининг объектив тил бирлиги эканлиги масаласида тилшуносларнинг қараши бир хил эмас.

Бир гуруҳ тилшунослар сўз бирикмасига мустақил тил (нутқ) бирлиги сифатида қарайдилар. Жумладан, В.П. Малашенко ва Ю.П. Богачевлар сўз бирикмаси шу бирикмани ташкил этган ҳоким сўзнинг боғланиш имкониятининг (валентлик хусусиятининг) гап таркибида юзага чиқиши, деб қарайдилар ва шунинг учун ҳам сўз бирикмасини объектив тил бирлиги ҳисоблайдилар.

Уларнинг фикрича, ҳар қандай сўз бирикмалари нутқ жараёнида вужудга келади. Аммо бу семантик-синтактик бирлик маълум тилда гаплашувчилар онгида ўрнашган муайян андазалар асосида таркиб топади. Бу моделлар худди гап моделлари сингари нутқий реаллашувга қадар ҳам тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам эркин сўз бирикмаси коммуникациягача бўлган сатҳ бирлиги бўлиб, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилади. Сўз бирикмаси —бу сўз шакли билан бирга гап учун «қурилиш материали» ёки гапнинг кенгайиши сатҳида қурилиш бирлигидир<sup>1</sup>.

Бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса сўз бирикмасининг тил бирлиги, гап учун қурилиш материали эканлигини рад этадилар. Жумладан, Ю.Ф. Фоменко ўз фикрини исботлаш учун қуйидаги асосларни келтиради: 1) сўз бирикмаси коммуникатив вазифа ҳам, номинатив вазифа ҳам бажармайди. Биринчиси - гап, иккинчиси – сўзлар орқали ифодаланади; 2) сўз бирикмаси тушунчани эмас, тушунчалар бирикмасини ифодалайди. Агар биз сўз бирикмаси тушунча билдиради, деган фикрга қўшилсак, демек, сўз бирикмаси доирасида икки тушунчанинг бирикиш ҳодисаси рўй беради, деган фикрни тасдиқлаган бўламиз; 3) сўз бирикмаси «такрорланиш»-лик белгисига эга эмас. Тилга тайёр ҳолда олиб кирилмайди, балки нутқ жараёнида яратилади. Номинативлик, такрорланишлик фразеологизмларга хосдир. Шу белгилари билан фразеологизмлар сўз бирикмаларидан фарқ қилади; 4) тилнинг ҳар бир сатҳи учун бир тил бирлиги хос: фонологик сатҳ учун — фонема, лексик сатҳ учун— лексема ва бошқалар Синтактик сатҳ иккита бирликка эга бўлиб қолади. Агар сўз бирикмасини тил бирлиги, деб тан олинса, бошқа сатҳларда ҳам фонема бирикмаси, морфема бирикмаси каби бирликларни тил бирлиги деб тан олиш керак бўлади.

Ана шу асосларга кўра, у сўз бирикмаси тилнинг алоҳида бирлиги эмас, балки тил валентлигининг нутқий реаллашувидир, деган хулосага келади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, валентлик ва сўз бирикмаси ўзаро моҳият ва ҳодиса муносабатидир. Моҳият умумий, ҳодиса эса унинг аниқ кўринишлари саналади. Валентлик абстракт тафаккур сатҳида (моҳият), сўз бирикмаси эса жонли кузатиш сатҳида (ҳодиса) мавжуддир. Сўзларнинг маълум тил меъёрига хос боғланиш модели тил бирлиги, бу моделнинг лексик бирликлар билан тўлдирилиши, аниқ реаллашуви, ҳодисаларда намоён бўлиши нутқ бирлиги ҳисобланади. Демак, тил ва нутқ зидлиги сўз бирикмаларига ҳам хосдир<sup>3</sup>.

Гап бўлаклари сўз бирикмаси доирасида (иккинчи даражали бўлақларнинг нопредикатив боғланишда) ёки гап доирасида (бош бўлақларнинг предикатив боғлаишида) ўрганилади.

Англашиладики, синтаксиснинг ўрганиш объекти учта ва шунга мувофиқ, синтаксис ҳам уч турга бўлинади:

- 1) сўз бирикмаси синтаксиси;
- 2) гап синтаксиси;
- 3) матн синтаксиси.

## СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ УЧ ТОМОНИ

Анъанавий тилшунослик лисоний бирликларнинг фақат шаклий томондан ўрганишга эътиборни қаратади. Бундай қараш, айниқса, тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шаклдан иборат деб ҳисоблаш натижасида яна ҳам кучайди.

Тил ҳар бири ёпиқ тизим сифатида қараладиган катъий сатҳларга ажратилди. Лисоний бирликларнинг ўзи ифодаланаётган объектив борлиқ билан муносабати тадқиқотдан четда қолди. Кейинчалик тилни бундай ўрганиш бир ёклама эканлиги, шаклни маънодан узиб бўлмаслиги маълум бўлди. Натижада лисоний бирликларнинг маъно томонига эътибор кучайди.

Тилшуносликда мазмуний тадқиқотларнинг кучайиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, лисоний бирликларнинг шакл ва мазмуни томондан тавсифи ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Лисоний бирликларни контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишда катта имконият беради<sup>4</sup>. Бу эса лисоний бирликларнинг прагматик томонига қизиқишни кучайтиради.

Ахборотнинг тўғри тушунилиши учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари, тингловчининг олам ҳақидаги билими, жумла қўлланаётган ижтимоий ҳолат

ҳақидаги билими, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларини ҳам кўшиш керак бўлади. Ахборотни тушуниш жараёнида юқоридаги билимларнинг барчаси баробар хизмат қилади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина биз нуткий жараёнинг моҳиятини англашга яқинлашган бўламиз<sup>5</sup>. Ана шундай амалий эҳтиёж натижасида семантика ва прагматика вужудга келди. Лисоний бирликларнинг бу уч томонисиз алоқа воситаси бўлган тил ўзининг тўлиқ талқинини топа олмайди. Англаши-

<sup>1</sup> М а л а ш е н к о В. В., Б о г а ч е в Ю. П. Словосочетание и член предложения. ВЯ, 1987, № 0.

<sup>2</sup> Ф о м е н к о К. В. Является ли словосочетание единицей языка. ФН, 1975, № 6.

<sup>3</sup> Сўз валентлиги билан сўз бирикмасининг ўзаро боғлиқ ва фарқли томонлари ҳақида қаранг:

К у ч к о р т о е в И. Сўз валентлиги ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1973, 3- сон, 35<sup>1</sup> бет

<sup>4</sup> К и ф е р Ф. О. роли прагматики в лингвистическом описании. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI, М., 1985

<sup>5</sup> Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII, М., 1988 с 68

дики, синтактик бирликларнинг ҳам уч томони мавжуд: 1) синтактика; 2) семантика; 3) прагматика.

Синтактика лисоний бирликларшгаг шаклий муносабатларини, яъни лисоний белгилар ўртасидаги муносабатни ўрганади. Синтактика синтактик шакллар асосида иш кўради. Демак, синтактика анъанавий синтаксис— гап бўлаклари номи билан ўрганиладиган гапнинг синтактик тизимига таянади.

Синтактика мувофиқ, ҳар қандай синтактик бирлик нутқий жараёнда турли вариантларда намоён бўлувчи умумлашган моҳият сифатида талқин қилинади.

Семиотика асосчиларидан бўлган Ч.Моррис семиотикани учга бўлади: 1) семантика — белгининг борлиқ объекти билан муносабати ҳақидаги таълимот; 2) синтактика — белгининг белги билан муносабати ҳақидаги таълимот; 3) прагматика — белгининг сўзловчи билан муносабати ҳақидаги таълимот.

Англашиладики, мазмуний синтаксис онгда акс этган объектив реаллик элементларини, яъни пропозициянинг синтактик қурилмалар орқали қандай ифодаланганини ўрганади. Бошқача айтганда, мазмуний синтаксис қурилмаларнинг пропозиция томонини ўртнади.

Гап тузилиши, бу гап орқали ифодаланаётган борлиқ парчаси тузилиши билан солиштирилади. Синтаксиснинг асосии бирлиги гап инсон онгда акс этган борлиқдаги айрим воқеани, борлиқ парчасини ифодалайди: бола ўйнапти, олма гуллади. Гап бўлаги эса борлиқнинг онгда акс этган алоҳида элементларининг шу вазиятда қандай вазифа бажараётганлигини кўрсатади: талаба хонага кирди (талаба — ҳаракат субъектини, хонага — ҳаракат ўрнини, кирди — ҳаракатни ифодалайди). Сўз бирикмаси эса онгда акс этган борлиқ элементларининг ўзаро муносабатини ифодалайди: қизил гул, китобни ўқимок.

Лисоний бирликларнинг синтактика ва семантикаси бу бирликларнинг тўлиқ тавсифи учун камлик қилади. Синтактика ва семантикага прагматика қўшилгандагина, улар ўзининг ҳақиқий талқининг топади. Масалан: Ҳамма вақтини хушнуд ўтказмоқда жумласи орқали муайян шахслар ва уларнинг муайян замон ва макондаги ҳолати пропозицияси ифодаланган. Лекин жумла орқали ифодаланган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун бугина кифоя қилмайди. Бунинг учун сўзлашувчилар вақтини хушнуд ўтказаётган маълум гуруҳлар ҳақида ва бу гуруҳларнинг ҳолати рўй бераётган маълум макон ва замон ҳақида умумий билимга эга бўлишлари лозим бўлади. Чунки дунёдаги барча одамлар вақтини хушнуд ўтказиши мумкин эмас. Демак, юқоридаги жумла аниқ шахслар, аниқ макон ва замон билан боғланган бўлиши керак. Жумла орқали ифодаланаётган пропозициянинг нутқ вазияти билан ана шундай муносабатини ўрганиш жумланинг прагматика томонини ташкил қилади.

Прагматикага семантика масалаларини ўрганиш кучайган бир пайтда эътибор берилиши бежиз эмас. Чунки семантиканинг текшириш кўлами ғоят кенгайиб кетганлиги туфайли уни бир оз енгиллатишга, маънонинг контекст билан боғлиқ қиомидан халос қилишга тўғри келди. Натижада прагматика семантикадан ажралиб чиқади.

Нутқ вазияти билал контекст прагматик тадқиотларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам синтактик қурилма ифодалаган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлган жойда прагматикага эҳтиёж ортади. Бу куйидаги ҳолларда рўй беради:

1) жумла таркибиде сен, ҳатто, фақат, ҳозир сингари дескриптив бўлмаган («ичи бўш») сўзлар иштирок этганда.

Б.Расселнинг таъкидлашича, деокриптив сўзлар таҳлили семантика томонига, дескриптив бўлмаган сўзлар таҳлили эса прагматика томонига «тортади». Унинг кўрсатишича, кўк ёки чироқ сўзларини тўғри қўллаш учун энг муҳим нарса тилдан ташқаридаги объектни танлашда адашмаслик бўлса, сен, фақат, ҳатто сингари сўзларни тўғри қўллаш учун прагматик қуршов ҳақидаги маълумот ғоятда зарур бўлади;

2) жумла кишилар ўртасидаги алоқа жараёнида вужудга келади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирида шахснинг изи ўз ифодасини топади. Чунки «тил — борлиқнинг уйи» (М.Хайдеггер), унда инсониятнинг маънавий, руҳий олами акс этади<sup>2</sup>.

Жумла мазмунини сўзловчи билан узвий боғлаб турган сўзлар ҳам прагматиканинг тадқиқот объектидир. Бевосита модусни ифодаловчи киришлар, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар синтаксиснинг прагматика томони орқали ўрганилади;

3) инсоннинг субъектив руҳиятини акс эттирувчи дискурс ҳам прагматиксининг ўрганиш доирасига киради. Э.Бенвенистнинг фикрига кўра, сўзловчи ва тингловчига тақозо қилувчи ва сўзловчининг тингловчига қандайдир йўл билан таъсир қилиш мақсадини акс эттирувчи ҳар қандай жумла дискурс саналади<sup>3</sup>. Жумланинг ифода мақсадга кўра турлари, объектив мазмун билан ифодаланган шакл ўртасидаги муносабат, шакл ва мазмун ўртасидаги тенгсизлик ҳолатининг нутқдаги таъсири каби масалалар ҳам прагматикага киради;

4) «мен» ва «бошқалар» ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи нутқий одат (этикет), ҳурмат ифодалаш усуллари ҳам прагматиканинг ўрганиш соҳаси саналади;

5) прагматиканинг ўрганиш соҳаларидан энг муҳими тағбилим (пресуппозиция)дир. Масалан, Аҳмад келди жумласидан қандайдир шахснинг келганлиги бошқалар учун

маълум бўлса ҳам, лекин Аҳмаднинг қандай шахслиги, қаердан қаерга ва нима мақсадда келганлиги ҳақидаги

<sup>1</sup> Столнейкер Р. С. Прагматика. Новое в зарубежной лингвистике. Выш. XVI, М., 1986, с. 420.

<sup>2</sup> Қаранг: Новое в зарубежной лингвистике. Выш XVI М 1985, с. 23.

<sup>3</sup> А р у т ю н о в а Н. Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт: М., 1988, с. 3

ахборот қоронги бўлади. Сўзловчи ва тингловчининг олдиндан шундай маълумотга, умумий билиш манбаига эга бўлиши бевосита ифодаланадиган ахборотнинг сўзловчилар учун тушунарли бўлишини таъминлайди.



## СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАР

Синтактик бирликлар ҳам тил бирлиги сифатида тизим таркибида синтагматик ва парадигматик муносабатда бўлади.

### СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТ

Муайян синтактик бирликнинг бошқа синтактик бирлик билан кетмакет муносабати синтагматик муносабатни ҳосил қилади.

Синтактик бирлик тил тизмаси таркибида юқори сатҳ бирлиги сифатида шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган бир бутунлик экан, синтактик бирликлар ўртасида синтагматик муносабат ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлади: а) шаклий синтагматик муносабат; б) мазмуний синтагматик муносабат.

#### *Шаклий синтагматик муносабат*

Маълум синтактик шаклнинг (гаи бўлаги шаклининг) бошқа синтактик шакл билан кетмакет муносабати шаклий синтагматик муносабат саналади.

Анъанавий тилшуноликда «синтактик муносабат» ва «синтактик алоқа» терминлари фаркланади. «Синтактик муносабат» термини синтактик бирликлар ўртасидаги мазмуний синтагматик муносабатни, синтактик алоқа термини эса шаклий синтагматик муносабатнинг ифода томонини билдиради.


Ҳар қандай шаклий синтагматик муносабат маълум мазмуний синтагматик муносабатни ифода қилади ва бу икки муносабат бирлиги шакл ва мазмун диалектикасини акс эттиради. Масалан, эга ва кесимнинг шаклий муносабатидан ташкил топган мен келдим синтактик қурилмаси субъект ва предикатнинг мазмуний муносабатини ифода қилади.

Шаклий синтагматик муносабат икки хил бўлади: а) тенг муносабат (тенгланиш); б) тобе муносабат (тобеланиш).

Ўзаро тенг (бир хил) вазиятдаги синтактик шакллар муносабати тенг муносабат ҳисобланади.

Тенг муносабатдаги синтактик бирликлар кўпинча бир хил грамматик шаклда, бир хил синтактик вазиятда туради ва бир хил сўроққа жавоб бўлади. Ўзаро тенг боғловчилар, санаш оҳанги ва тенг боғловчи вазифасидаги бошқа воситалар ёрдамида боғланади. Масалан, Олимлар, фозиллар, шоирлар шаҳри. (У.)

Ўзаро тенг муносабатда бўлган синтактик шакллар бошқа бир умумий синтактик шакл билан тобе муносабатда бўлади. Масалан:



Айрим муаллифлар ўзаро тенг муносабатда бўлган синтактик бирликлар ўртасида шаклий боғлашнинг мавжудлигини инкор қиладилар.

А. М. Пешковский фикрича, Салим, Карим, Ҳалим келкшиди каби қурилмаларда Салим, Карим, Ҳалим бўлақлари битта келди бўлаги устидан ҳокимлик қилиш туфайли ўзаро боғланади. Аслида эса уюшиқ бўлақлар ўртасида шаклий боғланиш йўқ, улар биргаликда келди бўлаги билан алоқага киришади.

Т.П. Ломтев уюшиқ бўлақлар ўртасида мазмуний муносабат мавжудлигини эътироф этади. Унинг таъкидлашича, уюшиқ бўлақлар ўртасида шаклий муносабатнинг йўқлиги бу сўзлар орқали ифодаланган предметлар ўртасида муносабатнинг йўқлигини билдирмайди. Предметлар ўртасида муносабат бор: бу муносабат уюшиқ бўлақлар орқали ифодаланган предметларнинг бир хил ҳолатдаги муносабатидир. Уюшиқлик муносабати ифодаланмиш муносабатини акс эттирганлиги туфайли унга сўз шакллари ўртасидаги алоқа тури сифатида қаралиши мумкин эмас<sup>1</sup>. Лекин уюшиқ бўлақлар бир хил вазиятдаги синтактик бирликларнинг шаклий жиҳатдан маълум боғловчи воситалар (тенг боғловчилар ва санаш оҳанги) ёрдамида боғланиши бўлганлиги сабабли, улар ўртасидаги шаклий синтагматик муносабатни инкор қилиб бўлмайди.

Бири тобе, икинчиси ҳоким вазиятдаги синтактик шакллар муносабати тобе муносабат ҳисобланади. Бундай муносабатда тобе вазиятдаги синтактик шакл ҳоким вазиятдаги синтактик шаклнинг «бўш ўринлари»ни тўлдирди, унинг шаклий ва мазмуний валентликларини рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай муносабат доимо икки қисмдан — тобе ва ҳоким қисмдан иборат бўлади, Масалан, мовий осмон.

Шаклий синтагматик муносабат маълум боғловчи воситалар ёрдамида рўёбга чиқади. Бундай воситалар анъанага кўра синтактик алоқа воситалари ҳисобланади.

Ўзбек тилининг қонунқоидалари асосида маълум бир сўз ёки сўзлар гуруҳини боғли нутқнинг мустақил (соғда, қўшма гаплар ва матн) ва номустақил (гап бўлаги ва сўз бирикмаси) хусусиятга эга бўлган бирлиги сифатида шакллантирувчи ва уларни

боғловчи воситалар синтактик алоқа воситалари саналади. Улар қуйдагилардан иборат: а) келишиқ, эгалиқ шакллари; б) ёрдамчи сўзлар; в) айрим ҳолатларда мустақил сўзлар, асосан, олмошлар; г) гап ва матнда гап бўлақларининг ёки бошқа қисмларнинг тартиби; д) оҳанг.

Ломтев Т. П. Структура предложения в современном рус-ском языке. М., 1979, с. 51.

**Сўз шакли.** Сўзларнинг ўзгариш парадигмасидаги сўз; ўзгартирувчи воситалар (келишиқ ва эгалиқ шакллари) боғли нутқда мустақил сўзларни ўзаро синтактик алоқа киритувчи воситалар саналади. Ўзгариш парадигмасидан синтактик алоқа характериға мувофиқ келадиган аниқ бир шаклини қўллаш ёрдамидагина мақсадимизта мос маънони бера оламиз ва гапни грамматик жиҳатдан ўзбек адабий тили меъёриға мувофиқ равишда тўғри қўллаш оламиз. Солиштиринг: Акамға **китоб олдим** — Акамдан китоб олдим. Акам сўзининг **келишиқ парадигмасидан** (акам, акамнинг, акамни, акамға, акамда, акамдан) мақсадимизта мувофиқ биттасини танлашимиз маъно фарқлаш учун хизмат қилади. Биринчисида мақсад китобни ким учун олганлигини ифодалаш бўлганлиги учун **ака** сўзининг келишиқ парадигмасидан аташ семасиға эға бўлган жўналиш шаклини, иккинчисида эса мақсад китобни кимдан олганлигининг ифодаси булганлиги учун келишиқ парадигмасидан чиқиш семасиға эға бўлган чиқиш келишиги шаклини танлаган. Ёки узум сўзининг келишиқ парадигмасидан (узум, узумнинг, узумни, узумға, узумда, узумдан) сўзловчи ўз мақсадиға мувофиқ равишда биттасини танлайди. Солиштиринг: **узум е** (умуман узум), **узумни е** (аниқ, олдидаги, маълум бир навдаги узум), **узумдан е** (ҳаммасини эмас, унинг бир қисмини).

Сўз ўзгариш парадигмасидан **ўзимизға** зарур бир шаклини танлашимиз сўзларнинг ўзаро боғланиш қоиунқоидасиға мувофиқ (бошқарув, мослашув ёки битишув) амалға оширилади.

Ёрдамчи сўзлар. Ёрдамчи сўзлар боғли нутқда гап бўлақлари ва гапларни грамматик алоқаға киритувчи воситалар ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда барча турдаги ёрдамчи сўзларнинг хизмати бир хил эмас.

**1. Кўмакчилар.** Кўмакчилар ҳам худди сўз ўзгартирувчи шакллар каби гап бўлақларини ва қўшма гап қисмларини синтактик алоқаға киритувчи восита вазифасини бажаради. Бу воситалар от ёки от ўрнида алмашилиб келган олмошларни бошқа сўзлар билан (асосан феъллар билан) боғлаб келади. Масалан: **Она ўғлининг с ў з и б и л а н о в у н д и . ( П . Т . )** В а т а н у ч у н **т ў к к а н и й ў к м и б и р қ о ш и қ қ о н и н г . ( Ҳ . О . )**

Айрим ҳолларда кўмакчилар келишиқ шакллари билан алмашилиши мумкин. Солиштиринг: **Она ўғлининг с ў з и б и л а н о в у н д и // Она ўғлининг с ў з и д а н о в у н д и .** Пахтани машина б и л а н **тердик // Пахтани м а - ш и н а д а тердик .** Акам м а к т а б т о м о н к е т д и // Акам м а к т а б га к е т д и . Ёки келишиқ шакли билан бирға келиши мумкин. Масалан: Акам м а к т а б га қ а р а б (томон) **кетди**.

Шунинг учун ҳам сўзларнинг келишиши (мактабга), кўмакчили (мактаб томон) ва келишикли -кўмакчили (мактабга томон) шакллари шу сўзларнинг синтактик шакллари саналади. Бу синтактик шакллар ўртасида маълум мазмуний фарқланишлар бор. Қўи ҳолларда келишиқлари шакл билан кўмакчили шакл бир-биридан аниқлик-ноаниқлик белгисиға кўра фарқланади. Синтактик (келишикли) шакл кўпинча аниқлик, аналитик (кўмакчили) ва синтетик-аналитик (келишикли-кўмакчили) синтактик шакллар эса ноаниқлик белгисиға эға бўлади. Солиштиринг: **мактабга кетди** (йўналиш нуқтаси аниқ — мактаб), **мактаб томон кетди// мактабга томон кетди** (йўналиш нуқтаси аниқ эмас).

**2. Боғловчилар.** Боғловчилар содда гап қисмларини, қўшма гап компонентларини ва матн таркибидаги гапларни ўзаро грамматик ва мазмуний алоқаға киритиш учун хизмат қилади. Масалан: **Сўйлаб берай** Зайнаб в а О м о н **Севгисидан бир янги дoston. ( Ҳ . О . )**

**3. Юкламалар.** Кўмакчи ва боғловчининг вазифасиға Қараганда юкламаларнинг синтактик вазифаси мураккаб ва хилма-хилдир. Биринчидан, содда гап таркибида гап бўлақларининг синтактик алоқаға киришида тенг боғловчилар каби хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тенг боғловчи ўрнида юкламани қўллаш мумкин бўлади. Масалан: **Бир севги ким жон берур танға** **Ҳам Зайнабу Омонларға хос. ( Ҳ . О . )** **Зайнаб ва Омонларға хос.** Солиштиринг: **Келди ва кетди // келдида, кетди // келдию кетди.** Фақат боғловчи ва юклама ўртасида нозик мазмуний фарқ бор. Уюшиқ феъл кесимлар юкламалар ёрдамида боғланганда, ҳаракат тезлиги семаси ҳам ифодаланади.

Айрим юкламалар уюшиқ бўлақларнинг ва уюшиқ гапларнинг синтактик алоқаға киришувида маълум даражада хизмат қилиш билан бирға, уюшаётган бўлақларға таъкид маъносини (**ҳам** юкламаси) ва бутун гапға инкор маъносини (**на .... на ...**) юклайди. Масалан: **На хотин, на фарзанд кўр(ма)ган бир йигит. ( У . ) // Хотин ҳам, фарзанд ҳам кўрмаган бир йигит.**

Иккинчидан, юкламалар эргаш гапли қўшма гаплар таркибида эргаш гапларни бош гапға боғлаб келади. Масалан: **Билки,** жангда билинади мард йигитнинг сараси. **( Ҳ . О . )**

Юкламалар матннинг алоҳида гапларини боғлаб келади ва матн ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Масалан: **На кўкнинг фонари ўчмасдан, на юлдуз сайр этиб кўчмасдан...** (У.)

Юқоридаги гапнинг биринчи компонентида **на** юкламасишишг ишлатилиши худди шу юклама билан бошланувчи кейинги компонентнинг ҳам келишини тақозо этади. Кейинги компонент ифодаланмаса, биринчи компонент нисбий тугал маъно англатмайди, синсемантик хусусиятга эга бўлади. Автосемантиклик бутун бир матнга хос бўлади. Матн қисмларини боғлашда оҳанг асосиш, инкор юкламаси эса қўшимча роль ўйнайди.

Юкламалар матн қисмларини боғлашда хизмат қилиш билан бирга, гапга эмоционал-экспрессив ва модал маънолар ҳам юклайди. Масалан: **Нахотки денгизлар чаппа айланиб, нахотки дарёлар оқар тескари.** (F.F.)

4. **Олмошлар.** Олмошлар эргаш гапларнинг бош гапга боғланишида ва матн қисмларининг ўзаро боғланишида хизмат қилади. Масалан: Толеим шулки, Ватанда бир гулистон танладим. (Х.О.) Бу гапда эргаш гапни бош гапга боғлашда -ки юкламаси иштирок этиши билан бирга, олмош мазмуний «пуч» сўз бўлганлиги учун кейинги гап «пуч» сўзнинг маъносини изоҳлаш, уни «тўлдириш» учун хизмат қилмоқда. Демак, олмош асосида икки гап боғланади.

Олмош матн ҳосил қилиш вазифасини ҳам бажаради. Бу вақтда матннинг биринчи қисмида қатнашган от, си-фат, сон ўрнида кейинги гапда олмош алмашиниб келади ва бу алмашиниш матн қисмларини бир бутунлик ичида бирлаштиришга хизмат қилади. Масалан: Бу эрининг яқин ўртоғи Тўланбой исмли киши эди. У қиз танлаб-танлаб ёшини ўтказиб қўйган, охири қирқни қоралаб қолганда уйланган, ўзи кичиккина, ҳар гапига мақол ёки матал қўшиб гапирадиган сўзамол киши эди. У қирган давра бирдан яшнаб кетар, тўйхашамларда у бўлмаса, ўрни йўқланиб туради. У ўзини катта олмасди. (СЛ.)

Бу микроматндаги гапларнинг синтактик алоқаси биринчи гап таркибида келган атоқли от Тўланбойнинг кейиниш гапларда **III** шахс кишилиқ олмоши билан алмашиниши оркали юзага чиқади.

Бошқа мустақил сўзлар, одатда, махсус грамматик восита вазифасини бажармайди. Шундай бўлишига қарамасдан, улар ҳам маълум даражада гапнинг грамматик шаклланишида хизмат қилади. Айрим мустақил сўзларнинг лексик маъноси гапда қўлланилиши мумкин бўлган барча сўзларнинг мазмуний ва грамматик алоқалари ҳақидаги, айрим сўзларнинг мазмуний вазифа имконияти ҳақидаги, бошқа сўзлар билан боғлаиш имконияти ҳақидаги дастлабки ахборотни ташийди. Масалан: келди сўзи қуйидаги саволларга жавоб бўлиб келувчи сўзлар билан бирика оладиган бўш ўринларга эга: келди — ким?, қачон?, қаердан?, нимада?, нима учун?, қаерга? Демак, бу феъл олти валентликка, бўш ўринга эга.

Гап таркибида бошқа сўзларни эргаштирувчи грамматик ва мазмуний марказ предикат саналади. Унинг бўш ўринларини тўлдирувчи, у билан қандайдир муносабатда бўлган сўзлар предмет аргументлари ҳисобланади. Кўринадики, предмет барча аргументларни уюштириб боғлаб келади.

5. Гап бўлақларининг тартиби. Ўзбек тили морфологик жиҳатдан агглютинатив тилларга қирганлиги ва кўп ҳолларда сўз шакллари унинг синтактик ўринларини ҳам тайинлаб турганлиги туфайли гап бўлақларининг тартиби аморф тилларига нисбатан анча эркин. Гап бўлақлари тартибининг ўзгариши кўпича бу бўлақларнинг синтактик ўрнини ва гапнинг умумий мазмунини ўзгартирмайди. Масалан: Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Х.О.) Бир туп ўрик деразамнинг олдида оппоқ бўлиб гуллади. // Бир туп ўрик оппоқ бўлиб деразамнинг олдида гуллади. // Гуллади бир туп ўрик оппоқ бўлиб деразамнинг олдида.

Лекин бу ҳолат гап бўлақларининг тартиби маълум бир меъёрга бўйсунмайди, дегани эмас. Ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) сўз бирикмалари қисмлари тартибининг грамматик меъёрини кўрсатиш; 2) гап (жумла)нинг коммуникатив мақсадига кўра у ёки бу бўлақнинг аҳамиятлилигини кўрсатиш; 3) нутқнинг услубий хусусиятини акс эттириш ва бошқалар. (Бу хусусиятлар ҳақида «Гап бўлақларининг тартиби» мавзусига қаранг.) Шундай қилиб, гап бўлақларининг тартиби маълум грамматик, услубий вазифа бажаради.

6. Оҳанг. Гапнинг грамматик шаклланишида оҳанг воситаларининг иштироки зарурийдир. Чунки оҳанг гапнинг зарурий белгиларидан бири ҳисобланади. Гапнинг мелодикаси турли хилдаги ахборотларни ифодалаш хусусиятига эга: гапларнинг дарак, сўроқ, буйруқ турларини; эмоционалликка кўра турини ажратишда Поезд келди (эмоционалсиз) // Поезд келди! (эмоционалли); сўз ва гапларни фарқлашда (баҳор — сўз, Баҳор — гап); турли пичинг, кесатик, ишончсизлик, тахмин каби модал маънолар ифодасида (Пичокни шу Холмат урадимми? // Пичокни шу Холмат урадимми?!) ва бошқалар.

Шундай қилиб, боғли нутқда гапни шакллантиришда хилма-хил воситалар иштирок этади. Жумладан, синтактик (гап бўлақларининг таркиби, ёрдамчи сўзлар), лексик

(мустақил сўзлар), морфологик (мустақил сўзларнинг морфологик шакли), фонетик (оҳанг) воситалар. Буларнинг кўпчилиги (морфологик воситалардан ташқари барча воситалар) барча тиллар учун характерли бўлиб, универсал хусусиятга эгадир.

### *Мазмуний синтагматик муносабат*

Синтактик бирликлар фақат шаклий жиҳатдан эмас, балки мазмуний жиҳатдан ҳам ўзаро боғланади. Икки синтактик шаклнинг бир-бири билан тўғри боғланиши учун фақат шаклий боғланишнинг тўғришиги кифоя қилмайди. Масалан, емоқ феъли ўтимлилик хусусий грамматик маъносига эга бўлганлиги туфайли шаклий жиҳатдан тушум келишигидаги отни бошқариб келади. Демак, тобе қисмининг тушум келишишида келишини талаб қилади. Ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг ўтимли феъл билан грамматик борланиши шаклий жиҳатда тўғри. Масалан, тошни емоқ. Лекин ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг емоқ ҳоким бўлагига боғланаверишига мазмун йўл қўймайди.

Тушум келишигидаги тобе қисм билан ҳоким қисм тўғри боғланиши учун мазмуний мосликка ҳам эга бўлиши керак. Тобе ва ҳоким қисм ҳар иккисидан такрорланадиган умумий семага эга бўлиши керак. Ана шу умумий сема тобе ва ҳоким қисмларнинг мазмуний боғланиши учун асос бўлади. Масалан, емоқ феъли фақат емига мазмуний майдонига кирувчи сўзлар билаи боғлана олади (**гўшт, ош, олма, гилос** ва бошқалар).

Мазмуний бирликларнинг кетма-кет муносабати мазмуний синтагматик муносабатни ҳосил қилади. Синтактик бирликларнинг мазмуний муносабати киши онгида акс этган моддий дунёдаги элементларнинг ўзаро муносабатидир. Масалан, предмет ва унинг белгиси (таъми— мазаси, хусусияти, ранги, миқдори ва бошқалар) ўртасидаги муносабат, ҳаракат ва унинг белгиси (тарзи, сабаби, ўрни, пайти ва шу кабилар) ўртасидаги муносабат, ҳаракат ва унинг субъекти ўртасидаги муносабат, ҳаракат ва унинг объекти ўртасидаги муносабат ва бошқалар.

Шунга мувофиқ, синтактик бирликлар ўртасидаги мазмуний синтагматик муносабатни ҳам қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) субъект ва предикат муносабати ёки предикатив ва субъектли муносабат;
- 2) белги ва предмет ўртасидаги муносабат ёки атрибутив муносабат;
- 3) белги билан ҳаракат ўртасидаги муносабат ёки релятив муносабат;
- 4) предмет (объект) ва ҳаракат ўртасидаги муносабат ёки объектли муносабат.

**Атрибутив муносабат** белги + предмет семантик моделидаги сўз бирикмаси учун хосдир (қизил калам, учта дафтар), **шоир Абдулла Орипов** типидagi оппозитив муносабат ҳам атрибутив муносабатнинг бир тури сифатида қаралади.

**Объектли муносабат** объект + ҳаракат, предмет -б белги (компаратив бирикмаларда: **Каримдан катта, Каримдан кучли** ва бошқалар) семантик моделидаги сўз бирикмаларида ифодаланади.

**Релятив муносабатни** ифодаловчи сўз бирикмалари бир қанча семантик моделларга эга:

1) ҳаракат + унинг сифат ёки миқдор тавсифи (**тез юрмоқ, кўп ўқимоқ**); 2) ҳаракат + унинг юзага чиқиш ўрни (**Москвадан келмоқ, Москвада ишламоқ**); 3) ҳаракат ёки белги + унинг юзага чиқиш пайти **тонгда турмоқ, доимо қувноқ**); 4) ҳаракат ёки белги + унинг юзага чиқиш сабаби (касаллиги **учун келолмади ёки касаллигидан келолмади, тадбиркорлиги учун ҳурматли**); 5) ҳаракат + унинг юзага чиқиш мақсади (**дам олиш учун борди**) ва бошқалар.

**Субъектли муносабат** субъект ва унинг ҳаракати муносабатидир. Бу муносабат икки хил шаклий синтактик муносабат орқали ифодаланади. Бирида эга ва кесимнинг **мослашув** йўли билан боғланиши орқали ифодалайди. Масалан, **Ҳадима куйлади**. Иккинчисида эса субъектни билдирувчи қисм қаратқич аниқловчи шаклида, қаратувчи предикатни билдирувчи қисм эса эгалик шаклида қаралмиш вазиятида келади. Демак, қаратувчи ва қаралмишнинг **мувофиқлашув** алоқаси орқали ифодаланади.

Англашиладики, субъектли муносабат борлиқдаги маълум пропозицияни акс эттиради **ва** тилнинг икки хил бирлиги орқали ифодаланади: а) гап орқали (эга — кесим орқали), б) сўз: бирикмаси (қаратувчи — қаралмиш алоқаси) орқали.

Сўз бирикмаси сатҳида субъектли муносабатни атрибутив муносабатдан алоҳида олинишига сабаб шуки, бу муносабат предикатив муносабат билан ассоциатив боғланган. **Ҳар** икки муносабат ҳам бир пропозицияни ифодалайди. Улар ўртасидаги фарқ шу пропозициянинг қандай ифодаланишидир.

Субъектли муносабатнинг бу икки туржани икки сатҳ бирлиги сифатида фарқлаш учун эга-кесим муносабати орқали ифодаланган субъектли муносабатни **предикатив**, қаратувчи-қаралмиш муносабати орқали ифодаланган субъектли муносабатни **мувофиқлашув** муносабати терминлари билан номлаш мумкин.

Булардан ташқари, ундолма ва киришлар орқалк ифодаланадиган мазмуний муносабат тури ҳам борки. Бу мазмуний муносабат юқоридаги мазмуний

муносабатлардан маълум фаркли хусусиятларга эга.

Атрибутив, релятив, объектли ва бошқа мазмуний муносабатлар гапнинг синтактик тузилиши орқали ифодаланган диктум (гфопозиция)нинг икки бирлиги ўртасидаги муносабат бўлса, иккинчи типдаги муносабат гапнинг синтактик тузилиши орқали ифодаланган диктум билан сўзловчи ўртасидаги муносабат, бошқача айтганда, диктум ва моддо муносабатидир.

Биринчи типдаги муносабат объектив муносабат бўлса, иккинчи типдаги муносабат субъектив муносабатдир. Биринчи типдаги муносабат гап (жумла) диктумига кирса, иккинчи типдаги муносабат оид бўлади.

Биринчи типдаги муносабат ўзининг шаклий боғловчи воситаларига ва боғланиш усулига (мослашув, бошқарув, битишув) эга бўлса, иккинчи. тури бундай хусусиятга эга эмас.

Иккинчи типдаги муносабатни гап (жумла) диктумига қандай маъно юклашига кўра икки турга ажратиш мумкин:

а) вокатив муносабат: ундалма орқали ифодаланган предметнинг (тингловчининг) гап (жумла) орқали ифодаланган диктум билан муносабати;

б) модал муносабат: гап (жумла) орқали ифодаланган диктум билан сўзловчининг муносабати.

### ТОБЕЛИКНИНГ ЙЎНАЛИШИГА КЎРА СИНТАКТИК АЛОҚА ТУРЛАРИ

Синтактик алоқа йўналишига кўра иккига бўлинади: а) икки томонлама алоқа (координация), б) бир томонлама алоқа (субординация).

#### ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚА (КООРДИНАЦИЯ)

Икки томонлама алоқада икки синтактик шакл ўзаро икки томонлама — ҳам чапдан ўнгга қараб, ҳам ўнгдан чапга қараб боғланади. Ҳар икки синтактик шакл боғвчи восита олади. Бундай алоқада синтактик шаклнинг биринчи ҳоким, иккинчисини тобе деб бўлмайди. Тобела-нишнинг бир йўналишида ҳоким қисм, бошқа йўналишида тобе вазиятни эгаллайди. Масалан, менгшг қаламим типдаги қаратқич ва қаралмиш алоқасида қаратувчи қаратқич келишиги, қаралмиш эса қаратувчининг шаклига мувофиқ равшда I шахс эгалик кўшимчасини олиб, Узаро боғланади. Бундай боғланишда, бир томондан, қаратувчи қаралмишнинг ўзига мос эгалик шаклларида бирида келишини, иккинчи томондан, қаратувчини қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб, айрим муаллифлар бундай алоқани тенг алоқадан ҳам, тобе алоқадан ҳам фарқлаган ҳолда алоқидан алоқа тури сифатида ажратилган маъ-кул кўрадилар<sup>1</sup>. Синтактик алоқанинг бу тури учун турли хил терминларни тавсия қиладилар: тобедош алоқа<sup>2</sup>, муносабатдорлашиш<sup>3</sup> в бошқалар.

Дарҳақиқат, қаратувчи — қаралмиш алоқаси тобеланишнинг бир томонлама йўналишига асосланган тобе алоқадан — субординациядан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бундай алоқани тобе алоқадан фарқлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биз бу алоқани мувофиқлашув (координация) термини билан номлашни маъқул кўраемиз.

#### БИР ТОМОНЛАМА АЛОҚА (СУБОРДИНАЦИЯ)

Бир томонлама алоқада тобеланиш йўналиши биртомонлама бўлади: тобеланиш ё чапдан ўнгга қараб йўналади (иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлақ билан алоқаси), ё ўнгдан чапга қараб йўналади (бош бўлақларнинг ўзаро алоқаси). Тобе қисм тобелаштирувчи восита ёрдамида ҳоким қисмга боғланади. Масалан, китобни ўқи, овқатдан ол, мен келдим ва бошқалар.

Бундай алоқанинг икки турини фарқлаш оғозим бўлади: а) бир томонлама боғли алоқа; б) бир томонлама эркин алоқа.

#### БОҒЛИ АЛОҚА

Тобе қисмнинг қандай шаклда келиши ҳоким қисмга боғлиқ бўлган алоқа боғли алоқа саналади. Тобе қисм ҳоким қисм талаб этган шаклда келади. Тобе қисм қайси шаклда келиши ҳоким қисм томондан белгиланади. Масалан, китобни ўқи бирикмасида тобе қисм ўтимли феълдан ифодаланган ҳоким қисм талабига мувофиқ тушум келишигида келади.

Боғли алоқа уч турга бўлинади: а) мослашув, б) бош-қарув, в) битишув.

## Мослашув

Тобе қисм ўз шаклини ҳоким қисм шаклига мувофиқлаштириши мослашув еаналади. Ҳоким сўзнинг шакли ўзгариши билан тобе қисмнинг шакли ҳам ўзгаради. Демак, ҳоким қисм шаклининг ўзгариши тобе қисмнинг ўзгаришига таъсир қилади. Ана шу хусусияти билан бу алоқа бошқарувдан фарқ қилади (бошқарув алоқасига қаранг).

Кесим эга билан мослашув йўли билан бошанади. **Мен** келдим қурилмасида эга (мен) кесим (келдим) билан шахс ва сонда мослашган.

Ҳозирги ўзбек тилида эга билан кесим шахсда мослашса **ҳам**, сонда доимо мослашиши шарт эмас. Эга III шахсдаги шахс билдирувчи отлардан ифодаланганда кесим икки вариантда — бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, талабалар тўпланадилар, талабалар тўпланишди, талабалар тўпланди.

Эга III шахсдаги шахс билдирмайдиган отлардан ифодаланганда, эга билан кесим ўртасида сонда умуман мослик бўлмайди. Масалан, қушлар сайрайдилар эмас, р сайрайди; еллар эсадилар эмас, еллар эсади.

Эга билан кесимнинг мослашиш қамровига кўра мослашув иккига бўлинади: а) тўлик мослашув, б) қисман мослашув.

Эга билан кесимнинг ҳам шахсда, ҳам оонда мослиги тўлиқ мослашув саналади. Масалан, биз қаздик.

Эга билан кесимнинг фақат шахсда мослиги қисман мослашув ҳисобланади. Масалан, - пахталар очилди.

<sup>1</sup> Р а с у л о в И. Сўз бирикмаси масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти. 1978, 2-сон. 37-бет; М а м е д о в Х., Б е р д и а л и е в

А. Сўз бирикмаларида мослашув ходисаси борми? — Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 3-сон; У з б е к т и л и г р а м м а т и к а с и. II қисм, Тошкент, 1976, 16-бет.

<sup>2</sup> У з б е к т и л и г р а м м а т и к а с и. II қисм, ўша бет.

<sup>3</sup> Р а с у л о в И. Уша мақола, 38-бет.

## Бошқарув

Ҳоким қисм талаби билан тобе қисмнинг маълум шаклда келиши бошқарув ҳисобланади. Масалан, тобе вазиятдаги **қалам сўзи** ҳоким вазиятдаги ёзмоқ сўзи талаби билан ўрин-пайт келишиги ёки ёрдамчи сўз ёрдамида боғланади: 1) қаламда ёзмоқ; 2) қалам билан ёзмоқ.

Ҳоким қисм бошқарувчи, тобе қисм бошқарилувчи саналади. Тобе қисмни ҳоким қисмга боғловчи восита тобе қисмда — бошқарилувчида бўлади. Шунинг учун тобе қисмнинг қайси шаклда эканлиги бошқарув учун аҳамиятли бўлса ҳам, ҳоким қисмнинг қандай шаклда бў-лишининг бу алоқа учун аҳамияти бўлмайди. Ана шу ху сусияти билан бошқарув алоқаси мослашувдан фарқ қилади (солиштиринг: мослашув).

Бошқарув алоқасида тобе қисм ҳоким қисмнинг синтактик ва мазмуний валентлигини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳоким қисмнинг қандай сўздан ифодаланиши ҳам бундай алоқа учун катта аҳамиятга эга.

Бошқарувчи сифатида энг кенг қўлланилган сўз туркуми феълдир. Шу билан бирга, от, сифат, сон, равишлар ҳам баъзан бошқарувчи бўлиб келиши мумкин, Шунинг учун ҳам бошқарувчининг қандай сўз туркумидан ифодаланишига кўра бошқарув иккига бўлинади:

1) феъл бошқаруви, 2) от бошқаруви.

Ҳоким қисм феъл ва унинг функционал шакллари билан ифодаланган бошқарув алоқаси феъл бошқаруви саналади: уйни кўрмоқ, уйдан чиқмоқ.

Ҳоким қисм феълдан бошқа сўз туркумларидан: от, сифат, сон, равишдан ифодаланган бошқарув алоқаси от бошқаруви ҳисобланади: девдан кучли, шамолдан тез.

Бошқарув алоқасини юзага чиқарувчи воситага кўра бошқарув иккига бўлинади: 1) келишикли бошқарув,

2) кўмакчили бошқарув.

Тобе қисмнинг ҳоким қисмга келишик шакллари орқали боғланиши келишикли бошқарув саналади: сенга олдим, темирдан қаттиқ.

Тобе қисмининг ҳоким қисмга кўмакчилар ёрдамида боғланиши кўмакчили бошқарув ҳисобланади: мактаб томон кетди, ариқ бўйлаб юрди.

Баъзан тобе қисм ҳоким қисмга келишик шакли билан бирга, кўмакчи ёрдами билан ҳам боғланиши мумкин. Бундай тқкита воситали бошқарув келишикли-кўмакчили бошқарув саналади: мактабга томон кетди - мактаб томонга кетди.

Шунга кўра, бундай алоқани вариантли ва вариантли бўлмаган алоқага бўлиш мумкин. Вариантли **бўлмаган** алоқада тобе қисм **ҳоким** қисм **талаби** билан фақат бир шаклга эга бўлади: уйдан чиқмоқ, Каримни кўрмоқ.

Вариантли алоқада эса тобе қисм ҳоким қисмга бир неча шаклда боғланади: узум

емоқ — узумдан емоқ мактабга кетмоқ — мактаб томон кетмоқ — мактаб томонга кетмоқ вариантларишг ҳар бири ўзаро умумийлик-хусусийлик, аниқлик-ноаниқлик маънолари билан фарқ қилади.

### Битишув

Тобе қисмнинг ҳоким қисмга сўз тартиби ва оҳанг ёрдами билан боғланиши битишув саналади: катта бино\* тез юрмоқ, ўнта бола.

Даврлар ўтиши билан келишик шакли ўз вазифасини йўқотиб, сўз таркибида «қотиб» қолиши мумкин. Бу ҳолларда келишик шакллари тобе қисмни ҳоким қисмга боғловчи восита бўлиб келмайди. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар бошқарув алоқасини эмас, балки битишув алоқасини ҳосил қилади: тезда келди, юракдан сўзлади.

Бу сўзларда келишик шаклининг ўз вазифасини йўқотиб, қотиб қолганлиги сўроғидан ҳам билиниб туради, бу сўзлар келишикли сўроқни талаб қилмайди: тезда (қачон?) кшга тушди, юракдан (қандай?) сўзлади каби. Ўз вазифасидаги келишик шаклини олган сўзлар эса шундай келишикдаги сўроққа жавоб бўлади: одмадан (кимадан?) олди, китобни (нимани?) ўқиди, дўстидан (кимдан?) эшитилди.

### ЭРКИН АЛОҚА

Боғли алоқада тобе қисм ҳоким қисмнинг валентли-гини юзага чиқариш учун хизмат қилса, у билан чамбарчас боғлиқ бўлса, эркин алоқада тобе қисм ҳоким қисмнинг валентлигини юзага чиқармайди. Тобе қисмнинг қайси шаклда келиши ҳоким қисмга боғлиқ бўлмайди. Масалан, Заводда ишчи. Синфимизда аълочи.

Эркин алоқа боғли алоқа таркибига кирувчи бошқарувга ўхшайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида бундай типдаги бирикмалар бошқарув алоқаси сифатида — от бошқаруви номи остида ўрганиб келинди.

Лекин эркин алоқага кирувчи унсурлар бошқарув унсурларидан муҳим белгиси билан фарқ қилади.

Бошқарув алоқасининг юзага чиқишида ҳоким қисмнинг мазмуний-грамматик хусусияти, унинг категориал белгиси асосий (роль ўйнайди. Ҳоким қисмнинг категориал хусусияти тобе қисмнинг шаклини ҳамда унинг ҳоким қисм билан боғланиш характерини олдиндан белгилайди.<sup>1</sup> Масалан, Машинада келдим қурилмасида тобе қисмнинг (машинада) восита келишигида келиши ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси (фёъл категориясига мансублиги) ва хусусий категориал маъноси (ўтимсизлик, нисбат ва ҳок.) билан олдиндан белгиланган.

Эркин алоқада ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси ҳам, хусусий грамматик маъноси ҳам тобе қисмни бошқарув шаклида келишини талаб этмайди. Раҳмат (ёрдамизга раҳмат), **совға** (болаларга совға, болалардан совға, болаларда совға), **хат** (акамдап хат, акамга хат, акамда хат) каби сўзлар ўзлари учун изчил бир шаклни талаб этмайди. Бундай сўзларнинг жўналиш, ўрин, чиқиш келишикларидаги сўхлар билан эркин боғланавериши уларшг муайян келишик шаклидаги сўзларни бошқаришини эмас, балки бу шаклларга нисбатан бетарафлигини кўрсатади.<sup>2</sup>

Аслида бундай типдаги бирикмаларнинг бир гуруҳи бошқарувчи фёълнинг тушиб қолиши натижасида икки бирикманинг қисқариб, бир бирикма холига келиб қолишидан, ўзига хос кантаминация ҳодисасининг рўй беришидан вужудга келган. Масалан, «мехробдгп чаён», «тобутдан товуш» каби бирикмалар «мехробдан чиққан чаён», «тобутдан чиққан товуш» сингари икки бирикма асосида — бошқарув (тобутдан чиққан, мехробдан чиққан) ва битишув (тобутдан чиққан товуш, мехробданчиққан чаён) алоқаларидан биринчи бирикма ҳоким қисми (бошқарувчи фёъл)нинг тушиб қолишидан ҳосил бўлган. Биринчи бирикмада **тобутдан**, **мехробдан** сўзлари ҳоким қисм (чиққан)нинг умумий категориал маъноси (фёъллиги), хусусий категориал маъноси (ўтимсизлиги, аниқлик нисбати), мазмуний майдони (йўналиш ҳаракати) талаб этган грамматик шаклда (чиқиш келишигида) келган. Иккинчи бирикманинг тобе қисми (**...дан чиққан**) ҳоким қисмга битишув йўли билан боғланган. Биринчи бирикма ҳоким қисмининг тушиб қоляти натижасида бошқарув бирикмасининг тобе қисмв билан битишув бирикмасининг ҳоким қисми бирикиб қолади. Табиийки, ҳосил бўлган бундай бирикма тобе қисмининг шакли ҳоким қисмнинг умумий категориал ва хусусий грамматик маъноларига асосланмайди. Натижада бошқарув барҳам топади.

«Менга рухсат», «қардошларга салом» типдаги бирикмалар кўмакчи фёълнинг тушиб қолишидаи ҳосил бўлади: менга рухсат беринг, қардошларга салом айтинг. Тобе қисм (менга, қардошларга) бошқарувчи фёълнинг категориал ва хусусий грамматик маънолари талаб этган шаклни олган. Бошқарувчи фёълнинг тушиб қолиши эса бошқарув муносабатига ҳам барҳам берган.

Юқорида кўрсатилган типдаги барча бирикмаларда тобе қисмнинг шакли ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси ва хусусий грамматик маъносига боғлиқ бўлмайди. Демак, бундай типдаги **алоқа** алоҳида типни - эркин алоқани ташкил этади.

Бундай алоқадаги тобе қисм айрим муаллифлар томонидан детерминантлар термини билан ҳам номланади.

## ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТ

Синтактик бирикмаларнинг макон ва замонга боғлиқ бўлмаган ўзаро ассоциатив муносабати парадигматик муносабат ҳисобланади. Маълум бир асосда ўзаро ассоциалашган синтактик бирликлар парадигма аъзолари саналади. Парадигма аъзоларининг умумлашмаси эса маълум умумлашмани, кагегорияни ҳосил қилади. Парадигма ва унинг аъзолари ўртасида умумийлик ва хусусийлик муносабати мавжуд бўлади. Ҳар қандай умумийлик(инвариант) хусусийликлар (вариантлар) орқали намоён бўлади. Демак, умумийликнинг намоён бўлиш шакли хусусийликдир.

Парадигматик муносабат ҳам худди синтагматик муносабат сингари мазмуний ва шаклий парадигмаатик муносабатларга бўлинади.

### *Мазмуний парадигматик муносабат*

Синтактик бирлик икки ва ундан ортиқ вариант— маънолар бирлигидан ташкил топган инвариант маънога эга бўлади.

Маълум синтактик бирлик орқали ифодаланган ипвариант маънонинг вариант маънолари муносабати шу синтактик бирликнинг мазмуний парадигмасини ҳосил қилади. Масалан, эга орқали ифодаланган субъект ин-вариант маъноси куйидаги вариант маънолар бирлигидан иборат:

Агенс (ҳаракатни юзага чиқарувчи): **Бола ўйнапти.**

Пациенс (агенс таъсирига учровчи субъект): **Она боласини ўйнатди.**

Микдор субъекти: **Сув тиззадан** ва бошқалар.

Синтактик кўпмаънолилик, синтактик **омонимия** ҳодисалари мазмуний парадигматик муносабатларни ўз ичига олади

---

<sup>1</sup>Бошмонов М. Узбек тилининг гап бўлақларини «тил — нутқ» дихотомик бўлинишида урганиш. ҚД, Тошкент, 1991, 76—77-бет.

<sup>2</sup>Бошмонов М. Уша асар, 78-бет. .26



### Шаклий парадигматик муносабат

Синтактик бирликлар реал ҳолда бир қанча нуткий кўринишларда намоён бўлади. Ҳар қандай синтактик бирлик ўзида моҳият ва ҳодиса, умумийлик ва хусусийлик диалектикасини тил ва нутқ бирликларига бўлиниши орқали акс этгаради. Ҳар бир аниқ сўз **бирикмаси** ёки гап орқасида қандайдир тил моҳияти ётади. Масалан, **юзларимни силаб-сийпалади** аниқ нуткий бирикмв икки сўз **шаклининг** грамматик-семантик алоқасини акс эттпради: III шахс бирликдаги ўтган замон феъли — **силаб-сийпалади** (ҳоким кпсм) ва тушум **келйшигидаги ох** (тобе қисм). **Лекин** бу боғланиш орқасида бошқа сиптактик курилмаларни ҳам кўриш мумкин. Уни қидирма йўли парадигматик асиектда (ассоциация асосида) таҳлил қилиш асосида аниқ нуткий ҳодисаларни умумлаш тиришни тақозо этади. Умумлаштириш эса бизни нутким ҳодисалардан тил ҳодисасига олиб боради. Бу икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда силаб-сийпалади сўзининг шу бирикма доираида синтактик қоидани бузмаган ҳолда шаклини ўзгартириш асосида (**юзларимни силаб-сийпалаб юзларимни силаб-сийпалар, юзларимни силаб-сийпалаган** ва бошқалар) ёки тобе қисмининг шаклини ўзгартириш асосида (юзларимдан силаб-сийпалаб) шу нарса маълум **бўладик**, икки сўз шаклининг бир қатор. нуткин **бирикиши** асосида маълум сўз шаклининг (силаб сийпаламоқ) бошқа сўзнинг (юзларим) маълум шакл)! (тушум ёки чиқиш келишиги) билан бирикиш намунаси ҳосият қилинади.

Агар бу **бирикмани**, бир томондан, **сочларимнн** (соч ларимдан силаб-сийпалади), бошларимни (бошларимдаги **силаб-сийпалади**) каби бирикмалар билан, иккинчи томондан, **юзларимни (юзларимдан тирнади, юзларимни томо ша қилди)** каби бирикмалар билан қиёсласак, юқоридаги бирикма иамунаси фақат **юзларимнн ва силаб-сийпалади** сўзлари учунгина хос эмас, балки умумлашган намуна орқали бир қанча бошқа сўзлар асосида қатор реал бирикмалар ҳосил қилиниши мумкин. Бу сўз бирикмаси намунасининг муҳим белгиси шуки, ҳоким бўлак ўтимли феълдан, тобе бўлак эса тушум келишигидаги отдан ифодаланади.

Шундай қилиб, таҳлилнинг иккинчи босқичида бирикмаларнинг умумлашган намунаси ҳосил қилинади.

Умумлашган намуна фақат сўз бирикмалари доирасидагина эмас, балки гап доираида ҳам, матн доирасида ҳам мавжуддир.

- Синтактик бирликларнинг умумлашган намунаси тил бирликлари, уларнинг шу умумлашган намуна асосида аниқ реаллашуви эса нутқ бирликларидир.

## СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДАРАЖАЛИ МУНОСАБАТИ

Тилнинг бир сатҳига мансуб бўлган қиммат жиҳатдан бир хил бирликлар ўзаро синтактик ва парадигматикмуносабатга киришади.

I Шу билан бирга, тил бирликлари оддийдан мураккабга қараб бўлак ва бутун муносабатига киришади. Кичик сатҳ бирликлари катта сатҳ бирликлари учун мате риал бўлиб хизмат қилади. Қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг ўзаро синтактик муносабати ўзидан юқорироқ ва янги сифатга эга бўлган бутунликни ҳосил қилади. Синтактик бирликларнинг бутун ва бўлак муносабати даражали муносабат ҳисобланади.

Масалан, матн бутунлик сифатида ўзаро синтактик муносабатда бўлган бир неча содда ва қўшма гаплардан ташкил топади. Қўшма гаплар бир бутун сифатида синтагматик муносабатдаги 2 ва ундан ортиқ содда гаплардап ташкил топади. Содда гаплар бир бутун сифатида ўзаро синтагматик муносабатда бўлган бир неча бўлаклардан ёки бир сўзнинг янги сифатга эга бўлишидан (сўз-гаплар) ҳосил бўладп. Гап бўлаги иккп ва уйдан ортиқ морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган маълум синтактик вазиятдаги бутунлик — сўз шакли саналади.

## СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН АЛОҚАСИ

Мазмуний-синтактик муносабатлар шаклий-синтакти муносабатлар ёки синтактик алоқалар ёрдамида ифодаланади. Синтактик муносабат билан синтактик алоқа бир-бирини тақозо қилувчи бир ҳодисанинг икки томонг бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар иккиси маълум ўзига хосликка эга бўлганлиги туфайли бир-бирига мувофш келиши шарт эмас.

Масалан, мазмуний-синтактик муносабат таркибига кирувчи вокатив ва модал муносабатлар шаклий жиҳат даи ундалма ва киришлар орқали ифодаланади ва бу синтактик шакллар гапнинг синтактик ҳурилмаси бирликлари саналади. Лекин улар мазмуний-синтактик муносабатни ифодаласа ҳам, синтактик алоқага киришмайди.

Шунингдек, айна бир синтактик муносабат бир неча хил оинтактик алоқа ёрдамида намоён бўлиши мумкин Масалан, қаратувчи — қаралмиш муносабати мувофақлашув

(*бизнинг мактабимиз*), бошқарув (*бизнинг мактаб*; ва битишув (*бола кийим*) алоқаси орқали ифодаланади.

Шунинг учун ҳам синтактик муносабатларнинг бу икки томони диалектиканинг қарамақаршиликлари бирлиги ва қурашини акс эттириш қонунига амал қилади.

Мазмуний-синтактик муносабатларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Субординатив муносабат (бир томонлама муносабат):
  - а) предикатив муносабат (эга-кесим муносабати);
  - б) объектли муносабат (тўлдирувчи-тўлдирилмиш) муносабати;
  - в) атрибутив муносабат (сифатловчи-сифатланмиш) муносабати;
  - г) релятив муносабат (ҳол-ҳолланмиш муносабати).
2. Координатив муносабат: қаратувчи-қаралмиш муносабати (икки томонлама муносабат).
3. Копулятив муносабат: *уюшиқ* бўлақлар муносабати.
4. Интрадуктив муносабат:
  - а) вокатив муносабат (ундалма — жумла мазмуни);
  - б) модал муносабат (киришнинг жумла мазмуни билан муносабати).

Бу муносабатларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳи синтактик алоқа воситаларига эга бўлса, тўртинчи гуруҳи бундай хусусиятга эга эмас.

## СЎЗ БИРИКМАСИ

1. Ўзаро грамматик ва мазмуний жиҳатдан боғланиб объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг номини билдирувчи синтактик birlik сўз бирикмаси саналади. Масалан, қизил гул, аччиқ қалампир ва бошқалар.

Сўз бирикмаси маълум гап бўлақларига кенгайишидан ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай сўз бирикмаси тил бирлиги бўлган сўзнинг кенгайиш моделининг нутқ босқичида юзага чиқиш имкониятларидан бири саналади. У тил тизимининг лексик-грамматик бирлиги сифатида мустақил сўзнинг боғланиш имкониятидир. Нутқий жараёнда сўзнинг кенгайиш модели аниқ лексик birlikлар билан тўлдирилган ҳолда сон-саноксиз реал сўз бирикмалари орқали намоён бўлади.

Бевосита кузатиш босқичидаги ҳар қандай сўз бирикмаси кенгаювчи бўлакнинг категориал хусусияти билан хосланган боғланиш модели (тарҳи) асосида рўёбга чиқади. Кенгаювчи бўлакнинг қайси сўз туркумига мансублиги ҳамда қандай категориал белгига эга бўлиши: унинг қандай сўзлар билан кенгайиб келиши мумкинлигини ҳам кўрсатади. Масалан, **мени кутгил** бирикмаси **кутгил** сўзининг кенгайишидан ҳосил бўлган. Кенгаювчи кутгил сўзининг лексик-грамматик маъноси унинг кутилувчи объект билан кенгайишини ва кенгайтирувчи объектнинг тушум келишигида келишини талаб этади.

Сўз бирикмаси доимо икки қисмдан: ҳоким ва тобе қисмдан иборат бўлади. Кенгаювчи бўлак ҳоким, кенгайтирувчи бўлак эса тобе саналади. Тобе қисм ҳоким қисм талаб қилган грамматик шаклда келади.

2. Сўз бирикмаси бир сўзнинг бошқа сўзга қўшилиши имкониятига — валентлигига таянади. Сўз бирикмаси ҳоким сўз валентлигининг юзага чиқувидан, унинг имконият тарзидаги бўш ўринларининг тўлдирилишидан вужудга келади. Сўзнинг уч хил валентлигини ажратиш мумкин:

1. синтактик валентлик;
2. семантик валентлик;
3. лексик валентлик.

Ҳоким сўзнинг грамматик шакли талаб этган валентлик синтактик валентлик саналади. Масалан, **келдм** сўзининг ўтган замон шаклида бу сўзни ўтган замонинг билдирувчи пайт равишлари билан; шахс сон шакли эса уни I шахс birlikдаги кишилик олмоши билан кенгайиши мумкинлигини кўрсатиб туради. Бошқача айтганда, синтактик валентлик мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан боғланадиган имкониятидир.<sup>1</sup>

Синтактик валентлик оемантик валентлик билан узвий боғланган. Семантик валентлик сўзларнинг мазмуний боғланиш имкониятидир. Икки сўз ўзаро мазмуни тўғри боғланиши учун улар ҳар иккисида такрорландиган умумий семага эга

бўлиши, ҳар икки қисмда семалар уйғунлиги бўлиши керак. Масалан, **сайрамок** лексемаси «қушларнинг овоз чиқариши» маъносини ифодалаб, таркибида «қуш» семасига эга. Ана шу семаси билан фақат «қуш» ва унинг турларини билдирувчи сўзларга боғланиш имконияти мавжуд. Лекин унинг оеман тик тузилишида иккинчи сема — «тез ва кўп гапириш семаси ҳам бор.

<sup>1</sup>Кацнельсон С. Д. К понятию типов валентности. — ВЯ» 1987, До 3, с. 21; Уша муаллиф. Типология язка и речевое мншление. Л., 1972, с. 47—88; К и б а р д и н а С. Н. Основы! теории валентности. Вологда, 1979, с. 5—17; М у х и н А. М: Валентность и сочетаемость глаголов — ВЯ, 1987; с. 6% Ф и л и ч е в а Н. И. Синтаксическое поле. М., 1977, с. 89; К у ч к а р т а е в И. К. Валентный анализ глаголов речи з **узбекском** языке. Ташкент, 1977.

Бу семаси билан фақат гапириш имкониятига эга бўлган предметни билдирувчи сўз билан. Яъни «одам» тоифасига кирувчи лексемалар билан боғланиши мумкин. Юқоридаги икки имконият сайрамок, лексемасишг семантик валентликларидир. Ёки **ширин** лексемаси фақат шундай мазага эга бўлган сўзларгагина қўшила олади: **ширин қовун, ширин овқат (ширин сўз, ширин уйқу** бирикмалари алоҳида хусусиятларга эга).

Айрим тилшунослар учинчи типдаги валентлик — лексик валентликни ҳам ажратадилар<sup>1</sup>.

Лексик валентлик бир хил номинатив маънога эга бўлган сўзларнинг бошқа сўзга боғланишида танлаш имкониятига эга бўлишидир. Масалан, жамол, афт сўзлари номинатив маъно билан умумийликка эга бўлган ҳолда, устмаъно (коннотатив маъно) орқали фарқланади; бири ижобий баҳога, иккинчиси салбий баҳога эга. Шунинг учун ҳам соғинмоқ лексемаси билан фақат ижобий баҳога эга бўлган жамал лекоемаси боғланади.

3. Сўз бирикмаси синтаксис бирлиги сифатида кўпчилик томонидан эътироф этилаётган бўлса ҳам, леян унинг мақоми масаласида хилма-хил қарашлар мавжуд. Бундай хилма-хил қараш — ўзбек тилшунослигида рус тилшунослиги таъсирида вужудга келди.

XIX асрга қадар дунё тилшунослигида синтаксиснинг асосий ўрганиш объекти гап ҳисобланди. Уинг таркибидаги сўзларнинг ўзаро алоқаси гап бўлаклари сифатида ўрганилди. Шунинг учун синтаксис гап ва унинг бўлаклари ҳақидаги таълимот сифатида эътироф этилди.

Тилшуносларнинг бир гуруҳи ўзаро грамматик ва мазмуний боғланган ҳар қандай сўзлар жуфтлигини, иккинчи гуруҳи эса фақат номлаш вазифасини бажарувчи икки мустақил сўзнинг ўзаро грамматик ва мазмуний боғланишини сўз бирикмаси ҳисоблайдилар. Бу билан сўзлар боғланишини икки гуруҳга бўладилар: 1) сўз бирикмаси; 2) гап.

Гап сўзларнинг фикр ифодаловчи боғланиши сифатида сўз бирикмасига қарамақарши қўйилади.

Эга билан кесимнинг боғланиши фикр ифодалайди. Шунинг учун бу боғланиш сўз бирикмаси эмас, балкя гап саналади. Бундай қарашга мувофиқ, сўз бирикмаси фақат иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлак билан боғланишини ўз ичига олади. Ўзбек тилшунослигида иккинчи қараш кенг тарқалган. Анъанага мувофиқ, сузларнинг тобе алоқасини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

Предикатив алоқа (эга + кесим алоқаси).

Нопредикатив алоқа (иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлак билан алоқаси).

Предикатив алоқа гапни, нопредикатив алоқа эса сўз бирикмасини ташкил қилади.

Сўз бирикмасида кенгаювчи (ҳоким) бўлак талаби билан кенгайтирувчи бўлак муайян грамматик шаклдэ келади. Шунинг учун сўз бирикмаси учун фақат тобе қисмнинг қандай грамматик шаклда келаётгани аҳами ятли бўлади. Бу эса сўз бирикмаси сўз шаклининг сўз билан (сўз шакли + сўз) боғланишидан ҳосил бўлишини кўрсатади. Ҳоким бўлакнинг грамматик шакли унинг бошқа бир боғланишда кенгайтирувчи вазифасида келганлигини (қаратқич-қаралмиш алоқасидан ташқари) кўрсатади.

Сўз бирикмаси гап таркибидаги бирикмалар занжирининг бир ҳалдаси бўлганлигидан у маъно ва оҳанг тугаллигига эга бўлмайди. Шунинг учун очиқ қурилма

ҳисобланади. Бир ҳалқада ҳоким бўлган қисм иккинчи ҳалқада тобе вазифада келиши **мумкин**. Демак, ҳар қандай ёйиқ гап бирикма занжири асосида вужудга келади» Масалан, Азиз асримизнинг азиз онлари Азиз одамлардан сўрайди қадрин (Ғ.Ғ.). Бу гапдаги азиз асримиз-(нинг), азиз онлари, азиз одамлар(дан), сўра(йди), қадрини сўра(йди) бирикмаларида асримиз(шшг), онлари, одамлар (дан), сўра(йди) бўлаклари кенгаювчи (ҳоким) бўлақлар саналади. Бирикмалар занжирининг иккинчи **ҳалқасида асримизнинг**, одамлардаи бўлаклари кенгайтирувчи (тобе) бўлак вазифасида келади. Шушшг учун кенгаювчи бўлак талаб қилгавз грамматик шаклнинг бири қараткич, иккинчиси чиқиш келишиги шаклини олаяпти.

Сўзларнинг ҳар қандан нопредикатив боғланиши сўз бирикмасини ҳосил қила бермайди. Сўзларнинг боғланиши эркин бўлиши, нутқ жараёнида кенгаювчи бўлакнинг боғланиш модели асосида ҳосил қилиниши ёки бу боғланиш барқарор бўлиб, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам сўзларнинг нопредикатив боғланиши иккига бўлинади: 1) эркин боғ-ланиш; 2) турғун боғланиш.

---

Г а к В. Г. Теоретическая грамматика французского языка, 3-92

Эркин боғланиш сўз бирикмасини, турғун боғланиш эса фразеологизмларни ўз ичига олади.

Эркин боғланиш синтаксиснинг, турғун боғланиш фразеологиянинг текшириш объекти ҳисобланади. Солиштиринг; **1) қизил олма, ўтмас пичоқ, 2) ўтмас бурчак.**

Синтактик сўз<sup>1</sup> бирикмалари фразеологик бирикмалардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1) синтактик сўз бирикмалари маълум сўз бирикмаси модели асосида нутқ жараёнида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам реал синтактик сўз бирикмалари нутқ бирликлари саналади. Фразеологик бирликлар эса нутқ жараёнигача тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Нутққа тайёр ҳолда бир луғавий бирлик сифатида олиб кирилади;

2) синтактик сўз бирикмаларида қисмларнинг синтактик алоқаси эркин, фразеологик бирикма кесмлари ўртасидаги синтактик алоқа турғун бўлади;

3) синтактик сўз бирикмалари қисмлари гап ичида алоҳида-алоҳида гап бўлаклари бўлиб келади. Фразеологик бирикма қисмларининг грамматик муносабати фақат шу бирикма ичида амал қилади. Фразеологик бирикма бир бутун сифатида гап ичида бир гап бўлаги ўрнида келади.

Қисмларининг эркин ёки боғлиқлигига кўра сўз бирикмалари эркин ва боғлиқ бирикмаларга бўлинади. Эркин бирикма қисмлари осон бўлинади, боғлиқ сўз бирикмалари қисмлари ўзаро зич алоқага **киришиб**, гапда бир гап бўлаги ўрнида келади. Бундай бирикмалар фразеологик бирикмаларга яқин келади, лекин синтактик алоқанинг сақланиши билан фразеологизмлардан фарқланади. Солиштиринг: **1) қизил китоб, китобни ўқимок; -) икки киши, бир қайча болалар; 3) юрагини олмоқ, оғзи очилмоқ.**

Буларнинг биринчиси эркин сўз бирикмалари, иккинчиси боғлиқ сўз бирикмалари, учинчиси эса фразеологик бирикмалардир.

Ҳар бир сўз бирикмаси мазмуний яхлитлик ва грамматик жиҳатдан шаклланиш хусусиятига эга. Сўз бирикмасидан фарқли равишда бошқа барча бирикувл; ; сўзнинг кенгайиши ҳисобланади.

Тил бирлиги сифатида бир қатор сўзлар **кўп** маънолидир. Кўп маънолилиқ ахборот учун зарур бўлган тил белгилари миқдорини тилда ўта кўпайиб кетмаслигин, алоқа воситаси сифатидаги тилнинг санокли бирликлар билан чексиз ахборот ташиш имкониятига эга бўлишгн таъминлайди.

Сўзларнинг тобе алоқасида тобе вазиятдаги сўз фақат биргина маъноси билан ҳоким сўзга боғланади. Демак, сўзларнинг нутқ жараёнида ўзаро бирикуви тобе вазиятдаги сўзни қайси маънода қўлланаётганлигига ойдинлик киритади. Масалан, деразаинг кўзи, узукнинг кўзи, будоқнинг кўзи ва бошқалар.

### СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ ШАКЛ ВА МАЗМУНИ

Сўз бирикмаси ҳам маълум грамматик шаклга ва ўз грамматик маъносига эга. Сўз бирикмасидаги ҳоким сўзнинг шакллар тизими шу сўз бирикмасининг парадигмасини ҳосил қилади. Маълум грамматик **парадигмани** ҳосил қилувчи сўзлар бир сўзнинг турли шакллари саналганидек, маълум парадигмага кирувчи сўз бирикмалари ҳам бир сўз бирикмасининг турли грамматик шакллари ҳисобланади.

Сўз бирикмаси парадигмасида бош шакл сўз бирикмасини шакллантирувчи сўз туркумининг бош шакли ҳисобланади. Масалан: ширн олма, ширин олманиш, ширин олмани ва боғшқалар. Сўз бирикмалари парадигма аъзоларининг миқдори ҳоким сўзининг гапдая сўз туркумидан ифодаланишига кўра хилма-хилдир. Сўз бирикмалари парадигмасининг энг мураккаби феълли сўз бирикмаларидир. Энг оз парадигма аъзоларига эга бўлган сўз бирикмаси равишли сўз бирикмаларидир. Уларда бош шакл билан қиёсий даража шакли бир парадигмани ҳосил қилади.

Гапдан ташқарида сўз бирикмаси парадигмасининг бош шакли олинади. Сўз бирикмаси шаклини бўлиш боғли нутқда сўз<sup>1</sup> бирикмаси ҳоким компонентининг бошқа сўзга алоқасини, унинг гапдаги вазифасини англашга ёрдам беради.

### ГАП СИНТАКСИСНИНГ АСОСИЙ БИРЛИГИ СИФАТИДА

Синтаксиснинг асосий бирлиги гапдир. Гап фикрни шакллантириш, ифодалаш ва баён қилишнинг асосий воситаси, муайян тилнинг қонун-қоидалари асосида шаклланган синтактик бирлигидир. Гапнинг асосий функционал белгиси коммуникативлик, яъни фикр ифодалаш ва баён қилиш вазифасидир. Тил кишилар ўртасида энг муҳим фикр ифодалаш воситаси экан, демак, тилнинг бу вазифасини юзага чиқарувчи асосий восита гап ҳисобланади. Сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам бу вазифани бажара олмайди. Уларнинг вазифаси нарса ва ҳодисалар, белги, ҳаракатларни номлаш, яъни номинатив вазифадир.

Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик **бедгиси** орқали фарқланади. Гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантирувчи восита предикативликдир. Масалан: Урик гуллади ва **ўриқнинг гуллаши** қу-рилмаларининг ахборот ҳажми бир хил. Улар фақат шу объектив мазмунни қандай ифодалашни жиҳатдан фарқ қилади. Биринчисида предикативлик бор, иккинчисида йўқ.

Предикативлик гапнинг грамматик маъноси. У гап-нинг шакллар тизимидаги қисмларга ажралмайдиган грамматик маънодир (*Н. Ю. Шведова*).

Предикативлик шахс (сон), замон, майл, тасдиқ-инкор маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар йигиндисидан ташкил топади. Демак, шундай грамматик маънога ва уни ифодаловчи шакллар тизимига эга бўлган ҳар қандай энг кичик синтактик бирлик гап ҳисобланади.

Предикативликнинг шаклланиши хилма-хил:

1) ҳар бир предикатив маъно компоненти (тасдиқ— инкорлик, шахс, замон, **модаллик**) алоҳида-алоҳида шакллар орқали ифодаланади. Масалан: ёз+ма+са (й) +ди + **нг** + из қурилмасига бешта предикатив маъно компоненти бешта грамматик шакл орқали ифодаланган

"Ма (инкорлик), -са (модаллик), -ди (замон), -нг (шахс), -из (сон);

2) бир формант ёрдамида синтезлашган ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан: ёз + **ай** (тасдиқ, аниқлик майли, келаси замон, I шахс), **талабаман** (тасдиқ, аниқлик майли, ҳозирги замон, I шахс) ва бошқалар;

3) нол шаклга эга бўлиб, у парадигма ичида бошқа парадигма аъзоларининг шаклига қиёсан оелгиланади}. Масалан: ёз + ай, ёз—, ёз + син. Парадигманинг иккинчи аъзоси ёзинг иккинчи шахс, буйруқ майли (модаллик), келаси замон, тасдиқ грамматик маъноларининг нол шакл орқали ифодаланганлиги ёз + ай ва ёз + син бирикмаларига қиёсан белгиланади;

4) нол шаклга эга бўлиб, у нутқ вазияти орқали белгиланади. Масалан: Баҳор. Бу сўз ўзининг шакл парьдигмасида бош шакл сифатида номинатив бирлик, гап эмас. Парадигмадан ташқарида предметиинг умумлашган номини аташ йўли билан шахс, сон, замон, тасдиқ (мавжудлик) (маъноларининг ифодаланиши уни гапга айлантиради.

Хуллас, предикативлик гапнинг асосий грамматик категорияси бўлиб, у тасдиқ, инкор, модаллик (майл), замон, шахс, сон категориялари синтезидан иборат.

Ҳозирги синтактик назарияларда гапнинг бошқа тил бирликларидан асосий фарқи, яъни гапни гап қилиб турган асосий белги предикативлик эканлиги тан олинса ҳам, лекин предикативлик ҳодисасига ёндашув бир хил эмас. Бу ҳодисанинг моҳиятига, унинг тузилишига нисбатан икки хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назардан, гапнинг бош бўлаклари — эга ва кесим ўртасидаги муносабат предикативлик (предикатив муносабат ҳисобланади. Предикативликка бундай қараш тилшуносликда мантиқшунослик таъсирида вужудга келди. Бу тилшунослик тарихида мантиқий оқим дейилади-. Мантиқий оқимнинг қарашларига кўра, ҳар бир гап маълум бир ҳукмни ифодалайди. Предикация фақат ҳукм асосинигина эмас, балки гап асосини ҳам ташкил қилади.

Анъанавий мантиқ ҳукмнинг атрибутив характеридан келиб чиқади. Бунга кўра, ҳукм тузилиши доимо субъект (S) ва предикатдан (P) ташкил топади. Предикат субъектнинг белгисини билдиради. Шунга мувофиқ, ҳукм элементлари — субъект (предикат ҳақидаги ту-шунча) ва предикат (белги ҳақидаги тушунча) га аналогия йўли билан грамматик эга ва кесим гапнинг асоси деб қаралди. Эга ва кесимдан бири иштирок этмаган гаплар гап доирасига киритилмади.

Предикативликка мантиқий нуқтаи назардан ёнда-шишга машҳур рус тилшуноси В. В. Виноградов бирин-чи марта чек қўйди. У предикативликни фақат гап бў-лаклари ўртасидаги предикатив алоқа билан боғлиқ эмаслигини, бу ҳодиса айрим бўлақларга бўлинмай, бу хун бир гапга хос эканлигини кўрсатади. Жим! **Иссиқ!** типидagi синтактик қурилмаларда ҳам предикативлик мавжудлигини, бундай гапларда у модаллик, замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишини кўрсатади. П. Ю. Шведова предикативлик ҳар бир гап-да мавжуд бўлишини ва у гапнинг грамматик маъноси эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, предикативликка мантиқий нуқтаи назардан ёндашишдан грамматик нуқтаи назардан ёндашишга ўтилди, яъни предикативликка иккинчи нуқтаи назар вужудга келди. Буни қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: Қуёш чикди гапида биринчи (анъанавий) қараш нуқтаи назаридан предикативлик сўз

шаклнинг (куёш ва чикди) ўзаро муносабатидан иборат. Иккинчи нуктаи назарга кўра эса у икки сўз шаклининг ўзаро муносабатидан эмас, балки юқоридаги гап таркибида иштирок этган грамматик категориялар: аниқлик майли, ўттан замон, III шахс грамматик шакллари орқали ифодаланган.

**Гап** термини умумлашган бирлик, моҳият сифатида **тил** бирлигини ҳам, реаллашган бирлик, ҳодиса сифатида нутқ бирлигини ҳам ифода этади.

Тил тузилишидаги ҳар бир сатҳ бирлиги тил (умумлашган бирлик) ва нутқ (аниқ бирлик) бирликларига бўлингандек, синтактик сатҳнинг бирлиги бўлган гап ҳам тил ва нутқ бирликларига бўлиниши керак. Рус тилшунослигида бу икки ҳодиса икки хил термин билан номланади: тил бирлиги учун «модел», «структур схема» ёки «гап» (предложение), нутқ бирлиги учун «жумла» ва (нутқ бирлиги). Гап сатҳида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш учун «гап» ёки «гап модели» (тил бирлиги) ва «жумла» (нутқ бирлиги) терминларидан фойдаланиш ўринли.

Гап ёки гап модели жумланинг типиклаштирилган грамматик шакли (*О. М. Москальская*), жумла эса **унинг муайян** вазият билан боғланган нутқий кўринишидир.

Гап модели аниқ саналиш ва тасвирланиш хусусиятига эга (ёпиқ рўйхатни ташкил қилади), жумланинг эса жуда кенг намоён бўлиш имконияти мавжуд.

Гап модели аниқ жумлалар гавдаланиши, жумла эса шу гап моделининг нутқда турлича намоён бўлишидир.

Гап модели яшаш шаклига кўра ижтимоий, жумла хусусий хусусиятга эга.

Фаол (коммуникатив), оҳангий тузилмалар фақат жумла учун хос.

## ГАПНИНГ ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИ

*Ўрикнинг гуллаши.*

*Ўрик гуллади.*

*Ўрик гуллайди.*

Бу синтактик **қурилмаларнинг** ҳаммасида бир воқеа— субъект (ўрик) ва унинг ҳолати (гулламоқ) ҳақида **ахборот** берилади. Урик ва гулламоқ **узвлари** бу қурилмаларнинг **ҳаммаси** учун доимийдир. Шу билан бирга, улар замон, шахс, модаллик каби кўшимча маънолар билан бир-биридан фарқланади. Ана шу фарқловчи маъноларни ифодаловчи узвлар синтактик қурилмаларнинг ўзгарувчи узвлари саналади. Синтактик қурилмаларнинг бундай доимий ва ўзгарувчи узвлари **айрим синтактик** назарияларда диктум ва модус атамалари билан номланади.

Синтактик қрилма ифодалаган объектив **далил**, воқеа диктум ҳисобланади. Айрим муаллифлар мантиқ терминологиясидан фойдаланган ҳолда, уни пропозиция атамаси билан номлайдилар. Модус синтактик қурилма **орқали** ифодаланган воқеанинг борлиққа муносабати ҳамда сўзловчининг ўзи ифодалаётган воқеага муносабатини ифодалайди.

Синтактик қурилманинг ўзгарувчи унсурлари орқали ифодаланадиган, модусга кирувчи маъно синтактик қурилманинг грамматик маъноси, ана шу маънолар ва уни ифодаловчи шакллар тизими гапнинг грамматик категориялари ҳисобланади. (**Гапнинг** грамматик катего-риялари ҳам грамматик маъно (сўроқ, буйруқ, дарак, инкор ва бошқалар) ва **грамматик шакл** бирлигидан иборат.

Лингвистик тадқиқотларда қайси маъноларни гапнинг грамматик категориясига киритиш мумкинлиги юзасидан турлича фикр юритилади.

Рус тилшуноси Т. П. Ломтев **гапнинг** етгита грамматик категориясини ажратади: 1) тасдиқ (**инкорлик**), 2) алоқа тури (дарак, сўроқ, буйруқ), 3) замон, 4) модаллик, 5) шахс (**аниқлик**, ноаниқлик, умумлашганлик), 6) нофаоллик, 7) фаоллик (демиактивлик (шахсли ва шахсиз шакллар муносабати). В. Г. Гак эса гапнинг грамматик категориялари. сирасига гап бўлақларининг тартибини ҳам кўшади.

Гапнинг грамматик категорияси гапни гап бўлмаган бошқа бирликлардан фарқлаб турган категориал маъно ва бу маънони ифодаловчи шакллар **тизими экан**, биринчи навбатда, гапнинг грамматик категорияси сифатида предикативлик қаралиши керак. Предикативлик бир бутунлик **сифатида** бир неча узвлардан ташкил топади ва бу узвларнинг ҳар **қайсиси**, ўз навбатида, кичик категорияларни ҳосил қилади. **Масалан:**

1. Гапнинг грамматик шахс категорияси.
2. Гапнинг грамматик замон **категорияси**.
3. Гапнинг грамматик тасдиқ-инкор категорияси.
4. Гапнинг модал категорияси.

Бундан ташқари, **гапнинг** ифода мақсади категорияси ва актуал (коммуникатив) категория ҳам гапнинг грамматик категориялари **сирасига** киради.

### ГАПНИНГ ГРАММАТИК ШАХС КАТЕГОРИЯСИ

Гапнинг грамматик шахс категорияси ҳаракат ёки белги эгасининг нутқ жараёни иштирокчилари билан муносабатини ифодалайди. Бу категория феълларнинг морфологик шахс категорияси асосида вужудга келса ҳам лекин у билан тенг эмас. Синтактик шахс категорияск морфологик шахс категориясидан бирмунча кенгдир. Чунки синтактик шахс категорияси феъл иштирок этмаган гапларда ҳам ифодаланади.

Синтактик шахс категорияси мазмун жиҳатидан олмошлардаги шахс категорияси билан ўхшашдир. Синтактик шахс категориясида ҳам I, II, III шахс, ноаниқ шахс, умумлашган шахс ҳамда шахсизлик ажратилади.

Л о м т с в Т. П. Предложение и его грамматические категории. М., 1972, с: 62

В. Г. Теоретическая грамматика французского языка., Синтаксис. Мг, 1981, с. 68.

Синтактик шахс категориясини ифодалашда, феълнинг шахс, нисбат шакллари, олмошлар хизмат қилади.

Шахс иштирокига кўра, гаплар шахс аниқ, шахси умумлашган, шахси ноаниқ, шахсиз, биргалик шахсни билдирувчи гапларга бўлинади.

**Кесими** аниқлик майлидаги феълларда ва I, II, III шахс боғламаларини олган отлардан ифодаланган гаплар шахси аниқ гаплар саналади. Масалан: **Гул кўргани келганмиз (кўшиқ).**

Шахси аниқ гапларда шахс маъноси кесим шаклидан аниқ бўлганлиги учун субъект алоҳида шакл орқали ифодаланиши шарт бўлмайди. Фақат субъект алоҳид таъкидлангандагина бевосита ифодаланади. Масалан : Кўприкни биз қурдик, душманлар ўтди.

Кесими биргалик нисбатидаги феъллардан ифодаланган гапларда гапнинг субъекти бирдан ортиқ бўлади. Бу вақтда икки хил ҳолатдаги субъектлар ифодаланади:

1) бир субъектнинг ҳаракатига иккинчи субъект ёрдамлашади: Ҳалимага акаси масалани ишлашди;

2) бирдан ортиқ субъект биргаликда ҳаракат қилади: Болалар тонггача суҳбатлашдилар.

Кесими орттирма нисбатдаги феъллардан ифодаланган гапларда ҳам кесимдан англашилган ҳаракат ҳолат билан боғлиқ икки субъект иштирок этади. Бири ҳаракатни юзага чиқарувчи субъект (агенс), иккинчиси эса агенснинг ҳаракатни юзага чиқаришига таъсир қилувчи, сабабчи бўлувчи субъектни билдиради. Масалан, **Она** боласини ухлатди. Бундай гапларда икки пропозиция ифодаланади: **Бола** ухлатди ва **Она** боланинг ухлашига **таъсир қилди**. Шунинг учун ҳам уларнинг шаклий ва мазмуний тузилиши ўртасида номутаносиблик бўлади.

Кесими мажхуллик нисбатидаги феъллардан ифодаланган гапларда субъект тушунчаси номаълум бўлади. Масалан, Бу ердан йўл чиқаришга қарор қилинди.

Айрим вақтларда субъект тушунчаси аниқ бўлса ҳам, у иккинчи жиҳатга сурилиб, гапнинг **кесими** мажхуллик нисбати орқали ифодаланади. Бундай вақтда кесими мажхуллик нисбатидаги феъллардан ифодаланган гаплар кесими аниқлик нисбатидаги феъллардан ифодаланган гаплар билан бир парадигмани ҳосил қилади. Масалан, **Вазифани** бажардим — **Вазифа** бажарилди.

Бундай гапларнинг шахсизликни ифодалаши бирламчи вазифаси бўлса, шахсни ифодалаши иккиламчи вазифасидир.

### ГАПНИНГ ГРАММАТИК ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

Гап орқали ифодаланган воқеанинг маълум замонга муносабати ва бу муносабатни ифодаловчи шакллар тизими гапнинг грамматик замон категорияси саналади. Феълнинг замон шакллари гапнинг замон категориясини ифодалашда асос бўлади. Лекин бу нарса феълнинг замои категорияси билан гапнинг замон категорияси бир хил деган ҳулосани бермайди.

Гапнинг замон категорияси феълнинг замон шаклидан ташқари ҳам ифодаланиши мумкин. Хуш келибсиз гапида келибсиз феъли турли замон шаклларида ишлатилиши мумкин эмас. Мен ишчиман гапида умуман феъл йўқ. Лекин гапнинг замон маъноси бор. Демак, гапнинг замон маъноси феълнинг замон маъноси ва уни ифодаловчи шакллар орқали ҳамда гап тузилиши орқали ифодаланиши мумкин.

Замон категорияси асосидаги гап парадигматикаси масаласи ҳам феълнинг замон



парадигматикаси асосида белгиланмаслиги керак.

Шунинг учун ҳам Т.М.Ломтев жисмоний (физик) ва грамматик замон маъноларини фарқлайди. Физик замон маъноси нутқ пайтига қараб белгиланадиган реал замон оқими қисмлари бўлса, грамматик замон маъноси маълум чўзиқликка бўлинган тузилмадир. Бу тузилманинг бир чўзиқлигига нутқ моменти ҳам кирса, бошқалари эса бу чўзиқликдан (нутқ моментида эмас) олдинги ёки кейинги воқеа ёки ҳодисани ифодалайди. Бунга мувофиқ, нутқ моменти ўтган ва келаси замонларни бирлаштирувчи нукта эмас, балки бир чўзиқлик ундан олдин, иккинчи **чўзиқлик ундан кейин келадиган муайян чўзиқлик** сифатида қаралади<sup>2</sup>.

Ҳамма феъл асосли гаплар ҳам феълнинг барча замон шакллари қабул қила бермайди. Айрим гапларда феъл ўзининг фақат **битта** замон шакли билан юзага чиқа олади. Гапнинг тузилиши унинг бошқа шакли билан юзага чиқишига йўл қўймайди. Масалан, **У ҳозиргина** келди.

Демак, феълнинг грамматик замон категорияси феълнинг турли замон шакллари ажратса, гапнинг грамматик замон категорияси ўз таркибида феълнинг турли миқдордаги замон шакллари қўллашга имкон берадиган гапнинг турли тузилмаларини ажратади.

Феълнинг замон грамматик категорияси аъзолари бир феълнинг турли замон шакллари саналса, гапнинг замон грамматик категорияси аъзолари ўз таркибида феълнинг турли миқдордаги замон шаклларишг қўлланишига имкон берадиган турли тузилмаларидир<sup>1</sup>.

Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. Л., 1990, с. 6.

Л о м т е в Т. П. Предложение и его грамматические категории. МГУ, 1972, с. 64.

Тил бирлиги сифатидаги феълда замон грамматик маъносини ифодаловчи турли грамматик шакллар бир парадигмани ҳосил этади ва парадигма аъзоларидан бирини иккинчиси билан алмаштириш мумкин бўлади. Ма салан: келди (келяпти) келади. Бу феъл гап таркибида гап тузилиши тақозо этадиган замон шакли билангина фаоллаша олади. Бунга мувофиқ, гапнинг замон пара дигмаси аъзоларининг миқдори турлича бўлади:

1) гапнинг замон парадигмаси феъл замон парадигмасига мувофиқ келади. Бу вақтда гапнинг тузилиш асоси феъл бўлади ва у гап таркибида ўзининг барча замон шакллари билан кела олади: Мен ўқияпман (**Мен ўқийман**);

2) гапнинг **тузилишидаги** айрим иштирокчилар феълнинг фақат **айрим замон шакллари** билан келишинигина тақозо қилади. Бу вақтда гап фақат бир замон шаклида келади: Ҳалигача келгани йўқ;

3) 3)от асосли гапларда **кесим** замон шаклига эга бўлмай, замон маъноси оҳанг оркали ифодаланганда фақат ҳозирги замонни англатади. Масалан: Укам талаба;

4) номинатив гапларда замон гапнинг умумий мазмуни оркали ифодаланиб, фақат ҳозирги замонни билдиради: **Баҳор**.

Англашиладики, морфологик замон маъноси билан синтактик замон маънолари ўзаро узвий боғлиқ бўлса ҳам, **аммо** бир-биридан миқдор жиҳатдан тубдан фарқ қилади.

## ГАПНИНГ КОММУНИКАТИВ КАТЕГОРИЯСИ

Агар гапнинг пропозитив (номинатив) ва модал томони гапнинг инъикос этиш семантикасини акс эттирса, коммуникатив томони, биринчидан, сўзловчининг коммуникатив ниятини, яъни шу гапдан ифодаланган объектив мазмун унсурларининг (элементларининг) аҳамиятлилик даражасини белгилашни (актуал бўлакларга ажратиш), иккинчидан, дарак, сўроқ, буйруқ, ифодаланиши ўз ичига олади<sup>2</sup>.

### *Актуал бўлиниш*

Ҳар қандай синтактик қурилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, коммуникатив мақсадни ҳам ифода этиши керак. Масалан, **Карим** Москвага **кетди** гапида пропозиция ифодаланишидан ташқари, сўзловчининг коммуникатив **нияти** ҳам ифодаланган. Бу ўринда сўзловчининг нияти Каримнинг ҳаракати ҳақида маълумот беришдир. Шунинг учун ҳам **К а р и м** нима қилди? сўроғига жавоб бўлади. Москвага **Карим** кетди гапида эса сўзловчининг коммуникатив нияти яна бошқа—кимнинг кетганлиги ҳақида маълумот беришдир. **М о с к в а г а** **к и м** **к етди**? сўроғига жавоб бўлади. **Карим** Москвага кетди гапида эса сўзловчининг коммуникатив нияти ҳаракатнинг йўналиши ҳақида маълумот беришдир. Бу ўринда **К а р и м** **қ а е р**га кетди? сўроғига жавоб бўлади.

Кўриниб турибдики, гапни **ташкил** этгаи синтактик бирликлар маълум синтактид вазифани **бажариш** билан бирга, сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаб, коммуникатив вазифа бажариш учун ҳам хизмат қилади. Гапнинг коммуникатив вазифа нуқтаи назардан тузилиши унинг муҳим тузилиши ҳисобланади.

Коммуникатив (актуал) вазифа нуқтаи назардан гапни ташкил этувчи синтактик узвлар тема (маълум) ва рема (янги) қисмларга бўлинади. **Гапнинг** рема қисми — коммуникатив (энг аҳамиятли) қисм гапнинг коммуникатив маркази ҳисобланади. Савол гапнинг шу коммуникатив марказини — ремани аниқлаш учун берилади. Гапнинг тема **қисми** аввалдан маълум бўлганлиги учун саволда айнан такрорланади. Шунга кўра, биринчи ҳолатда (Карим нима қилди? сўроғига жавоб бўлганда) Карим — тема (маълум), Москвага кетди — рема (янги); иккинчи ҳолатда (Москвага ким кетди. сўроғига жавоб бўлганда) Москвага кетди — тема (маълум), Карим — рема (янги); **учинчи** ҳолатда (Карим қаярга кетди? сўроғига жавоб бўлганда) Карим кетди — тема [(маълум), Москвага — рема (янги) Ҳисобланади.

**Кўриниб** турибдики, гаплар **коммуникатив** (актуал) жиҳатдан доимо икки қисмдан — тема (маълум) ва рема (янги) қисмлардан ташкил топади. Бу жиҳатдан синтактик тузилишнинг анъанавий бош бўлақларига ўхшайди. Баъзан уларга тенг келиши мумкин: тема -эгага, рема — кесимга. Аммо тема-рема ва эга-кесим бў-линишлари ўзаро муносабатда бўлган бошқа-бошқа ту-зилншлар бўлиниши бўлганлигидан, улар бир-биридаи тубдан фарқ қилади. Синтактик тузилиш узвлари бош бўлақлардан ташқари, яна бошқа бўлақлардан ҳам таъ кил топса, коммуникатив тузилиш доимо икки қисмдан — тема ва рема ҳақида маълумот берувчи марказ — рема-дан ташкил топади

<sup>1</sup>Ломтев Т. М. Предложение и его грамматические категории. МГУ, 1972, с.

<sup>2</sup>69.

<sup>2</sup>Васильев Л. М. Семантика русского глагола М., 1987, с:

Гапнинг актуал тузилиши ва актуаллаштирувчи воситалар ҳақида бошқа ишларда батафсил маълумот берганлигим. учун бу ерда шу маълумот билан чекланамиз. Царанг: Нўнонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Узбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992, 94-бет; Нурмонов А-Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988, 81-бсг.

## ИФОДА МАҚСАДИ КАТЕГОРИЯСИ

Гапнинг коммуникатив категорияси гапнинг ифода мақсадига кўра турларини ҳам ўз ичига олади. Гаплар коммуникатив мақсадига кўра нутқий алоқа турига асосланади. Нутқий жараёнда сўзловчи маълум ахборотни ёки истак-хоҳишини тингловчига баён қилишни, маълум воқеа, ходиса ҳақида тингловчидан сўрашни, суҳбатдошини маълум ахборотни баён қилишга ёки маълум ҳаракатни юзага чиқаришга даъват қилишни мақсад қилади. Сўзловчи ўзининг мақсадига мувофиқ келадиган I гап шакллари танлайди. Шунга мувофиқ, гаплар ифода мақсадига кўра куйидаги турларга бўлинади: 1) дарак гаплар, 2) сўроқ гаплар, 3) буйруқ гаплар, 4) истак гаплар.

Юқоридаги гапларнинг ҳар қайсиси тил сатҳида бир-биридан фарқ қиладиган ўзига хос моделига эга. Ҳар қайси модел нутқ жараёнида модусига кирувчи қўшимча маъно ва бу маънони ифодаловчи шаклга эга бўлиб, моделга умумлашган (инвариант) маънони хусусий вариант маънолар билан бойитиши мумкин.

Ҳар қандай гапнинг уюштирувчи маркази кесим бўлигидан гапнинг ифода мақсадига кўра моделлар ҳам кесим асосида ажратилади.

Гапнинг ифода мақсадига кўра моделлар тизимп категорияни ҳосил қилади.

Инвариант маъно ва ивариант шакл асосидаги бу тўрт хил гап уч белги асосида бир-биридан фарқ қилади: а) I шахс ахбороти, б) II шахсни ҳаракатга қўзғаш, в) модаллик.

Гап турлари	Дарак	Сўроқ	Буйруқ	Истак (оплатив)
Алоқа турларп				
I шахс ахбороти	+	-	-	+
II шахсни ҳаракатга қўзғаш	-	+	+	-
Модаллик	0	0	+	+

**Сўроқ** гап ахборот билдирмайди, лекин ахборот ифодалаш билан алоқадорлик сўроқ гаппи дарак ва истак гаплар билан яқинлаштиради.

Дарак ва сўроқ гаплар модели модаллик ифодалашга бефарқ бўлса, буйруқ ва истак гаплар модаллик билан боғланган. Буйруқ гапнинг кесими буйруқ майлидаги феъллардан, истак гапнинг кесими эса истак майлидаги феъллардан ифодаланади.

## ДАРАК ГАПЛАР

Маълум воқеа-ходиса, белги-хусусият **ҳақида** тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар берувчи гапларга **дарак гаплар** дейилади. Масалан: **Умарбек гузарга, сўнг Толмозорга яқинлашса ҳамки, ўзига келолмади.**

*(Е. Яқвалхўжаев)*

Дарак гаплар шакл ва мазмун карама-қаршилиги ва оирлигидан ташкил топган бутунлик бўлганидан, унинг бу икки томонининг ўзаро муносабати ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш лозим бўлади.

### *Дарак гапларнинг шаклий парадигмаси*

Дарак гапларнинг грамматик хусусиятлари, унинг гапнинг бошқа турларидан фарқловчи белгилари кесимга қараб белгиланади. Кесими ижро майлидаги феъллардан ва феълдан бошқа сўз: туркумларидан ифодаланган гаплар дарак гап саналади. Кесим гапнинг марказий бирлиги бўлганлигидан, кесимнинг морфологик шакллар тизими шу гапнинг шаклий парадигмаси бўлади. Масалан:

1. Кесим вазиятида феълнинг ижро майли шакл **Сайфи Соқиевич дўмбоқ қўлини силтади.** *(У. Ҳошимов)*

2. Кесим вазиятида бош ва восита келишикларидаги от ва олмош шакли: Биз ишчимиз, меҳнатчимиз. *(Ҳамза)* Бахтим — меҳнатдан. Борлигим сенга. Нигоҳим сенда фақат кесим вазиятидан иборат бўлган атов гапларнинг морфологик шакли: Куз. Кенг пахтазор.

3. Кесим вазиятида сон, сифат, равиш шакли, бор йўқ, мавжуд сўзлари. Масалан,

Ўннинг ярми — беш. Тонг яқин, тонг яқин, оппоқ тонг яқин. (Ғ. Ғулом)  
Бахмал қирлар, кенг бўшлиқлар, пахтазор ерлар кўм кўк. (Ҳ. Олимжон) Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат. (Ғ. Ғулом)

4. Кўрсатиш олмоши шакли: Сиз сўраган идора мна шу.

Демак, дарак гаплар қуйидаги моделларни намс қилади:

К (Ф ижро), К / От (От восита келишиги), К (сон равиш, олмош) ва бошқалар<sup>1</sup>,

#### *Дарак гапларнинг мазмуний парадигмаси*

Дарак гаплар дарак — хабар бирлаштирувчи семаси билан мазмуний бир бутунликни ҳосил қилса ҳам, лекин бу **бутунлик** ўзаро фарқланувчи бир неча семала ни ўз ичига бирлаштиради. Бундай фарқланувчи семалар дарак мазмунийнинг вариантлари саналади. Дар. мазмуни қуйидаги семик вариантлар орқали намоён бўлади:

1) хабар семаси: Лайлак **келди**, ёз бўлди. (Кўшиқ).

2) орзу-умид семаси: Келур охир **сени** ҳам йўқлагудек бир замон яхши. (Муқимий)

Бу йил сафарга чимоқчи эдим;

3) ишонч семаси: Ҳақиқат ҳеч қачон эгилмайди;

4) маслаҳат семаси: Филолог бўлишингизни маслаҳат **бераман**;

5) истак семаси: Сизни одам бўлишингизни **хоҳлайман**;

6) ташвиқ семаси: Майдонга рўйирост чиқиб, **ҳақимизни** даъво қиламиз.

(Ойбек);

7) мавжудлик семаси: Уйлар тўла нон. Девор орқасида боғ бор. Осмонда чарақлаган юлдуз;

8) аташ семаси: Топгадш — сенга;

9) кўрсатиш, ишора (дейктик) семаси: Мактаб—шу ва бошқалар.

Бундан ташқари, гапнинг таркибида модал маъно билдирувчи лексик воситалар иштирок этиб, турли модал маънолар ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: Мен фарзандимнинг бахтли бўлишини хоҳлайман.

Бу семаларнинг ҳаммаси бир инвариант сема — дарак архисемаси остида бирлашади. Дарак архисемаси ва ушшг бевосита кузатишда берилган бир неча семалари ўртасида умумийлик ва хусусийлик муносабати мавжуддир.

Юқоридаги семалардан биринчи, иккинчи, учинчи ва еттинчи семалар дарак архисемасининг марказий семалари, қолганлари эса чегара семалар ҳисобланади. Чегара семалар дарак архисемасидан бошқа архисемаларнинг ҳам вариантлари бўлиб келади. У ҳолда бу архисемаларнинг марказий семаси бўлиши мумкин. Жумладан, ташвиқ семаси буйруқ гап орқали ифодаланади-ган архисеманинг марказий семаси бўлиб келади.

Дарак гапларда шакл ва мазмун муносабати.

Дарак гапларнинг синтактик шакли билан синтактик маъноси ўртасида мутаносиблик мавжуд: синтактик дарак маъноси гапнинг синтактик дарак шакли орқали ифодаланади. Лекин уларнинг бевосита кузатиш босқичида вариант ҳолида қўлланилишида морфологик (субстанционал) шакл ва морфологик (еубстанционал) маъно ўртасида номутаносиблик кузатилиши ҳам мумкин. Масалан, кесимнинг ижро майли орқали ташвиқ маъносининг ифодаланиши. Шакл ва мазмуни ўзаро номутаносиб гапларнинг шакли кўпинча иккиламчи вазифада қўлланган бўлади. Иккиламчи вазифадаги синтактик шакл бирламчи вазифадаги синтактик шакл билан синтактик синонимияни ҳосил қилади. Масалан: Ҳақимизни даъво қиламиз — Ҳақимизни даъво қилайдик. Улар Уртасидаги фарқловчи белги ташвиқнинг ифодаланиши Даражасидир. Ижро майли шакли орқали ифодаланган ташвиқ буйруқ майли шакли орқали ифодаланган ташвиққа нисбатан кучсизроқ бўлади.

Дарак гапларда маълум воқеа-ҳодиса, белги-хусуси: ҳақидаги ахборот ё тасдиқланади, ёки йнқюр қилинади Шунинг учун ҳам дарак гаплар доимо ё тасдиқ, ё инкор шаклда бўлади. Масалан:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ, Ёв кўлига таслим ҳам бўлганим йўқ. Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк дегашшг тилагида яшайман. (Ҳ. Олимжон)

Дарак гаплар ўзига хос оҳанги билао ҳам ажрала туради. Дарак гаплар одатда тинч оҳангга эга бўлад!

#### СЎРОҚ ГАПЛАР

Сўзловчи ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот олиш мақсадида ишлатиладиган гапла сўроқ гап ҳисобланади. Масалан, Кимга асрашяпти бу жойни? (Ў. Ҳошимов)

Сўроқ гаплар гапнинг бошқа тқпларидан махсус грам матик воситалари билан ажралаб туради

#### Сўроқ гапларнинг шаклий парадигмаси

Сўроқ гаплар хилма-хил воситалар орқали ҳосил бўладп. Сўроқ гапки шакллантирувчи воситалар гапниш сўроқ воситалари саналади. Улар куйидагилардан иборат:

1) Сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а/-я). Сўроқ юкла малари сўроқ гап кесимига кўшилиб, сўроқ гапнж шакл лантиради. Сўроқ гапшгаг қайси қисмига мантикий урғу тушишидан қатъи назар,

А л и е в У. Б. Синтаксис карачаева-балкарского языка', 1972, с. 28

сўроқ юкламаси кесим таркибида бўлади. Масалан:

Онахон нишон олгани учун сен жуда хурсандмисан?

Онахон нишон одгани учун сен жуда хурсандмисан?

Онахон нишон олгаи учун сен жуда хурсандмисан?

Айрим туркий тилларда, хусусан, қорачой—болқар тилида мантикий урғу қайси бўлакда бўлса, сўроқ юкламаси ҳам шу бўлак таркибида бўлади. Масалан:

Самолёт бла Аҳмадми кетди?

Аҳмад самолёт блами кетди?

Аҳмад Москвагами кетди?<sup>1</sup> ва бошқалар.

2. Сўроқ олмошлари (ким?, нима?, қачон? қаер? нега? ва бошқалар): Нега итингизни огзини боғлаб кўйиб (А.К)

3. Сўроқ **оҳанги**. Сурок оҳанги сурок ифодалашнппг универсал воситасидир. У сўроқ гапларнинг ҳамма турида иштирок этади. Лекин сўроқ ифодаловчи махсус шаклий воситалар ишлатилмаганда, оҳанг асосий сўроқ ифодаловчи восита ҳисобланади. Масалан: Сув келдн— Сув келди?

Сўроқ ифодаловчи бу уч хил воситанинг ҳар бири тил сатҳида умумлашган тип сифатида сўроқ гап моделини, уларнинг бевосита кузатиш сатҳидаги намуналари (вариантлар) муносабати эса нутқ сатҳида парадиг-матик муносабатни ҳосил қилади.

№)	сўроқ гап	Сўроқ гап вариантлари
1.	Р ми Сўроқ	Сен баҳорни
2.	олмоши Р	соғинмадингми? (А.О.)
3.	р?	Баҳорни ким соғинмайди? Баҳорни соғиндииг?

#### Сўроқ гапларнинг мазмуний парадигмаси

Сўроқ гаплар умумлаштирувчи сўроқ маъноси билан бир бутунликни ҳосил қилса ҳам, лекин бу сўроқ маъноси реал ҳолда турли вариантлар — семалар орқали намоён бўлади.

1. Соф сўроқ семаси: Қизинг кепти, нега айтмадннг?  
(О. Ё.) Нега дарагингиз бўлади? (Мирмуусин)
2. Таажжуб семаси: Шу гаплар ростми? (О.)
3. Гумон семаси: Мухбир эмасмисиз, мулла ака?  
(Мирмуқсин) Беш кунлигим борми, йўқми? (Мирмуусин)
4. Буйруқ семаси: Тўйга бормайсизми? Нега йиғласан? (А. К.)<sup>Ғ</sup>
5. Дарак семаси: Агар Маккатилло Фарғонанинг ёнида бўлса, одамлар бормасмиди?  
(А. К.)
6. Ташвиш семаси: Пожарникдар қилдан қийиқ ах таришмасмикин? (Мирмуқсин)
7. Ғазаб семаси: Мен бўри бўлдимми? (К. Я.)
8. Киноя семаси: Пичоқни шу Холмат урадимми? ва бошқалар.

Сўроқ архисемаси ичидаги бу семалар муносабац сўроқ гапларнинг мазмуний парадигматик муносабати ҳосил қилади. Мазмуний парадигма ичида биринчи сема сўроқ гап учун марказий, қолган семалар эса чегара семалар саналади.

### Сўроқ гапларда шакл ва мазмун муносабати

Сўроқ гаплар соф сўроқ семасини ифодалаганда унии игакли ва мазмуни ўртасида мутаносиблик бўлади. Бош қа ҳолатларда номутаносиблик кузатилади.

Сўроқ гаплар шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабатга кўра икки гуруҳга бўлинади:

- 1) шакл ва мазмуни мутаносиб бўлган сўроқ гаплар (сўроқ гаплар);
- 2) шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гаплар.

Шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гапларнинг таркибида сўроқ воситалари иштирок этиб, фақат шакл томондангина сўроқ гап саналади. Лекин сўзловчининг нияти ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида сўраш эмас, **балки ўзига маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот берилга (У тенг кизлар ҳозир фронт учун нималар қилмаяпти. (О.Е.), ў ёки бу воқеадан таъсирланиш). Наҳотки дарёлар оқар тескари? (F.F), маълум воқеани амалга оширишга даъват этиш (Қирмайсизми?) бўлади.**

Шунга мувофиқ, шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган сўроқ гаплар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) сўроқ-дарак гаплар; 2) сўроқ-буйруқ гаплар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Алиев У. Б. Синтаксис карачаева-балкарского языка', 1972, с. 28

**Айрим** тадқиқотларда ҳар иккиси бир умумий ном — рито-рик сўроқ гаплар остида бирлаштирилади. Каранг: Совре-менньш татарский литературньга язнк. М., 1971; с. 56; А Х\* м е д о в А. Функциональнне типх вопросительннх предлг'-жений п узбекском языке //Опмт экспериментального структурного изучения язтков. Ташкеит, 1982, с. 71—76:

### Сўроқ-дарак гаплар

Дараё мазмунини ифодаловчи сўроқ гапларга сўроқ-дарак гап дейилади.

Сўроқ-дарак гаплар шакл томонидан таркибида сўроқ воситалари иштирок этиши белгисига кўра сўроқ гаплар билан парадигматик муносабатга киришса, мазмуни жиҳатдан маълум воқеа, белги-хусусият ҳақида хборот бериш белгисига кўра дарак гаплар билан парадигматик муносабатга киришади. Бундай гапларда шакл ва мазмун ўртасида кўпинча икки белги асосида зиддият мавжуд бўлади: биринчидан, ифода мақсадига кўра зиддият (сўроқ шакли орқали дарак маъносининг ифодаланиши), иккинчидан, тасдиқинкор белгисига кўра зиддият (тасдиқ шакл орқали инкор ифодаланшп, аксинча, инкор шакли орқали тасдиқ ифодаланиши) Масалан:

Шеърдан баҳра олмаган ким? (*Уйғун*) Шеърдан ҳамма баҳра олади. Пичокни шу Холмат урадимиз? (*Ҳамза*) Пичокни Холмат уролмайдим.

Парадигма аъзолари ўртасидаги фарқли белги шуки, сўроқ гап шакли орқали ифодаланган тасдиқ ёки инкор **маъноси** сўроқ гап орқали ифодаланган тасдиқ ёки инкор маъносидан кучлироқ ифодаланади. Яъни сўроқ шаклида пропозитив маъно устига коннотатив маъно кўшилади. Демак, бу икки парадигма аъзоси ўзаро коинотатив маънонинг бор-йўқлигига кўра фарқ-ланади.

### Сўроқ-буйруқ гаплар

Буйруқ мазмунини ифодаловчи сўроқ гаплар сўроқ-буйруқ гап ҳисобланади. Сўроқ-буйруқ гаплар шакл томонидан сўроқ воситаларнинг иштирок этишита кўра сўроқ гап ҳисобланса ҳам, лекин у мазмунан буйруқни ифодалайди. Шунинг учун ҳам буйруқ гаплар билан мазмуний парадигматик муносабатга киришади. Масалан, Оқ айиқларни кўрмай-сизми; (Мирмуҳси) — Оқ айиқларни кўринг. буйруқ гапларда ҳам шакл ва мазмун ўртасида икки хпл зиддият мавжуд бўлади: 1) ифода мақдига кўра зиддият (сўроқ шакли орқали буйруқ мазмунига ифодаланиши), 2) тасдиқ-инкор белгисига (сўроқ гапнинг бўлишсиз шакли орқали ахборот ифодалаш ёки бўлишли шакли орқали хборот ифодалаш). сўроқ гап шакли орқали бери Услубий қимматга эга бўлади. Сўроқ гап шакли орқали ифодаланган буйруқ мазмунини буйруқ гап шакли орқали ифодалаган буйруқ мазмунига нисбатан майинроқ бўлади.

## БУЙРУҚ ГАПЛАР

Кесими буйруқ майлидаги феъллардан ифодаланган гаплар буйруқ гап ҳиообланади. Сухбат **айлайлик, келннглар, жўралар, ўртоқлар.** (*Муқумий*)

Демак, буйруқ гапларнинг тил сатҳида дарак, сўроқ гаплардан фарқ қиладиган ўзига хос модели бор. Буйруқ гапнинг модели К /б.м.ф./дир<sup>1</sup>. Бу модел **нутқда турли вариантларда** намоён бўлади: шахс-сон бўйича **вариантлари**, тузилишига кўра вариантлари (йиғиқ, ёйиқ) ва бошқалар.

Баъзан **буйруқ** гапнинг марказий **қисми** — кесим бевосита ифодаланмаслиги **мумкин**. У вақтда бевосита ифодаланмаган буйруқ майлидаги феълдан ифодаланиши **лозим** бўлган кесим нутқ вазиятидан **англашилиб** туради. Масалан: Ҳамма далага!

**Буйруқ гаплар** ҳам шакл ва мазмун **қарама-қарши**-лиги ва **бирлигидан** иборат бутунликдир.

### *Буйруқ гапларнинг шаклий парадигмаси*

**Буйруқ** гаплар) кесимининг **буйруқ** майлидаги феълдан ифодаланганига кўра умумийликни ҳосил **қилса** ҳам, лекин бундай гаплар шахс ва сон белгисига **кўра** турли вариантларда намоён бўлади.

Шахс **парадигмаси** бирликда:

I шахс. **Арз** этайип эпди **ёзиб номалар.** (*Муқимий*)

II шахс Келинг, чақчақлашайдик.

III шахс. Омон бўлсин дўстларнинг бари. (*Х.О.*) Шунингдек, **керак**, **лозим**, **даркор** сўзларининг ҳаракат номи билан биргаликда қўлланилишидан иборат бўлган гаплар ҳам буцруқ гап парадигмасига киради.

### *Буйруқ гапларнинг мазмуний парадигмаси*

**Буйруқ** гаплар умумий буйруқ архисемаси билан бир бутунликни ҳосил қилса ҳам, лекин буйруқ архисемаси бир қатор семалар орқали намоён бўлади:

---

<sup>1</sup> **К (б.м.ф.)**—кесим буйруқ майлидаги феълдан ифодаланган гап.

Маслаҳат: Ортиқча гапирма. Билим чўққиларига эгаллаш керак. Ибрат олгил ён қўшшиз Шариф бойдан. (Ғ.Ғ.)

Илтимос: Алишер, эски гиналарни унутинг, яна ўз жойингизни эгалланг. (Уйғун)

Ташвиқ: Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг бойларнинг жазосини бер. (Ҳ.Ҳ.)

Ҳар уч семада такрорланаётган ва уларнинг ҳаммасини бирлаштирувчи сема буйруқ семасидир. Шунинг учун ҳам бу сема архисема ҳисобланади.

Буйруқ гапларда шакл ва мазмун муносабати

Буйруқ гаплар шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган бутунликдир. Буйруқ гапларда буйруқ архисемаси таркибида бирлашган бир неча семалар шаклий жиҳатдан бирлаштирувчи буйруқ шаклининг турли вариантлари орқали намоён бўладм.

## ИСТАК ГАПЛАР

Кесимий шарт-истак майлидаги феъллардан фодаланган гаплар **истак** гаплар саналади. Масалан, Бир гўшаи боғ бўлса-ю, сен бўлсангу мен. (Бобур)

Истак гаплар сўзловчининг **истак-хохишини** ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай гаплар сўзловчининг ахборот бериши белгисига кўра дарак гаплар билан умумийликни ҳосил қилади. Лекин тил сатҳида ўзининг алоҳида модели мавжудлиги ва нутқда коннотатив маъно маълум ахборот бериш билан бирга, сўзловчининг **истаги**, **хохишининг** ифодаланишига эга бўлади.

Истак гаплар сўзловчининг **истагини** ифодалаганлиги учун ҳам у келгусида бўлиши орзу қилинаётган воқеа-ҳодиса, белги-хусуоият ҳақида ахборот беради. Масалан: Олий ўқув юртини битиреам, ажойиб муҳандис бўлсам. Шаҳарларга, қишлоқларнинг боғ-

роғларга бурканишига ўз хиссамни қўшсам.  
Истак гапнинг модели К (ф. -са) дир.

\* \* \*

Хуллас сўзловчи	Гап тури	1 Гап
Ахборот бериш --	Дарак гап	Дарак
Сўраш --	Сўрок-дарак гап Сўрок гап	Сўрок
Буйруқ --	Сўрок-буйруқ гап Буйруқ гап	Буйруқ
Истак билдириш ---	Истак гап	Истак

### ГАПНИНГ ЭМОЦИОНАЛЛИККА КЎРА ТУРЛАРИ

Тил сатҳидаги юқорида кўрсатилган гапнинг ифода мақсадига кўра гап моделлари нутқ жараёнида турли вариантларда намоён бўлади. Нутқ сатҳида эса бу вариантлар яна кўшимча белгиларга ҳам эга бўладн. Бу белгилардан бири сўзловчининг ҳис-ҳаяжонидир.

Демак, дарак, сўрок, буйруқ, истак гапларнинг нутқ жараёнида сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ҳам ифодалаши уларни ҳис-ҳаяжонли гапга анлантиради. Ҳис-ҳаяжонли гап ундов гап деб юритилади.

Ундов гаплар шаклий тузилиш жиҳатдан ҳам фарқловчи белгиларга эга бўлади:

- 1) ундов оҳанги, кучли ҳаяжон билан талаффуз қилинади;
- 2) таркибида ҳаяжон билдирувчи сўзлар иштирок этади. Масалан, Оҳ, нақадар гўзал бу макон! (0. Матжон)

### ГАПНИНГ МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Модаллик гапнинг асосий белгиси, гап мазмунининг муҳим қисмидир. Тилшуносликда модаллик деганда, одатда, гап мазмунининг объектив борлиққа муносабати ва сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати тушунилади.

Модаллик остида гапнинг субъект билан боғлиқ бўлган турли маънолари тушунилар экан, аввало, бу маъноларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) объектив ва 2) субъектив модаллик.

Уларнинг биринчиси билиш акти йўналтирилган маълум бир вазиятдаги мавжуд объектив алақалар характери акс эттиради (мумкинлик, ҳақиқийлик, зарурийлик)

<sup>1</sup> Модаллик ва унинг турли ҳил талқиқи ҳақида қаранг Нурмонов А. М. ахмудов Н. ва бошқалар: Узбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992, 80-бет.



Иккинчиси эса бу алоқаларни билиш даражасига сўзловчининг муносабати (бахоси)ни ифодалайди.

Объектив модаллик гапнинг синтактик бўлиниш сатҳига ўз ифодасини топади<sup>1</sup>. Унинг шаклий кўрсаткичлари:

- 1) феъл майллари (шарт-истак, буйруқ, шартли, ижро) ва бошқалар;
- 2) махсус модал феъллар: хоҳламоқ, истамоқ ва бошқалар;
- 3) лексик воситалар: керак, лозим, даркор, мажбур, зарур ва бошқалар.

Объектив модаллик, ўз навбатида, турли маъноларни ўз ичига олади:

1. Гапда ифодаланган мазмуннинг борлиққа муносабати. Бу феъл майллари ва оҳанг (номинатив сўз-гапларда) орқали ифодаланади ва гап мазмунининг реал(нореал) эканини фарқлайди<sup>2</sup>.

2. Субъектнинг «ўз» ҳаракатига муносабати. Бу модаллик тўрт кичик категорияни бирлаштиради:

а) аниқлик. Ноль кўрсаткич билан характерланади;

б) мумкинлик, имконияти борлик. Олмоқ, бўлмоқ кўмакчи феъллари орқали ифодаланади. Масалан, Бу нияти амалга оширса бўлади (ошириб бўлади). У институтда ўқий олади ва бошқалар;

в) зарурлик, даркорлик, мажбурлик. Модалликнинг бу (маъноси керак, лозим, Даркор, зарур сингари сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, Мен ўқишим! керак;

г) хоҳиш — истак. Бу маъно махсус модал феъллар хоҳламоқ, истамоқ ва бошқалар) орқали ифодаланади. Масалан, Мен ўқишни истаyman.

Юқорида санаб ўтилган барча модаллик турлари объектив модалликка мансуб бўлиб, диктумга оиддир.

Субъектив модаллик гапда ифодаланган объектнинг мазмунга сўзловчининг муносабатини ифодалайди ва модусга киради. Субъектив модаллик кириш сўз вазифасида келган махсус модал сўз ёки модал вазифадаги бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланади. Субъектив модаллик орқали, ўз навбатида, сўзловчининг ўз фикрига турли муносабатлари намоён бўлади ишонч (албатта, келаман), тасдиқ (тўғри, келаман), гумон (эхтимол, келаржан), ачиниш (афсус, келаман ва бошқалар). Субъектив модаллик факультатив характерга эгадир.

Шундай қилиб, синтактик модаллик гапдаги роли ва субъектнинг гап мазмундаги муносабат даражасига қараб, икки гуруҳга—объектив ва субъектив модалликка бўлинади. Объектив модаллик гапни шакллантирувчи зарурий белгилардан бири ҳисобланса, субъектив модаллик объектнинг модаллик устига қўйилувчи қўшимча модалликдир. Шунинг учун ҳам у гапнинг зарурий қисми эмас.

## ГАП МУРАККАБ ТУЗИЛМА СИФАТИДА

Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлган бир бутунликдир. Гапнинг бу икки томони ўзаро диалектик алоқада бўлса ҳам, бир бутунни ташкил этувчи алоҳида-алоҳида тузилмалар бўлганлиги учун ўзла рига хос маълум хусусиятларга ҳам эга. Аввало, бу икки тузилма ўзларининг тузилиш бирликлари билан ҳал фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси тузилмани бирликларини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва бу икки тузилма бирликлари ўртасидаги муносабатни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

## ГАПНИНГ ШАКЛИЙ ТУЗИЛИШИ (СИНТАКТИК ТУЗИЛИШИ)

Ҳар бир гапда маълум объектнинг мазмун маълум моддий воситалар — синтактик шакллар воситасида ифодаланади. Гапнинг ана шу моддий ифодаланиш томон унинг синтактик тузилиши ҳисобланади.

Синтактик тузилиш ҳам ўзаро муносабатда бўлган бир неча унсурлардан ташкил топган бир бутунликдир. Синтактик тузилишнинг унсурлари анъанавий тилшуносликда гап бўлаклари термини билан номланади.

Лекин синтактик тузилиш таркибидаги барча синтактик тил шакллар гап бўлаклари таркибига киритилмайди. Анъанавий тилшуносликда синтактик шаклнинг **тобе** алоқага **кириши** (ўзаро деминация муносабати) унинг гап бўлаги ҳисобланишишиг бош мезони саналади.

Гап бўлаги маълум синтактик шаклнинг шаклий сингагматик муносабатдаги вазиятига қараб белгиланади: эга вазияти, кесим вазияти, тўлдирувчи вазияти ва бошқалар. Натижада айрим мазмуний муносабатда бўлган лекин бу мазмуний муносабат шаклий жиҳатдан тобе муносабат (алоқа) орқали эмас, балки ундаш ва кириш муносабатлар орқали ифодаланган бирликлар синтактик тузклиш бирлиги сифатида қаралмайди. Бу эса бутунни бўлақларга бўлиш асосига зид келади. Чунки бутун бўлақларга маълум асосда шундай бўлиниши керакки, бутуннинг бирорта унсури бўлинишдан ташқари қолмаслиги керак.

Панфилов В. 3. Категория модальности и ее роль в кон-ститутировании структурн предложения и суждения. Я, 1977, №4, с. 39 \*  
Г а к В. Г. Теорстическая грамматика фраБцузского языка. синтаксис. М., 1981, с. 143.  
Синтактик тузилпги унсурларшш гап булаклари термини остида **урганишнинг** мухолпфлари **хам** бор. Улар бу тузилшини **синтаксема (Мухин)**, спнтэктик шакл (Золотова) каои терминлар остида лрганадплар.

Гап бўлаклари **гапни** ташкил этган синтактик шаклларни тўла қамраб олмас экан, демак, гапни бўлакларга гап бўлаклари рубрикаси остида ажратиш етарли асосга эга эмас. Шунинг учун ҳам тилшуносликда бу масала ҳам энг мунозарали масалалардан бири бўлиб келмоқда<sup>1</sup>.

Синтактик бирлик ҳисобланган гапнинг шаклий тузилиш жиҳатдан унинг з'иддиятш ҳисобга олган ҳолда қуйидагича синтактик шаклларга бўлиш мумкин:

- 1) синтактик алоқага киришадиган синтактик шакллар
- 2) синтактик алоқага киришмайдиган синтактик шакллар.

Буларнинг биринчи **гурухи** анъанавий **гап** бўлаклари Ҳисобланади.

## ГАП БЎЛАКЛАРИ

Тобе алоқа таркибида муайян синтактик вазиятда энг кичик синтактик шакл гап бўлаги сапалади. Муайян сўз шаклининг бошқа сўз шаклга нибатан ҳолати унинг вазияти саналади. Айни бир сўз шакли турли хил синтактик вазиятда турли гап бўлаги вазифасида келиши мумкин. Тобе алоқага **киришаётган** сўз-шакллар жуфтлигида тобе қисм ҳоким қисм талаб этган вазиятда келади. Кўринадики, тобе қисмнинг вазияти аниқ, қисмнинг вазияти эса ноаниқ бўлади. Унинг қайси вазиятда келаётганлиги нутқ занжирининг кеини ҳалқасида аниқланади. Масалан, гап **қурилиши** **а, б, е** ва бошқа сўз шакллардаи ташкил топган бўлсин. **Агар** биз **а** сўз шаклининг вазиятшш **б** сўз шаклининг муносабатига кўра белгиласак, **б** сўз **шаклининг** вазиятини **а** шакл-лига қараб белгилаб бўлмайди. Унинг вазияти с сўз шаклининг муносабатига кўра, ўз навбатида, **с** сўз шаклининг муносабати эса **д** шаклга кўра белгилапади.

Гап бўлаги ҳам тил бирлиги сифатида шакл ва маз му.н карама-қаршилиги ва бирлигидаи ташкил топган мураккаб қурилмадир.

Гап бўлагининг шакл ва мазмун томонп ҳам, ўз нав **батида**, маълум унсурларга эга. Шунинг учун гап бўлақларининг шаклий ва мазмуний тузилишларини ҳамда улар ўртасидаги-муносабатни белгилаш иазарий тпл шуносликнинг муҳим вазифасидир.

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ШАКЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай гап бўлаги **шаклий** жиҳатдан моддий асос (морфологик шакл) ва синтактик вазият (синтактик шакл) карама-қаршилиги ва бирлигидан иборат Морфологик шакл синтактик шаклининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. **Лекин** лүрфологик шакл асосида ҳосил бўлган синтактик шакл сифат жиҳатдан тамоман фарқли бўлган янги ва унга нисбатан юқори шаклдир. Бир морфологик шакл бир неча синтактик шаклга асос бўлганидек бир неча морфологик шакл бир синтактик шаклга асос бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Узбекистон гўзал ўлка жумласида **бир** хил морфологик шаклдаги (бош келишик, **бирлик**) от икки хил синтактик вазиятда келяпти. Узбекистоннинг пойтахти — **Тошкент**. **Тошкент** кундан-кунга гўзаллашиб **боряпти** жумласида эса кесим вазиятида Тошкент ва **гўзаллашиб** боряпти синтактик шаклга бош келишик бирликдаги от ҳамда ўтган замон, бўлишли, учинчи **пгахс**, **бвфликдагв** феъл морфологик шакллар асос бўлган.

Шундай бўлишига қарамасдан, бу **икки** шакл бири иккинчисисиз яшай **олмайди**. Бири моддий асос бўлса, иккинчиси унинг вазифаси ҳисобланади.

Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келган юқорироқ бирлик экан, **синтаксис** учун синтактик **шакл** белгиловчи роль ўйнайди. Морфологик шакл эса **муайян** синтактик шаклининг ички томонини кўрсатади. Синтактик шакл бирлаштирувчилик, морфологик шакл эса фарқловчилик хусусиятига эга. Яъни маълум синтактик шакл бжр неча морфологик шаклларни бирлаштириш асосида майдонга келади. Айни пайтда шу синтактик шаклининг ички фарқли белгиларини аниқлашда нинг қандай морфологик шаклга таянганига асосланилади. Сиятактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келганлиги учун морфологик шакл синтактик шаклининг ичкг мундарижасини белгилайди. Морфологик шакл синтактик шакл ичида ўзининг заифасини бажаради. Демак, морфологик шаклининг вазифа олиш шароити син-тактик шаклдир. Уз навбатида, синтактик шаклининг вазифа олиш шароити жумла саналиб, жумланинг мундарижасини синтактик шакллар белгилайди.

Маълум синтактик вазиятда ҳар қандай морфологик шакллар эмас, балки шу вазиятга мувофиқ келувчи морфологик шакллар тизими мавжуд бўлади. Масалан, эга синтактик вазиятида бош келишикдаги от, отлашган сифат, сон, олмош ва бошқа морфологик шакллар кела олади. Бу морфологик шакллар тизимидан (парадимасидан) бири маълум синтактик вазият учун кўпроқ хосланган бўлади. Хусусан, эганинг морфологик шакллар тазимидан бош келишикдаги от эга синтактик вазияти учун кўпроқ хослангандир. Бу эса морфологик шакл **билан** синтактик вазиятнинг маълум даражада ўзаро боғлиқлигини таъмиялайди.

— Храковский В. С. Къцепция членов предложения в охМ язъ1кознани  
XIX века. — Грамматическе концепции в зъкошани XIX века. Л., 1985, с.124;  
Узбек тилшшнг грамматикаси. II Синтаксис. Тогакент, 1976, 207-бет.  
Домтев Т. П. Структура предложения в современном рус ском язнке. МГУ,  
1979, с. Ш.

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ МАЗМУНИЙ ТУЗИЛИШИ

Гап бўлаги мазмуний жиҳатдан ҳам бир неча унсурлардан ташкил топган мураккаб бутунликдир: у, бир томондан, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатга ва улар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради, иккинчи томондан, гап таркибида иштирок этиб, бошқа маънога муносабатда бўлади. Бу маънолар турли мултифлар томонидан турлича номланади. Масалан, биринчи маъно денотатив маъно (Уфимцева), субстанционал (Л.Ельмлев), категориал маъно (Смирницкий ва бошқалар), иккинчи маъно эса функционал маъно (Неъматов, Бошмонов); синтактик маъно (Мухин, Золотова Бошмонов) сингари терминлар билан ифодаланади. бўлақларининг **бириячи** маъноси объектив борлиқ билан боғланса, объектив борлиқ унсурларнинг ва бу унсурлар ўртасидаги муносабатнинг инсон онгида; акс этишини кўрсатса, иккинчи маъноси гап (жумла.) нинг маъно унсурлари муносабати занжирида унинг қай си вазифада келишини акс эттиради.

Биз бу икки маънонинг биринчиси учун морфологик маъно, иккинчиси учун эса синтактик маъно терминларини қўллаймиз.

Синтактик маъно морфологик маънолар асосида вужудга келади. Морфологик маъно синтактик маънонинг мундарижасики белгилайди. Синтактик маъно эса жумла таркибида бошқа синтактик маъно билан муносабатда вужудга келади.

Масалан, синтактик маъно ҳисобланадиган предикат маъноси субъект, объект маъноларига ишобатан белгиланади ва у турли морфологик маъноларни ўзжада бирлаштиради: ҳаракат маъноси (лайлак келди, ўқувчи ёзди, бола юрди), белги маъноси (минг касиядан бир нақдг яхши), ҳолат маъноси (чақалоқ ухлади, шоир ўйлади), микдор маъноси (ўзи битта, кўзи миигта) ва бошқалар. Натижада предикат мундарижасини белгиловчи морфологик маънолар тизими (парадигмаси) вужудга келади.

Морфологик маънолар парадигмасидан биттаси синтактик маъно учун кўпроқ хосланган бўлади. Масалак, юқоридаги морфологик маънолар тизимида биринчиси (ҳаракат-ҳолат маънолари) предикат учун кўпроқ хосланган.

Синтактик маъно билан морфологик маъно ўзаро боғлиқ, бири иккинчисисиз яшай олмаса ҳам, лекин улар бир ҳодисанинг икки томони бўлганлигидан<sup>1</sup> ҳар қайсиси бутун ичида маълум мустақилликка эга бўлади. Шунинг учун ҳам бу икки маъно ўртасида қарама-қаршилик мавжуд бўлади. Синтактик маъно морфологик маънога нисбатан умумийлик (инвариант) бўлса, морфологик маъно синтактик маънога нисбатан хусусийлик (вариант) бўлади. Инвариант вариантлар орқали намоён бўлганидек, синтактик маъно морфологик маънолар орқали намоён бўлади. Аксинча, синтактик маъно инвариант сифатида морфологик маъноларни (вариантларни) ўзига бирлаштиради. Шу билан бирга, сўз туркуми маъносининг ўзи ҳам қарама-қарши маънолар бирлигидан ташкил топади. Сўз туркумининг умумий категориал маъноси шу туркумга мансуб сўзларнинг хусусий маъноларини бирлаштириш асосида вужудга келади. Бу эса сўз туркумларининг умумий категориал маъноси билан хусусий маъноси ўртасидаги зиддияшнинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан, стол сўзида «предметлик» маъноси икки марта таъкидланади: а) унинг маълум сўз категориясига мансублигида (от туркумига мансублигида); б) унинг хусусий маъносида (аниқ предмет маъносини ифодалашида).

Бу ўринда стол сўзининг умумий категориал маъноси билан хусусий маъноси ўртасида мувофиқлик бор. Лекин юриш сўзининг бу икки маъноси ўртасида зиддият мавжуд: сўзнинг хусусий маъноси предметни эмас, балки жараённи билдирса ҳам, умумий категориал маъноси предметликни билдиради. Шунинг учун у от шакли орқали ифодаланади ва шакл жиҳатдан отнинг боғланишини сақлаб қолади.

Синтаксис учун морфологик маъноларни бирлаштирувчи маъно бўлган синтактик маъно муҳим ҳисобланади. Морфологик маъно эса синтактик маъноларнинг фарқли белгиларини кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлади.

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЪНОСИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

Юқорида баён қилинганлардан маълум бўладики, гап бўлақлари лисоний белги сифатида шакл ва маъно бирлигидан иборат. Гап бўлагининг ўзи иккиланган хусусиятга эга бўлиш билан бирга, ушшг таркибидаги шакл ва маъно унсурлари ҳам иккилангандир. Гап бўлаги шакли морфологик ва синтактик шакл бирлигидан ташкил топгани каби, унинг маъноси ҳам морфологик ва синтактик маъно бирлигидан

ташкил топади. Бу унсурларнинг биринчиси (морфологик шакл ва морфология маъно) бутунликнинг (синтактик шакл ва синтактик Маъно) ичига караб йўналишини, яъни бутун ва бўлак муносабатини кўрсатса, иккинчиси (синтактик шакл ва синтактик маъно) бутунликлар ўртасидаги кетмакет муносабатда **намоён** бўлади.

Гап бўлаklarининг шакли деганда, одатда, синтактик бутунлик сифатида унинг синтактик шакли, маъноси дейилганда эса, синтактик маъноси назарда тутилади. Демак, гап бўлаklarининг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат аслида синтактик шакл ва синтактик маъно ўртасидаги муносабатдир.

Гап бўлаklarииинг бу икки томони ўзаро узвий боғланиб, бир бутунликни ташкил қилади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар **қайсиси** маълум мустақилликка эга. Шунинг учун ҳам бу икки қурилиш бирликлари ўртасидз маълум хосланиш бўлиши билан бирга (субъектнинг эга учун, предикатнинг кесим учун, объектнинг тўлдирувчи учун ва ҳ. хосланиши) номувофиклик ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан, субъект маъноси эга синтактик **шакли** орқали (мен келдим), аниқловчи синтактик шакли орқали (менинг келишим), кесим синтактик шакли **орқали** (келган **мен**) ифодаланиши мумкин.

Бу эса шакл ва мазмун ўртасидаги қарама-қаршилик бирлишининг гап бўлаklари орқали намоёи бўлишини кўрсатади.

### ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ДАРАЖАЛАНИШИ

Гап бўлаklarининг синтактик қурилмани ташкил қилишдаги роли бир хил эмас. Айрим бўлаklar гап қурилишида марказий ўринни эгаллайди. Бу бўлаklarни гап қурилишидан чиқариб ташланса, гап шаклий томондан ҳам, мазмун томонидан ҳам ўз хусусиятини йўқотади. Айрим бўлаklar эса гап қурилишида етакчи роль ўйнамайди. Улар гап қурилишида иштирок этиб, гапнинг ахборот ҳажмини кенгайтиради. Шунга мувофиқ, гап бўлаklари анъанавий тилшуносликда икки даражага бўлинади.

а) бош бўлаklar;

б) иккинчи даражали бўлаklar.

Гап ҳам шунга мувофиқ, йиғиқ (фақат бош бўлаklarдан иборат бўлган гаплар) ва ёйиқ (игекинчи даражали бўлаklar ҳам иштирок этган) гапларга бўлинади.

### ЙИҒИҚ ГАПЛАР.

#### БОШ БЎЛАКЛАР

Гапнинг тузилиш асосини ташкил этган гап бўлаklarн бош бўлаklar ҳисобланади. Гапнинг тузилиш асосини эга ва кесим муносабати ташкил этади. Лекин бу икки бўлак муносабати ҳақида тилшуносликда турли фикрлар мавжуд. Уларни умумлаштирган ҳолда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Эга гапда абсолют ҳоким бўлак саналади. У ўз таркибига ҳоким бўлиш билан бирга, кесим таркибига ҳам ҳокимлик қилади. Бу нуктаи назар гапнинг номинатив томонини акс эттиради. Бунга мувофиқ, субстантив сўзлардан ифодаланган эга фикр предметини, абсолют аниқланмиш саналувчи гап бўлагини билдиради. Кесим эганинг предикатив белгисини, аниқловчи эса попредкатив белгисини билдиради.

Эга ва кесим тенг ҳуқуқли бош бўлак саналади. Бу нуктаи назар гапга субъектив предикат тузилма сифатида қарайдиган мантиқий йўналиш назариясига мансубдир. Тилшуносликдаги мантиқий йўналиш назариясига мувофиқ, ҳукмнинг икки асосий аъзоси бўлган субъект ва предикатга икки бош бўлак — эга ва кесим мувофиқ келади. Улар бир-бирини ўзаро тўлдиради. Улардан бири иштирок этмаса, гап тўлиқсиз бўлиб қолади.

3. Кесим — абсолют ҳоким бўлак. Эга ҳам унга бўйсунди. Бундай қараш айниқса, француз тилшуноси Тенъер назариясида очик ифодаланган. Кесим предикативлик категориясини ташувчи бўлак, гапнинг қурилиш маркази (тугуни) бўлганлиги учун ҳам бу назарияда кесим асосий бош бўлак саналади. Бу назария муносабат мантиқига таянади. Муносабат мантиғига мувофиқ, жумла марказида предикат ётади. Субстантив

бўлақлар саналувчи эга ва тўлдирувчи унга тобе бўлган ва бир даражада турувчи аргумент (асос)лар ҳисобланади.

Дарҳақиқат, агар сегментлаш усулидан фойдаланган гап қурилишида асосий бўлмаган бўлақларни читашлаганихМизда, гапнинг асосий белгисини сақлаб битта барқарор бўлақ, яъни кесим қолади. Машҳур поляк тилшуноси Е. Курилович ҳам гап қурилишининг маркази кесим эканлигини таъқвдлайди<sup>1</sup>.

Гапнинг тузилиш тархи асосида ҳам кесим ётади. Б. А. Велошапкина гапларни икки асосга бўлади; а) пре-дикатив асос (предикатив минимум), б) поминатив асос (номинатив минимум). Предикатив минимум гапнинг асоси ҳисобланади. Гап бўлақлари предикатив минимумга кирадиган ва предикатив мжнжмумга кирмайдиган бўлақларга бўлинади. Предикатив

Бертагаев Т. А. 0 сегментации или о члене предложения. — Член предложения в языках различных типов. Л. 1972. с. 93.

минимум асослари гап қурилишида энг аҳамиятли бўлақлар саналади ва улар-ни белгилаш гапни бўлақларга ажратишнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Предикатив асосга кирувчи гап бўлақлари вазифасига кўра яна иккига бўлинади: 1) ўзида предикатив категорияни акс эттирадиган бўлақлар, 2) ўзида предикатив категорияни акс эттирмайдиган бўлақлар. Предикатив категорияни ўзида акс эттирадиган бўлақ кесим саналади ва у тузилиш тархининг чўққиси бўлади. Эга эса предикатив асосга кириб, унинг шаклланишида иштирок этса ҳам, аммо предикативликни ўзида кўрсата олмайди.

Предикатив асосга кирмайдиган бўлақлар таснифи бўлишнинг жиккинчи босқичи ҳисобланади.

Англашиладики, эга билан кесим лнжвистик адабиётларда бош бўлақ сифатида тан олинса ҳам, лекин гап қурилишида, унинг тавсифида кесим биринчи ўринда туради. Кесимнинг гап қурилишидаги етакчилик роли айниқса туркий тилларда яққол кўринади. Туркий тил-ларда кесимсизг гап деярли ишлатилмайди. Номинатив ёки бўлақларга бўлинмайдиган гаплар ҳам аслида кесимли гаплар, бошқача айтганда, (кесимнинг ўзидир<sup>2</sup>.

## КЕСИМ

Ўзида предикативликни акс эттирадиган, гапни уюштирувчи ва шакллантирувчи марказий бўлақ кесимдир. Кесим гапнинг марказий бўлаги бўлганлигидан гапнинг бутун тавсифи — грамматик категориялари: тасдиқ инкорлик, шахс (персоналлик), замон (темпораллик), ком-муникатив мақсад ва ҳоказолар кесимга қараб белгиланади.

Кесим гап қурилишида уюштирувчилик родини ўйнайди. Колган бўлақлар кесимнинг кенгайтирувчилари ёки кенгайтирувчиларнинг кенгайтирувчилари ҳисобланади. Бу жиҳатдан эга ҳам кесимнинг субъект валентлигини тўлдирувчи бўлақ — гап тузилишини кенгайтирувчи ҳисобланади. Кесим предикатив шаклига эга бўлганлиги учун, у гапда бошқа бўлақларга нисбатан эмас, балки бевосита белгиланади. Гапнинг янги ахборот ташувчи қисми ҳам кесим саналади (бу жиҳатдан актуал кесим, рема ва синтактик кесим бир-биридан фарқланади, улар бир-бирига доимо мувофиқ бўлиши шарт эмас), Демак, кесим ҳам уюштирувчи марказ, ҳам ахборот марказидир.

Кесим бир бутун сифатида шакл ва мазмун қарамақаршилигидан иборат. Ўз навбатида, шакл ва мазмун ҳам мўайяя унсурлардан ташкил топади.

### *Кесимнинг шаклий унсурлари*

Кесим шаклий жиҳатдан морфологик ва синтактик шакллардан ташкил топган бутунликдир. Унинг морфологик шакллари инвариант шакл бўлган синтактик гоаклнинг турли вариантлари сифатида намоён бўлади.

Кесим қуйидаги морфологик шаклларда намоён бўлади:

Феъл шаклларида: Қор аллақачон эриб кетган, аммо ҳали баҳор кирмаган. (Ў. Ҳошимов)

Бош келишиқдаги от шаклида: Сиз яхши одамсиз. (Ў. Ҳошимов)

Восита келишиқларидаги от шаклида:— Манавиниси сариғидан. (Ў. Ҳошимов)

Сифат шаклида: Кўпчилиқнинг ҳақи етим ҳақидан ёмон. (Мақол)

Равиш шаклида: Бунинг устига, тадаба бўлиши хоҳлайдиганлар кўп. (Ў. Ҳошимов)

Олмош шаклида: Ҳа, худди ўзи. (Ў. Ҳошимов) Бу—ўша.

Сон шаклида: Қиз боланинг жони қирқта. (Мақол) ва

Бу морфологик шакллар кесим синтактик шаклввш парадигма аъзолари саналади ва инвариант шакл ана шундай парадигма аъзоларининг бири орқали рўёбга чиқади, Бу парадигма аъзоларининг биринчиси кесим учун кўпроқ хосланган. Чунки феъл бевосита предикатив шаклга эга бўлади ва бу восита кесимнинг эга билан сингаматик муносабатини ҳамда гап мазмунининг борлиққа муносабатини юзага чиқаради.

### *Кесимнинг мазмуний унсурлари*

Кесимнинг мазмуний томони ҳам морфологик маъно ва синтактик матнонинг қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат нисбий бир бутунликдир.

Морфологик маъно билан инвариант маъно бўлган синтактик маъно ўртасида умумийлик ва хусусийлик муносабати мавжуд бўлади.

Кесим вазиятида келувчи синтактик (инвариант) маъно предикатдир.

Предикат ҳам мазмуний, ҳам мантиқий тушунчадир. Мантиқий тушунча сифатида предикат — фикрнинг субъект белгисини билдирувчи қисми. Мазмуний. тушунча сифатида ҳар қандай синтактик қурилманинг маркази.

Предикат предикативлик билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай иредикативлик предикат асосида шаклланади. Предикативлик шакллари предикатга қўшилади.

Предикат инвариант маъно сифатида бир қанча вариант (морфологик) маънолар орқали реаллашади. Предикат ҳам вариант маъноларга асосланади. Масалан, ҳаракат маъноси (у ёзди), ҳолат маъноси (бола ухладпти, ўқувчи — хурсанд), хусусият (бола — шири), миқдор (дустлар кўп, укам учта), ҳослик (бўри — ваҳший), кўрсатиш (бу — ўша), тенглик (пикита беш — ўн) ва бо! қалар.

К у р и л о в и ч Е. Очерки по лингвистике. М., 1962, с. 55-<sup>2</sup> Бертагаев Т. А. Ўша асар, 93-бет.



Бу вариант маънолар предикат парадигмасини ҳосил қилади. Парадигма аъзолари ичида дастлабки иккитася предикат учун кўпроқ хоелашан. Чунки улар синтактик қурилма таркибида доимо предикат бўлиб келади. Бошқаларининг эса доимо предикат бўлиб келиши шарт эмас.

#### *Кесимнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат*

Кесимнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат Деганда, кесимнинг синтактик шакл ва синтактик маъноси ўртасидаги муносабат, яъни кесим ва предикат ўртасидаги муносабат назарда тутилади.

Предикат ва кесим тушунчалари ўзаро муносабатда бўлиб, бир ҳодисанинг ўзаро қарама-қарши икки томони — мазмун ва шакл томонидир. Ҳар қандай кесим предикат асосида шаклланади. Лекин ҳар қандай предикатиянинг кесим орқали ифодаланиши шарт эмас. Предика фақат предикативлик шакллари орқали ифодалангандагина, кесимнинг маъно томони бўлиб келади. Акс ҳолда, кесимдан бошқа синтактик шакллarning маъноси бўлади. Масалан, **Дўстимнинг келиши мени қувонтирди** синтактик қурилмасида келиши ва қувонтирди предикатлари мавжуд. Бу предикатлардан иккинчисин иредикативлик шаклини (дтхс, сон, замон, тасдиқ шакллари) олиб, кесим вазиятида келса, биринчиси бош келиши шаклини олиб, эга вазиятида келяпти. Демак, предикат ва кесим бир-бирини тақозо қилувчи, ўзаро диалектик алоқада бўлган тушунчалар бўлса ҳам, лекин улар бир ҳодисанинг икки қарама-қарши томони бўлганлиги сабабли доимо бир-бирига мувофиқ келавермайди.

#### *Кесимнинг морфологик шаклга кўра турлари*

Кесим вазиятидаги бўлак синтактик ва морфологик шакл қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат. Юқорида таъкидланганидек, кесим синтактик шакли учун кўпроқ хосланган морфологик шакл феълдир. Колган морфологик шакллар кесим вазиятида келиши учун махсус кесимлик шакллари — боғламаларни олиши керак бўлади. Шунга мувофиқ, кесимий икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) бевосита кесим вазияти учун хосланган морфологик шакллар — феъл кесимлар;
- 2) билвосита кестш вазиятида келадиган морфологик шакллар — от кесимлар.

#### *Феъл кесимлар*

Феъл ва унинг функционал шаклларининг кесим синтактик шаклли вазиятида келиши феъл кесим ҳисобланади.

Феъл кесимининг характерли белгиси шуки, бевосита кесимлик шакллари олиб, эга билан сийтагматик муносабатга киришади. Масалан, Хўроз қичқирди.

#### *Феъл кесимларнинг шаклий парадигматик муносабати*

Феъл кесимлар морфологик ва синтактик шаклининг ўзаро қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат.

Феъл кесим вазиятидаги синтактик шаклнинг морфологик шакллар тизими феъл кесимлар шаклий парадигмаси, шаклий парадигма аъзоларнинг ўзаро муносабати эса парадигматик муносабат саналади. Парадигма аъзоларияи умумлаштирувчи шакли синтактик шаклдир.

Феъл кесимининг парадигмаси даражали хусусиятга эга. Дастлаб кесим ўрнидаги соф феъл, равишдош, сифатдош морфологик шакллари бир парадигмани ташкил қилади. Ўз навбатида, бу парадигма аъзоларидан ҳар қайсиси ўз ичида яна парадигмани ҳосил қилади. Лекин кейинги парадигма учун катта парадигма аъзоси бяраштираувчи шакл (инвариант) вазифасини ўтайди. Хусусан, соф феъл морфологик шакли асосидаги синтактик шакл қуйидаги парадигма аъзоларни бяраштиради:

- ижро майлидаги морфологик шакл
- буйруқ-истак майлидаги морфологик шакл
- шарт майлидаги морфологик шакл

Шунингдек, сифатдош морфологик шакли асосидаги синтактик шакл ҳам, равишдош морфологик шакли асосидаги синтактик шакл ҳам, ҳаракат номи морфологик шакли асосидаги синтактик шакл ҳам яна ўз ичида алоҳида-алоҳида парадигмаларни ҳосил қилади.

Ҳар қайси парадигма аъзоларни муайян тиндаги гап шаклига хосланганлигини туфайли. Ҳар бир парадигма аъзоларига алоҳида-алоҳида тўхталнишга тўғри келади.

1. Синтактик шаклнинг ижро майлидаги морфологик шакли мустақил содда гапнинг кесими вазиятида келадн. Кесим вазиятидаги бу синтактик шакл шахс-сон, замон морфологик шакллари ҳам эга бўладн. Бундай морфологик шакллар,

биринчидан, кесимни предикативлик шакли билан шакллантиради, иккинчидан, кесимнинг эга билан синтагматик муносабатини таъминлайди. Масалан, Зайнаб акасининг елкасига янги тўн ташлаб, бошига янгигина тахтакачдан чиққан дўппи кийдириди. (*С. Аҳмад*) У ҳам Мирвалига қараб, аввалига танимади (*С. Аҳмад*)

2. Синтактик шаклнинг буйруқ-исгак майлидаги морфологик шакли ҳам мустақил содда гапнинг кесими вазиятида келади ва содда гапнинг яфода мақсадига кўра алоҳида турини ҳосил қилади. Масалан, Дехқон бўлсанг, шудгор қил, мулла бўлсанг, такрор қил. (*Мақол*)

3. Синтактик шаклнинг шарт майлидаги морфологик шакли эргаш гапларнинг кесими, баъзан содда гапларнинг кесими вазиятида келади.

Эргаш гапларнинг кесими вазиятида келганда, бу морфологик шакл синтактик омонимия ва полисемияга асос бўлади: шарт, ўрин, пайт ва бошқа эргаш гапларнинг асоси бўлади.

Содда гапларнинг кесими вазиятида келганда, содда гапнинг алоҳида коммуникатив тури учун хосланади. Масалан, Самарқандга борсам, Улуғбек расадхонасини кўрсам.

Сифатдош морфологик шакли асосидаги синтактик шакл ҳам ўз ичида парадигмани ҳосил қилади ва ҳар қайси парадигма аъзоси гапнинг маълум тури учун хосланади. Масалан:

-ганда  
-ганидан  
-ганига  
-гани учун  
-гани сабабли  
-гани туфайли

Синтактик шаклнинг бундай морфологик шакл парадигмаси аъзолари эргаш гапнинг кесими вазиятида келади. Биринчи аъзоси пайт эргаш гапнинг, қолганлари эса сабаб эргаш гапнинг кесими вазиятида келади.

Равишдош морфологик шакли қуйидаги парадигма аъзоларидан иборат бўлади:

-гуича  
-лulб

Бу парадигма аъзоларидан биринчиси пайт эргаш гапнинг кесими вазияти учун хосланган. Иккинчи парадигма аъзоси эса кўп маъноли бўлиб, бир неча эргаш гапларнинг (сабаб, пайт ва бошқалар) кесими вазиятида келиши мумкин.

Кўриниб турибдики, кесим вазиятидаги синтактик шакл ўзаро даражали муносабатда бўлган бир неча морфологик шакллар тизимини ўз ичига олади.

#### *Феъл кесимларнинг мазмуний парадигматик муносабати*

Феъл кесимлар мазмуни бўлган предикатлар ҳам морфологик ва синтактик маънонинг ўзаро қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган нисбий бир бутунликдир. Феъл кесимнинг мазмунини феъл предикатлар этади. Феъл предикат нисбий бутунлик — синтактик маъно сифатида қуйидаги морфологик маънолар **дан ташкил топади. Бу морфологик** маънолар тизимн феъл предикат парадигмасини ҳосил қилади.

Феъл предикат қуйидаги морфологик маъноларни ўзида бирлаштиради:

а) субъект ҳаракати: **Машина юрди. Станок ишлади. Бола ўйнади;**

б) субъект ҳолати: **Касал ухлади;**

в) пайт: **Баҳор келса, гуллар очилар;**

г) шарт: **Сен келсанг, биз борамиз;**

д) истак: **Улкамиз гулларга бурканса;**

е) мақсад: **Аспирантурада қолдиришмоқчи.**

(*0. Ёқубов*) ва бошқалар.

Юқоридаги парадигма аъзолари синтактик **маъно** (интзариант) бўлган предикатнинг морфологик маънолари! — вариантларидир. Бу морфологик маънолар син тактик маъно бўлган предикатнинг мундарижасини **ташкил** қилади.

#### *Феъл кесимларда синтактик шакл ва синтактик мазмун муносабати*

Синтактик шакл бирлиги бўлган феъл кесим синтактик маъно бирлиги предикат билан ўзаро муносабатдадир. Улар бир бутунликнинг ўзаро қарама-қарши икки томони саналади. Кесим билан предикат ўзаро узвий боғлиқ бўлса ҳам, лекин улар **бир** ходисанинг икки томони бўлгани сабабли маълум ўзига хосликка эга. Мазмуний предикат доимо синтактик кесим вазиятида кела бермайди. У кўпинча синтактик ҳол вазиятини, баъзан эга, тўлдирувчи вазиятини эгаллаши мумкин. Масалан, **Асрларнинг**

**кайғусин қарғаб, шодлик ва бахт куйиш чалдим. (X. 0.) Юрган — дарё, ўтирган — буйра.**

(Макол)

Биринчи жумладаги биринчи предикат ҳол вазиятида, иккинчи предикат кесим вазиятида; иккинчи жумладаги ҳар икки предикат эга вазиятида келяпти. Лекии феъл предикатлар кўпроқ кесим вазияти учун хосланган.

*От кесимлар*

Морфологик шакли феълдан бошқа шакллардан бўлган кесим вазиятидаги синтактик шакл от кесим саналади.

От кесим ҳам шакл ва маъно бирлигидан ташкил топган бутунликдир.

*От кесимнинг шаклий тузилиши ва парадигмаси*

От кесим морфологик ва синтактик шакл муносабатидан ташкил топган шаклий бутунликдир.

Синтактик ва морфологик шакллар ўртасида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ётади. Синтактик шакл умумийликни, морфологик шакл хусусийликни — кесим вазиятидаги синтактик шаклнинг турли вариантларда намоён бўлишни кўрсатади.

От кесим вазиятидаги синтактик шакл бир бутун сифатида қуйидаги морфологик шаклларни бирлаштиради:

- а) бош келишидаги от ёки олмош: Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент;
- б) восита келишидаги от ёки олмош: Мехримиз — сенга;
- в) кўрсатиш олмоши: **Мактаб—шу;**
- г) сифат: **Бу ҳаракатинг яхши;**
- д) равиш: **Иш оз, гап кўп;**
- е) сон: **Иккита ккки — тўрт** ва бошқалар.

Бу морфологик шакллар от кесим вазиятидаги синтактик шаклнинг мундарижасини ташкил этади. Кесим вазиятидаги синтактик шакл ўз доирасида барча морфологик шаклларни бирлаштирадй ва бошқа морфологик шакллардан чегаралайди.

*От кесимнинг мазмуний тузилиши ва уларнинг парадигматик муносабати*

От кесимнинг мазмуний тузилиши морфологик маъно ва синтактик маънонинг қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат. Синтактик маъно умумлашган (инвариант) сифатида морфологик маънолар орқали рўёбга чиқади. От кесимнинг синтактик маъноси предикат бўлиб, у қуйидаги морфологик маъноларни бирлаштиради. Морфологик маънолар синтактик маъно парадигмасини ҳосил қилади:

- а) предмет: Бу — китоб;
- б) белги: **Китоб — қизиқарли;**
- в) кўрсатиш: **Топганимиз — шу;**
- г) миқдор: Узи — битта, қулоғи — тўртта. (*Топишмоқ*);
- д) ўлчов: **Сув — тиззадан** ва бошқалар.

От кесимнинг синтактик маъноси билан морфологик маъноси ўртасидаги қарама-қаршилиқ шунда кўринадки, от кесим вазиятида ҳар қандай морфологик маъно, эмас, фақат кесим вазияти йўл қўйган маъно бўлиб кела олади. Демак, синтактик маъно морфологик маъноларни бирлаштириш: билан бирга, уларнинг доирасини кесим вазияти йўл қўйган даражада чеклайди.

Юқоридаги морфологик маъноларнинг ҳар қайсиса яна ўз ичида кичик маъноларга бўлинади. Масалан, белги маъноси хил-хусусият, таъм-маза, ранг-тус ва бошқа маъноларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, морфологик маъно бошқа маъноларга нисбатан бирлаштирувчи маъно вазифасини бажариши мумкин.

Кўринадик, синтактик маъно ҳам даражали хусусиятга эга бўлади.

*От кесимларда шакл ва маъно муносабати*

От кесимларда синтактик маъно ҳисобланган предикат синтактик шакл — кесим вазияти билан муносабатда бўлади. От предикат ва кесим бир ҳодисанинг ўзаро қарама-қарши ккки томонидир. Улар бир-бири билан муносабатда бўлса ҳам, доимо бир-бирига мувофиқ келиши шарт эмас. Отларнинг предикат маъноси унга синтактик вазияти билан чекланган. Фақат кесим вазиятидаги отларнинг предикат бўлиб кела олади. Чунки отлар предикат ифодалаш учун хосланмаган. Шунинг учун унинг предикат ифодалаш синтактик вазият — кесим вазияти билан чегараланади.

*Кесимнинг синтагматик муносабати*

Кесим гап қурилишининг маркази. Қолган бўлақларнинг қайси вазиятни: эгаллаши (эга, тўлдирувчи, ҳол) кесимга боғлиқ бўлади. Демак, кесим эга билан, тўлдирувчи билан, ҳол билан синтагматик муносабатда бўлади. Бу синтагматик муносабатлардан биринчиси, яъни эга-кесим муносабати гап қурилишида бошқа муносабатлардан кўра муҳимроқ роль ўйнайди. Чунки бу муносабат гапнинг негизини ҳосил қилади. Кесимнинг шакли эганинг ҳам қайси шаклда (қайси сон ва шахс шаклида) келишини олдиндан белгилайди. Шунинг учун ҳам эга билан кесим ўртасида шаклий мослик бўлади. Кесимнинг шаклига қараб эга белгиланади. Масалан, Қанча тиришсам ҳам, у беор еллар мени алдаб кетади. (Ҳ. 0.)

Бу жиҳатдан феъл кесим билан от кесим бир-биридан хубдан фарқ қилади. Феъл кесимнинг морфологик шакли феъл бўлганлигидан, бевосита шахс-сон шаклларини олиб, эга билан боғлана олади. От кесимнинг морфологик шакли феълдан бошқа сўзлар бўлганлиги сабабли бундай хусусиятга эга эмас. Улар махсус шаклий воситалар олибгина эга билан шаклий муносабатга кириша олади. Шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида кўриш лозим бўлади.

#### *Феъл кесимнинг эга билан мослашуви*

Феъл кесимнинг эга билан муносабати мослашув йўли билан рўёбга чиқади. Бу шаклий муносабат кесимнинг морфологик шакли орқали амалга ошади. Феъл кесимнинг морфологик шакли феъл бўлганлиги учун у шахс-сон шаклларига эга бўлади ва бу шакл кесимни кесим шакллантириш ҳамда кесимнинг эга билан синтагматик муносабатини кўрсатиш вазифасини бажаради. Масалан: **Шерзод дераза пардасини суриб, ташқарига қаради.** (Ҳ. Ҳошимов)

I ва II шахсдаги феъл кесимлар эга билан ҳам шахсда, ҳам сонда мослашади. Масалан: **Биз ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолганидан кейин биламиз.** (Ҳ. Ҳошимов) Сиз бу ерга даволаниш учун келгаисиз. (Ҳ. Ҳошимов)

Кесим эга билан доимо шахсда мослашади. Лекин сонда доимо мос бўлавермайди. Қуйидаги ҳолатларда эга билан кесим ўртасида қисман мослик (фақат шахс жиҳатдан) мавжуд бўлади:

а) кўплик шаклидаги эга вазиятида шахс билдирувчи от морфологик шакли бўлганда кесим бирликда ҳам, кўпликда ҳам кела олади: **Донишмандлар тўғри айтган.** (Ҳ. Ҳошимов)

б) кўплик шаклидаги эга вазиятида жонсиз предметларни, ҳайвон, паррандаларни билдирувчи от морфологик шакли бўлганда кесим доимо бирлик шаклда қўлланади: Итлар хурди.

#### *От кесимнинг эга билан мослашуви*

От кесим вазиятида синтактик шаклнинг феълдан морфологик шакллари келганлиги сабабли улар бўлиб шаклланиши ва эга билан боғланиши учун махсус воситаларни олади. Ана шундай воситалар боғлама ҳисобланади.

Боғламалар от кесимларни кесим қилиб шакллантириш ва эга билан синтагматик муносабатини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Боғламалар от кесимга қўшилишига кўра икки турга ажратилади:

а) синтетик шакл (**-ман, -сан, -дир** каби);

б) аналитик шакл (бўлмоқ, ҳисобланмоқ, еаналмоқ ва бошқалар).

Синтетик шакллар тўғридан-тўғри от кесимнинг ўзига худди феъл кесимлардаги шахссон шакллари каби қўшилади. Масалан:

Мен талабаман Сен талабасан У талабадир

Кўпинча учинчи шахс шакли бевосита ифодаланмаслиги мумкин. Масалан: Бу ер — мардлар макони.

Айрим вақтларда I ва II шахс шакллари ҳам шаклпй ифодаланмаслиги мумкин:

Мен — инсон фарзанди. (Г. F.)

Сен талаба.

Сен халқимнинг юраги. (Ҳ. 0.)

Бундай вақтда эга билан кесим ўртасида мазмуний предикатив муносабат бўлса ҳам, лекин бу муносабат мослашув орқали ифодаланмайди. Мазмуний ва шаклий муносабат ўртасида номувофиқлик вужудга келади.

Аналитик шакллар кесимлик шакллари олан ҳолда кесим вазиятидаги от шаклига қўшилади ва кесимни шакллантириш ҳамда уни эга билан синтагматик муносабатга киритиш вазифасини бажаради. Масалан:

Мен талаба ҳисобланаман (бўламан) Сен талаба ҳисобланасан (бўласан) У талаба ҳисобланади (бўлади)

### *Содда ва таркибли кесимлар*

Кесимлар тузилишига кўра содда ва таркибли кесимларга бўлинади. Кесим вазиятидаги синтетик-морфологик шаклдан ташкил топган синтактик шакл содда кесим саналади. Қандай синтетик-морфологик шаклдан ташкил топишга кўра содда кесим икки хил ном билан юритилади:

а) содда от кесим: Меън ишчиман, хизматчиман. (Х. Ҳ.),

б) содда феъл кесим: Урик гуллади.

Кесим вазиятидаги аналитик морфологик шакллардан, фразеологизмлардан ёки бирикмалардан ташкил топган синтактик шакл таркибли (кесим ҳисобланади. **Кўк юзини булут, чол кўзини ғазаб аста босиб кела бошлади.** (У.)

Таркибли кесим ҳам қандай морфологик шаклниинг етакчилигига кўра икки турга бўлинади:

а) таркибли феъл кесим;

б) таркибли от кесим.

Таркибли феъл кесим куйидаги модели морфологик шакллардан ташкил топади.

а) равағшдош + кўмакчи феъл: -иб бошла (ёт, **тур**, ўтир, кел, бор, юр, чик, кет, ташла, туш, кўр ва бошқалар);

б) сифатдош + тўлиқсиз феъл: эди (экан, эмиш);

в) феъл + феъл: айтди-қўйди, чиқди-кетди ва бошқалар;

г) от + феъл типидagi фразеологизмлардан: кўнгли тўлди, боши қотди каби.

Таркибли от кесим куйидаги модели морфологик шакллардан ташкил топади:

а) от + тўлиқсиз феъл: Хона иссиқ экан (эди);

б) от + боғлама: (ҳисобланмоқ, саналмоқ, туюлмоқ, бўлмоқ каби):

Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши қатта воқеа ҳисобланади («*Ўзбекистон овози*»);

в) от (+дан) + иборат: Уйимиз бешхонадан иборат;

г) ҳаракат номи (+эғалик шакли) + керак (зарур, лозим, мумкин, шарт каби сўзлар): Мен ўқишим керак;

д) сифатдош (+эғалик шакли) + йўқ: Халққа айтинг: мен асло ўлганим йўқ. (Х. 0.)

### **Э Г А**

Кесимнинг субъект (агенс) валентлигини тўлдирувчи ва у билан мослашув муносабатида бўлувчи бош келишиқдаги синтактик шакл эга ҳисобланади.

Эга вазияти кесимга қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам гап таркибида ҳар қандай бош келишиқдаги синтактик шакл эга саналавермайди. Фақат кесим билан тобе муносабатда бўлган бош келишиқдаги синтактик шаклгина эга вазиятида кела олади.

Эга ҳақидаги ахборот кесим шакли орқали олдиндан билиниб туради. Шунинг учун ҳам кўпинча унинг бевосита ифодаланиши шарт бўлмайди. Бу эса эганит иккинчи даражали бўлақлардан юқориқ, кесимдан эса кейин турувчи иккинчи бош бўлақ эканлигини кўрсатади. Бош бўлақ саналишига сабаб шуки, кесим билан алоқага киришиб, гапнинг қурилиши ва ахборот бериш асосини ташкил этади.

Эга ҳам тил тизимидаги бирлик сифатида шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан **ташкил** топган бир бутунликдир.

### *Эганинг шаклий тузилиши ва парадигмаси*

Эга шаклий томондан ҳам икки унсурунинг — морфологик шакл ва синтактик шаклнинг қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган. Синтактик шакл умумлашган намуна сифатида бир неча морфологик шаклларда намоён бўлади.

1. Бош келишиқдаги от шакли: **Сайфи Соқиевич дўмбоқ кўлини силтади.** (Ў. Ҳошимов)

2. Бош келишиқдаги от ўрнида алмашиб келган олмош шакли: У хаёлига **келган** бемаъни **фикрдан** ўзи қулди. (У. Ҳошимов)

3. Ҳаракат номи шакли: **Эрталаб югуриш—фойдали»**

4. Бирикмали сўз шакли: **Хотинсиз ўтиш — хато, боласиз ўтиш—жафо.** (Мақол)

5. Отлашган сўзлар:

а) отлашган сифат шакли: **Яхшилар қўпайсин, ёмон қолмасин;**

б) отлашган сон шакли: **Аслида икковларинг ҳам адашдинглар.** (У. Ҳошимов);

в) отлашган сифатдош шакли: **Кимирлаган қир ошар-(Мақол)**

г) отлашган тақлид сўз шакли: **Тогдан оқиб тушаётган тиник сувларнинг шилдир-шилдири дилларга ором беради.** (О. Еқубов);

д) отлашган ундов сўз шакли: **Кўшинларнинг ураси оламни тутиб кетди.**

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай бош келишидаги морфологик шакл эга бўлиб кела бермайди.

Бош келишидаги морфологик шакл эга вазиятида келсагина, эга ҳисобланади. Чунки бош келишидаги морфологик шакл бошқа синтактик вазиязда келиб, бошқа синтактик бирлик бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Опа, урма қалбимга тикан. (X. 0.) Шунинг учун ҳам морфологик шакллари эга вазияти чеклаб туради.

Эганинг юқоридаги морфологик шакллари унинг шаклий парадигмасини ташкил қилади. Шаклий парадигма аъзоларидан биринчи, иккинчи ва учинчи шакллар эга учун хосланган, бошқаларининг эга вазиятида келиши иккиламчи вазифасидир.

### *Эганинг мазмуний тузилиши ва парадигмаси*

Эга мазмун томонидан морфологик маъво ва синтактик маънолар қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган. Эганинг синтактик маъноси субъектдир. Лекин субъект умумлашган маъно сифатида бир неча морфологик маънолар орқали намоён бўлади:

1. Ҳаракатни юзага чиқарувчи субъект (агенс): **Уста келди.**

Субъект ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Нурмонов, Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний - Тошкент, 1992, 54-бет; Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988, 70-бет

2. Ҳолат субъекти: **Бола ухляпти.**

3. Белги ташувчи субъект: **Отам сахий.**

4. Миқдор субъекти: **Болалар тўртта.**

5. Эгалик қилувчи субъект: **Унда орден.**

6. Мавжудлик субъекти: **Китоблар бор.**

7. Қиёсланувчи субъект: **Акаси укасидан** эслироқ вабошқалар.

Субъектнинг бу парадигма аъзоларидан унинг мазмуний мундаржжасини белгилаш мумкин бўладж.

Эга вазиятидаги синтактик шакл субъект маъносидан ташқари объект маъносини ҳам ифодалаши мумкин: **Уй қурувчи томонидан қурилди.**

### *Эганинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат*

Эга шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат бутунлик экан, унинг бу икки гомони ўзаро муносабатдир.

Эга синтактик шакли кўпинча субъект синтактик жаъносини ифодалайди. Лекин бу икки ходиса, бир-бирига айнан тенг эмас. Кўп ҳолатларда улар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади.

Биринчидан, субъект фақат эга орқали фодаланмайди. У бошқа бўлақлар, кўпроқ тўлдирувчи орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, Унга маза.

Иккинчидан, эга субъект ифодалаш учун кўпроқ хосланган бўлса ҳам, лекин у субъектдан бошқа синтактик маънони ифодалаш ҳам мумкин. Масалан, Пахта ёрдамчилар томонидан терилди.

Эга синтактик шакли орқали ифодаланган синтактик маънонинг кесим синтактик шакли орқали ифодаланган синтактик маъно билан муносабати мазмуний синтагма тик муносабат ҳисобланади. Бошқача айтганда, субъект + предикат муносабати эга билан кесимнинг мазмуний синтагматик муносабатидир. Субъект предикат билан диалектик боғланган. Чунки у иредийт ифодалаган белгининг эгаси, предикат эса субъект белгисини билдиради<sup>1</sup>.

Бироқ предикат марказий унсур бўлиб, субъектни ҳам кўрсатиб туради<sup>2</sup>. Субъект + предикат муносабати эга + кесим шаклий муносабати орқали ифодаланишига кўпроқ хосланган. Лекин предикат шайи жихатдан фақат кесим вазиятида келмаганидек, субъект ҳам доимо эга вазиятида келмайди. Демак, субъект+предикат муносабати эга ва кесим муносабатидан бошқа шаклий синтагматик муносабатлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бу эса эга+кесимнинг шаклий синтагматик муносабати билан мазмуний синтагматик муносабати ўртасида номуносаблик мавжуд эканлиги кўрсатади.

*Содда ва таркибли эга*

Эга тузилишига кўра содда ва таркибли эгаларга **бўлинади**.

Фақат биргина морфологик шаклдан ташкил топган синтактик шакл оодда эга, икки ва ундан ортиқ морфологик шаклдан, уларнинг синтагматик муносабатидан ташкил тоиган синтактик шакл таркибли эга ҳисобланади. Масалан: **Ватанимиз** кудрати — дўстликда. **Эрта туриш фойдали**.

*Эганинг синтагматик муносабати*

Эга гап қурилишида бошқа бирликлар билан синтагматик муносабатда бўлади. Эга шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлган бутунлик экан, унинг синтагматик муносабати ҳам икки томонлама бўлади:

- а) шаклий синтагматик муносабат;
- б) мазмуний синтагматик муносабат.

Эганинг кесим синтактик шакли билан бўлган муносабати шаклий синтагматик муносабат ҳисобланади. Бу эганинг биринчи даражали муносабатидир. Шу билан бирга, эга ўз ичида бошқа синтактик шакллар билан муносабатга киришиб, кесим синтактик шакли билан муносабатига нисбатан бир бутунликни ҳосил қилиши мумкин. Масалан: **Уйга оқ халат кийган кишилар кириб келди.** (Ў. Ҳошимов) **Мақолани Шерзоддан бир йил илгари университетни битирган, ҳозир тил адабиёт институтида ишлайдиган фан кандидати ёзганди.** (Ў. Ҳошимов)

Демак, эганинг синтагматик муносабатини икки даражага бўлиш мумкин: а) эганинг кесим билан муносабат б) эганинг ички муносабати (аниқловчи-аниқланмиш).

<sup>1</sup>Кокорина С. П. О сохмантическом субъекте и особенно стях его выражения в современном русском языке. М., 1979, с. П

<sup>2</sup>Воронина Д. Р. Типы агенса и значимости иррегулярности неопределенности и обобщенности. — ФН, 1975. \*Н, с. 74.

Англашиладики, эга ўзига оид аниқловчилар билан дискреция ҳосил қилади ва бу дескрипция бир бутун ҳолида эга вазиятида кесим билан синтагма-муносабатда бўлади.

## **ЎЙИҚ ГАПЛАР. ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР. ТЎЛДИРУВЧИ**

Кесимнинг объект валентлигини тўлдириб келувчи келишкли ва кўмакчили морфологик шакллар орқали рўйбга чидадиган синтактик шакл тўлдирувчи саналади. Масалан: Неча йил ўғрига таланди карвон, юрак кишанларнинг пойида ётди. («Мустақиллик қасидаси»)

Тўлдирувчи гап бўлаклари тизимида шакл ва мазмун унсурларидан ташкил топган нисбий бир бутунликдир. Тўлдирувчининг шакл ва мазмуни ўзаро узвий боғланган ҳолда бир бутунни ташкил этса ҳам, лекин улар бир ҳодисанинг икки томони сифатида ўзига хос хусусиятларга эга.

*Тўлдирувчининг шаклий тузилиши ва парадигмаси.*

Тўлдирувчи шаклий томондан морфологик ва синтактик шаклларнинг қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган нисбий бир бутунликдир.

Гап қурилмасида тўлдирувчи вазиятини эгалловчи синтактик шакл муайян морфологик шакллар асосида намоён бўлади. Натижада тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шаклни намоён қилувчи морфологик шакллар тизими вужудга келади. Масалан: Сиздан қадрлими бир дона кўсак, Дардлар дарё бўлиб оқизмас бизни, Елкада кўтариб кетсакда сизни... («Мустақиллик қасидаси»)

Тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл қуйидаги морфологик шакллар асосида намоён бўлади: 1.От:

- а) от + тушум келишиги: китобни ўқидим;
- б) от + бош келишик: китоб ўқидим;
- в) от + восита келишклири: китобдан ўқидим;

г) от + кўмакчи: китоб ҳақида эшитдим.

## 2. Олмош:

а) кишилик олмоши + тушум келишигй: севн кўрдим;

б) кишилик олмоши + восита келишиклари: унга ҳам берди

в) кишилик олмоши + кўмакчи: у ҳақда эшитдим;

г) кўрсатиш олмоши + келишик: ўшанга атадим, ўшани кўрдим.

Сон + келишик: бешни ўнга қўшдим.

Отлашган сўзлар:

а) отлашган сифат: Яхшидан боғ қолар;

б) отлашган равиш: Кўпдан куён қочиб қутулмас. Тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шаклни намоён қилувчи бу морфологик шакллар тизими тўлдирувчининг шаклий парадигмасини ҳосил қилади.

Тўлдирувчи вазиятида ҳар қандай морфологик шакл эмас, фақат тўлдирувчи вазияти йўл қўйган морфологик шаклларгина кела олади.

Тўлдирувчининг мазмуний тузилиши ва парадигмаси

Тўлдирувчи мазмун томондан морфологик ва синтактик маъноларнинг (қарама-қаршилиги ва бирлигидаги ташкил топган нисбий бутунликдир.

Синтактик маъно морфологик маънолар орқали намоён бўлади. Морфологик маъноларнинг умумлашмаси синтактик маънони ҳосил қилади. Синтактик ва морфологик маънолар ўртасида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси намоён бўлади. Тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл кесимнинг объект валентлигини тўлдириш учун хизмат қилганлиги туфайли у, биринчи навбатда, объектни ифодалайди. Бу объект синтактик маъноси умумлашма (инвариант) сифатида турли хусусий маънолар (вариантлар) — морфологик маънолар орқали юзага чиқади:

шахс: Мен укамни кўрайин. («Ёрилтош» эртагидан);

предмет: Новдаларни кесди;

ўрин: Тошкентни кўрдим;

миқдор: Тўртни иккига бўл;

ҳаракат: Югуришга ёрдам беради;

ҳолат: Уйлашга вақтим йўқ кўрсатиш: Мана буни сенга атадим.

Бундай морфологик маънолар бир умумий синтактик мазмуний парадигмасини ташкил этади. Парадигма аъзолари ичида биринчи ва иккинчи маъно тўлдирувчи вазиятидаги синтактик маъно учун хосланган. Қолган аънолар бошқа синтактик матуноларга тею бўган чегара маъно ҳисобланади. Масалаи, ўрин маъноси ўрин ҳоли вазиятидаги синтактик маъно учуи, миқдор маъноси аниқловчи ва ҳол вазиятидаги, ҳаракат ва ҳолат маънолари эса кесим вазиятидаги синтактик маънолар учун кўпроқ хослангандир.

### *Тўлдирувчининг синтагматик муносабати*

Тўлдирувчи гап қурилишида кесим билан синтагматик муносабатта киришиб, унинг бўш ўрнини тўлдирадц. Тўлдирувчи шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлганлиги сабабли кесим билаи синтагматик муносабати ҳам икки хилдир:

а) шаклий синтагматик муносабат;

б) мазмуний синтагматик муносабат.

### *Шаклий синтагматик муносабат*

Тўлдирувчи шаклий томондан кесимшиг «бўш ўрни» ни тўлдириб, у талаб этган шаклда келади. Масалаи, кесим вазиятидаги кўрдим феъли ўзидаи олдинги синтактик вазиятда тушум келишиги билан ифодаланган синтактик шаклнииг келишини тақозо қилади. Кесим вазиятидаги чиройли, ширин, новча сингарй синтагматик шакллар ўзидан олдинги синтактик вазиятда чиқиш келишиги ёки жўналиш келишиги 4-кўмакчи (-га нисбатан, -га караганда) морфологик шаклларидаи ифодаланган синтактик шаклнинг келишини талаб қилади. Масалан, Раъно Салимадан чиройли (новча). Раъно Салимага караганда (нисбатан) чиройли(рок).



Ҳар қандай гап бўлаги шакли ўзаро қарама-қарши бўлган морфологик ва синтактик шаклнинг бирлигидан ташкил топган бир бутунлик бўлганлиги туфайли тўлдирувчининг шаклий синтагматик муносабати ҳам ўзаро қарама-қарши бўлган шаклий морфологик синтагматик муносабат ва шаклий синтактик синтагматик муносабатдан ташкил топган.

Шаклий морфологик синтагматик муносабат муносабатга киришувчи синтактик шаклларнинг моддий муносабатлари саналади. Масалан, тўлдирувчи вазиятидан синтактик шакл, билан ҳоким бўлак вазиятидаги синтактик шакл ўртасидаги модаий муносабат:

от + келишик — феъл,  
от + кўмакчи — феълдир.

Тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл тушум, чиқиш жўналиш, ўрин-пайт келишиклари, кўмакчилар шаклланган морфологик шакллардан ифодаланади. Бу шакллар тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шаклнинг вариантлари саналади.

Сиитаксис учун синтактик шаклларнинг синтагматик муносабати муҳим бўлса ҳам, лекин морфологик шаклларнинг сиитагматик муносабатини эътиборга олиш синтагматик шакллар муносабатидаги айрим ноаникликларга барҳам беришга имкон беради.

Тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакллар доимо кесим вазиятидаги синтактик шакл билан синтагматик муносабатга киришади. Демак, тўлдирувчи + тўлдирилмиш (кесим) муносабати тўлдирувчининг шаклий синтагматик муносабати саоналади. Морфологик шаклларнинг синтагматик муносабати (от + келишик — феъл, от + кўмакчи — феъл) билан синтактик шаклларнинг синтагматик муносабати (тўлдирувчи — кесим (тўлдирилмиш)) ўзаро мувофиқ келганда, тўлдирувчининг ашратишда ҳеч қандай қийинчилик туғилмайди. Бу икки муносабат ўртасида номутаносиблик бўлганда, гап таркибидан тўлдирувчининг ажратиш бир оз чигаллашади. Хусусан, ҳоким вазиятидаги феъл кўпроқ кесим учун хосланган. Лекин у доимо кесим вазиятида кела бермайди. Феълнинг кесим вазиятида кела олмаслиги унинг талаби асосида келишпк ёки кўмакчилар билан бирга келган морфологик шаклнинг синтактик вазифасини ҳам ўзгартириб юборадн. Бу вақтда тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл бутун гап тузиллишишг тенг ҳуқуқли эркин аъзоси бўлмайди. У муайян кенгайган гап бўлагининг таркибига киради. Кенгайган гап бўлаги билан бир бутунни ташкил этиб, гап таркибида маълум синтактик вазиятни эгаллайди.

Гап таркибидан бутунлик ажратиб олингандан еўнг, Бу бутунлик ички унсурларга ажратилгандагина тўлдирувчи ажратилиши мумкин. Масалан, Атлас кўйлакнинг кенг енгини тирсакка қадар шимариб, илон бошли олтин билагузук чирмашган тўла, гўзал билакларини очиб, дуторини чертди. (Ойбек.

Бу гапда кесим билан синтагматик муносабатга киришаётган дуторни синтактик шаклигина гап қурилишининг эркин унсури, алоҳида гап бўлаги — тўлдирувчи вазифасини бажаради. Тушум келпшигидаги морфологик шакллардан ифодаланган бошқа синтактик шакллар эса равишдош ўрам (оборот) таркибига кириб, у билан бир бутун ҳолда кесим билан синтагматик муносабатга киришади ва ҳол синтактик вазиятини эгаллайди.

Ҳол вазиятидаги равишдош ўрамни таркибий қисмлар га ажратилгандагина, тушум келишигидаги морфологик шакл ажратилиши мумкин. Шунинг учун ҳам тўлдирувчилар иккига бўлинади:

- а) эркин (функционал) тўлдирувчилар;
- б) боғлиқ (нофункционал) тўлдирувчилар.

Кесим билан синтагматик муносабатга киришиб, унинг талаби билан тўлдирувчи вазиятда келган синтактик шакл эркин тўлдирувчи саналадн, масалан: Жамғармани селга берма, элга бер. (Мақол).

Кесим вазиятида келолмаган морфологик шакл билан синтагматик муносабатда бўлиб, у билан биргаликда бир синтактик вазиятни эгалловчи тушум ва восита келишиклари билан ҳамда кўмакчи билан бирга келган морфологик шакл боғлиқ

(нофункционал) тўлдирувчи саналади. Боғлиқ тўлдирувча ўзи боғланиб келган морфологик шакл билан биргаликда бир синтактик шаклни ҳосил қилади ва бир синтактик вазиятни эгаллайди. Бундай тўлдирувчиларни тўлдирувчи сифатида бутун гапга нисбатан эмас, балки ўрамга нисбатан ажратиш мумкин. Лекин бундан ажратиш гапни эркин бўлақларга бўлишдан кейинги ички ажратишдар.

### *Тўлдирувчиларнинг мазмуний синтагматик муносабати*

Тўлдирувчи кесим билан синтагматик муносабатга киришиб, у талаб этган синтактик шаклда келади ва бу шаклий синтагматик муносабат киши онгида акс этган борликдаги маълум унсурлар муносабатини ифодалайди. Шаклий синтагматик муносабат орқали ифодаланган киши онгида акс этувчи борликдаги унсурлар муносабати мазмуний синтагматик муносабат ҳисобланади.

Тўлдирувчининг мазмуний синтагматик муносабатп дейилганда, тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакил ифодаланган объект билан кесим вазиятдаги синтактиъ шакл ифодаланган предикат ўртасидаги муносабат назарда тутилади.

Айрим ҳолларда, хусусан, предикат мажхуллик нисбатидаги феъл морфологик шакли орқали ифодаланганда, предикат субъекти (ҳаракатни юзага чиқарувчи) кўмакчили морфологик шакл орқали ифодаланган ҳолда тўлдирувчи синтактик вазиятини эгаллайди. Масалап: Китоб талаба томонидан ўқилди. Бу вақтда шаклий ва мазмунинг синтагматик муносабат ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади.

*Тўлдирувчиларнинг шаклий ва мазмуний синтагматик муносабатлари ўртаеидаги мувофиқлик ва номувофиқлик.*

Тўлдирувчининг бу икки синтагматик муносабаги ўртасида маълум мувофиқлик бор: объект — предикат муносабати кўпинча тўлдирувчи — кесим синтактик муносабати орқали ифодалананади. Лекин тўлдирувчиларнинг шаклий ва мазмуний синтагматик муносабати ҳам зиддиятлидир. Шунинг учун ҳам улар айрим ҳолларда бир-бирига мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин.

Хусусан, тўлдирувчи-кесим шаклий синтагматик муносабати объект-предикат мазмуний синтактик муносабатини эмас, балки субъект (ҳаракатни бажарувчи) — предикат муносабатини ифодалашни мумкин. Бу вақтда кесим вазиятидаги синтактик шакл мажхуллик нисбатидаги феъл морфологик шакли орқали ифодаланади. Масалан, Масала талаба томонидан ечилди.

Шунингдек, тўлдирувчи — кесим шаклий синтагматик муносабати ўрин (локал) — предикат мазмуний синтагматик муносабатини ифодалайди. Бу ўрида тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл тушум келишигидаги морфологик шакли орқали ифодалананади. Натижаца тушум келишигидаги ўрин-жой оти худди объект каби тасаввур қилинади. Масалан, Чўлни бўстон қилгали келдик. (Қўшиқдан).

Баъзан оғзаки нутқда мавжудлик билдирувчи субъект — предикат муносабати тўлдирувчи — кесим шаклий синтагматик муносабати орқали ифодалананади. Бу ҳолда тўлдирувчи вазиятидаги синтактик шакл чиқиш келишигидаги от морфологик шакли орқали намоён бўлади.

Масалан: \_\_\_ ўғилдан нечта?  
— (Ўғилдан) учта.

Буидай ҳолларда чиқиш келишишдаги от морфологик шакли бош келишишдаги от морфологик шакли билан вариантлшшғиши вужудга келтиради: Ўғилдан нечта?— Уғил нечта? Дўстлардан кўп — Дўстларим кўп ва бошқалар.

1 Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида. — Ўзбек тили ва адабиёш. 1981, 1-сон. Айни китоб шшг 192-бетига ҳам қаранг.

Айрим ҳолларда бутун ва бўлак муносабатдаги мазмуний унсурларнинг бўлак қисми моддий ифодасига — морфологик шаклига эга бўлмайди. Натижада бутун-бўлак муносабати бутуннинг ўзида акс этади ва бутун чиқиш келишигидаги отнинг морфологик шакли орқали ифодаланиб, тўлдирувчи вазиятини эгаллайди. Бутунда қисм маъноси ҳам акс этганлиги, мазмуни мураккаблик касб этганлиги учун, у айни пайтда, предика? субъектини ҳам ифодалайди. Шунинг учун бу муносабатда бутунни билдирувчи қисм чиқиш келишигидаги ҳамда бош келишикдаги отнинг морфологик шакли орқали ифодаланиши мумкин. Масалан: Унда ҳар турли кўкат (ардан бор- (А. Қодирӣ) Унда ҳар турли кўкатлар бор.

Юқоридаги синтактик қурилмаларнинг ҳар иккиси бир мазмуний муносабатни ифодалаб, бир мазмуний парадигмани ҳосил қилса ҳам, лекин улар шаклий синтагматик муносабати билан бир-биридан фарқ ыилади. Бирида мавжудлик субъекти бош келишикдаги от орқали ифодаланиб, эга вазиятини, иккинчисида эса чиқиш келшигидаги от орқали ифодаланиб, тўлдирувчи вазиятини ифодалайди.

Восита келишиклари орқали ифодаланган тўлдирувчи билан ҳол бир хил морфологик шаклга ҳам бир хил синтактик вазиятга эга бўлади. Демак, бундай ҳолларда бу икки гап бўлаги синтактик шакл жиҳатдан фарқ қилмайди. Уларнинг фарқи фақат синтактик маъно жиҳатидан бўлади. Тўлдирувчи синтактик шакли предметлик маъносини, ҳол синтактик шакли ўри маъносини ифодалайди.

Лекин предметлик маъноси ҳам инвариант маъно сифатида бир қанча маъноларни, айрим вақтларда ўрин маъносини ҳам ўзида бирлаштирадн. Тўлдирувчи предметлик синтаксемаси таркибида ўрин семаси бўлган синтактик маъно ифодалаганда, тўлдирувчи билан ҳол синтактик шакллари ҳам шаклий, ҳам мазмуний валентлигини мўътадиллашади (нейтрализациялашади). Бу ҳолда ҳар икки бўлакнинг фарқловчи белгиси кесимнинг синтактик маъноси саналади. Кесимнинг қандай мазмуний валентлигини тўлдараётганлигига қараб белгиланади. Ўрин валентлигини тўлдирса ҳол, нарса-қурол валентлигини тўлдирса тўлдирувчи вазиятида келади. Масалан, Булбул гулга қўнди (қаерга?, нимага?)—Мен гулга ишқибозман (н и м а г а ?). Хуллас, мазмуний ва шаклий синтагматик муносабатлар ўзаро боғлиқ; бир-бирини тақозо қилувчи муносабатлар бўлса ҳам, лекин улар ўртасида мувофиқликнинг бўлиши шарт эмас. Уларнинг муносабати зиддиятлидир.

## ҲОЛ

Кесимнинг ҳолат, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, миқдор каби бўш ўринларини тўлдириб келувчи синтактик шакл ҳол дейилади.

Ҳол феъл кесим валентлигини юзага чиқарувчи гап бўлагм бўлганлиги учун у бевосита феъл кесим билан синтагматик муносабатга киришади. Масалан: Аваз аввалига бу хушxabарга унча ишонгиси келмади. (Ў. Усмонов)

Ҳол ҳам бошқа гап бўлаклари каби шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган мураккаб бир бутунликдир.

*Ҳолининг шаклий тузилиши ва парадигмаси*

Ҳол морфологик ва синтактик шаклларнинг қарама-қаршилиги ва бирлигидаи ташкил топади.

Ҳол вазиятини эгаллаган синтактик шакл муайян морфологик шакллар орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам ҳол вазиятидаги синтактик шаклни намоёи қилувчи морфологик шакллар тизими — парадигмаси ҳосил бўлади. Масалан, Кечкурун ош сузсак, бир насиба кам. (Ғ. Ғ.) Тонгда айтди ҳаёт отини. (Х. 0.)

Ҳол вазиятидаги синтактик шакл қуйидаги морфологик шакллар асосида намоён бўлади:

1. Равиш шакли: Ҳозир адашиш ҳам смзга фойдали (Ў. Усмоиов).
2. Феъл шакли:

- 1) равишдош:
- а) феъл+(иб)
  - б) Катта идораларни чалгитиб, бизни ёмон отликқа чиқариб юрганлигингиз учун ҳали жавоб берасиз (У. Усмонов);
  - б) феъл+гач: Дўстини кургач, ишдан тўхтади.
  - в) феъл + гунча: Темирни қизаргунча ўтда тоблади;
  - г) феъл+ла(й): Кула-кула йиғлатди мени (А.Н.);
  - д) феъл+гани (гали): Қўзи борди сув ичгали.
- 2) сифатдош:
- а) - гани учун (сабабли, туфайли);
  - б) -ганидан;
  - в) -ганига;
  - г) ган ҳолда (-ганича).
- Масалан: Салтанат каравотга ўтирганича анча ваш хомуш ўтирди (Ў. Усмонов).  
Йўқлаб келганингиз учун раҳмат! (Яшин)
- 3) ҳаракат номи: Муҳандис Манзура билан кўришиш учун ўрнидан турди. (А.Мухтор)
- От + восита келишиклари: Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутуни. (Кўшиқдан)
  - Олмош + восита келишиклари: Бу ерда на ғурбат на кулфат, на ғам.(Ғ. Ғ.)
- Тақлид сўз шакли: Адол сўйлар ва Зайнаб қалби Тол баргидай дир-дир калтирар. (Х. О.)
6. Сон шакли: Етти ўлчаб, бир кес. (Мақол)
7. Сифат шакли: Боши тобора кучлироқ оғрий бошлади. (Шухрат)
- Ҳол вазиятидан синтактик шаклни намоён қилучи морфолошк шакллар тизими ҳолнинг шаклий парадигмаси ҳисобланади.

### *Ҳолининг мазмуний тузилиши ва парадигмаси*

Ҳол маъно томондан морфологик ва синтактиklarнинг қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборат бўлган нисбий бутунликдир. Инвариает маъно саналувчи ҳаракат белгиси синтактик маъноси куйидаги морфологик маънолар (вариант маънолар) орқали намоён бўлади:

- 1) ҳаракат тарзи: Аста қиёлаб ўтди. (Кўшиқдан)
- 2) ҳаракат ўрни: Азиз тажриба участкасидан алламаҳалда келди. (Ў. Усмонов)
- 3) ҳаракат найти: Азизнинг кўз ўнгидан ҳали ҳам кетмайди. (Ў. Усмонов)
- 4) ҳаракат сабаби: Ишдаги зафарлари учун мукофотланди;
- 5) ҳаракат мақсади: Ишлайман деб келдим.
- 6) ҳаракат миқдори: Кўп ўйла, оз сўйла. (Мақол)
- 7) ҳаракат шарти: Ишласанг, тишлайсан.
- 8) тўсиқ бўлолмаган ҳаракат: Китоб сарғайиб бўлса ҳам, йиртилмаган.

Буидай морфологик маънолар тизими ҳол вазиятидаги синтактик шакл орқали ифодаланган инвариант маъно — ҳаракат белгиси маъносининг турли вариантларидир. Вариант маънолар тизими инвариант маъно парадигмасини ташкил қилади.

### *Ҳолларда шакл ва мазмун муносабати*

Ҳолларда ҳаракат белгиси синтактик маъноси ҳол вазиятидаги синтактик шакл орқали ифодаланади. Демак, инвариант шакл ва инвариант маъно ўртасида мувофиқлик мавжуд. Лекин морфологик маъно билан морфологик шакл ўртасида номутаносиб муносабат бор. Бу морфологик маъно биф неча морфологик шакл орқали (грамматик синонимия) ифодаланиши ёки, аксинча, бир морфологик шакл бир қанча мюрфологик маъно ифодалаш мумкин (грамматик омонимия). Натижада муайян морфологик маъно

ифодаловчи морфологик шакллар тизими (парадигмаси) ҳамда муайян морфологик шакл ифодаловчи маънолар тизими (парадигмаси) вужудга келади. Масалан, пайт морфологик маъноси қуйидаги морфологик шакллар орқали ифодаланади:

1. От:

а) от+бош келишик: Ўтган куни муҳокама бўлган эди;  
от + гача: Уч кунгача оёқда тик турдик.

2. Феъл:

а) ганда: Кўзидан қон оедан ёвни кўрганда, Сенинг енгинингга келтирдим имон. (Х,О.)

б) -гандан бери (буён): Омон, сени кўргандан бери Кўзларимга уйку келмайди. (Х. 0.) в) - гунча: Қош қорайгунча сўзлашдик;

г) –иб -б: Армияга бориб анча босилиб қолди ва бошқалар.

Шунингдек, бир морфологик шакл бир неча морфологик маъно ифодалаши мумкин.

Масалан, от + восита келишиклари модели морфологик шакл предметлик маъно- ҳам? ўрин маъносини ҳам ифодалайди. Нутқ жараёнида бу шакл бошқа морфологик шакл билан синтагматик муносабатга киришиб, юқоридаги маъноларидан биттаси фаоллашади. Қайси маъноси билан фаоллашгани ҳоким бўлак маъноси орқали аниқланади: учрашдим морфологик шакли билан синтагматик муносабатга киришганда, ўрин маъноси, келдим синтактик шакли билан синтагматик муносабатга киришганда эса предметлик маъноси фаоллашади. Кўринадики, тобе қисм маънолар тизимидан қайси бирининг фаоллашиши ҳоким қисм маъносига боғлиқ бўлади. Тобе ва ҳоким қисмлар мазмунини мувофиқлашади.

Муайян синтактик шаклнинг моддий асоси бўлган морфологик шаклнинг икки ва ундан ортиқ морфологик маъно ифодалаши синтактик шаклдошлик ва синтактик кўпмаънолилиқ ҳодисаларини вужудга келтиради.

Демак, от + восита келишиги моделидаги морфологик шаклдан ташкил топган синтактик шакл кўп маъноли бўлиб, қайси маънода қўллаиилаётганлиги синтагматик муносабат орқали намоён бўлади ва бу муносабат унинг синтактик вазифасини ҳам кўрсатади локал (ўрин) маъноси билан реаллашса — ҳол, предметлик (нарсалик) маъноси билан фуқциялашса, тўлдирувчи синтактик вазиятда келади.

#### *Ҳолнинг морфологик маъносига кўра турлари*

Ҳолнинг морфологик маъно парадигмаси унинг маъно турини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Ҳолга бағишланган тадқиқотларда саккизтадан то ўн еттитагача ҳолнинг маъно турлари ажратилади.

Бундай хилма-хиллик инвариант ва вариант маъноларнинг фарқлиниш фарқлаимаслигида келиб чиқади. Инвариант ва вариант маънолар даражаланиши фарқланма са, бир сатҳга аралаштириб юборилса, ҳолнинг барча семалари ва семалар бирлигидан ташкил топган семемалари алоҳида тур сифатида кўрсатилади. У ҳолда ҳолнинг турлари ўн еттита эмас, ундап кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Сема ва семемалар вариант ва инвариант маъно сифатида ажратилиб, ҳолнинг тури инвариант маънога қараб белгиланса, микдор анча камаяди. Морфологик маъно иарадигмасидаги ҳар бир парадигма аъзоси ўз таркибидаги семаларга нисбатан семема (инвариант) сифатида қаралган ҳолда ҳолнинг саккизта маъно тури ажратилиши мақсадга мувофиқдир:

а) тарз ҳоли;

б) ўрин ҳоли;

в) пайт ҳоли;

г) сабаб ҳоли;

д) мақсад ҳоли;

е) микдор ҳоли;

ё) шарт ҳоли;

ж) тўсиқсиз ҳол.

## АНИҚЛОВЧИ

Субстантив гап бўлақларининг белгисини ёки қарашлилигини билдирувчи шакл аниқловчи ҳисобланади. Масалан:

Йўлакнинг қоқ ўртасида, девор тагидаги йиғма каравотда икки букилиб ўтирган, ранги сарғайиб кетган муштдеккина чол Шерзоднинг кўз ўнгига келди. (Ў. Ҳошимов)

Аниқловчи предикат билан унинг аргументи сифатида муносабатга киришмавди. У предикат ва унинг бўш ўринларини тўлдирувчи аргументларнинг (асос) белгиси-йи билдириб, уларни кенгайтиради, бир нарсанинг мураккаб номини — дескрипцияни ҳосил қилади. Аниқловчи ва аниқланмиш муносабати бир бутун ҳолда гап таркиби муайян синтактик вазиятни эгаллайди. Шунинг аниқловчи гапни бўлақларга ажратишнинг учинчи ташкил этади. Масалан, юқоридаги гапда гапнинг мазмуний ва тузилиш маркази бўлган предикат — Шерзоднинг кўз ўнгига келди ажратилди. Сўнгра бевосита предикат билан муносабатда бўлган унинг бўш ўринларини тўлдирувчи бўлақларда белгиланади. Хусусан, субъект валентлигини тўлдирувчи қуйида, бўлак мавжуд: йўлакнинг қоқ ўртасида, девор тагидаги йиғма каравотда икки букилиб ўтирган, ранги сарғайиб кетган муштдеккина чол.

1. Ўзбек тилининг грамматикаси. II том, 148-бет.

2 Убаева Ф. Ҳол категорияси. Тошкент.

Ундан сўнг субъект валентлигини тўлдириб келган қисм ўз ичида яна бўлақларга ажратилади. Жумладан, субъект валентлигини тўлдириб, эга синтактик вазиятида келган чол бўлаги мўштдеккина ранги саргайиб кетган, йўлакнинг қоқ ўртасидаги йиғма каравотда ўтирган каби сифатловчиларви олиб кенгайган ва предметнинг мураккаб номини — дескрипцияни ҳосил қилган. Шунинг учун ҳам бўлинишнинг учинчи босқичида дескрипция таркибий қисмларга ажратилади.

Кўринадики, аниқловчи гап тузилишининг эмас, балки гап тузилишида бир унсур сифатида функциялашувчи дескрипциянинг ички тузилиши унсурдир. Шунинг учун ҳам бу унсур предикат ва унинг аргументлари ўртасидаги муносабат сифатида қаралувчи гап тузилиши учун нофункционалдир.

Айрим гап бўлақлари гап тузилишининг унсурлари ҳисобланар экан, у ҳолда аниқловчи гап тузилишининг эмас, предикатнинг мураккаб номи бўлган дескрипция тузилишининг унсури бўлишлиги учун гап бўлаги бўла олмайди<sup>2</sup>.

## ЭЙИҚ ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МУНОСАБАТИ

Синтактик бирликларда кўпинча шакл ва мазмун ўртасида номутаносиблик кузатилади. Чунки объектив борлиқ унсурларининг ҳаммаси бевосита лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиш шарт эмас. Лекин бейбосита шаклий ифодасини топмаган борлиқ унсурлари нутқ вазияти ёки контекст орқали англашилиб туради:

- *Қаерга?*

- *Далага.*

Синтактик бирликларда шакл ва мазмун ўртасидаги номутаносиблик парадигматик аспектда кузатилади.

Синтагматик аспектдаги номувофиклик шаклий бўлиниш микдори билан мазмуний бўлиниш микдори тенг келмасликда кўринади. Юқоридаги иккинчи гапда мазмуний тузилиш унсурлари — ҳаракат, ҳаракатни юзага чиқарувчи шахс, ҳаракатнинг юзага чиқишида восита бўлган предмет ва ҳоказолар шаклий ифодасини топмаган. Бироқ бу унсурлар нутқ вазиятида сўзловчи ва тингловчи учун тушунарли бўлади.

Тингловчининг сўзловчи томонидан баён қилинган объектив борлиқ ҳақидаги ахборотини тўғри тушуниши учун контекст ва нутқ вазияти ёрдамга келади. Масалан:

*Исинг нима?*

*Ёдгор. (С. А.)*

Бу диалогда иккинчи гапдаги менинг йсмим синтактик шакли ифодаланмаяпти ва унинг ифодаланиши ортиқчадир. Чунки у юқоридаги гапдан англашилиб турибди. Ёки уйингизга кимдир келди, сиз ичкаридасиз. Бегона одам келганини овозидан сездингиз-у, кимлигини билмаяпсиз. Шу вазиятда унинг кимлигини аниқлаш учун оила аъзоларингиздан бирига бош ирғадингиз. У Деразадан қараб жавоб беради: Анвар акам. Бу синтактик шакл остидаги баён қилинаётган ахборотнинг тўлит тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёрдамга келяпти.

Шундай қилиб, мазмуний унсурларнинг тўлиқ равишда шаклий унсурлар орқали ифодаланмаслиги ёйиқ гапларда шакл ва мазмун номутаносиблигини ҳосил қилади. Бундай номутаносиб ишлар тўлиқсиз гаплар саналдади.

Англашиладики, тўлиқсизлик фақат гапнинг шаклий тузилишига оид бўлади. Шаклий ифодаланмаган мазмуний унсурларнинг нима ёрдамида тўғри тушурилишига кўра, тўлиқсиз гаплар икки хил бўлади:

1) мантиқий боғлиқ тўлиқсиз гаплар;

2) вазият билан боғлиқ тўлиқсиз гаплар.

Парадигматик аспектда номувофиклик бир шаклнинг бир неча вазифа ҳамда маънода келишида (полисемия), ёки аксинча, бир маънонинг турли шакллар ёрдамида ифодаланишида (синонимия) кўринади. Шунинг учун ҳам гап бўлақлари термини

билан номланадигай синтактик бўлақлар билан мазмуний бўлақларни бир-биридан фарқлаш лозим бўлади.

Гап бўлақлари турли мазмуний бўлақларни ифодалаш ва, айни пайтда, мазмуний бўлақлар хилма-хил гап бўлақлари орқали ифодаланиш имкоиятига эга.

1. Ломтев Т. П. Структура предложения в современном русском языке. МГУ, 1979, с. 60.

2. Ломтев Т. П. Ўша асар, 60-бет.

3. Тўлиқсиз гапларнинг турлари ҳақнда қаранг: Фуломов А. Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: «Ўқитувчи», 1987, 127-бет; Ўзбек тилининг грамматикаси. II том, Синтаксис, 202-бет:



Лекин бу имкониятлардан бири маълум гап бўлаги учун хосланган бўлади. Масалан, ҳаракатни ифодалаш кесимнинг асосий вазифаси, мақсадни ифодалаш мақсад ҳолининг асосий вазифаси саналади. Англашиладики, маълум гап бўлагининг кўп вазифалилиги уларнинг вазифаларини асосий ва иккинчи даражали вазифаларга ажратишни, ўз навбатида, синтактик бирликларни ҳам икки сатҳга — шаклий ва мазмуний сатҳларга ажратишни тақозо қилади. Бу икки сатҳ бирликлари ўзаро мутаносиб бўлганда, шаклий бирликлар бирламчи вазифасида, номутаносиб бўлганда эса иккиламчи вазифасида келган бўлади. Масалан, эганинг ҳаракат, ҳолат ёки белгининг эгалилиги вазифаси бирламчи, барча вазифалари иккиламчи вазифалардир.

## **МУРАККАБЛАШГАН ГАПЛАР**

Содда гапнинг таркибида ундалмалар, кириш ва киритма қурилмалар, ажратилган бўлақлар қатнашиб, содда гапни ҳам шаклий, ҳам мазмуний томондан мураккаблаштиради. Айрим муаллифлар уюшиқ бўлақлар иштирок этган гапларни ҳам мураккаблашган гаплар қаторига қўшадилар 1.

Ўзбек тилшунослигида мураккаблашган гаплар биринчи марта проф. Ғ. Абдурахмонов томонидан мураккаб гаплар атамаси остида ажратилди ва бундай гаплар содда гаплар билаи қўшма гаплар оралиғидаги алоҳида типдаги гаплар эканлиги таъкидланди 2.

Мураккаб гаплар термини кўпроқ қўшма гапларнинг турига нисбатан қўлланиб келинганлигидан, бизшнингча, содда гап доирасидаги буидай гапларга нисбатаи мураккаблашган гаплар атамасини қўллаган маъқулроқ.

Ғ. Абдурахмонов мураккаблашган гапларнинг бир қатор фаркли белгиларини ажратади. Хусусан, 1) мураккаб гапларнинг таркибида, асосий гап бўлақларидан ташқари, ажратилган бўлақ ёки ундалма, ёки кириш бўлақлар бўлиши; 2) мураккаб гаплар орқали содда, биргина мақсад, ният ифодаланиб қолмай, мураккаб фикр ифодаланиши; 3) мураккаб гап таркибида икки хил предикатив бирлик, ҳукм бўлиши; бу предикатив бирлик ёки ҳукмнинг бири асосий бўлиб, иккинчиси тўлиқ бўлмаган ҳукм, ярим предикативлик эканлиги; ҳукм гапнинг умумий мазмунидан англашилса, тўлиқ бўлмаган ҳукм, ярим предикативлик бу хил гапнинг ажратилган бўлақлари ёки ундалмалари ва ёхуд кириш бўлақлари орқали ифодаланиши 3.

Гаи таркибидаги сиитактик шаклларнинг ўзаро гобеланиш алоқасига кўра гап бўлақларига ажратиш асосига эътироз билдирган айрим муаллифлар ундалма ва киришларини ҳам гап бўлақлари деб ҳисоблайдилар. Хусусаи, Ғ.Абдурахмонов ундалма ва кириш қурилмаларининг хос гап бўлаги эканлигини таъкидлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлганлиги сабабли мураккаблашишда ҳам бу икки томонни ҳисобга олиш лозим Шунга мувофиқ, мураккаблашувни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашув;
- 2) мазмуний мураккаблашув.

## **ШАКЛИЙ ВА МАЗМУНИЙ МУРАККАБЛАШУВ**

Ундалма ва киришлар иштирок этган мураккаблашга гаплар ажратилган бўлақлар иштирок этган мураккаблашган гаплардан фарқ қилади. Ундалма ва киришлар иштирок этган гаплар икки томонлама мураккаблашади: грамматик алоқанинг тури (тобе алоқа ва тобе алоқа эмаслик) икки хил бўлшн билаи бирга, мазмун ҳам мураккаблашади. Гапнинг асосий қисмидан ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг субъектив муносабатн ва тингловчи субъект кўшилади.

Ажратилган бўлақлар иштирок этганда шаклий мураккаблашиш кузатилмайди (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи ўрамлари алоҳида хусусиятга эга, улар

ажратилган сифатловчи ва ажратилган изоҳлардан тўбдан фарқ килади, бундай ўрамлар иштирок этганда ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашиш рўй беради, шунида учун бундай типдаги ўрамлар алоҳида ўрганилиши керак).

1 Руднев А. Г. Синтаксис осложненного предложения. 1959; Ананич А. В. Изучение осложненного предложения. , 1972.

2 Абдурахмонов Ф. А. Синтаксис осложненного предложения. «Структура и история тюркских языков», М., 1971.

а Ўзбек тилининг грамматикаси. II том, Синтаксис, 207-бет.

Ажратилган сифатловчилар иштирок этганда гап бўлаклари таркибида ҳеч қандай миқдорий ўзгариш рўй бермайди. Фақат мавжуд гап бўлаги тартиби ўзгаради, холос. Ажратилган изоҳлар иштирок этса, гап бўлагининг миқдори биттага кўпаяди. Бу вақтда бир нарса ёки ҳодиса иккинчи марта номланади. Масалан: Она юртимнинг — Ўзбекистоннинг истиқболи буюқдир («Ўзбекистон овози»)

Лекин катта мазмуний ўзгариш рўй беради. Икки воқелик, икки пропозиция ифодаланади.

Англашиладики, гап таркибида аниъанавий синтактик алоқага киришмайдиган синтактик шакллар иштирок этса, улар ҳам шаклий, ҳам мазмуний томондан мураккаблашади.

## **СИНТАКТИК АЛОҚАГА КИРИШМАЙДИГАН СИНТАКТИК ШАКЛЛАР**

Гап таркибида шаклий томондан бошқа бўлаklar тобе муносабатга киришмаса ҳам, лекин улар билан мазмуний томондан маълум муносабатда бўлган синтактик шакллар ҳам учрайди. Бундай синтактик шакллар аниъанавий тилшуносликда гап бўлаклари таркибига киритилмади. Чунки гап бўлаklarига ажратишнинг бош мезоии бўлган тобеланиш (доминанция) талабига жавоб бермас эди.

Гап шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган мураккаб бутунлик саналар экан, мазмуштй бирликлар, албатта, шаклий бирликлар орқали ўз ифодасийи топади..

## **МАЗМУНИЙ МУНОСАБАТ**

Аниъанавий тилшуносликда гап бўлаклари орқали атрибутив, объектив, релятив, предикатив каби мазмуний муносабатлар ифодаланиши таъкидланади. Шу билан бирга, ундалма ва киришлар ҳам маълум муносабатларни ифодалайди. Лекин ундалма ва киришлар орқали ифодаланган мазмуний муносабат бошқа мазмушш муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Атрибутив, объектив, релятив, предикатив муносабатлар гап орқали ифодаланаётган синтактик вазиятнинг (пропозиция, диктум) икки унсури ўртасидаги муносабат бўлса, ундалма ва киришлар ифодалаган муносабат гап орқали ифодаланаётган синтактик вазият ёки униинг маълум унсури билан сўзловчи ўртасидаги муносабатдир. Шунинг учун синтактик шакллар ўртасида ифодаланадиган мазмуний муносабатни икки гуруҳга ажратши мумкин бўлади:

- 1) объектив муносабат;
- 2) субъектив муносабат.

Ундалма ва киришлар субъектив муносабатни ифодалайди.

Гап ифодалаган синтактик вазият ёки унинг унсури билан сўзловчи ўртасида қандай муносабат мавжудлигига кўра, субъектив муносабатни яна иккига ажратиш мумкин:

- 1) ундаш (вокатив) муносабати;
- 2) модал муносабат.

### *Ундаш муносабати*

Сўзловчи нутқ жараёнида маълум воқелик ҳақида ахборот бериш (Давомида тингловчининг диққатини шу ахборотга жалб қилгиси, ёки бу ахборотга қушимча равишда тингловчига ўзининг маълум субъектив муносабатини ифодалатгиси келиб қолиши мумкин. Ана шундай муносабат ундаш муносабати саналади.

Ундаш муносабати мавжуд бўлган гап мазмунан мураккаблашади. Объектив мазмунга – диктумга субъектив мазмун, сўзловчининг ундаш муносабати қўшилади Масалан, Амма Роби опам қачон келадилар? (Ў. Ҳошимов )

Юқоридаги гапда сўзловчининг нияти Роби опанинг келиш ҳаракатининг рўй бериш иайтини аниқлаш. Бу воқеа ҳақида ахборот олиш мақсадида тингловчига — аммасига

муружаат қилиняпти, унинг диедати нутқ жараёнига жалб қилиняпти. Ундалмали гапларда субъектлар миқдори ҳам кенгайди: объектив вазиятдаги муайян ҳаракатни юзага чиқарувчи субъектга тингловчи субъект қўшилади.

Ундаш муносабати ҳам бир неча семаларни ичига олган мураккаб бутунлик саналади. У қуйидаги семалардан ташкил топиши мумкин:

Ундаш семаси: Хўп, устоз, бораман, ҳозирча хайр. (Қутлибека)

Эркалаш семаси: Биласанми, жоним, нақадар ширин, жанглар туфонида сени ўйламоқ. (К. С.)

3. Кесатиқ семаси: Арпангизни хом ўрибмизми, бой? (Х.)

4. Дўқ-пўписа семаси: Ҳой зумрашалар, тўхта! (Ў. Ҳошимов )

5. Қарғаш семаси: Ҳе ҳаромилар, нима қилиб қўйдиларинг ва бошқалар.

Бу семалар ичида ундаш семаси ҳаммасида такрорланадиган бирлаштирувчи сема, қолган семалар фарқловчи семалардир.

Ундаш муносабати шаклий жиҳатдан ундалмалар орқали ифодалапади. Ундалма гапнинг шаклий тузилиш бирлигидир.

Сўзловчининг ундаш муносабатини ифодаловчи синтактик шакл ундалма саналади. Ундалмалар тингловчи шахсни ифодалаганлиги учун ҳам, одатда, шахс билдирувчи отлардан, баъзан нарса билдирувчи отлардан ва отлашгаи сўзлардан ифодаланани 1.

Ундалма гапнинг бошқа бирликлари билан тобе алоқага киришмайди. Шунинг учун ундалма иштирок этган гап фақат мазмун томондангина эмас, балки шаклий томондан ҳам мураккаблашади. Гап таркибида тобе алоқа билан биргаликда, тобе бўлмаган, грамматик алоқа ҳисобланмайдиган алоқа ҳам мавжуд бўлади. Бундай алоқани тилшунослар интродуктив алоқа деб номлайдилар. Демак, гап таркибидаги синтактик шаклларнинг алоқасини унга бўлиш мумкин:

1)субординатив алоқа (тобеланиш);

2)координатив алоқа (тенглашиш);

3)интродуктив алоқа (мазмуний боғланиш).

### *Модал муносабат*

Сўзловчи маълум объектив мазмун, воқелик ҳақида ахборот бериш давомида шу воқеликка ўзининг шахсий муносабатини (тасдиқлаш, тахмин, ишонч ва бошқалар) ҳам ифодалаши мумкин. Ана шундай муносабат модал муносабат саналади. Модал муносабат икки хил бўлади:

1)объектив;

2)субъектив1.

Объектив модаллик кесим вазиятида келган синтактик шакл орқали ифодаланиб, муҳим категориал белгилардан бири бўлса, субъектив модаллик ҳамма гапларда бўлиши шарт эмас.

Объектив модаллик иштирок этган гапларда бу гап орқали ифодаланаётган объектив мазмунга сўзловчининг модал муносабати махсус лексик воситалар ёрдамида қўшилади. Натижада мазмуний мураккаблик вужудга келади: объектив мазмун + модал муносабат.

Шу билан бирга, объектив мазмунни ифодаловчи синтактик шакллар ўзаро тобеланиш муносабатида бўлса, модал муносабатни ифодаловчи синтактик шакл гапнинг бошқа синтактик шакллари билан бундай муносабатда бўлмайди, грамматик алоқага киришмайди. Шу сабабли бундай гаплар шаклий тузилиши жиҳатдан мураккаблашади: тобе алоқага киришадиган синтактик шаклларга тобе алоқага киришмайдиган синтактик шакллар қўшилади. Масалан: Ўшанда, негадир, ўрнимга келган — янги котибага оғибман, ажаб. (Қутлибека)

Хайрият, хайрият. Қулоғим Сизда. (Қутлибека)

Хуллас, тўлиб кетдим, энди ёзаман. (Қутлибека)

Модал маъво ифодаловчи синтактик шакллар ҳам мазмун, ҳам шакл томондан

умумийлик ва хусусийлик диалектикасини намоён этувчи зиддиятлар бирлигидан иборат бўлади.

Мазмун жиҳатдан бирлаштирувчи сема ҳисобланувчи модаллик семаси бошқа барча семаларда такрорланиш хусусиятига эга бўлиши билаи бирга, бир қанча хусусий семалар орқали намоён бўлади:

1. Ишонч семаси: Роби опанг ҳам, албатта боради. *Ў. Ҳошимов*)

2. Тасдиқ семаси: Тўғри, сиз ҳақсиз. (*Ў. Ҳошимов.*)

3. Гумон семаси: Агар Салтанат индамай кетаверганида эди, эҳтимол, у «бундан кейинги ҳаётимиз нима бўлади, Бехзод нима бўлади», — дсб бош котиради. (*Ў. Ҳошимов.*)

4. Қувонч семаси: Бахтимдан ўргилайки, сен келиб қолдинг. (III.)

5. Афсусланиш семаси: Афсуслар бўлсинки, бу китобни ёзиб, мухлисларни хурсанд қилишга ўқтамжоннинг умри қисқалик қилди. (*Н. Фозилов*)

6. Таажжубланиш семаси: Шунча нафис, шу гўзалликка, таажжуб, бу ништар не ҳожат экан? (III.)

7. Далиллаш семаси: Манна, масалан, биринчи китобда бош қаҳрамонингиз Азиз, Муҳиддин Жабборовлар, Расул Оллоёровичларнинг дастидан дод деб, урилиб, сурилиб, шунчаликка етди.

1. Модаллик ва унинг турлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: *Ғ у л о м о в А.*, ва *Маҳмудов Н.* ва бошқалар. *Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.* Тошкент, 1992, 80-бет.

(*Н. Фозилов*)

8. Тартиб семаси: Авваламбор, севмагил эди, ўзинг ҳам, мени ҳам қийнаб. (У.)

9. Фикрнинг кимга тааллуқли эканлиги семаси: Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас. менинг билишимча, сенинг элингга (*Х.О.*) ва бошқалар.

Шунингдек, шаклий тузилиши томонидан гап таркибида кириш вазифасида келадиган бу синтактик шакл бир қанча морфологик шакллар асосида намоён бўлади:

1. Модал сўзлар: **Эҳтимол, келиб қолар.** (*Ў. Ҳошимов*)

2. Отлар: **Толемга, сен туғилдинг.** (*Н. С.*)

3. Сифат: **Яхши, бу фикрингизни инобатга оламан.** (*М. К.*)

4. Равиш: **Тўғри, сиз ҳақсиз.** (*М. К.*)

5. Сон: **Биринчидан, тўғри ўстирдим.** (*Эртакдан*)

6. Феъл: **Айтайлик, бепоён бир чўлда кетаяпсиз.** (*М. К.*)

7. Олмош: **Менимча, бу унчалик тўғри эмас.** (*Х. Н*) ва бошқалар.

Модал муносабат билдирувчи бундай синтактик шаклларда шакл ва маъно муносабати хусусий намоёни бўлувчи вариантларидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган инвариант шакл билан инвариант маънога нисбатан белгиланади. Демак, субъектив модал муносабат кириш вазифасида келган синтактик шакллар орқали ифодаланади.

*Шаклий мураккаблашган гапларда шакл ва мазмун муносабати*

Мураккаблашган гапларда шаклий мураккабликдан ташқари, мазмуний мураккаблик ҳам мавжуд бўлади. Мазмун жиҳатдан бундай гаплар маълум объектив вазиятни ифодалашдаи ташқари сўзловчининг ундаш муносабатини, тингловчи субъектни (ундалмали мураккаб-лашган гаплар), сўзловчининг объектив мазмунга бўлган субъектив муносабатини (киришли мураккаблашган гаплар) ҳам ифодалайди.

Бу икки мазмун ўзининг шаклий ифодасини топганда, гап шаклий томондан ҳам мураккаблашади. Шунинг учун ҳам ундалма, киришлар иштирок этган гаплар мураккаблашган гап саналади. Масалан, *Ҳа, Расул Оллоёрович, институтингизни ёшлаштирадик, сиз нима дейсиз Шунга?* (*Ў. Усмонов*)

Кўпинча шакл ва мазмун ўртасида номутаносиблик кузатилади. Мазмуний қисмлар ўзининг тўлиқ шаклий ифодасини топмайди. Баъзан фақат ундалманинг ёки киришнинг ўзи

иштирок этиб, мазмун жиҳатдан диктум чакирилувчи субъектни ёки модусни ифодалаш мумкин. Масалан: Ойим бир сесканди, аммо кўзини очмади.

— Ўғли-им! — деди ожиз инграб.

— Ойижон! — дедим бошига эгилиб. (Ў. Ҳошимов.)

- Келасизми?

- Албатта. (Ў. Ҳошимов.)

Юқоридаги матнларда Уғлим! Ойижон! Албатта синтактик шакллари гап вазифасида келяпти.

Чакирилувчи субъект ёки модал муносабат ва вазият (диктум) бир синтактик шакл — ундалма ёки кириш орқали ифодаланади. Бу синтактик шаклининг қандай объектив вазиятни (диктумни) ифодалаш нутқ вазияти ва контекст билан боғлиқ. Чунки Ўғлим! синтактик шак-ли турли нутқ вазиятида турли маъноларни (объектив вазиятни) ифодалаш мумкин: ўглининг килган ишларидан фахрланиш ёки аксинча, килган ишларидан норозилик туфайли бундай ишдан қайтариш; ўғли билан хайрлашиш ёки видолашиш ва бошқалар. Юқорида Уғлим! синтактик шаклининг қандай объектив вазиятни ифодалаётганлиги фақат нутқ вазияти орқалигина эмас, балки синтактик курсов — контекст орқали ҳам аниқланади: ожиз инграб синтактик шакли онаинг оғир бир вазиятда ўғли билан хайрлашаётгани эҳтимолки, бир умрга видолашаётганлигига ишора қилади. Дедим бошига эгилиб синтактик шакли эса ойисига «тинчланинг, ўзингизни йўқотманг» деган мурожаатига ишора қилади. Ёки Ойижон! синтактик шакли контекстдан ажратиб олинганда, қайси маънода ифодаланаётганлигини фақат нутқ вазияти чегаралайди. Масалан, (илондаи кўрқип кетган қиз бирданига қичқиради) Ойижон?

Шаклий ва мазмуний тузилиш ўртасида мувофиқлик бўлган ундалмали ва киришли мураккабланиш гаплар нутқ вазияти ва контекст билан унчалик зич боғланмайди. Нутқ вазияти ва контекстдаи ташқарида ҳам чакирилувчи субъект ёки модал муносабат ва муайян объектив вазиятни (диктумни) ифодалайди.

Шаклий ва мазмуний тузилиш ўртасида номувофиқлик бўлган ундалмали ва киришли мураккабланиш гаплар эса, аксинча, нутқ вазияти ва контекст билан зич боғланган бўлади. Ундан ташқарида қандай объектив мазмун (диктум) ифодаланаётганлигини билиб бўлмайди. Шунинг учун бундай гапларни нутқ вазияти ва контекст билап боғлиқлик даражасига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) матний ва ситуатив эркин гаплар;

2) матний ва ситуатив боғлиқ гаплар.

Шаклий ва мазмуний тузилиш ўртасида номутаносиблик бўлган ундалмали ва киришли гаплар иккинчи гуруҳга маисуб бўлади.

Матний ва ситуатив боғлиқ гаплар мавжуд адабиётларда турли атамалар билан номланади: «сўз—гаплар» «бўлақларга ажралмайдиган гаплар», «ундош гаплар», «вокатив гаплар» ва бошқалар.

Бироқ бу атамаларнинг ҳаммаси ҳам юқоридаги ҳодисанинг моҳиятини тўла акс эттирмайди. Хусусан, сўз-гап атамаси гапнинг моддий асоси битта сўздан ташкил топганлигига ишора қилади. Лекин битта сўздан юқоридаги типдаги гаплардаи ташқари, тўлиқсиз ва бир таркибли гаплар ҳам ифодаланиши мумкин. Ундаш гаплар, вокатив гаплар атамаси эса матний боғлиқ гапларнинг фақат бир турини — ундалма асосида шакланган мураккабланиш гапларни ўз ичига олади.

«Бўлақларга бўлинмас гаплар» атамаси бир оз маъқулроқдек туюлади. Лекин у ҳам кўп сўзли бўлганлиги сабабли атама талабига тўла жавоб беролмайди. Шунинг учун юқоридаги атамалар ичида сўз-гаплар атамаси айрим ноқислигини ҳисобга олмаганда, бошқалардан қулайроқ кўринади. Лекин «сўз-гап» атамаси остида ифодаланган ҳодисани бир сўздан ифодаланган бир таркибли гаплардан ва тўлиқсиз гаплардан фарқламоқ лозим. Бундай гаплар бир сўздан ифодаланиш белгиси билан кейинги икки гап билан умумийликни ҳосил қилса ҳам, лекнн сўз-гаплар вазифасида келган сиитактик шакл шаклий ва мазмуний тузилиши ўзаро мувофиқ бўлган гап таркибида муайян гап бўлаги

вазифасида келмаган синтактик шакл эканлиги билан фарқланади.

Сўз-гаилар (матний ва ситуатив боғлиқ гаплар) турли маъноларни ифодалаши мумкин:

1) тасдиқ: Ҳа, Дуруст, Шукур, Шундай, Тўғри, Яхши. Майли, Хўп, Рост ва бошқалар; 2) инкор: Йўқ, Асло, Ҳеч, Ҳеч қачон, Сира ва бошқалар;

3)нутқий одатлар, рағбатлантириш: Баракалла, Офарин, Марҳамат, Раҳмат, Марҳамат, Раҳмат, Салом ва бошқалар;

4)Буйруқ: Бас! Жим каби;

5) ҳаяжон, нидо: Ойижон! Ўғлим! сингари1 Мазмуний мураккаблашиш

### *Ажратилган бўлакли мураккаблашган гаплар*

Гап таркибидаги маълум гап бўлаги унинг аҳамиятлилик даражасини бошқалардан ажратиш мақсадида ажратилиши мумкин. Леки унинг тапнинг шаклий тузилишдаги синтактик вазифаси ўзгармайди. Демак, ажратилган бўлак гапнинг синтактик шаклига эмас мазмунга таъсир этади. Ажратилган бўлак шу гап таркибида мазмун томондан энг аҳамиятли бўлакка — ремага айланади,

Ажратилган бўлак гапнинг бошққа қисмларидан ифодаланган асосига ахборотга кўшимча ахборот юклайди. Натижада бундай бўлаklar иштирок этган гаплар мазмуни мураккаблик касб этади: асосий ахборот, кўшимча ахборот. Масалан: Унинг хаёлига Аҳмаджони тўғич ўғли, кслиб қолди. (Ш.)

Бу гапда икки ахборот бор: биринчиси, унинг хаёли Аҳмаджои келиб қолганлиги; иккинчиси, Аҳмаджоннинг унга тўғич фарзанд эканлиги, ундан бошқа фарзандлар ҳам мав жудлиги.

Шунинг учун ҳам ажратилган бўлаklar синтактик тузилишнинг эмас, балки мазмуний тузилишининг ўрганиш объектидир<sup>2</sup>.

### *Юкламалар ва қўмакчилар ёрдамида мазмуний мураккаблашиш*

Кўп ҳолларда икки объектив вазият, икки пропозиция битта содда гап орқали ифодаланади. Лекин содда гапни ташкил этган гап бўлаklари таркибида ҳеч қандай микдори ўзгариш рўй бермайди. Фақат баъзи ёрдамчи сўзлар кўшилиши мумкин. Бундай вақтда гапнинг шаклин тузилиши билан мазмуний тузилиши ўртасида кучли номувофиқлик бўлади. Кўшма гап орқали ифодаланиш лозим бўлган воқелиklar ўртасидаги муносабат содда гап орқали ифодаланади, Содда гап таркибида воқелиklar ўртасидаги муносабат мазмунига мос келадиган маълум лисоний воситалар — ташқи сигналлар иштирок этади. Ана шу ёрдамчи лисоний воситалар ўз шаклий

1.Бундай гапларнинг шакл ва маъно турлари ҳақида қаранг.Ғуломов А., А с қ а р о в а М. Ўша асар, 137-бет.

2.Буҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Нурмонов А., М а ҳ м у д о в Н. ва бошқалар. Ўша асар, 94-бет.

ифодасини топмаган иккинчи воқеликнииг сўзлашувларр ўртасида тўғри тушинилишига ёрдам беради. Масалан, Шу хатгина ундан ёдгорлик бўлиб қолди. («Туркистон») Бу гапдаги -гина юкламаси бошқа ҳеч қандай ёдгорлик қолмаганлиги ҳақидаги пропозицияга ишора қилади.

Содда гап таркибида фақат, ёлғиз, биргина, худди, гўё, холос, -гина, ҳам каби юкламалар, каби, сингари кўмакчилари, -дай, -дек ёрдамчилари иштирок этса, бу воситалар ўзининг шаклий ифодасига эга бўлмаган воқеликка — пропозицияга ишора қилади. Сўзлашувчиларнинг ўз тиллари ҳақидаги умумий амалий билимга эга бўлишлари асосида ташқи шаклга эга бўлмаган воқеликни ҳам ўзаро тўғри тушунадилар 1.

## ГАПНИНГ МАЗМУНИЙ ТУЗИЛИШИ

Ҳар қандай гап шакл ва мазмуй бирлигидан иборат бутунлик бўлишига қарамасдан, яқин йилларгача синтактик тадқиқотларда, асосан, гапнинг шаклий томонига зътибор берилган. Фақат айрим ўринлардагина (масалан, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини белгилайди, иккинчи даражали бўлақларнинг ички таснифида) мазмун томонига мурожаат қилинди. Ҳозирги кунда гап мазмунини ўрганувчи мазмуний синтаксис деярли ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этилган бўлса ҳам, аммо мазмуний синтаксис мақоми масаласида бир хиллик йўқ, улар орасида икки қарама-қарши йўналиш ажралиб туради.

Биричи йўналиш тарафдорлари гапнинг зарурий унсурларининг, грамматик маъносига асосланадилар 2.

Бу йўналишда гапнинг ҳар бир тузилиш тарихининг умумий грамматик маъносини топишга ҳаракат қилинади ва тузилиш тархининг умумий грамматик маъноси доирасида мазмуний тузилиш аниқланади. Уларнинг фикрига кўра, мазмун грамматик шаклланмай, ўз ҳолича, мавжуд бўлмайди. Шунинг учун гапнинг барча синтактик хусусияти гап мазмунига ифодачиси бўлиб хизмат қилади.

Гап мазмунини тузилиш тархлари асосида таҳлил қилиш Н.Ю. Шведова асарларида ўз ифодасини топди..

Иккинчи йўналиш тарафдорлари гапнинг номинатив минимуми узвларининг лексик маъноларига асосланади. Бунга мувофиқ, гапнинг мазмуний тузилиши тархлари доирасида эмас, балки ундан ташқарида ажратилади. Тузилиш тархлари ва мазмуний тузилиши бир-бири билан кесишмайдиган ёнма-ён каторларга терилади. Бундай қараш О. И. Москальская ишларида намоён бўлади 3.

Мазмуний синтаксиснинг келишиги ютуқлари гапга номинатив вазифа бажарувчи бирлик деб қарашга олиб келди. П.Д. Арутюнова гапга объектив борлиқдаги воқеанинг номини ифодаловчи бирлик сфатида ёндашади. Воқеа пропозиция атамаси билаи номланади. Демак, гап пропозиция номи ҳисобланади ва у предмет номи бўлган сўзга қарама-қарши кўйилади.

Предикат ва воқеа иштирокчилари ўртасидаги муносабат гапнинг мазмунини ташкил этади. Воқеа ва уни ифодаловчи гап ўртасидати муносабат икки йўналишда — ифода томонидан маъно томонига қараб ва аксинча, маъно томонидан ифода томонига қараб ўрганилади. Биринчиси, нутқий фаолиятдаги тушуниш ҳодисасини, иккинчиси эса ифодалаш ҳодисасини намоён қилади. Бунга мувофиқ, мазмуний синтаксисда ҳам ўзаро боғланган ва айни пайтда йўналишига кўра бир-бирига зид бўлган икки қараш: семасиология ва ономасиология ажратилади 4.

Биринчиси, маълум синтактик бирлик нимани ифодалашини, иккинчиси маълум воқеа кандан ифодаланганини ўрганади. Биринчи йўналиш гап маъноси объектив борлиқ билан боғланганлиги учун воқеани, вазиятни аниқлашга ва таҳлил қилишга алоҳида аҳамият беради. Таҳлилнинг бу томонини гапнинг денотатив ёки номинатив аспекти дейилади.



Пропозиция фақат гап орқали ифодаланиши шарт эмас.

У сўз бирикмаси ва ҳатто сўзлар орқали ҳам ифс-даланиши мумкин. Масалан: Режа бажарилди — режа-дошг бажарилиши.

— Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Н у р м о нова, Махмудов Н. ва бошқалар. Ўша асар, 113-бет; Айи китобнинг кейинги қисмига қаранг.

2 Шведова Н.Ю. О соотношении грамматической и семантической структуры предложения. Славянское языкознание. УП Международный съезд славистов Доклад советской делегации. М 1973. с.461.

3. Москальская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. М., 1974, с.9—19.

4. Гак В.Г. Выказывание и ситуации. Проблемы структурной лингвистики. 1972, М., 1973; с.358; Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. М., 1986, с.32—33.

Демак, маълум бир синтактик курилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари яна бошқа белгиларни — коммуникатив мустақиллик ва модаллик белгиларига, бошқача айтганда, гапнинг грамматик категорияларига эга бўлиши керак. Масалан, юқори-да солнштирилган икки синтактик курилма бир пропозицияни ифодалаш жиҳатидан умумийликни ҳосил қилади. Лекпн пропозицияпи қандай ифодалаш жиҳатидаи бир-биридан фарқ қиладй. Биринчпсн предикативлик, коммуникативлик, модаллик каби категорияларга эга бўлио, гап сифатида шаклланган. Иккинчиси эса бундай категорияларга эга эмас. Шунпнг учун гап бўлиб шакиллана олмаган.

Демак, ҳар қакдай гап мазмунида маълум пропозициядан ташқари ирдикативлик, сўзловчининг коммунккатив нияти (тема-ремага ажратиш) иштирок этиши керак бўлади.

Бошқача айтганда, пропозициядан реал гап мазмунига ўтиш учун пропозиция устига яна икки унсурни — предикативлики ва актуалликни қўшиш керак бўлади. Кейинги икки унсур ҳар қандам гапнинг мазмуний тузилишининг зарурий узвлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

## СОДДА ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Снтактик мазмуният гап мазмунини соф, алоҳида олинган ҳолда ўрганмайди, бундай қилиш, албатта, шакл ва мазмун диалектикасини бузишга олиб келади. Гарчи, “мазмуний таҳлил гапнинг қандай тушунилиши, қандай талқин қилиниши ва унинг ташқи оламдаги ҳолатлар, жараён, объектлар билан қандай алоқадорликда эканлигини тушунтириш керак»<sup>2</sup> бўлса-да, бундай тушунтиришда гап шакли, синтактик курилишни ҳамиша эътиборда тутиш лозимлиги ҳеч шубҳасиздир. Синтаксисда, ҳам маъно категорияси, умуман, тилда бўлганидай, марказий масаладир<sup>3</sup>, аммо синтаксис ва мазмуният (семантика)ни қай тарзда бўлмасин бир-биридая кескин ажратиш улардан қайси бирининг биринчи жиҳатга чиқарилишидан қатъи назар кутилган натижага олиб келмайди<sup>4</sup>. Қисқаси, Р. А. Будагов таъкидлаганидай, шакл ва мазмун ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи синтаксиснинг марказий муаммоси бўлиб, уларяи тадқиқ этишда бу ҳар икки категория диалектик бирликда олиб қаралиши лозим. Зеро, А. А. Ветров кўрсатганидай «шаклий ва мазмуний таҳлил бир-бири билан диалектик равишда боғланган»<sup>5</sup>.

Синтактик назария ана шу икки томонни, яъни ҳам шаклий, ҳам мазмуний томонни тўлиқ назарда тутгандагина, у ҳақиқий назария бўла олади. Чунки гапнинг шаклий ва мазмуний курилишлари ўртасидаги алоқа бениҳоя мураккаб ва зиддиятли бўлиб, жуда кўп асосий ҳолларда бу курилишлар бир-бири билан айнан бир хпл, тенг, мувофик; алоқада бўлмайди, улар ўртасида деярли ҳамиша мувофиклик (симметрия)нинг бузилганлиги кузатилади. Дастлаб С. Карцевский томонидан олдинга сурилган лисоний белгининг номувофик дуализми ҳақидаги коицепция<sup>6</sup> синтактик сатҳда ҳам тўлиқ намоён бўлади.

Гапнинг мазмуний ва шаклий курилишлари ўзаро диалектик бирликда ўрганилар экан, айна курилишлар ўртасидаги мавжуд номувофиклик (асимметрия)ни ҳисобга олиш шарт.

Албатта, синтактик тузуми аниқ, кўриш мумкин бўлган сатҳ бўлганлиги учун бу тузилишни аниқ белгилаш қийин эмас. Аммо гапнинг мазмуний курилиши ҳақида бундай деб бўлмайди. Гапнинг мазмуни нима? Ҳозирги кунда гап мазмунининг талқини масаласида тил-шуносликда бкр неча йўналшпни кузатиш мумкин. Улардан гап маъносининг денотатив (ёки референт) кояцепцияси тилшунослар орасида кенг тарқалган. Бу концепциянинг моҳияти гап маъносининг денотати сифатида ғайрилисоний вазият (экстралингвистик ситуация)нинг воқеани қарашдан иборат.

В. Г. Гак гапни сўздан фарқли ўларок, тўлиқ; тил белгиси деб ҳисоблайди<sup>7</sup> ва гап

(«высказывание»)нинг референти вазият (ситуация) эканлигини таъкидлайди. У ёзади:  
«Гап

1. Гаининг мазмуний тузилиши ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Н у р м о н о в А., М а х м у д о в Н. ва бошқа-лар. Ўзбек ТИЛШИНИНГ мазмуний синтаксиси. 26—113-бетлар.
2. БирвишМ. Семантика. - В кн.: Новое в зарубежной лингвистике, выг. Х. М., 1981, с: 177.
3. Будагов Р. А. Человек и его язык. М.. 1974, с. 100.
4. Қаранг: Вейнрейх У. Општ семантической теории. — В кн.: Новое в зарубежной лингвистике, выш. Х. М., 1981, с.166.
5. В е т р о в А. А. Методологическое проблемь 1 современной лингвистики. М., 1973, с. 37.
6. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака. В кн.: Звегинцев В. А. История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях, часть II, М., 1965, с. 85—90.

7.Гак В. Г. О двух типах знаков в языке (вмсказывание иелово). Материалш к конференции «Язык как знаковая система особого рода». М., 1967

яҳлит ситуациянинг номи сифатида келиб, лексик номинациядан мутлақо фарқ қилувчи ўзига хос номинациядир»<sup>1</sup>. Гап вазият билан бевосита боғланади, яъни гапнинг ифодаланувчиси вазият, муайян далил, шунинг учун ҳам гап тўлиқ; тил белгиси ҳисобланади. Сўз эса ана шу тўлиқ тил белгиси таркибига киргандагина вазият билан боғланаолади, ана шунга кўра сўз хусусий тил белгисидир. Тўлиқ; тил белгиси сифатидаги гапнинг бу денотатив томонини О. И. Москальская гапнинг «семантик ядроси» деб атади<sup>2</sup>. Албатта, бу «семантик ядро» гап мазмунини тўлиғича қамраб олмайди, балки гап мазмунининг муайян бир жиҳатини ташкил этади. Шундай бўлсада, гапнинг шаклий ва мазмуний қурилишлари ўртасидаги номутаносиб муносабатни белгилашда айни шу «семантик ядро» аҳамиятлидир.

Ҳозирги турли йўналишди мазмуний изланишлар жараёнида гап маъносини ўз табиатига кўра турлича бўлган унсурлар мажмуи сифатида тушуниш анчайин турғунлашиб ва умумийлашиб бормоқда. В. А. Белошапкина шундай ёзади: «Семантик синтаксиснинг тараққиёти муносабати билан жуда кўп тилшунослар томонидан турли вақтлардд айтилган гап маъносида бир-биридан принципиал фарқланувчи икки тур мазмун — борликни акс эттирувчи объектив мазмун ва фикрловчи субъектнинг ана шу борликда бўлган муносабатини акс эттирувчи субъектив мазмун қўшилган, деган фикр алоҳида долзарблик касб этди»<sup>3</sup>. Гап мазмунидаги бу объектив ва субъектив томонлар дастлаб Ш. Балли томонидан фарқланган бўлиб, у гапнинг яҳлит мазмунини ташкил этувчи бу унсурлардан бирини диктум (объектив мазмун) деб, иккинчиси эса модус (субъектив мазмун — фикрловчи субъектнинг айни объектив мазмунга нисбатаи муносабатининг ифодаси) деб номлаган<sup>4</sup>. Ш. Балли атамалари билан дштанда, муайян бир диктум турли модуслар билан бирга ифодаланиши мумкин. Масалан, Аҳмад ўқийди, Аҳмад ўқиса эди, Аҳмад ўқимоқчи, Аҳмад, эҳтимол ўқийди гапларнинг ҳаммасида айни бир диктум ифодаланган, аммо ҳар бир гапда бошқа-бошқа модус ифодаланган, яъни фикрловчи субъектнинг айни бир объектив мазмунга турли муносабати акс этган. Кўринадики, объектив мазмун ҳар қандай гап мазмушшиш асосини, «сёмантик ядроси»ни ташкил қилади.

Гаишшг объектив мазмунини тасвирлашда ҳозирги қуи тилшунослигида турлича тушунчалардан фойдаланилади. Улар орасида пропозиция тушунчаси<sup>5</sup> энг муваффақиятлиларидан биридир. Пропозиция термини остида муайян ган мазмунида ўз ифодасини топган муайяи воқеа, ҳодиса, гапнинг номинатив аспектдаги ифодасини, гаининг мантикпй негизи, асоси, ҳуллас, гапнинг субъектив мазмунидан ва гапшшг шаклий тузилиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган барча бошқа маъиоларидан

ажралган объектив мазмуни тушуилади<sup>6</sup>. Бу тушунчадан фойдаланилар экан, ҳар қандай гап мазмунида уч жиҳатни фарқлаш мумкин: 1) пропозитив (номинатив) қараш, 2) модал ва 3) коммуникатив қарашлар. Албатта, гап мазмунида айна пропозитив қараш асл, объектив мазмун сифатида асосий, ҳал қилувчи роль ўйнайди. «Тил бирлиги сифатидаги гап мазмуни учун моҳиятаи фақат номинатив жиҳат — пропозициялар жиҳати тегишлидир. Коммуникатив жиҳат жумла (высказывание) мазмунининг ва, демак, нутқ мазмунининг предикатидир; модал план улар ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди»,— деб ёзади Л. М. Васильев<sup>7</sup>.

Пропозиция хмуайян объектив мазмун бўлганлиги учун у мустақил гаида бошда жиҳатлар билан (модуслар билан — Ш. Балли) биргаликда, қўшилган ҳолда ҳам ва айна пайтда айна жиҳатларсиз соф ҳолда сўз бирикмасида ва ҳатто локсик маъноси воқеа, ҳедисани ифодаловчи алоҳида сўзда ҳам ифодалаимши мумкин. Бу ҳол бир гапда бирдан ортиқ пропозициянинг ифодаланишн мантиқан мумкинлигини кўрсатади. Албатта, иропозициянинг асосий ифодаланиш бирлиги гап, аммо, кўринадики, пропозиция гапдан кичик бирликларда ҳам ифодаланиш имкониятига эга. Бу ҳолат Т. В. Шмелевага пропозициянинг асосий (бирламчи)

1 Г а к В. Г. Вьюказвание и ситуация. — В кн.: Проблемы структурной лингвистики. 1972, М., 1973, с. 365.

2 Моекальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса, изд-е 1-е, М., 1974, с. 10.

3 Современный русский язык. Под ред. В. А. Белошапковой М., 1981, с.475.

4 Б а л л и Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955, с.43—48.

5 Пропозиция тушуичаси ва атамаси тилшуносликка мантиншуносликдан кириб келган, унинг мантикшуносликдаги тушунилиши ва турли талқини ҳақида қаранг: А р у т ю н о в а Н. Д. Кўрсатилган асар, 21—38-бетлар.

6. Масалан, қаранг: К а с е в и ч В. Б. Элементы общей лингвистики, М., 1977, с.121; Ш м е л е в а Т. В. Пропозиция и её репрезентация в предложении. — В сб.: Вопросы русского языкознания, вып. 3. Проблемы теории и истории русского языка, М., 1980, с. 131 — 137.

7. Васильев Л. М. Семантика русского глагола. М., 1981, с.12.

8. В а с и л ь е в Л. М. Кўрсатилган асар? 13-бет.

ва иккиламчи ифодаланишларя ҳақида гапиришга имкон берган<sup>1</sup>. Бир синтактик содда гапда икки еки ўндан ортиқ пропозиция ифодаланса, яъни пропозиция репрезентациясининг ҳар икки усулн ҳам мавжуд бўлса, табиийки, гапнинг синтактик ва мазмуний тузлишлари ўртасидаги мувофиқлик бузиладя, номувофиқлик юзага келади. Бундай ҳолатлар қачон юзага келади, уларнинг табиати қандай улар қандай қонуниятлар билан характерланар, улар қандай кўринишларга эга каби саволлар муҳимдир.

Тилда семантик-синтактик иомувофиқликнинг юзага келиши тилдаги доимий икки тамойилнинг — ортикчалик (избыточность) ва тил воситаларини тежаш тамойилларининг у ёки бу шаклда намоён бўлишдан иборат. Биринчи тамойилга кўра бир синтактик содда гапда ифодаланиши лозим бўлган муайян бир иропозиция синтактик қўшма гапда ифодаланиши мумкин, натижада мазмунан содда, аммо синтактик қўшма бўлган гаплар шакланади. Албатта, бундай гаплар курилишида семантик-синтактик номувофиқлик юзага келган бўлади. Ш. Балли таърифи билан айтганда, айрим ҳолларда (масалан. Я полагаю? что этот обвиняемый ие виновен; Я думаю, что ты лжешь) модус ва диктум алоҳида-алоҳида ва тўлиқ ифодаланиши мумкин<sup>2</sup>. Ўзбек тилида ҳам бундай ҳолатлар жуда кенг кузатилади. Эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим турларида бош гап тўлиғича субъектив мазмунни (Ш. Балли: модусни), эргаш гап эса объектив мазмунни — Лопозицияни (Ш. Балли: дийстумни)

ифодалаб келади. масалан, Мен ўйлайманки. Аҳмад бугун келмайди тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапида бош гап (Мен ўйлайман) пропозицияни эмас, балки субъектив мазмуни ифодалаган (модал муносабат), тўлдирувчи эргаш гап (Аҳмад бугун келмайди) эса иропозицияни (субъектив мазмун билан бирга) ифодалаб келган. Кўринадикки, гап синтактик жиҳатдан кўшма, яъни бирдан ортиқ пропозицияни ифодаловчи шакл, мазмун жиҳатидан эса содда, яъни монопропозитив. Қисқаси, ортиқчалик тамойилининг моҳиятига кўра содда мазмун мураккаб шакл орқали ифодаланган<sup>2</sup>.

Тилдаги ортиқчалик тамойилининг қарама-қарши кугби тил воситаларини тежаш тамойили бўлиб, содда гаплардаги семантик-синтактик номувофиқлик, асосан, ана шу принцип асосида юзага келади. Мураккаб мазмуниги мураккаб шаклда эмас, балки содда шаклда ифодаланиши тил воситаларини тежаш тамойилининг тилда яққол намоён бўлиш шаклларида бирийдир.

Албатта, бу мазмун муносабатларининг тушунилмай қолишига ёки чалқаш тушурилишига олиб келмайди, Чунки тилдаги жуда кўп мазмун узвлари бевосита эмас, балки бавосита ифодалана олади. Бунда «яширин категориялар» деб номлаиувчи ҳодиса иштирок этади. Бу категориялар ҳар қандай тпл алоқасида зарурий равишда иштирок этади, аммо уларнинг ифодаси бирдан кўзга ташланмайди (ёки эиштилмайди). Шунинг учун С. Д. Канцельсон очик-ойдин тарзда шундап ёзади: «Яширин категориялар — тилда мустакил ифодага эга бўлмаган аммо назарда тутилмаган, англаиладиган (подразумеваемы») категориал бслгилардир. Аммо бундан яширин категориялар мутлак товуш ифодасига эга эмас... деган фикр чиқмаслиги керак, Барча фикр узвларидап улар ҳам зарурий равишда товуш ифодасини талаб этадд, лекин улар тўғридан-тўғри, бевосита эмас, балки сўзлар ва кон-текст воситасида айланма иўл билан ифодаланган»<sup>3</sup>.

Тилда ана шундап «яширин категориялар»нинг мавжудлиги, яъни мазмундаги муайян узвиларнинг доимий равишда бевосита ифодага эга була олиш имконияти айни номувофиқликка эга бўлган содда гапларнинг тўғри тушурилишини, улардаги мазмуниги тўлиқ, ҳеч қандай нуқсонсиз берилишини ташкил этади. Айни анашу имконият содда гаплардаги семантик-синтактик номувофиқликни қонуниятга айлантиради. Ссмантпк-сиптактик номувифиқликка эга бундай гаплар шунинг учун ҳам табиий ва қонунийки, гап ҳамиша ўзининг муқаррар ва узвий хусусияти бўлмиш бир қанча фикран тиклаш имконларини ўз ичига олади.

У. Вейнрейх таъкидлаганидай, маъно билан унинг ифодаси ўртасидаги қатъий мослик фақат идеаллаштирилган семиотик белгиларгагина хосдир<sup>4</sup>. Тил таравдиётини таъмин этувчи мазмун ва шакл ўртасидаги муносабатлар динамикаси бу белгилар учун хос эмае, шакл ва мазмуниги зиддиятли табиати тилшиг ўзига хос хусусиятидир<sup>5</sup>. Тил бирликларишиг шаклн ва мазмуни ўртасидаги диалектик зиддият уларнинг узвпй бпрлигигақаршилиқ, тўсқинлик

—1 Шмелева Т. В. Кўрсатилган мақола. 132—133-бетлар.

2 Б а л л и Ш. Кўрсатилган асар, 46—47-бетлар

3. Бу ҳақда ишнинг эргаш гапли кўшма гап қисмида янсмалумот берилган.

4. Канцельсон С. Д. Кўрсатилган асар, 83-бет.

5. В е й н р е й х У. Кўрсатилган мақола, 55-бет.

қилмайдигина эмас, балки бу зиддият ана шундай бирлик мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади, бу зиддият бошқа ҳар қандай табиий ёки ижтимоий ҳодисада бўлгани каби тилда ҳам қонуний ва объективдир<sup>1</sup>.

## МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Содда гап таркибига турли сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт майлидаги феълли ўрам (оборот)ларни киритиш натижасида бу гап қурилиши мураккаблашиши (ҳам пмкл, ҳам мазмун жиҳатидан) ва бундай ўрам (оборот) лардаги иккинчи даражали

предикацияга кўра гаплар предикатив жамланиш юзага келиши мумкин; Ана шундай ўрам (оборот)лар билан мураккаблашгаи содда гаплардаги бу предикатив жамланишга кўра шу типдаги гапларнинг синтактик йақоминн белгилашда, яъни бундай гаплар хатқиқатан ҳам синтактик жиҳатдан содда гапми ёки эргаш гапли кўшма гапми, дегап масалада, хусусан, туркологияда, қолаверса, бошқа тилшуносликларда ҳам узок йиллардан бери кескин мунозара боради, бироқ, ханузгача ягона, тўғри, кўпчилик томонидан тан олинган бир фикрга келинганича йўқ.

Бундай тизим (конструкция)лардаги, гарчи нккинчи даражали бўлса-да, предикация айна тизимларни маълум даражада эргаш гап сифатида қўлланувчи муайян тизимлар билан яқинлаштиради. Ана шундан келиб чиқиб, ўз эгасига эга бўлган сифатдош ўрамларни аниқловчи деб талкин килнш тўғри эмас, бундай тизимлар билан тўла маънодаги эргаш гаплар ўртасида тўлиқ тенгяик йўқ. Бу тизимларнинг «бош гап» билан боғланишида эргаш гапларнинг бош гап билан боғланишидагига қараганда сезиларли даражада фарқ бор. Айна пайтдн бу тизимлардаги кесим дсб каралгаи феъл шакллариининг кесимлнк даражаси ҳам «бош гап »даги кесим билан айнан бир хил эмас.

Мазкур тизимларда муанян пропозиция ифодаланади. Бу пропозиция эса ҳаракат ва унинг бажарувчиси ўртасидаги, белги ва белги эгасн ўртасидаги ва шу каби муносабатлардан иборат бўладн. Шунинг учун ҳам бундай тизимларнинг бўлаклари ўртасида, субъект — предикат алоқаси мавжуд, аммо уларда гап қурилишининг муҳим эга-кесимлик белгиларининг йўқлиги бу бирликларнинг гап сифатида қаралишига имкон бермайди. Мазкур субъект-предикат алоқасига кўра бундай тизимларни иккинчи даражали предикацияли тизимлар деб номлаш мумкин.

Ана шундай тизимларда предикатив бўлак вазмфасини фсълнинг шахссиз шаклларида ташқари бор, йўқ каби модал сўзлар, шунингдек, бошқа кўпгина бедги ифодаловчи сўзлар ҳам бажариб келиши мумкин. Масалан: Буларни соч-соқоли оппоқ бир чол қарши олди (А. Кахҳор), Қалбида куйи бор одамлар ҳамма замонда яшайди (М. Махмудов) гапларида оппоқ ва бор сўзлари предикатив бўлак вазифасида, яъни иккинчи предикатни ифодалаб келган, бу бўлақлар иккиичи даражали предикацияли тизимини шакллантирган. Бу тизимларга кўра мазкур содда гапларда семантик-синтактик номувофиқлик юзага келган. Уларнинг семантик-синтактик хусусиятлари ҳам иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрамларнинг семантик-синтактик хусусиятлари билан деярли бир хил. Ҳатто уларда сифатдош шаклида қўлланиши мумкин бўлган бўлмоқ боғламасининг ўрни ҳам сезилиб туради. Киёсланг: соч-соқоли оппоқ (чол) —соч-соқоли оппоқ бўлган (чол); Қалбида куйи бор (одамлар) —Қалбида куйи бор бўлган (одамлар). Шунинг учун ҳам иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрамлар билан мурак хисобланган содда гапларнинг семантик-синтактик таҳлилидан келиб чиқадиган хулосаларни бундай тизимлар билан мураккаблашган содда гапларга ҳам тўлиқ татбиқ этиш мумкин.

---

1. Қарапг: Колшанскпй Г. В. Проблемм противоречий в структуре языка. — В кн.: Энгельс и языкшознание. М., 1972, с. 40.

2. К о л ш а н с к и й Г. В. Кўрсатилган мақола, 40, 56-бетлар.

## СИФАТДОШ УРАМЛАР БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР

Маълумки, барча соф феълларда бўлгани сингари сифатдошларда ҳам ўтимли-ўтимсизлик, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик ва замон категориялари мавжуд. Шахсли феъллардаги каби сифатдошларда ҳам, асосан, уч замон фаркланади. Сифатдошлардаги бу ҳар уч замониинг шаклланишида, гарчи бевосита замон кўрсаткичи сифатида бўлмаса-да (ўтган замон сифатдошидан ташқари), -ган кўшимчаси иштирок этади (ҳозирги замон-ётган, келаси замон -диган). Зеро, шахсли феълдан айна сифатдош шаклини бевосита шакллантирувчи восита ҳам -ган кўшимчасининг айнан ўзи эканлиги, табиийки, ҳеч кимга қоронғи эмас. У ёки бу замондаги сифатдош-кўчимдан олдиндаги гапда мавжуд бўлган тўлиқ предикациянинг гўёки «сояси» сифатида намоён бўлади. Ана шундай иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрама катнашган гапнинг мазмуни ўрамдаги пропозицияга кўра мураккаблашуви, яъни бир синтактик содда гапда икки мазмун муносабати жойлашиши мумкин. Бунда тизим асосий предикациядаги субъектни мантиқ жиҳатидан таъкидлаш, уни сифатлаш, тасвирлаш мақсадига қаратилган бўлади. Ушбу гапда буни кўриш мумкин. Табиат сеҳри элитган Қўлдошали оёқ тағларига қаради (Й. Сулаймон). Шунини ҳам қайд этиш мумкинки, агар мантикий таъкид Қўлдошали сўзига эмас, балки табиат сеҳри бирикмасига берилиши лозим бўлганда, кўчим яна ҳам бошқача бўларди, яъни Қўлдошалини элитган шаклидаги сифатдош ўрама шакллантирилиб, гапда эга вазифасидаги мазкур табиат сеҳри бирикмаси «ташқарига» аниқланмиш сифатида чиқарилади: Қўлдошалини элитган табиат сеҳри, масалан: Қўлдошалини элитган табиат сеҳри ҳаммани ўз оғушига олди. Бунда сифатдош ўрамдаги субъект бўлак, яъни иккинчи даражали предикациянинг субъекти синтактик жиҳатда ифодаланмагандай бўлиб кўринади. Аслида гапдаги асосий предикациянинг субъекти (табиат сеҳри олди) билан иккинчи даражали предикациянинг субъекти (табиат сеҳри элитган) ўз референтларига кўра бир-бирига мос улар бир хил. Айна иайтда тизим билаи асосий предикациянинг субъектини ифодаловчи бўлак ўртасидаги ҳам грамматик, ҳам мазмуний боғланиш жуда мустаҳкам. Шунинг учун ҳам мазкур сифатдош ўрамдаги иккинчи даражали предикациянинг субъекти синтактик ифодаланмаган бўлса-да, у осонлик билан тасаввур қилиниши мумкин.

Иккинчи даражали предикацияга эга бўлган ва субъект бўлагн ифодаланган сифатдош ўрамлар яхлитлигича асосий предикат субъектига кўшимча тавсиф беради, сифатдошнинг айна семантикасига кўра асосий предикат субъектининг доимий бўлмаган белгисини, хусусиятини, ҳолатини билдириб келади. Айна пайтда сифатдош ўрама, тўғрироғи, предикатив бўлак сифатидаги сифатдош билая асосий предикат субъекти ўртасида шундай зич грамматик ва мазмуний алоқа мавжуд бўладики. Бундан ана шу асосий предикат субъектининг сифатдош ўрам кўчимидан олдинги қурилмада копструктив бўлак—воситасиз тўлдирувчи сифатида қатнашганлигини сезиш қийин эмас. Бошқача килиб айтганда, асосий предикатнинг субъекти айна пайтда сифатдошдан иборат предикатив бўлак ифода этган ҳаракатнинг воситасиз (ҳаракат бевосита ўтадиган) объектини ҳам ифода этади. Бу ҳолат ўрамдаги предикатив бўлак ўтимли сифатдошдан иборат бўлгандагина кузатилади. Масалан: Мен севган киз мени севмас экан (Н. Аминов) гапидаги асосий предикат (севмас экан)нинг субъекти — қизга хос доимий бўлмаган белги мен севган сифатдош ўрама билан ифодалаган. Бу сифатдош ўрамнинг предикатив бўлаги бўлгани севган — ўтимли шаклидир, шунинг учун ҳам асосий предикатнинг субъекти сифатида қатнашаётган қиз сўзн мазкур сифатдош ўрам кўчимдан олдинги тузилмада воситасиз тўлдирувчи ўрнида бўлганлигини қайд этиш мумкин. Киёсланг: Мен қизини севдим//мен севган қиз ёки//қизни севган мен. Бундай зич боғлиқлик сифатдош ўрамдаги иккинчи даражали предикация асосида ётувчи пропозициянинг асосий гапдаги пропозиция билан қўшилиб, мазкур содда гап мазмуний

таркибини мураккаблаштиришида муҳим роль ўйнаган.

Айтиш мумкинки, мазкур ҳолатларда сифатдош ўрам ҳампша ҳам асосий предикатнинг субъектигаш аниқлаб келавермайди. Асосий предикат ўзлик ва мажхул нисбадаги феъллар билан ифодаланганда, маълумки, бу предикатнинг субъекти номаълум ёки объект билан бирга ифодаланган бўлади. Гапнинг грамматик эгаси сифатида ҳам ана шу объектни ифода этувчи сўз формаси қатнашади. Бу объект эса сифатдош ўрам предикатив бўлагининг объекти билан референтлари жиҳатидан бир хил бўлади, шунига кўра икки семантик пропозиция бир гапда бирлашган ҳолда ифодаланган. Бундай ҳолларда, демак, сифатдош ўрам асосий предикатнинг субъектини эмас, балки объектини ифодалаган бўлак билан муносабатда бўлади. Маеалан; Кўмидиб бўлибди мен кезган сўқмоқ (А.Орипов) гапидаги асосий предикат — кўмилиб бўлибди шаклидаги ўзлик нисбатдаги феъл билан ифодаланган. Сўзмоқ сўзи эса айтиш предикат ифода этган ҳаракатнинг объектини ифодалаган. Айтиш сифатдош ўрамнинг преди-катив бўлаги ифодалаган ҳаракатнинг объекти ҳам шудир (Сўқмоқни кезган). Кўриниб турганидай мен кезган сифатдош ўрами асосий предикат ифодалаган ҳаракатнинг субъектини эмас, балки объектини характерлаган, аниқлаган.

Айрим сифатдош ўрамларнинг субъект бўлаги эгалик қўшимчалари (асосан. III шахсдаги) билан шаклланган бўлади. Бу эса мазмуний ва грамматик жиҳатдан шу субъект бўлагининг қаратқич келишигидаги сўздан иборат ўз аниқловчиси бор эканлигига ишора қилади. Аммо бу аниқловчи айтиш сифатдош ўрамнинг ичида синтактик ифодаланмаган бўлади. Лекин эътибор қилинса, ана шу аниқловчи асосий предикатнинг субъекти сифатида ўрамдан ташқарида гап таркибида мавжудлигини умумий мантиққа кўра кўриш мумкин. Масалан: Кўзлари мўлтираган ашулачи бўлашиб хайрлашди (Й.Сулаймон) гапидаги кўзлари мўлтираган сифатдош ўрамида субъект бўлак III шахс эгалик қўшимчасини олган кўзлари сўзидир. Бу сўз шакли учун зарурий бўлган қаратқич: келишигидаги сўз, кўриниб турганидай, шу ўрам доирасида йўқ. Бироқ мазкур гапдаги асосий предикат (хайрлашди)нинг субъекти бўлган ашулачи сўзи айтиш сифатдош ўрамнинг субъект бўлагига ҳам тегишли эканлиги, гарчи бевосита бўлмасда, гапнинг умумий мазмундан англашилиб турибди, яъни муайян кўчимдан кейин сифатдош ўрам шаклланиши баробарида ундаги субъектнинг аниқловчиси асосий предикатнинг субъектига айланган ва сифатдош ўрам ана шу объектни характерлаш, сифатлаш учун хизмат қиладиган бўлган. Киёсланг: Ашулачининг кўзлари мўлтиради— кўзлари мўлтираган ашулачи.

«Таркибида ўз эгаси бўлган сифатдош конструкциялар, эргаш гап бўлади» деган қатъий ҳукм у қадар ҳам аниқ ва ишонарли эмас. Аммо, тўғри, таркибида ўз эгаси мавжуд бўлган сифатдош ўрамлар эргаш гап бўлиши мумкин. Фақат муайян шартга мос бўлган ана шундай сифатдош ўрамларнигина эргаш гап деб қараш мумкин, яъни уларни яна бир муҳим белгига кўра чегаралаб олмоқ лозим. Бу чегаралашни тилшунос М. Аскарлова шундай баён қилади: «-ган аффикси билан боғлиқ бўлган феълнинг сифатдош формаси ўзининг алоҳида эгаси мавжуд бўлса, ўрин ва чиқиш келишиклари формаси; (ўрам яхлитлигича отлашб —Н./М.) қўллангандаги эргаш гапнинг кесими, шунинг билан бир вақтда, бош гапга бириктирувчи восита бўлиб келади»<sup>1</sup>. Чунки бу келишиклардаги сифатдошлар бошқа сўзлар билан биргаликда ҳаракатнинг динамикасини ифода эта олиш имкониятига эга.

Айтиш чокда бу келишик шакллари эргаш гапнинг бош гапдан маълум оҳанг билан ажралиб туришини ҳам таъмин этади: Киёсланг: Аҳмад сўзлаган ҳикоя ҳаммамизга маъқул бўлди. Аҳмад сўзлаганда, ҳаммамиз қойил қолдик. Биринчи гап сифатдош ўрамли (Аҳмад сўзлаган) содда гап, иккинчи гап эса эргаш гапли (Аҳмад сўзлаганда) кўшма гапдир.

Айрим ҳолларда сифатдош ўрам кўчимида субъект бўлакнинг шакли ҳам ўзгариши мумкинки, бунда субъект бўлак қаратқич келишиги шаклини олади. Масалан: Менинг ҳам сизга айтадиган бир гапим бор (И. Султон). Бу гапдаги сифатдош ўрам (менинг ҳам



сизга айтадиган) нинг субъект бўлаги қараткич келишиги билан шаклланган I шахс, бирликдаги кишилиқ олмогаидир (менинг). Асосий предикатнинг сифатдош ўрам аниқлаётган субъекти (гапим) сифатдош ўрамнинг субъект бўлаги билан унга мос I шахс, бирликдаги эгалиқ кўшимчасини олиб мослашган. (Менинг сизга айтадиган гапим.) Бу ҳолат эса сифатдош ўрам билан у аниқлаётган бўлак ўртасидаги алоқа, боғланиш нафақат мазмуний жиҳатдан, балки грамматик жиҳатдан ҳам бениҳоя мустақам эканлигини кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бу тип тизимлардаги мазкур эгалиқ кўшимчалари ва шунга мос равишда қараткич келшиги соф эгалиқ муносабатини, яъни отлардаги эгалиқ каби предметнинг хослигини билдирмайди, балки сифатдош ўрамдаги сифатдошдан иборат предикатив бўлак ифодалаган ҳаракатнинг субъектини кўрсатади. Е. А. Поцелуевский бундай тип тизимлар, (яъни менинг айтадиган гапим каби)ни одатдаги икки бўлакли («эга + кесим», «аниқловчи+аниқланмиш» «тўлдирувчи+тўлдирилмиш» каби) тизимлардан алоҳида фарқлагаи ҳолда ўзига хос «уч аъзоли (бўлакли) тизимлар» деб атади ва бу тизимлар туркий тиллар спнтаксисининг муҳим хусусиятларидан бирп экаилитини, айти пайтда бошқа гуруҳдаги тилларнинг бирортасида ҳам бундай тизимларга барча икир-чикирлари билан мос тушадиган тизимлар йўқлигини таъкидлайди<sup>2</sup>.

1 А с қ а р о в а М. Бприкмалп гап бўлақлари ва уларпивг эргаш гапларга муносабати ҳақида. Тилшунослик масалаларй» Тошкент, 1970.

2. П о ц е л у е в с к п й Е. А. Тюркский трехчлен. М., 1907, с.3—4.

Субъект бўлак билан иредикатив бўлакнинг алоқасидан иборат иккинчи даражали предикация асосидаги пропозициянинг асосий предикация асосидаги прюпозиция билан бир содда гап доирасида осонлик билан кўшилишда мазкур эгалиқ кўшимчаси ва унга мос қараткич келишиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ҳар уч шахсдаги эгалиқ кўшимчаси ҳам иштирок эта олади. Қуйидаги мисолларда бунинг кузатиш мумкин: Менинг ҳам ҳозир уйда кутадиган ҳеч кимим йўқ (Н. Амиев). Лекин ўзимнинг ётган жойим душманга билиниб қолар эди. (П. Қодиров). Ҳа бойваччаларнинг кўнгил очадиган жойлари кўпайиб қолган (П. Султон). Хаёлининг кирмаган кўчаси қолмади (Й. Сулаймои).

Албатта, асосий иредикациянинг субъектини ифодаловчи бўлакнинг эгалиқ кўшимчаси билан ва шунга мос ҳолатда иккинчи даражали предакация субъект бўлагининг қараткич келишиги шаклида келган ҳолати айти булақлар мазкур формаларсиз шаклланган ҳолатдан муайян услубий мақсадга кўра фарқланади. Бу услубий мақсад эса умумлаштириш ва аниқлаштиришдан иборат, яъни мазкур шакллар иштирок этганда, предикатлар мантикий жиҳатдан таъкидланади, аниқлаштирилади, аксинча ҳолатда эса умумлаштириш устун туради. Киёеланг: бойваччалар кўнгил очадиган жойлар// бойваччаларнинг кўнгил очадиган жойлари.

Кўп ҳолларда сифатдош ўрам аниқлаб келиши лозим бўлган бўлак тушиб қолади. Зеро «аниқловчи+аниқланмиш» муносабатидаги бирикмада аниқланмишнинг тузилиши, бошқа турли тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам жуда кенг тарқалган ҳодисалардан биридир. Бунинг натижасида сифатдош ўрам бутунисича отлашади. Шунга кўра аниқланаётган бўлакдаги эгалиқ кўшимчаси ҳам ўрамдаги сифатдошдан иборат предикатив бўлакка ўтади. Масалан: Ёш палламда дадам, аям блан бирга шаҳардаги ҳовлингизга келганим ғира-шира ёдимда бор (Ойбек гапидаги ёш палламда дадам, аям билан бирга шаҳардаги ҳовлингизга келган(им) шаклидаги сифатдош ўрам аниқлаб келиши лозим бўлган ва асосий предикация субъектини кўрсатувчи пайтим сўз шаклининг тушганлигини гапнинг умумий мазмунига кўра сезиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур сифатдош ўрам отлашган ва айти сўз шакли (пайтим)даги эгалиқ кўншмчаси (-им) ҳам унга ўтган.

Баъзи ҳолларда ўз субъект бўлагига эга бўлган бирдан ортик сифатдош ўрам бирданига, уюшган ҳолда асосий предикатнинг субъектини аниқлаши мумкин. Бунда мазкур сифатдош ўрамлар гапнинг мазмунини мураккаблаштириш билан бирга асосий

предикация субъектининг ташки тавсифини тасвирлаш учун ҳам хизмат килади: Қошлари офтобда куйган, юзи кулрангрок бўлиб қорайган, одам аллақандай ранги айниган китель кийиб олган эди. (А. Мухтор). У ерда.- ёнок суяклари бўртиб турган чўкки соқоли юзига ярашгаи мўйсафид молларнинг тагини кураётган эди. (Т. Пўлат). Суратда елкаларига офицерлик поғони тақилган, озгинлигидан лунжлари ичига ботиб кетган... қоп-қора бир йигит ҳоргингиа жилмайиб турарди (О. Ёқубов).

Сифатдош ўрамлар гапдаги бошқа. бўлақлар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол)ни ҳам аниқлаб келиши мумкнш. Бунда ҳам гапда шакл ва мазмун номувофиқлиги юзага келади. Кўп ҳолларда эса сифатдош ўрамлар бутунисича отлашган ҳолатда асосий предикатда ифодаланган ҳаракатнинг объектини ифодалаб келади. Бошқача қилиб айтганда, гап таркибига ёйик тўлдирувчи бўлақ сифатида кирди, яъни сифатдош ўрам бутунисича гапнинг зарурий бўлаги бўлиб қолади. Бунда сифатдош ўрамдаги мазмунализациянинг кучайиши билан ундаги прадикатив мазмунинг камайтанлиги бирмунча яққолроқ сезилади. Айни пайтда мазмун муносабатларининг боғланиши жуда кучли бўлади, чунки мазмуний киришув, пропозициялар боғланишидаги зичлик анча ортиқ бўлади. Буни албатта, бир пропозициянинг (сифатдош ўрамда ифодаланган) иккинчи бир пропозиция (асосий предикация ифодачиси бўлган гапда ифодаланган) таркибига муайян узв сифатида кириши билан изоҳланади. Масалан: Бу гап кимдан чиққанини Шахло билолмади (Саид Аҳмад) гапида ўз субъект (гап) ва предикатив чикк»ан) бўлақларига эга бўлган бу гап кимдан чиққанини сифатдош ўрами отлашганлиги учун ҳам тушум келишигида шаклланган. Бу тушум келишиги шакли эса мазкур сифатдош ўрам асосий предикат (билолмади)да ифодаланган ҳаракат бевосита ўтадиган объектни ифодалаб келганлигини кўрсатади.

Ўз субъект бўлаги синтактик жиҳатдан ифодаланган бундай сифатдош ўрамлар отлашиб гапда ҳол синтактик ўрнини деярли эгаллай олмадди, яъни улар гапдаги асосий предикатининг муайян белгисини ифодалашни ўз устига олиш имкониятига деярли эга эмас. Чунки мазкур ўз субъекти синтактик жиҳатдан ифодаланган сифатдош ўрамлар бутунисича отлашиб, бош келишик шаклида келса, асосий предикатнинг субъектини ифодалайди; қаратқич келишиги шаклида жуда кам келади, келганда ҳам предметиинг карашлилигини ифодалайди; тушум ва жўналиш келишиги шаклида келса, асосий предикатнинг объектини ифсдалайди; ўрин-пайт ва чиқиш келишиги шаклида келса, эргаш гап бўлиб қолади.

Аммо мазкур ҳолатдаги сифатдош ўрамларнинг фақат жуда кам ҳолларда жўналиш келишиги шаклида сабаб ҳоли синтактик ўрнида келиши кузатилади. Бунда айни сифатдош ўрамнинг субъект бўлаги кўпроқ белгили қаратқич келишиги шаклида бўлади. Бу ўринда ҳам айтиш лозимкп, ўз субъект бўлаги синтактик ифодаланган ва бутунисича отлашган сифатдош ўрамлар жўналиш келишиги шаклида сабаб ҳоли синтактик ўрнида келсада, асосий предикатнинг аниқ сабаб белгисини билдириш билан бир пайтда мазкур асосий предикатнинг воситали объектини билдиришга бирмунча мойил бўлади. Тўғрироғи, шаклий ва айни пайтда мазмуний жиҳатдан ҳам объект билдиришга томои силжиган бўлади. Масалан: Кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига катта поччамнинг ичида гаши келарди (С. Сиёев) гапидаги Жўналиш келишигидаги кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига сифатдош ўрами асосий предикатининг сабаб белгисини билдиради, айни пайтда у асосийпредикатнинг объектига ҳам ўхшаб кетади ёки яқинлашади. Бу ҳолат у даражада кенг тарқалган эмас.

Таъкидлаш керакки, мазкур сифатдош ўрамлар муайян ўзига хос бўлган бир ҳолатда отлашиб, асосий иредикат ифодалаган ҳаракатнинг пайт (баъзан сабаб) белгисиди билдириши, яъни пайт (баъзан сабаб) ҳоли синтактик урнини эгаллаши мумкин. Бу ўзига хос ҳолат шундан ибораткм, синтактик жмҳатдан ифодаланган субъект, бмр қарашда, сифатдош ўрамдаги иккинчи даражали предикатга тегишлидай, асосий предикатнинг субъекти эса бивосита синтактик ифодаланмагандай туюлади: Сиз кишлоқда ўша қўшиқни эшитганингизда табиат қўйнида бўлгаисиз (Ў. Ҳошимов). Бу

гапда синтактик жиҳатдан бевосита ифодаланган субъектсиз. Бир қарашда у аввало, қишлоқда ўша кўшиқни эшитгашшгизда шақалдаги сифатдош ўрамдаги эшитганингизда предикатив бўлагининг субъекти бўлиб, айна чоғда асосий предикат (бўлгансиз)га ҳам тегишлидай туюлади. Гап эса синтактик жиҳатдан содда, мазкур ўрам бутунисича асосий предикатнииг пайт белгисини билдирган, яъни ҳол синтактик ўрнида келган. Бу ҳолат эса биз юқорида олдинга сурган фикрларимизни шубҳа остида қолдиради. Аммо мазкур ҳолатга жиддай диққат қилинса, II шахс кишилик олмо-пги орқали синтактик жиҳатдан бевосита ифодаланган еиз субъекти аввало асосий предикат (бўлгансиз)ника эканлигини, бироқ у иккинчи «даражалц предикат учун ҳам умумий эканлигини сезиш мумкин. Чунки бутун содда гапнинг коммуникатив мақсади, табиийки, асосий предикацияда ифодалаиади ва шуинг учун ҳам асосий предикация иккинчи даражали предикацияга нисбатан мутлақо ҳоким вазиятда бўлади. Шунга кўра ҳам мазкур синтактик ифодаланган субъект аввало асосий предикатга тегшили. Албатта, мазкур субъектнинг гапдаги ўрни ҳам катъий эмас. Уцаиғ ўрни услуб талаби билан ўзгариши ҳам мумкин. Қишлоқда ўша кўшиқни эшитгани гизда сиз табиат кўйнида бўлгансиз. Бу ўринда аниқ син-тактик ифодага дпцқат қилиияпти5 аслида ҳар икки предикатдаги мавжуд морфологик кўрсаткичлар бир шахсни кўрсагиб турибди.

Бугдай ҳолатлар юқоридаги фикрни шубҳа оетида қолдирмайди, балки унга яна ҳам аниқлик киритади. Яъни сифатдош ўрамлар отлашиб, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари билап шакланса, ундаги предикатив йўлак билан асосий иредикатнинг субъекти бир шахсда бўлгандагина сифатдош ўрам пайт ва сабаб ҳоли синтактик ўримда кела олади. Бунда ҳам гапнинг мазмуи жиҳати лура кк аб л ашади.

Субъект бўлаги синтактик жиҳатдаи бевоеита ифодаланмаган сифатдош ўрамларда субъект бўлак, гарчи синтактик жиҳатдан бевоеита ифодаланмаган бўлса-да, мазмуний жиҳатдан асосий предикатшг субъектй, объекти, белгиси ёки шу қабилари билан ўз референтига кўра блр хил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур иккинчи даражалл предикациявдгаг синтактик жиҳатдан ифодаланмаган субъект бўлаги асосий предикация нфодачиси бўлган гапда мазмуан мавжуд бўлади, Ана шу асосиц ва иккинчи даражалп предикацияларнй ифодалашда у ёки III даражада қатнашувчи муайян бўлакларнинг референт жлҳатдаи бир хиллиги бир содда гаи доирасида икки ёки ундан ортик пропозициянинг ифодаланишинп таъминлайди ва, демак, гап мазмуний қурилишининг мураккаблашиши учуп зарурий шароит яратади.

Бундй сифатдош ўрам асосий предикатиинг субъектини ифодалаган бўлакни аниқлаб келиши мумкин. Бунда мазкур синтактик пфодаланмаган субъект бўлак асосий предикатшшг ана шу анмқланаётган объекти билан референт жиҳатдан бир хил бўладм, яъни у мазмуиан мавжуд. Яна ҳам аниқроғи, асосий ва иккинчи даражали предикатларнинг субъектлари умумий бўлади. Предикацияниег зарурип узвларндан бири бўлган субъектларшшг бундай умумийлиги асосида гап мазмуний қурилиш мураккаблашар экан, икки (ёкя ундан ортик) мазмун муиосабатларинг боғлапиши жуда зич, бўлади. Масалан: Ҳалц ҳеч кимдан бунчалик мақтов эшитмаган Ботирбеков жуда зриб кетди (II. Қодиров) гапидаги ҳали ҳеч кимдан бкгаончалик мақтов эшитмаган сифатдош ўрамида эшитмагац лредикатив бўлагининг субъект бўлаги синтактик жиҳатдан бевосита ифодаланмаган. Аммо асосий предикат (эриб кетди)нинг мазкур сифатдош ўрам аниқлаб келган Ботирбеков сўзи билан ифодаланган субъекти мазмуний ^иҳатдан мазкур иккинчи даражали предикат учун ҳам бўла олади, яъни Ботирбеков эшитмаган. Демак, ва иккинчи даражали предикатларнинг субъект- умумий, ўз референтларига кўра бир хил. Шунинг ҳам икки мазмуи муносабатлариинг жуда зич мазмуний боғланиши билан мазкур содда гапнинг мазмуний қурилиши мураккаблашган.

Кўп ҳолларда ўз субъект бўлаги синтактик жиҳатдан бевосита ифодаланмаган сифатдош ўрамлар аниқлаб келган субъект ифодаловчи сўзнинг тушиши натижасида сифатдош ўрамлар бутунисича отлашиши мумкин. Тушиб қоладиган бундай еўзлар,

асосан, одам, киши кабм шахс билдирувчи сўзлар бўлади. Асосий ва иккинчи даражали предикатларнинг умумий сўбъектини ифодаловчи сўз тушиб қолгач, сифатдош ўрам асосий предикатнинг сўбъектини ифодалаедиган бўлиб қолади. Сифатдош ўрамдаги предикатив бўлакнинг сўбъекти эса айна отлашган ўрамнинг ўз мазмунидан англашилиб туради. Иккинчи даражали предикация ифодачиси бўлган сифатдош ўрамининг бутунисича асосий предикациядаги зарурий узв — сўбъектни ифодалаши икки пропозиция алоқасининг мазмуний жихатдан беиниҳоя зич бўлишини таъмин этади. Масалан, Йўлакда турганлар дарров Азизни чақириб олишди (Ў- Усмонов) гапидаги йўлакда турган сифатдош ўрами асли асосий предикат (чақириб олишди)нинг сўбъекти бўлган одамлар сўзини аниқлаб келган ва у иккинчи даражали предикат (турган)нинг ҳам мазмунпй жихатдан сўбъект бўлагини ифода этган. Мазкур гапда эса ана шу одамлар сўзининг тушиши билан йўлакда турганлар шаклида сифатдош ўрам отлашган ва асосий предикатнинг сўбъектини ифодалаб келган. Ана шу асосда мазкур содда гапнинг мазмунияти мураккаблашган.

Бундай сифатдош ўрамлар бошқа бўлакларни ҳам аниқлаб келиши ёки отлашиб бошқа бўлаклар вазифасида келиши ҳам мумкин. Барча ҳолларда шакл ва мазмун номувофиклиги юзага келади.

Маълумки, сифатдош ўрамлар синтактик жиҳатдан ўз ичида бўлина олади. Айна пайтда улар хоҳ сифатлашган ҳолда бўлсин, хоҳ отлашган ҳолда бўлсин, ёйиқ бўлак сифатида муайян бир синтактик ўринни эгаллайди. Бу ҳолат эса сифатдош ўрамнинг ўз ичидаги синтактик алоқа бутун гап нуқтаи назаридаи функционал эмаслигини, бу синтактик алоқанинг функционаллик фақат ўрам ичидагина намоён бўлишини, бу алоқани фақат айна ўрамни алоҳида синтактик таҳлил қилиш йўли билангина баҳолаш мумкинлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Аммо мавжуд лингвистик адабиётларнинг жуда кўпчилигида сифатдош ўрам (шунингдек, ҳаракат номили ва бошқа тизим) таркибида муайян «бўлаклар» гапнинг функционал бўлаклари билан мутлақо тенглаштирилади<sup>2</sup>. Аниқловчи гапнинг зарурий (конструктив) бўлаги бўла олмаганлиги учун ўрамдаги аниқловчи билан ўрамдан ташқарида, гапда мавжуд бўлган аниқловчи тенглаштирилиши мумкин. Аммо ўрам таркибидаги «тўлдирувчи»нинг ўрамдан ташқарида, гапда мавжуд бўлгаи тўлдирувчи билан тенглаштирилиши мутлақо асосга эга эмас. Чунки аввало, биринчиси гап нуқтаи назаридан функционал эмас, яъни бутун гапнинг зарурий (конструктив) бўлаги эмас, иккинчиси эса функционал бўлиб, гапнинг бевосита зарурий (конструктив) бўлагидир. Колаверса, ўрам таркибидаги «тўлдирувчи» иккинчи даражалп предикатнинг объектини билдирса, ундан ташқаридаги «ҳақиқий» тўлдирувчи асосий предикатнинг объектини ифодалайди. Бундай тўлдирувчиларнинг мақомини бир хил деб қараш иккинчи даражали ва асосий предикатларнинг ҳам бпр-бирига тенглаштирилган ҳолда баҳоланишига олиб келади. Бу эса мутлақо илмий асосга ва мантиққа эга эмас. Шунинг учун ҳам тўлдирувчиларни баҳолаш критерияларини бирмунча аниқлаштириш лозимга ўхшайди. Бизнингча, тўлдирувчиларни 2 турга ажратиш керак: 1) функционал тўлдирувчилар ва 2) нофункционал тўлдирувчилар. Бунда бевосита асосий предикатнинг объектини ифодалаган, яъни тўғридан-тўғри кесимга боғланган тўлдирувчилар функционал тўлдирувчилар деб, икинчи даражали предикатнинг объектини ифодалаган, яъни турли тизимлар (ўрамлар) таркибидаги тўлдирувчилар эса нофункционал тўлдирувчилар деб қаралиши мақсадга мувофикдир. Ана шунда тўлдирувчиларнинг мазмунини ҳам, айна пайтда бутун гапнинг мазмунини ҳам баҳолашдаги ёндашув яна ҳам холис бўлган бўларди. Масалан: Бир сафар қўшнилариимиз ўша поччамни ғийбат қилганини эшитиб қолдим(С. Сиёев) гапидаги асосий предикат (эшитиб қолдимнинг объектнинг қўшнилариимиз ўша поччамни ғийбат қил-

1 Бу ҳақда яна қ;аранг: Долинина И. Б. Системный анализ предложения. М., 1977, с.14.

2 Масалан, қаранг: Комилова Х. Ўзбек тилидаги тўлдирувчилар ҳақида. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институт асарлари. 1-китоб. Т., 1949, 148-бет; Ҳозирги ўзбек адабий тили 2- том. Синтаксис. Т., 1966, 119-бет. Мирзаев М, Усмонов С, Расулов И.

Ўзбек тили, Т., 1966, 189-бет; Ўзбек тили грамматикаси, II том. Синтаксис. Т., 1976, 140-бет.

ганини сифатдош ўрами бутунисича, яхлит ҳолида ифода этган, яъни у бутунисича функционал тўлдирувчи. Мазкур ўрамнинг ўз ичидаги поччамни сўз шакли асосий предикатнинг объекти эмас, балки иккинчи даражали предикат (ғийбат қилгани)нинг объектини ифодалаган. Ҳар иккала объект гапдаги мавқеи жиҳатида ҳам бир-биридан мутлақо фарқ қилади, яъни кейинги объектни ифодалаган сўз шакли гапнинг конструктив бўлаги бўла олмайди. Демак, у нофункционал тўлдирувчидир. Умуман, айтилган мазкур фикрга ҳол синтактик ўрни учун ҳам айтиш мумкин.

## РАВИШДОШ ЎРАМЛАР БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР

Равишдош ўрамлар ҳам худди сифатдош ўрамлар каби муайян гапларнинг кўчими (трансформацияси)дан иборат, яъни гаплардан шаклланган. Аммо равишдош ўрамлардаги номинализация даражаси сифатдош ўрамлардаги номинализация даражасидан деярли фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур кўчимнинг мақсади бўлган номинализация шу кўчим натижасида шаклланган равишдош ўрамларда сезиларли даражада кучсиз бўлади. Маълумки, номинализация даражаси предикатив мазмун даражасига тескари нисбатда бўлиб, равишдош ўрамларда воқе бўладиган депредикация сифатдош ўрамларда воқе бўладиган депредикацияга караганда бирмунча кучсиз. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, равишдош ўрамлардаги предикатив мазмун сифатдош ўрамлардагига нисбатан ҳам сезиларли даражада ортиқ, равишдош ўрамларда, иккинчи даражали предикация яна ҳам аниқ сезилиб туради.

Равишдош ўрамлар гапдаги асосий ҳаракатга белги сифатидаги қўшимча ҳаракат, ҳолат ва шу кабиларни ифодалайди. Иккинчи даражали предикацияли бундай равишдош ўрамлар иштироки билан содда гапнинг мазмуний таркиби мураккаблашади.

Равишдош ўрамлар ўзининг алоҳида субъект бўлагага эга бўлиши ёки эга бўлмасдигига кўра 2 га ажратилади: 1) ўзининг алоҳида субъект бўлагига эга бўлган равишдош ўрамлар; 2) ўзининг алоҳида субъект бўлагига эга бўлмаган равишдош ўрамлар.

Ўзининг алоҳида субъект бўлагига (эгасига) эга бўлган равишдош ўрамлар эргаш гаплар сифатида баҳоланади.

Ўзининг алоҳида субъект бўлагига эга бўлмаган равишдош ўрамлардаги иккинчи даражали предикация айна ўрамларни гапга айлантормайди. Бундай равишдош ўрамлар бутунисига муайян мазмунни ифода этиб, гапда, асосан, ҳол синтактик ўрнини эгаллайди. Шунга кўра бундай ўрамлар қатнашган гап таркиби синтактик жиҳатдан соддалигича қолгани ҳолда мазмуний жиҳатдан мураккаблашади ва демак, айна гап таркибида синтактик ва мазмуний жиҳатдан номувофиқлик юзага келади. Ана шу тарзда бир содда гапда икки ёки ундан ортиқ мазмун муносабати жойлашиши мумкин.

Табийки, бир содда гап доирасида икки ёки ундаи ортиқ семантик иропозициянинг жойлаша олиши учун муайян зарурий мазмуний шароит имконият яратади. Мазкур равишдош ўрамларда ифодаланган иккинчи даражали предикациянинг ўзи ҳам икки ёки ундан ортиқ мазмун муносабатларининг боғланишида мутлақо зарурий омилдир. Аммо айна иккинчи даражали предикация билан гапдаги асосий предикация ўзаро муносабатга киришуви учун уларнинг муайян узвлари ўртасида муайян алоқадорлик бўлиш лозим. Ана шу алоқадорлик эса мазмунлар боғланиши учун зарурий шароит вазифасини бажаради. Иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамлар иштирок этган гапларда мазмуний боғланишнинг ана шундай зарурий шароити асосий ва иккинчи даражали предикатлар субъектларининг референт жиҳатдан бир хиллигидан, яъни субъектларнинг умумийлигидан иборат.

Равишдош шакллари билан бир неча хили мавжуд:

1. -а/-й қўшимчаси билан ясалган равишдош шакллантирган иккинчи даражалп предикацияли ўрам. Иккинчи даражалп предикацияли бундай равишдош ўрамларнинг

предикатив бўлаги бўлмиш равишдош, асосан, такрор ёки жуфт ҳолда қўлланади. Иккинчи даражали предикацияли ана шундай равишдош ўрамлар иштирок этган гаплар ) синтактик жиҳатдан соддалигича қолгани ҳолда уларнинг мазмуний таркиби икки ёки ундан ортиқ пропозициянинг қўшилувврдан иборат бўлади. Ҳар икки пропозиция ҳам муайян бир субъектни характерлайди, яъни асосий предикатнинг ҳам, иккинчи даражалн предикатнинг ҳам субъекти умумий бўлади. Бундай ҳолларда мазкур қўшилув муносабатида иккинчи даражали предикат ифодалаган ҳаракатнинг давомлилиги ва тугалланмаганлигини, шуниингдек, унинг асосий пропозицияцаги ҳаракат билан бир пайтда содир бўлиши каби қўшимча маъно нозикликлари ҳам юзага келади. Масалан:.. Ҳисобчи ҳам кафтига йўтала-йўтала... оетонага чиқди (Ў. Усмонов) гапидаги кафтига йўтала-йўтала тизими иккинчи даражали предикацияли равшдош ўрамдир. Бу ўрамдаги йўтала-йўтала предпкатив бўлагншшг алоҳида ифодаланган субъект йўк. Асосий предикат (чиқди)нинг эга шаклида ифодаланган субъекти ҳисобчи сўзидир, улар синтактик жнҳатдан мослашган. Аммо иккинчи даражалн предикат айна асосий предикат фоида, унга боғлиқ ҳолда қаралса, айна субъектнинг иккинчи даражали предикат учун ҳам субект эканлигини кўриш мумкин. Демак, ҳар икки предикат ҳам айна бир субъектнн характерлаб келган, яъни иккала предикат (йўтала~йўтала/ чиқдиниинг субъектлари умумий. Апа пту умумийлик асосида икки пропозиция осонлик билан алоқага киришган ва мазкур гап сиптактнк жиҳатдан соддалигича қолганн ҳолда унинг мазмунвий курилиши мураккаблашган. Айни пайтда иккинчи даражали предикат такрор ҳолда қўлланган равишдош орқали ифодалангани учун ҳам айна ҳаракатнинг давомлилиги ва бу давомли ҳаракатнинг асосий предикатдаги ҳаракат билан бир пайтда содир бўлганлигидан иборат қўшимча маъно нозиклиги ҳам мазкур содда гапда ўз аксини топгая. Мазкур равишдош ўрам асосий предикатдаги ҳаракатнинг бажарилиш тарзини. усулини ҳам ифода этган яъни у мазкур гапда бутунисича равиш ҳоли синтактик ўринни эгаллаб келган кафтига йўтала-йўтала чиқди.

2. -(и)б қўшимчаеи билан ясалган равишдош шаклантирган иккинчн даражали предикацияли ўрам. Иккинчи даражали предикацияли бундай равишдош ўрами ўзбек тилида қўлланишига кўра жуда ҳам фаол бўлиб, улар иштироки билан содда ганинг мазмуний таркиб мураккаблашади. Бу ҳолда ҳам икки ёки ундан ортиқ пропозициянинг бир содда гапдаги қўшилуди учун асосий ва иккинчи даражали предикатлар субъектларининг референтларига кўра умумийлиги зарурий шароит вазифасини ўтайди. Бу хилдаги мазмуний қўшилувда эса жуда ҳам хилма-хил қўшимча маъно нозикликларн ифодаланади.

Иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамлар иштироки билан икки ёки ундан ортиқ мазмун муносабатининг субъектларининг умумийлигига кўра қўлшлуви натижасида содда гап мазмунан мураккаблашар экан, иккинчи (даражали предикатдаги ҳаракатнинг асосий предикатдаги ҳаракатдан олдин бажарилганлик маъносидан иборат қўшимча маъно жуда ҳам аниқ ифодаланади. Масалан: Шерзод мажлисдан чиқиб, тўппа-тўгри «Тошкент» ресторанига кирди (Ў. Ҳошимов) гапидаги мажлисдан чиқиб иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамининг предикатив бўлаги — чиқиб ҳам, асосий предикат — кирди ҳам бнр субъектни характерлаб келган, улар бир субъектга тегишли, кўриниб турганидай, бу субъект Шерзод сўзи билан ифодаланган. Демак асосий ва иккиичи даражали предикатларнинг субъектлари умумий. Субъектларнинг бу умумийлиги мазкур содда гап доирасида икки проиозициянинг қўшилуди учун зарурий шароит сифатида имконият яратган, синтактик содда ганнипг мазмуний таркиби мураккаблашган. Айни пайтда иккинчи даражали пропозициядаги ҳаракат асосий пропозициядаги ҳаракатдан олдин содир бўлганлиги кўриниб турибди.

Иккипчи даражали предикацияли равишдош ўрамлар катиашган содда гап таркибйдаги мазмунлар қўшилудида иккинчи даражали пропозициядаги ҳаракат билан асосий пропозициядагн ҳаракатнинг бир пайтда содир бўлганлик маъносидан иборат қўшимча маъно ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: Адолат кетмонни елкалаб, булоқ

бошига борди (И. Раҳим).

Айрим ҳолларда иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамнинг предикатив бўлаги бўлган айни равишдош феълнинг аналитик формасидан ёки ҳозирги замон формасидан шаклланганда бирмунча бошқачароқ қўшимча маъно ифодаланлади. Иккинчи даражали предикатда ифодаланган ҳаракат давомли бўлади, асосий предикатда ифодаланган ҳаракат эса мазкур давомли ҳаракат «ичида» бажарилади. Шунини ҳам айтиш мумкинки, бунда иккинчи даражали предикатнинг асосий предикатга тобелиги бирмунча кучсизланади ва айни пайтда унинг субъект (гапда эга шаклида ифодаланган)га тегишлилиги, у билан алоқадорлиги яна ҳам бўртиб кўринади. Масалан: Салтанат қўлини сочиққа арта туриб ошхона деразаси орқали ташқарига қаради (Ў.Усмонов).

Бундай гаилардаги пропозицияларнинг қўшиливи айни пропозициялар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқасидан иборат қўшимча маънони ҳам акс эттириши мумкин. Бунда айни пропозицияларнинг алоқаси бениҳоя зич бўлади, улар бири-бирини ҳамини тақозо этади. Зеро, сабабсиз, оқибат ва оқибатсиз сабаб мантиқан бўлиши мумкин эмас. Иккинчи даражали предикацияли айни равишдош ўрамлар сабаб мазмунли пропозицияни ифода этади ва бу пропозиция асосий пропозицияни келтириб чиқаради унинг воқе бўлиши учун сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам иккинчи даражали пропозициядаги ҳаракат (ҳолат ва ш. к.) асосий пропозициядаги ҳаракат (ҳолат ва ш. к. дан олдин амалга ошади. Масалан: Азиз шу йиғидан бешиб, ёзда ҳам балконда ётолмайди (Ў. Услунов).

Жуда кўп ҳолларда иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамларда ифодаланган пропозиция асосий пропозициядаги ҳаракатнинг бажарилиш тарзи, усулини ифодалайди. Бунда айни пропозициянинг асосий пропозицияга тобелиги яққолроқ сезилади. Масалан: Шерзод дераза пардасини суриб, ташқарига қаради (Ў. Ҳ.).

Айрим ҳолларда таркибида иккинчи даражали предикацияли равишдош ўрамлар мавжуд бўлган содда гап доирасида икки ёки ундан ортиқ мазмун муносабатининг қўшиливи жуда ҳам зич бўлиши мумкин. Бу ҳолат асосий ва иккинчи даражали предикатлар субъектларининг айни тизимлардаги мазмунлар қўшиливини зарурий шароити сифатидаги умумийлигидан ташқари яна бирор зарурий мазмун узви ҳам умумий бўлганда кузатилади. Қуйидаги гапга эътибор берайлик: Икром... жез пойнакли қиндан пичоқ чиқариб чолнинг оддига қўйди (Саид Аҳмад.) Бу гапдаги жез пойнакли қиндан пичоқ чиқариб ўрамининг предикатив бўлаги бўлган чиқариб равишдоши билан қўйди асосий предикатининг субъектлари умумий Икром. Унда субъектларнинг умумийлигидан ташқари асосий ва иккинчи даражали предикатларнинг зарурий мазмун узвлари бўлган воситасиз (ҳаракат бевосита ўтадиган) объектларининг ҳам умумийлигини кўриш мумкин. Улар бир хил бўлгани учун такрордан қочилиб, кейинги ўринда синтактик жиҳатдан ифодаланмаган. Қиёсланг: пичоқ (ни) чиқариб; пичоқни қўйди. Ана шу ҳолат мазкур мазмунлар қўшиливининг бениҳоя зич бўлишини таъмин этган.

3. -гач (-қач, -қач) қўшимчаси билан ясалган равишдош шаклланган иккинчи даражали предикацияли ўрам. Иккинчи даражали предикацияли бундай равишдош ўрамлар иштирок этган гаплар ҳам синтактик жиҳатдан соддалигича қолгани ҳолда унинг мазмуний таркиби икки ёки ундан ортиқ мазмун муносабатининг қўшиливидан иборат бўлади. Бу ҳолдаги мазмунлар қўшиливи учун зарурий шароит асосий ва иккинчи даражали предикатлар субъектларининг умумийлигидан иборат бўлади. Бу мазмуний қўшилув ҳам муайян қўшимча маъно билан характерланади. Бу маъно кўпинча пайт муносабати шаклида намоён бўлади: Ака-ука яхшилаб ювиниб бўлгач... дастурхонга келишди (Саид Аҳмад).

Равишдошнинг бошқа шакллари (-гани, -гунча) билан тузилган ўрамлар иштирок этган содда гапларда ҳам шакл ва мазмун номувофиқлиги мавжуд бўлиб, уларда ҳам



хилма-хил маъно нозикликлари акс этади.

## ҲАРАКАТ НОМИЛИ ТИЗИМЛАР БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР

Ҳаракат номи ҳаракат-ҳолатни предмет сифатида эмас, балки жараён ҳолида билдиради ва шу ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу шахссиз феъл шакли бир томондан, мазмунан ҳаракат билдириш, ўтимли-ўтимсизлик, нисбат, бошқариш каби феълга хос хусусиятлар билан характерланса, иккинчи томондан, отлашган ҳолатда қўлланиши, турлана олиши билан характерланади.

Ҳаракат номи -(и)ш, -(у)в ва -моқ кўшимчалари билан ясалади. Аммо -(и)ш кўшимчаси билан ясалган шакл ўзбек тилида ўзининг жуда кенг қўлланиши, услубий жиҳатдан холислиги, лексик-семантик жиҳатдан мураккаблиги билаи бошқаларидан фарқланади.

Ҳаракат номили тизимлар ҳам муайян гапнинг номинализация мақсадидаги кўчимдан иборат. Тилшунос А.Ҳожиёв ҳам -(и)ш кўшимчаси билан ясалган ҳаракат йоми мустақил гапга тенг тизимни гапнинг кенгайтирилган бирор бўлаги вазифаси»да қўлланувчи тизимларга айлантиришда иштирок этншини алоҳида таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, А. Ҳожиёв ҳам ҳаракат номили тизимларни муайян гапнинг у ёки бу тарздаги кўчими Сифатида баҳолайди<sup>1</sup>. Бундай кўчимда мустақил гапнинг гап бўлмаган тизимга айланиши баробарида денредикаци, юзага келади: мустақил гапда мавжуд бўлган предикатив мазмун сезиларли даражада камаяди, яъни у иккиши даражали иредикацияга айланади. Ҳаракат номининг отлик хусусияти бениҳоя ортиқ, у отга жуда ҳам яқин.

Предикатив мазмун даражасининг номинализация даражасига тескари нисбатда бўлишига кўра бундай ҳаракат номили тизимлардаги иккинчи «даражали предикация даражаси жуда ҳам кучсиз бўлади. Аммо шунга қарамасдан, иккинчи даражали предикацияли ҳаракат номили тизимлар ҳам муайян пропозицияни, мазмун муносабатини ифода этади.

Иккинчи даражалӣ предикацияли ана шундай ҳаракат номили тизимлар иштирок этган гап таркиби ҳам синтактик жиҳатдан соддалигича колгани ҳолда унинг мазмуний таркиби икки

1 Ҳ о ж и ё в А. Тўлиқсиз феъл. Тошкент, 1970, 241—Й5-бетлар.  
иропозициянинг қўшиливида иборат бўлиб, мураккаблашади.

Айтиш лозимки, иккипчи даражали предикацияли ҳаракат номили конструкциялар кучли даражада номинализациялашганликлари учун ҳам деярли субстантив ҳолатда қўлланади. Бошқача қилиб айтганда, асосий мазмун муносабатининг «ичига» муайян мазмуний узв сифатида киради.

Иккинчи «даражали предикацияли ҳаракат номили тизимларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин; 1) субъект бўлагига эга бўлган ва 2) субъект бўлагига эга бўлмаган ҳаракат номили тизимлар.

Ҳаракат номили тизимларнинг 1-гуруҳи гапда синтактик жиҳатдан эга вазифасини бажариб, асосий предикатив субъектини ифода этиши мумкин, яъни тизимда ифодаланган пропозиция асосий пропозициянинг «ичига» субъект сифатида киради, унинг зарурий мазмуний узвга айланади. Бу ҳолат эса мазкур икки пропозициянинг зич алоқага киришуви учун зарурий шароит вазифасини ўтайди.

Бўнда ўз субъект бўлагига эга бўлган ҳаракат номили тизимнинг гапда эга вазифасида кела олиши айнаи гапда кесим синтактик ўрнини эгаллаган феълининг маъноси билан боғлиқ, яъни ҳар қандай маъноли феъл ҳам айнаи тизимларнинг гапда эга синтактик ўрнида кэгаллашга йўл қўявермайди. Чунки бу тизимлар эга синтактик ўрнида келганда, гапнинг субъектнинг пропозитив ифодага эга бўлади. Проозитив субъектнинг қўлланиш имконияти эса асосий предикативнинг семантикаси билан

чегараланади. Ўзбеки тилида, мисолларнинг кўрсатишича, шунингдек, умумий мантикқа кўра муайян физик ҳаракат ифодалайдиган феъллар деярли барча ҳолларда пропозитив Субъект қўлланишига имкон бермайди. Албатта, бу ҳолат пропозитив субъектнинг мантиқан муайян физик ҳаракат учун бевосита бажарувчи бўла олмаслиги билан изоҳланади. Кесим ўрнидаги феълнинг маъноси умуман физик ҳаракатдан иборат бўлмаганда эса гапда пропозитив субъект ифодасининг қўлланиши учун имконият мавжуд бўлади. Масалан, турли ҳиссий, аффектив ҳолат, умуман, руҳий фаолият ва шу кабиларни ифодаловчи предикатлар пропозитив субъект билан боғлана олиш мумкин, чунки айна ҳолатлар учун муайян пропозициянинг субъект бўла олиши мантикийдир. Демак, ана шундай семантикали феъллар кесим ўрнида келганда, гапдаги эга синтактик ўрнини ўз субъект бўлагига эга бўлган ҳаракат номили тизимлар эгаллаши мумкии. Масалан: Қодировнинг мағрурланиши Ойқизга ёқмасди. (Ш. Рашидов) гапдаги кесим ўрнидаги феъл (асосий предикат) семантикасининг физик ҳаракатдан иборат эмаслиги Қодировнинг мағрурланиши шаклидаги ҳаракат номили тизимнинг айна гапда эга синтактик ўрнини эгаллашига имкон берган. Бу ҳаракат номили тизим ўз субъект бўлагига эга, бу субъект бўлак қаратқич келишигидаги Қодировнинг сўз шакли билан ифодаланган. Бу тизимнинг гапдаги мазкур синтактик ўрнига кўра унда ифодаланган пропозиция асосий предикат (ёқмади)нинг субъекти сифатида келган. Бошқача қилиб айтганда, бу пропозиция асосий пропозициянинг «ичига» субъект сифатида кирган, унинг зарурий мазмуний узвига айланган ва шу тарзда бу икки пропозиция ўзаро жуда зич алоқага киришган. Мазкур гап синтактик жиҳатдан содда, лекин унинг мазмуний таркибн мураккаблашган, натижадд содда гапда кучсиз оемантик-синтактик номувофиклик юзага келган.

Бундай тизимларнинг тушум келишиги шаклида келиб, асосий предикатнинг воситасиз объектини (воситасиз тўлдирувчи) ифодалаш ҳоллари жуда ҳам кенг тарқалган. Бунда ҳам кесим синтактик ўриндаги феъл (асосий предикат)нинг семантикаси ҳал килувчи роль ўйнайди: Мен бобомнинг... кадрдон кишлогимиз Қамчинда қолишина жуда-жуда истар эдим (Н. Раҳмат).

Ҳаракат номили тизимлар кўчирма гапли тизимларнк ўзлаштирма гапларга айлайтиришда ҳам жуда кенг қўлланади. Бу ҳолат кўчирма гапнинг кесими -а // -й кўшимчаси билан ясалган ҳозирги-келаси замон феъли билан ифодаланганда кузатилади. Бунда кўчирма гап придикацияси иккинчи даражали предикацияга айланади ва бу иккинчи даражали предикатив ифода ҳамиша асосиз предикатнинг воситасиз объектини ифодалаб келади. Албатта, бунда асосий предикат ҳамиша нутқ феълларидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам И.Қўчқортоев нутқ феъллари мазмун валеитлигининг юзага чиқарувчиларидан бири сифатида тушум келишигидаги ҳаракат номили тизимларни таъкидлаб кўрсатади<sup>1</sup>. Демак, асосий предикат нутқ феълларидан иборат бўлганда ҳам воситасиз тўлдирувчи вазифасида айна тизимларнинг қўлланиши учун имконият яратилади. Кўчирма гапда ифодаланган пропозиция айна тизим орқали ифодаланиб, бу тизим гапда тўлдирувчи ўрнини эгаллар экан, синтактик қўшма гап синтактик содда гапга айланади. Аммо унинг мазмуний таркиби икки пропозициянинг қўшиливи тарзида мураккаблашади. Бунинг натижасида гапдаги мазмуний ва

<sup>1</sup>Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977, с.50—58.

синтактик қурилиш ўртасидаги мавжуд мувофиқлик бузилади ва номувофиқлик юзага келади. Масалан: «Икромжон Тошкентга кетади»,—деган эди раис гапи кўчирма гапли қўшма гап. Бу гап ўзлаштирма гап шаклида шундай ўзгаради: Раис Икромжоннинг Тошкентга кетишини айтган эди (Саид Аҳмад).

Мазкур ҳаракат номили тизимлар турли келишик шаклларида келиб, гапда юкоридагилардан ташқари яна воситали тўлдирувчи, ҳол, баъзан аийқловчи синтактик ўринларини ҳам эгаллаб келиши мумкин.

Субъект бўлагига бўлмаган ҳаракат номили тизимлар субъект жиҳатдан холис бўлиб,

улар ҳам турли келишик шаклларида келиб, гапда муайян синтактик ўринни эгаллайди, уларда ифодаланган мазмун муносабати асосий мазмун муносабати таркибига муайян мазмуний узв сифатида киради ва демак, шу тарзда икки пропозициянинг кўшиливи амалга ошади.

Шакл ва мазмун номувофиқлиги шарт феълли тизимлар билан мураккаблашган содда гапларда ҳам кузатилади.

## ҚИЁСИЙ СОДДА ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Инсоннинг дунёни билиш жараёнида қиёслаш жуда катта аҳамиятга эга. Икки ёки ундан ортиқ предмети улар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқли томонларни аниқлаш мақсади билан қиёслаш ташқи оламни билишнинг энг кенг тарқалган мантикий усулларида бири бўлиб, у инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Бу муҳим мантикий категория, табиийки, тилда ўз ифодасини топади.

Қиёсий гапларнинг мазмуний таркибида мантикий категория бўлмиш ана шу қиёслаш акс этади. Бундай гаплар дунё тилларининг деярли барчасида мавжуд, аммо уларнинг қурилиши, шаклланиш қонуниятлари ҳар бир тилда муайян хусусий томонлар билан характерланади.

Ўзбек тилидаги қиёсий содда гаплар бир қанча ўзига хос томонларга эга.

Мантикий жиҳатдан қараладиган бўлса, қиёсий содда гапларда ифодаланадиган ҳукмнинг қурилиши бошқа ҳар қандай гапда ифодаланадиган ҳукм қурилишидан сезиларли фарқ қилади. Аристотелдан бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган формал логикага кўра ҳар қандай ҳукм икки қисмдан, яъни икки аъзодан — субъект ва предикатдан иборат. Аммо қиёсий содда гапларда ифодаланадиган ҳукмнинг таркиби ҳам айнан шундайми? М.И.Морозова шундай ёзади: «Бироқ қиёсий ҳукмларнинг таркиби одатдаги ҳукмлардан фарқ қилади: уларда фикрнинг тугаллиги фақат ҳукмнинг икки бош бўлагига боғлиқ эмас, балки қиёснинг иккинчи объекти сифатидаги учинчи бўлакка ҳам боғлиқдир. Агар икки аъзоли ҳукмнинг таркиби  $S—P$  бўлса, қиёсий ҳукмнинг таркиби  $S^1—P—S^2$  дир»<sup>1</sup> Ҳар қалай, бу уч аъзоли ҳукм концепциясининг тўғри ёки нотўғрилигидан, кўпчилик томонидан тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигидан қатъи назар, ана шу концепциянинг юзага келганлигининг ўзи қиёсий ҳукмларнинг ўзига хослигини, анчайин мураккаблигини кўрсатади. Ана шундай ҳукмлар ифодаланадиган қиёсий содда гаплар мазмуний қурилишининг мураккаб бўлишини айтиш мутлақо мантикийдир.

Қиёсий содда гапларнинг мазмуний ва синтактик қурилиши ўрганилар экан, бу гапларнинг ташкил этувчиларини аниқлаб олмақ лозим. С. Л. Невелованинг кўрсатишича, қадимги ҳинд поэтик-грамматик рисолаларида, Панини грамматикасидан бошлаб, қиёснинг тўрт аъзога эга бўлиши таъкидланади, яъни 1) қиёсланадиган нарса ёки субъект, 2) унга қиёс бўлувчи нарса ёки объект, 3) қиёс белгиси ва 4) шаклий курсаткич<sup>2</sup>.

«Адабиётшунослик терминлари луғати»да бундай ёзилади: «Тўлиқ ўхшатишда тўрт элемент 1) ўхшаган нарса, 2) ўхшатиш нарса, 3) ўхшаш сифат, 4) ўхшатиш қўшимчаси мавжуд бўлади»<sup>3</sup>.

М. И. Черемисина рус тилидаги қиёсий тизимлар учун шундай умумий формула беради:  $\{A[\beta (B)]\}$ . Бу формулада  $A$  ва  $B$  қиёсий тизимларнинг мустақил ташкил этувчиларининг рамзи,  $\beta$  рамзи эса шаклий курсаткични ифодалашини айтади<sup>4</sup>. Бу формулада қиёс асоси акс этмаган. Тўғри, қиёс асоси кўп ҳолларда бевосита ифодага эга бўлмаслиги мумкин, аммо бу қиёс асоси йўқ деган гап эмас. Ўзбек тилидаги қиёсий тизимлар учун М. И. Черемисинанинг формуласидан тўлиқ фойдаланган ва унга суянган ҳолда шундай формула тузиш мумкин:  $\{A [(B) \beta]C\}$ . Бунда  $A$  — қиёс субъектининг рамзи,  $B$  — қиёс эталони рамзи,  $\beta$  — қиёснинг шаклий

1 М.орозова М. П. Логика и синтаксис сравнения. — Б сб.: Гамматика и норма. М., 1977, с.235.

1 Невелова С. Л. Вопрос поэтики древнеиндийского эпоса. М., 1977, с.38.

2 Хомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, 1967, 263-бет

3 Черемисина М. И. Сравнительные конструкции русского языка. Новосибирск, 1976, с.17—18

кўрсаткичи, С — қиёс асосининг рамзидир. Қиёсланг: Қовун асалдай ширин, Қовун асалдан ширин. Бунда қовун — А, асал — В, -дай, -дан — β ва ширин — С. Ўзбек тилидаги барча қиёсий тизимларни шу формула билан ифодалаш мумкин.

Ҳар қандай қиёслаш характер эътибори билан бир хил эмас. Юқоридаги биринчи Қовун асалдай ширин қиёсий тизимида ўхшашлик асосидаги қиёслаш мавжуд, иккинчи Қовун асалдан ширин қиёсий тизимда эса фарқлаш асосидаги қиёслаш мавжуд.

Ўзбек тилидаги қиёсий тизимларни 2 турга ажратиш мумкин: 1) ўхшатиш тизимлар, 2) соф қиёсий тизимлар.

## ЎХШАТИШ СОДДА ГАПЛАР

Формал логика нуқтаи назаридан мантиқий хулоса чиқаришнинг асосия усулларида бири дедуктив хулоса чиқариш, яъни силлогизмдир. Бунда икки ҳукмдан учинчи бир ҳукм хулоса килиб чиқарилади. Масалан: «Ҳамма планеталар шарсимондир» ва «Ер планетадир» тарзидаги ҳукмлардан «Ер шарсимондир» деган хулоса чиқади<sup>1</sup>. Бу, албатта, силлогизмнинг тўлиқ шаклидир, у уч қисмдан, яъни икки асос ва хулоса қисмлардан иборат. Аммо «фикрлаш чоғимизда биз силлогизмни тўла формасида камдан-кам ишлатамиз. Тўлиқ силлогизм жуда аниқлик ва равшанликни талаб қиладиган математик муҳокамалар ва исботларда қўлланилади. Кундалик турмушда биз, асосан, қиска формадаги, яъни баъзи бўлақларп тушириб қолдирилган формадаги силлогизмлардан фойдаланамиз. Силлогизмнинг бирон бўлаги айтилмаса ҳам маъноси гапдан англашиладиган қиска формаси энтимема деб аталади»<sup>2</sup>. Юқорида келтирилган силлогизмнинг биринчи асосини қисқартириб, «Ер планета бўлгани учун шарсимондир» тарзидаги энтимемани шакллантириш мумкин. Аристотель таъкидлаганидай, силлогизм тузишда ҳаммага маълум бўлган қисмни келтириб ўтириш шарт эмас, чунки уни тингловчи (ўқувчининг ўзи фикр қўшиб тушунаверади ва силлогизм энтимема шаклини олади»<sup>3</sup>. Хуллас, энтимемада кўпчиликка маълум бўлган, айтиб ўтиришга зарурат бўлмаган қисм тушириб қолдирилади. Юқоридаги «Ер планета бўлгани учун шарсимондир» тарзидаги энтимемада «Ҳамма планеталар шарсимондир» деган қисм назарда тутилган. Айни энтимемани «Ер бошқа ҳамма планеталардай (каби, снгарн) шарсимондир» тарзида тузганда ҳам мазкур фикр ўзгармайди. Бу энтимема шаклининг ҳам худди аввалги шаклдай «Ҳамма планеталар шарсимондир» деган умумга маълум фикр асосига қурилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Кейинги шаклдаги энтимемада ўхшатиш муносабаги ҳам ифодаланган, яъни айни энтимема ўхшатиш содда гап шаклида ифодаланган. Пайкал Денгиздек кенг (Н. Ёқубов) ўхшатиш содда гапни олинб кўрайлик. Бу гапда энтимема ифодаланган. Бу энтимемада эса «Ден-гиз кенг бўлади» деган умумга маълум қисм (ҳукм) айтилмаган, аммо бу қисм тўлиқ тасаввур қилинади. Айни энтимемани тўлиқ силлогизм шаклида шундай кўриш мумкин: Денгиз кенг бўлади. Пайкал денгиз(дай)га ўхшайди. Пайкал — кенг.

Кўринадики, энтимема камида иккита ҳукмни назарда тутди. Ўхшатиш содда гапларда ифодаланган фикр деярли ҳаммаша энтимема шаклида бўлади. Бунда бир ҳукм бошқа ҳукмга нисбатан, ундан келиб чиққан ва унга боғлиқ ҳолда ифодаланади. Тўғрироғи, ўхшатиш содда гапларда ҳукм тўғридан-тўғри, бевосита эмас, балки муайян бошқа ҳукмга нисбатан ифодаланади. Ўхшатиш содда гаплардаги ҳукмнинг бошқа оддий ҳукмларга қараганда мураккаблигини ана шундай тушуниш мақсадга

мувофикдир.

Кўринадики, ўхшатиш содда гапларда ҳамиша мураккаб мазмуний муносабат ифодаланадм, яъни уларда энг ками иккита семантик пропозиция ифодаланган бўлади. Бу икки пропозиция эса ўзаро ўхшатиш муносабатида боғланган бўлади. Айни пропозицияларнинг бири, албатта, ўхшатиш қисмида, бошқаси эса қолган қисмда ифодаланган бўлади. Юқоридаги ўхшатиш гапнинг денгиздек қисмида бир пропозиция ва пайкал кенг қисмида иккинчи пропозиция ифодаланган. Бу икки пропозицияда умумий томон бор, яъни ҳар иккаласида субъектга нисбат берилаётган белги бир хил, яъни предикатлар бир хил. Ана шунга кўра, яъни «кенглик»дан иборат ўхшатиш асосига кўра мазкур пропозициялар ўртасида ўхшатиш муносабати юзага келган, ана шу муносабат билан икки пропозиция ўзаро боғланган. Мазмуний қурилишнинг бундай мураккаблашуви синтактик қурилишнинг ҳам мураккаблашувига олиб келмаган. Чунки такрор ҳолда кўлланиши лозим бўлган предикатларнинг бири улар ўзаро тенг

1. Қар.: Виноградов С. Н., Кузьмин А. Ф. Логика. Тошкент, 1953, 89-бет.

2. Қар.: 13 и н о г р а д о в С. Н., К у з ь м и н А. Ф. Кўрсатилган , 105-бет.

3. Аристотель. Риторика. В кн.: Античные риторики» 1978, с. 22, 109—110.

бўлгани учун синтактик қурилишда қисқар-тирилган. Шунинг учун ҳам мазкур ўхшатиш содда гапда мазмуний-шаклий номувофикликни юзага келтирган.

Ўхшатиш содда гапларда ўхшатиш асосининг ифодаланиши асосан, 2 хил: 1) ўхшатиш асоси сифат туркумидаги сўз билан ифодаланади; 2) ўхшатиш асоси феъл-туркумидаги сўз билан ифодаланади.

Ўхшатиш асоси сифат туркумидаги сўз билан ифодаланадиган белгидан, яъни статик белгидан иборат бўлганда ҳам ўхшатиш тизимининг кўлланишида, асосан, 2 ҳолат мавжуд: 1) ўхшатиш узвларининг ўрни ўзгармайди; 2) ўхшатиш узвларининг ўрни ўзгаради. Биринчи ҳолатда қиёс субъекти ҳамиша эга синтактик ўрнида ифодаланади: Тун сутдек ойдин (Н.Ҳайитқулов) Формулада  $\{[A(B)\beta]C\}$  кўринишга эга. Иккинчи ҳолатда ана шу қиёс субъекти (тун)нинг ўрни ўзгаради: Сутдек ойдин тун. Формулада  $[(B)\beta]C A$  кўринишини олади. Бу формулада катта қавс ишлатилмади, чунки катта қавс айна ифодашиг гап эканлигига ишора эди, кейинги ифода эса гап эмас, балки сўз бирикмасидир. Албатта, таркибида бундай сўз бирикмаси бўлган содда гаплар ҳам ўхшатиш содда гаплар сифатида қаралаверади.

Биринчи ҳолатдаги ўхшатиш содда гаплар ўзбек тилида у қадар кенг тарқалмаган. Чунки бундай содда гапларда кесим ҳамиша қиёс асоси ёки баъзан қиёс эталони ифодасидан иборат бўлади. Айна тип гапда бу ҳар икки узв (қиёс асоси, қиёс эталони) ҳам кенг маънодаги от сўзлар билан ифодаланади. Демак, бундай ўхшатиш содда гаплар ҳамиша от-кесимли бўлади. Маълумки, от-кесимли гаплар ўзларининг мазмунияти ва синтаксисига кўра<sup>1</sup> дунё тилларининг жуда кўпчилигида кенг тарқалмаган. Гап типларининг жуда кўпчилиги феъл-кесимлидир.

Айна тип ўхшатиш содда гаплар ўзбек тилида, асосан, муайян тасвир, тавсифларда, тавсифловчи нутқ кўринишларида кўпроқ ишлатилади. Зеро ўхшатишдан кузатилган асосий мақсад ҳам муайян нареа-ходиса ҳақида яна ҳам тўлқроқ, аниқроқ маълумот бериш, нарс-ходисанинг ёрқин тавсифини кўрсатиб беришдан иборат.

Ўхшатиш содда гапларда қиёсланувчи предметлар, яъни қиёс субъекти ва қиёс эталони турли хил бўлиши мумкин. Бундай тип содда гапларда қиёс субъекти ҳамиша эга синтактик ўрнида, қиёс асоси эса кесим синтактик ўрнида ифодаланади. Қиёс эталони ҳам, албатта, кесим таркибида қаралади. Масалан, Қадаҳлари ёқутдай порлоқ (Ойбек), гапида қиёс субъекти эга синтактик ўрнидаги қадаҳлари сўз билан, қиёс асоси кесим ўрнидаги порлоқ сўзи билан, қиёс эталони эса ана шу синтактик ўринга кирувчи ёқутдай сўзи билан ифодаланган. Бундай тип ўхшатиш содда гаплар синтактик қурилиши деярли ҳолларда ана шундай бўлади, яъни асосан, бош бўлақлардан — эга ва кесимдан иборат бўлади. Бу ҳолат ҳам айна тип гапларнинг кесими от-кесим эканлиги билан изоҳланади.

Айрим ҳолларда бундай ўхшатиш содда гапларда ўхшатиш маъносидан ташқари семантик конъюнкция ҳам имплицит равишда ифодаланади. Масалан: Файзулло.. атрофидаги руҳонийлардек камгап (А. Мухтор) гапида икки реал воқеа ифодаланган бўлиб, улардан бири қиёс субъекти (Файзулло) ва қиёс асоси (камгап) номлари орқали, иккинчиси эса қиёс эталони (руҳонийлардек) номи орқали ифодаланган. Қиёснинг шаклий кўрсаткичи (-дай) фақат ўхшатиш маъносининг эмас, балки иккн воқеанинг, икки мазмун муносибатиининг семантик конъюнкциясини ҳам ифодалайди. Айна ўхшатиш гапнинг мақсади ҳам Файзуллонинг камгаплигини руҳонийларнинг камгаплигига ўхшатиш эмас, балки мазкур нутқ пайтида Файзуллонинг ҳам, руҳонийларнинг ҳам камгап эканлигини маълум қилишдир. Бу эса айна гапда ўхшатиш йўли билан амалга оширилган. Шунинг учун ҳам мазкур гапда ўхшатиш маъносидан кўра икки воқеанинг семантик қўшилишининг таъкиди, қайда бўртиброқ кўриниб турибди. Яна айтиш лозимки, бундай ҳолатдаги ўхшатиш содда гапларда субъектга нисбат бериладиган белги (мисолда: камгап)нинг ортик-камлик даражаси одатий содда гапларда ифодаланган айна белгининг ортик-камлик даражасидан деярли фарқ қилмайди. Қиёсланг: Файзулло атрофидаги руҳонийлардек камгап — Файзулло —

камгап. Файзулога нисбат берилаётган камгаплик белгисининг даражаси ҳар икки гапда ҳам бир хил.

Айрим ҳолларда ўхшатиш содда гапларда қиёс эталонидаи олдин худди аниқлов юкламаси ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ҳолда айни аниқловчи юкламасининг мазмунига кўра гапда ифодаланаётган ўхшатиш муносабати яна ҳам кучаяди. Бу юклама қиёс асосидаги белгининг қиёсланаётган объектларининг ҳар иккаласига ҳам баб-баравар тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаб, кучайтириб кўрсатади. Қуйидаги ўхшатиш содда гапларда буни кўриш мумкин: Нафиса- худди нондай содда (А. Мухтор). Табиат худди келинчакдек сербезак (А. Жўраев).

1 От-кесимли гаплар ссмантикасининг беҳад чегараланганлиги ҳақида қаранг: Бенвенист Э. Обгчая лингвистика. М., 1974, с.175.

...Барибари Ширин учун худди жондай азиз (Й. Сулаймон).

"Ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи ўзбек тилида фақат -дай кўшимчасининг ўзи эмас. Бундан ташқари каби, сингари, янглиғ ва бошқа шу каби кўмакчилар ҳам ўхшатиш маъносини ифодалайди. Аммо бу кўмакчилар мазкур кўшимчага нисбатан кам ишлатилади, чунки Айни кўшимча услубий жиҳатдан чегараланмагани, муайян услубга хосланмагани ҳолда мазкур кўмакчилар кўпроқ китобий нутқ услубига хосланган, оғзаки нутқда деярли кам ишлатилади. Қолаверса, яхлитлик, ихчамлик жиҳатидан ҳам, ҳар қалай кўшимчани ишлатиш қулаи. Албатта, ўрни билан бу кўмакчилар ҳам қўлланади, улар билан келган ўхшатиш содда гапларнинг мазмуний курилкши мураккаб бўлаверади.

Баъзан ўхшатиш асоси бевосита ифодалапмайди: Кўйлаги қордай (А. Жўраев). Бу гапда қиёс субъекти (кўйлак), қиёс эталони (қор) ва қиёслаш шаклий ифодага эга, аммо қиёс асоси бевосита ифодаланмаган, у бавосита ифодага эга. Гапнинг синтактик курилиши икки пропо-зициядап иборат. Айни гапда субъектга (кўйлак) нисбатланаётган белги тўғридан-тўғри эмас, балки айни субъектни бошқа предметга ўхшатиш йўли билан предикацияланган. Бошқача айтганда, ўхшатиш узви бевосита предикация жараёнининг ичига кирган. Бу предмет, яъни қор учун доимий бўлган белги эса унинг оқлигидир. Тўғри, қор учун доимий бўлган бошқа белгилар ҳам бор, масалан, унинг совуқлиги, шакли ва ҳ. к. Аммо Л. А. Кисилева ёзганидай, «гап бўлаги сифатидаги ўхшатиш оборотца таянч сўз бўлиб келувчи предмет номи бу предметга хос бўлган барча белгиларнинг жамини ифодаламайдиган бўлиб қолади. Предметнинг ҳамма белгиларидан биринчи ўринга кўпроқ биттаси чиқади, колган белгилари эса иккинчи ўринга сурилиб қолади ва гўёки йўқолиб кетади»<sup>1</sup>. Қор сўзида ҳам кўпроқ оқлик белгиси биринчи жиҳатга чиқадиган бўлиб колган.

Баъзан қиёс эталонининг бир эмас, балки бирдан ортиқ белгиси биричи ўринга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, қиёсланувчи объектлар бирдан ортиқ белгисига кўра ўхшатилади, ўхшатиш анчайин тўлиқ бўлади. Қиёс асосининг бевосита ифодаланмаслиги ҳам унинг кўп томонлама эканлигидандир. Масалан: Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби (Ойбек) гапида қиёс асоси шаклий ифодага эга эмас. Айни пайтда бу ўхшатиш гапнинг ўзидан англашилиб турибдики, бу асос битта эмас, балки бирдан ортиқ. Маълумки, қалдирғочнинг ини лойдан қилинган бўлади ва худди майда гузала кесак билан урилгаи деворга ўхшайди. Айни пайтда кичик, кўримсиз бўлади. Апа шу жиҳатларга кўра қиёс субъекти, яъни уйлар Қалдирғоч инларига ўхшатилгаи. Натижада фақир уйларнинг мукамал манзараси яратилган. Мазкур гапда қиёс эталони (қалдирғоч инлари) қиёс субъектига предикацияланаётган талай белгилар жамининг аниқ ва ихчам шаклдаги номинациясига айланган. Бу номинация, албатта, пропозитив номинация бўлиб, бу ўхшатиш содда гап мазмунининг мураккаблашувига олиб келган ва гапда кучли мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келган.

Қиёс асоси статик белгидан иборат бўлган ўхшатиш содда гапларнинг иккинчи тури, яъни ўхшатиш компонентларининг ўрни ўзгарган турида қиёс субъекти ҳамиша қиёс эталони ва қиёс асоси ифодасидаи кейин келади. Қиёс эталони ва қиёс асоси ифодаси гапда синтактик жиҳатдан аниқловчи ўрнида бўлади. Қиёс субъекти ифодаси

билан улар аниқловчи+аниқланмиш муносабатида йоғланган бўлади. Албатта, бундай ўхшатиш содда гаплар мазмуний қурилишининг мураккаблашуви ана шу аниқловчи+аниқланмиш муносабатидаги бирикмада ифодаланган мазмунга кўра юзага келади. Масалан: Кумушдай оппоқ сочлари тўла юзига бирам ярашган (М. Қориев) гапида ўхшатиш узвларининг ўрни алмашган ҳолда қўлланган, яъни қиёс субъектининг ифодаси (сочлари) қиёс эталони (кумуш) ва қиёс асоси ифодаси (оппоқ)даи кейин келган. Улар ўртасидаги синтактик муносабат эса аниқловчи + аниқланмиш типиди: кумушдай оппоқ-сочлар. Мазкур гапда бу бирикманинг ўзи икки иропозицияни ифодаляди: «Кумуш—оппоқ», «Сочлар—оппоқ». Гапнинг асосий «синчи» эса яна бир пропозицияни, яъни асосий пропозицияни ифодалаган, «Сочлар юзга ярашган». Албатта, бу уч пропозициянинг ўзаро боғланиши ҳам ўзига хос. Аввалги икки пропозиция, яъни бевосита ўхшатиш тизимида ифодаланган пропозициялар («Кумуш—оппоқ» ва «Сочлар—оппоқ») ўзаро ўхшатиш муносабати боғланган.

Аммо асосий пропозиция («Сочлар юзга ярашган») нинг аввалги икки пропозиция билан боғланиши ўхшатиш муносабатига кўра эмас. Бу пропозициянинг субъектн (сочлар) аввалги пропозициялардан бирининг субъекти (сочлар) билан умумий. Ана шу умумийликка кўра айни икки пропозиция ўзаро конъюнктив алоқага киришган, Шу тариқа мазкур гапнинг мазмуний

1 Кисилсва Л. А. Конетрукции сравнительньши союзами" простого предложения. «Уч. зап. ЛГУ», № 277, сер. Фмло-рогических наук, вьш. 55, 1959. с.130.



қурилиши уч пропозициядан иборат бўлган, синтактик қурилиш эса содда. Шунга кўра мазкур гапда мазмуний ва синтактик қурилишлар бир-бирига кучли номувофиклик муносабатида бўлиб қолган.

Бундай ўхшатиш содда гапларда қиёс субъекти турли синтактик ўринларда ифодаланиши мумкин. Аммо қиёс субъектининг эга ва тўлдирувчи синтактик ўринларидаги сўз билан ифодаланиши нисбатан кўпроқ кузатилади. Қиёс субъекти шахс бўлиши ҳам, шахс бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо бундай ўхшатиш содда гапларда қиёс субъектининг шахс бўлмаслиги нисбатан асосий ҳолат.

Ўхшатиш содда гапларнинг бу турида ҳам кўп ҳолларда ўхшатиш узвларининг тўлиқ ифодаланмаганлиги кузатилади. Бунда, асосан, аввалги турдагидай қиёс асоси бавосита ифодалаган бўлади. Қиёс асосининг бундай бавосита ифодаланиши гап мазмунида ноаниқликка олиб келмайди: Бойлар... бечораларнинг гулдай қизларини оладилар (Ойбек).

Бундай ўхшатиш содда гапларда қиёс эталони ифодаси (қиёснинг шаклий кўрсаткичи билан бирга) ҳамиша аниқловчи синтактик ўрнида келади. Қиёс субъекти эса кўпроқ эга ва тўлдирувчи синтактик ўрнидаги сўзлар орқали ифодаланади.

Қиёс асоси феъл туркумидаги сўз билан ифодаланадиган ўхшатиш содда гапларнинг қўлланишида ҳам, асосан, 2 ҳолат кузатилади: 1) ўхшатиш узвларининг ўрни ўзгармайди; 2) ўхшатиш узвларининг ўрни ўзгаради. Аммо ўхшатиш узвларининг ўрнини ўзгартириб қўлаганда, қиёс асосини ифодалаган феъл сифатдош формасини олади ва қиёс эталони ифодаси билан бирга иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрамни шакллантиради. Улар ҳақида эса олдинроқ гапирилди. Шунинг учун ўхшатиш содда гапларнинг бу турига тўхталмаймиз. Асосан, қиёс асоси феъл туркумидаги сўз билан ифодаланган ва ўхшатиш узвларининг ўрни ўзгармаган содда гапларни таҳлил этамиз.

Бундай ўхшатиш содда гапларда қиёс асосини ифодаловчи феъл ҳамиша кесим синтактик ўрнида бўлади. Бунда кесимга боғланиб келган бошқа бўлақлар ҳам, албатта, қиёс эталони ифодасидан ташқари, қиёс асосининг ифодаланишида иштирок этади. Чунки «кесимнинг белги маъноси гапда ҳол, воситасиз ва воситали тўлдирувчилар томонидан яна ҳам аниқлаштирилади ва бу бўлақлар ана шу тарика феъл орқали атрибушлашадиган белгининг аниқлаштирувчилари бўлиб қолади»<sup>1</sup>.

Албатта, қиёс асосининг аниқлашувида бу бўлақларнинг айримлари бирмунча фаол роль ўйнаши мумкин.

Бундай ўхшатиш содда гапларда қиёс асоси ва қиёс эталони шахсдан ҳам, шахс бўлмаган предметлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Қиёс субъекти ҳам, қиёс эталони ҳам шахсдан иборат бўлиши мумкин. Масалан: Матлуба бемордек аранг кўзини очди (Шухрат) гапида қиёс субъекти (Матлуба) ҳам, қиёс эталони (бемор) ҳам шахс. Қиёс асосининг ифодаланишида очди феълкесимидан ташқари бошқа, кесимга боғланган бўлақлар (аранг, кўзини) ҳам иштирок этган. Гапдаги аранг сўзининг ролини таъкидлаш мумкин, чунки бу сўз қиёс асосидаги белгининг аниқлашуви учун алоҳида хизмат қилган, шу сўзга кўра қиёс асоси аниқ ва даражаланган ҳолда ифодаланган. Зеро кўзни очиш белгиси ҳар қандай шахсга хос, аммо кўзни аранг очиш белгиси эса кўпроқ беморга хосдир. Тўғри, бу сўз қатнашмаганда ҳам (Матлуба бемордек кўзини очди) қиёс асоси ифодаланаверади, аммо анчайини умумий бўлади. Мазкур гапнинг мазмуни икки пропозициядан иборат бўлиб мураккаблашган.

## СОФ ҚИЁСИЙ СОДДА ГАПЛАР

Соф қиёсий содда гапларда бир предмет (жараён, ҳодиса ва ҳ. к.) иккинчиси билан ўхшатиш мақсадида эмас, балки бирини иккинчисидан фарқлаш мақсадида қиёсланади. Бунда шу нарса характерлики, қиёсланаётган предметларнинг ҳар иккаласи ҳам айни бир белги — хусусиятга эга бўлади. Аммо бу белги қиёсланаётган предметларга айнан бир

хил даражада эмас, балки турли даражада тегишли бўлади. Албатта, қиёсланаётган предметлар белгининг тегишлилик даражасидаги ана шу фарқда кўра бир-бирига қарама-қарши қўйилади ва шу тариқа предметлар ўртасидаги фарқ кўрсатилади. Бундан содда гаплардаги қиёслашнинг мақсади ана шундан иборат.

Бундай қиёслашнинг ифодаланишида жуда кўп тилларда, хусусан, рус тилида қиёсий —

1 Р е й м а н Е. А. Конкретизаторн глагола в английских ху дожественных и научных текстах. В сб.: «Лингвостилисти-ческие особенности научного текста». М., 1981, с.81.

даражадаги сифатлар ва равишлар билан шакланган тизимлар иштирок этади, Жуда кўп тилшунослар ўзбек тилида ҳам сифатлар ва равишларда қиёсий даража мавжуд эканлигини таъкидлайдилар ва бу даражанинг шаклий кўрсаткичи сифатида -роқ қўшимчасини кўрсатадилар<sup>1</sup>. Аммо аслида ўзбек тилида, умуман, туркий тилларда қиёсий даража йўқ<sup>2</sup>, мазкур -роқ қўшимчаси эса қиёсланиш эмас, балки ўзи қўшилган сифат ифодалаган белгининг меъёрдан озлигини, кучсизлигини билдиради, шунинг учун ҳам А. Ҳожиёв ўзбек тилида озайтирма даража мавжудлигини ва айни -роқ қўшимчаси ана шу даражанинг шаклий-кўрсаткичи эканлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Қиёслаш муносабати оса ўзбек тилида бошқа туркий тиллардагидай чиқиш келишликли (баъзан айрим кўмакчилар) тизимлар билан ифодаланади<sup>4</sup>. Бунда қиёс эталони чиқиш келишигидаги сўз формаси билан, қиёс субъекти бош келишикдаги сўз формаси билан, қиёс асоси эса, асосан, оддий (нейтрал) даражадаги сифат билаи ифодаланади. Албатта, чиқиш келишигининг қўшимчаси -дан (баъзан айрим кўмакчилар) қиёснинг шаклий кўрсаткичи вазифасини бажаради. Масалан: Аҳмад Раҳматдан ақлли. Бунда Аҳмад — қиёс субъекти, яъни А.Раҳмат — қиёс эталонинг яъни В, -дан — қиёснинг шаклий кўрсаткичи, яъни β, ақлли — қиёс асоси, яъни С. Яхлит гап формулада: {A[(B) β]C}.

Бундай гапларнинг синтактик қурилиши содда бўлса-да мазмуний қурилиши хашиша мураккаб, яъни энг ками иккита пропозициядан иборат бўлади.

Соф қиёсий содда гапларнинг мазмуний ташкил қилувчи пропозициялардан бирини синтактик қурилиш тўлиғича ўз ичига олса ҳам, иккинчисини тўлиғича олмайди, бикинчи пропозициянинг маълум қисмигина синтактик қурилишга киради. Юқоридаги Аҳмад Раҳматдан ақлли гапида икки пропозиция акс этган, яъни «Аҳмад ақлли» ва «Раҳмат ақлли». Аммо айни иккинчи пропозиция синтактик қурилишда қисқарган ҳолда ифодаланган, яъни синтактик қурилишда бу пропозициянинг субъектигина (Раҳмат) ифодаланган. Зеро, қиёсий муносабатга ана шу субъект билан биринчи пропозициянинг субъекти киришган. Бу қиёслаш эса айни субъектларининг ақллилик белгисига кўра, бу белги ҳар икки субъект учун ҳам умумий. Синтактик қурилишдаги ақлли предикати (қиёс асоси) ҳар икки субъект учун ҳам тегишли. Ақллилик белгиси синтактик қурилишда фақат қиёс субъектига предикацияланаётган бўлса ҳам, мазмуний жиҳатдан бу белги қиёс эталонига ҳам предикацияланган. Шунинг учун ҳам қиёсланаётган бу субъектлар ўртасидаги алоқа жуда зич, мустаҳкам. С.О.Карцевский буни алоҳида таъкидлаган ҳолда «у (яъни, мазкур алоқа) ҳатто икки гапнинг ўзаро алоқадорлиги формасини ҳам олиши мумкин» деб ёзади<sup>5</sup>. Ҳақиқатан ҳам, бундай гапларнинг мазмуний қурилишидаги икки пропозициянинг ўзаро алоқасига кўра бундай гапларни ўзаро алоқадор иккита содда (ҳам мазмуний, ҳам синтактик) гап сифатида тасаввур қилиш мумкин: Аҳмад ақлли. Раҳмат ақлли. Аҳмад Раҳматдан ақлли.

СОФ қиёсий содда гапларнинг 2 турини фарқлаш лозим. Бунда қиёс асосининг қандай ифодаланишидан келиб чиқилади, яъни 1) қиёс асоси сифат ва равиш туркумидаги сўз билан ифодаланган соф қиёсий содда гаплар ва 2) қиёс асоси феъл туркумидаги (сифат ва равиш билан бирга) сўзлар билан ифодаланган соф қиёсий содда гаплар.

1-тур соф қиёсий (содда гапларда қиёс асосини ифодаловчи сифат ёки равиш туркумига оид сўз хашиша кесим синтактик ўрнида бўлади. Қиёс субъекти, асосан эга, қиёс эталони эса, асосан, васитали тўлдирувчи синтактик ўринларидаги сўзлар билан ифодаланади.

Масалан: Меҳмон — отангдан улуғ (Мақол) қиёсий содда гапида қиёс субъекти ифодаси — меҳмон эга синтактик ўрнида, қиёс эталони ифодаси — отадан сўзи воситали тўлдирувчи синтактик ўрнида ва қиёс асоси ифодаси — улуғ сўзи кесим синтактик ўрнида келган.

Соф қиёсий содда гапларнинг иккинчп тури, яъни қиёс асоси феъл туркумидаги (кўпинча, сифат ва равиш билан бирга) сўзлар билан ифодаланган қиёсий содда гаплар бир қанча ўзига хос мазмуний ва албатта, синтактик томоилар билан характерланади. Уларда, айтиш мумкинки, қиёс асоси биринчи типдагига нисбатан бирмунча аниқроқ ифодаланади. Бу ҳол, табиийки, қиёс

1. М а ъ р у ф о в З.М. Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари. — А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти асарлари, 1-китоб. Тошкент, 1949, 136-бет; Мирзаев М.У с м о н о в С, Р а с у л о в И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 114-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975, 152-бет.

2.Қар.: Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Тошкент? 1980, 254-бет.

3. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва бошқ. Кўрсатилган асар, 255-бет.

4. Қар.: Корш Ф. Е. Способн относительного подчинения. Глава из сравнительного синтаксиса (1877). — В кн.: Хрестоматия по истории русского языкознания. М., 1973, с.255; Тенишев-Р- Строй сариг-уйгурского языка. М., 1976, с. 65; Дмитриев К. Строй тюркских языков. М., 1962% с.370

5. Карцевский С. О. Сравнение. — «Вопросм языкознания 1976, №1, с.108.

асосининг ифодаланишида феъл туркумидаги сўз билан бирга кўпинча сифат ёки равиш туркумидаги сўзларнинг ҳам иштирок этиши билан изоҳланади. Бошқа-бошқа турга мансуб қуйидаги икки қиёсий содда гапни қиёслайлик: (I) Аҳмад Раҳматдан яхши — (II) Аҳмад Раҳматдан яхши ўқийди. Кўриниб турганидай, (I) гап биринчи турга мансуб қиёсий содда гап, (II) гап эса иккинчи турга мансуб қиёсий содда гап. (I) гапда окқиёс асоси яхши сўзп билан ифодаланган, (II) гапда эса яхши ўқийди бирикмаси билан ифодаланган, шунинг учун ҳам (I) гапда қиёс асосидаги белги анчайин умумий, яъни компаратларга умуман яхшилик белгиси даражаланган ҳолда предикацияланган, (II) гапда эса қиёс асосидаги белги бирмунча аниқ, яъни компаратларга қиёс асосида даражаланган ҳолда предикацияланган белги ўқиш жиҳатдан яхшиликдан иборат. Демж, соф қиёсий содда гапларнинг иккинчи туржда қиёс асоси нисбатан аниқ-рок ифодаланади. Яна қуйидаги маъноларни ҳам қиёслам: Насиба... мени жондан ортиқ севади (Х. Тўхтабоев). У.Воҳиддан бир-икки синф паст ўқирди (О. Ёкубов). Газетани эркаклар аёллардан кўп ўқийди («Тошкент оқшоми»).

Шуни ҳам айтиш керакки, соф қиёсий содда гапларнинг бу турида қиёс асоси бевосита феъл туркумидаги сўз билан ифодаланиб, айна сифат ёки равиш туркумига оид сўзлар қиёс асосидаги белгининг қиёсланувчиларга тегишлилик (предикацияланиш) даражасидаги муайян фарқни кўрсатишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бундай қиёсий содда гапларда қиёс асосидаги белгининг аниқ ифодаланганлиги англашилиб туради. Масалан, юқоридаги Газетани эркаклар аёллардан кўп ўқийди гапидаги семантик прошицияни шундай тасаввур қилиш мумкин: «Аёллар газета ўқийди», «Эркаклар газетани улардан кўп ўқийди». Қиёс асосидаги белги (ўқийди)нинг қиёс субъекти ва қиёс эталонига тегишлилик даражасидаги муайян фарқ айна кўп равиши орқали ифодаланган. Албатта, гапнинг қиёсий бўлиб тузилишида бундай равиш ва сифатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундай сўзларнинг гапда иштироки деярли ҳолларда қиёсий тизимни тақозо этади. Ҳатто гап қиёсий бўлмаганда ҳам бу сўзлар англаган маънода муайян предметлар (воқеа, ҳодиса ва ш.к.) нинг маълум маънодаги қиёс мавжудлиги ўз-ўзидан фикран тасаввур қилинади. Масалан, Аёллар оз ўқийди гапининг синтактик

курулиши қиёсий эмас, аммо оз сўзи (Маъносиға кўра муайян қиёслаш мавжудлиги англашилари, яъни аёлларга тегишли айни ўқиш белгилари бошқалар (албатта, эркаклар) га тегишли нормал даражадаги ўқиш белгисидан кам.

Бу ўринда қиёс узвларнинг мазкур қиёсий сода гапларда синтактик ифодаланиши маеаласига бирмунча аниқлик киритиш лозим. Тўланбой амаки ҳаммадан кўп гапирарди (Саид Ахмад) қиёсий сода гапни олсак, унда қиёс субъекти ифодаси (Тўланбой амаки) эга синтактик ўрнида, бевосита қиёс асосини ифодаловчи гапирарди феъли кесим синтактик ўрнида келган. Қиёс эталони ифодаси эса алоҳида синтактик ўринни эгаллай олмаган. Аммо деярли кўпчилик тилшууослар бундан ҳолатларни алоҳида синтактик ўрин-тўлдирувчи синтактик ўрнида сифатида талқин қиладилар. Масалан, А. Сулаймонов, Х. Холиёров ва Ш. Омонтурдиевлар Қишлоқ ёшлари ҳаммадан кўра бетиним ишларди (Ш. Рашидов) гаптаги ҳаммадан кўра бўлагини воситали тўлдирувчи деб қарайдилар<sup>1</sup>. Бу бўлакни алоҳида синтактик ўринда деб қараш аслида тўғри эмас. Чунки бу бўлак бевосита кесимга боғлана олмайди: ҳаммадан кўра ишларди(?): аввалги гапта — ҳаммадан гапирарди(?). Демак, бу бўлак яхлит гап нуқтаи назаридан тўлдирувчи эмас, бошқача қилиб айтганда, функционал тўлдирувчи бўла олмайди. Агар у фуикционал тўлдирувчи бўла олмас экан, табиийки, утинг гаптаги яхлит гап нуқтаи назаридан алоҳида синтактик ўрин ҳисобланиши мантиқан тўғри эмас. Хуллас, бундай соф қиёсий сода гапларда қиёс эталони алоҳида сўз шакли (ҳаммадан) билан ифодаланса ҳам, бу сўз шакли алоҳида синтактик ўринни эгаллай олмайди. Қиёс эталони ифодасининг синтактик мақомини ёелгмлашда қиёс асосининг анжқ ифодаланишида иштирок этувчи сифат, равиш туркумита оид оўзларният синтактик матрмидан келиб чиқилади. Чунки қиёс эталони ифодаси бевосита ана шу сўзлар билан боғланиб келади, ва демак, бу сўзлар қатадай юинтакиик ўринни эгалласа, қиёс эталони ифодаси ҳам шу синтактизк ўринга киради, тўғрироғи, қиёс эталони ифодаси қиёс асосининг ифодаланишида иштирок этувчи сифат, равиш туркумига оид сўзлар билан биргаликда блоклашган ҳолда бир синтактик ўринни эгаллайди. Бу синтактик ўрин эса айни сифат, равиш туркумига оид сўзларнинг маъноспга кўра деярли ҳолларда ҳолдан иборат бўлади. Юқорида биз келтирган гапта қиёс эталони ифодаси кўп равиши билан бирга даража миқдор холи (ҳаммадан кўп) сиитактик ўрнида келган.

---

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ф., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1979, 67-бет.

Соф қиёсий сода гапларда баъзан мазкур ҳолатдаги сифат, равишлар иштирок этмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қиёс эталонни ифодасидан (кейин аввал, олдин, бурун, кейин, сўнг каби кўмакчилар қўлланади. Бундай кўмакчилар тегишли равишлар (пайт равишлари)нинг конверсияси иатижасида юзага келганлиги учун уларнинг мазмунида қисман пайт маъноси ҳам сақланган бўлади. Шунинг учун ҳам қиёс эталони ифодасидан кейин аввал, олдин, бурун каби кўмакчилар келганда, асосий пропозициядаги ҳаражат (ҳолат)нинг олдин бажарилганлиги маъноси, кейин, сўнг каби кўмакчилар (қўлланганда эса асосий пропозициядаги ҳаракат (ҳолат)нинг кейин бажарилганлиги маъноси англашилади. Бошқача қилиб айтганда, қиёсланувчилар учун умумий бўлган белги-ҳаракат олдиима-кейин бажарилишига кўра фарқланади, ёрдамчи пропозицияда ҳам айни бир ҳаракат мутлақо тенг даражада амалга ошади, фақат бирида олдин, иккинчисида кейин ёки аксинча. Ана шунга, яъни қиёс асосидаги белгининг иккала қиёсланувчига ҳам — қиёс субъектига ҳам, қиёс эталонига ҳам мутлақо тенг даражада тегишлилигига кўра гап мазмуниг икки пропозициядан иборатлиги, демак, гаптаги мазмуний синтактик номувофиклик тез илғанади. Масалан: Болаларга оталардан бурун оналар ёпишишади (Й.Сулаймон).

Қиёс эталонни мазкур кўмакчилар билан келган бундай қиёсий сода гапларда қиёсланувчилар прпозицияларнинг фақат субъектларидангина иборати бўлмайди. Айрим ҳолларда қиёсланувчи пропозицияларнинг воситали объектларидан, ўрин белгиларидан

(сирконстантларидан) ҳам иборат бўлиши мумкин. Албатта, шунга мувофиқ равишда қиёс субъектлари воситасиз, воситали тўлдирувчи, ҳол синтактик ўринларида ифодаланадп, Бундай ҳолларда семантик пропозицияларнинг фақат бир (предикат) эмас, балки икки (субъект ва иредикат) узви умумий бўлади. Ана шунга кўра бу пропозициялар ўзаро жуда зич боғланган бўлади. Маоалан: Хуморхоним б\ қайсар сигирдан кейин қора говмишни соғди (М. Маҳмудов).

Қиёс эталони ифодаси маскур кўмакчилар билан келган соф (қиёсий содда гапларда қиёсланувчиларнинг мазмуний жиҳатдан ҳамиша бир хил бўлиши асосий ва ҳал килувчи ҳолатдир. Бошқача қилиб айтганда, бундай қиёсий содда гапларда қиёс субъекти ҳам, қиёс эталони ҳам ҳамиша бир турга оид предмет (воқеа, жараёи ва ҳ. к.) лардан иборат бўлади, яъни: шахс-шахс, жонли мавжудот— жонли мавжудот, қаттик жисм —қаттик жисм, суюқлик—суюқлик, жой—жой ва ш. к. Мазкур синтактик Қурилиш айни мазмунинг талабга жавоб берсагина, гапда қиёслаш муносабати ифодаланган бўлади, ва демак, гап қиёсий содда гап ҳисобланиши мумкин. Аммо агар синтактик қурилиш миқоридаги қиёсий содда гапларнинг синтактик қурилиши билан бир хил бўлса-ю, лекин таъкидланган мазмуний талабга жавоб бермаса, гапда (қиёслаш муносабати ифодаланмаган бўлади ва демак, бундай гал қиёсий содда гап ҳисоблана олмайди.

Синтактик қурилиш жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлган қуйидаги икки содда гапни солиштириб кўрайлик: Ўртоқ Кобозевдан кейин Собир Юсупов гапирди (О. Хусанов). Уколдан кейин Хосият... равон нафас ола бошлади (Ў Усмонов). Биринчи гап қиёсий содда гап, чунки қиёслана ётган номларнинг ҳар иккаласи ҳам шахсни билдиради. домак, мазмуний жиҳатдан бир хил, яъни қиёс субъекти Собир Юсупов сўзлари билан, қиёс эталони Кобозев сўзи билан ифодаланган. Қиёсланувчилар мазмуний жиҳатдан ана шундай бир хил бўлгани учун ҳам бир умумий белгига (гапирди) эга бўла олади. Шунинг учун гапда қиёслаш муносабати ифодалана олган, яъни мазкур икки шахс улар учун умумий бўлган гапириш белгисига кўра қиёсланган. Иккинчи гап эса қиёсий эмас, балки одатий содда гапдир. Унда қиёслаш муносабатп ифодаланмаган, чунки синтактик қурилиш аввалги гапнинг синтактик қурилишига ўхшаш бўлса ҳам, қиёсланувчилар ўряида келган номлар мазмуний жиҳатдан бир хил эмас, яъни Хосият—укол: шахс — шахс эмас. Шунинг учун ҳам бу номлар бир умумий белги-ҳаракатга эга бўла олмайди, кесим ўрнидаги нафас ола бошлади феъл шакли билан ифодаланган ҳаракат, табиийки, мазкур икки ном учун умумий бўла олмайди, демаж, у қиёс асюси эмас. Демак, бу гапда қиёслаш муносабати ифодаланмаган гап қиёсий гап эмас.

Аммо мазкур икки содда гап қиёсий ва қпёсий эмаслигига кўра бир-биридан фарк қилса-да, синтактик қурилишларидан ташқари яна бир умумийликка эга, яъни ҳар икки содда гап қурилиши учун ҳам мазмуний-синтактик номувюфиқлик хос. Чунки мазкур қиёсий бўлмаган содда гапда укол сўзи пропозитив маънода<sup>1</sup> кўлланган бўлиб, бу маъно алоҳида гап мазмунига тенг келади. Нутқдаги бу ҳолат, яъни бир сўзни нутқда ҳам аниқ предмет ифодаси учун, ҳам ҳаракат ифодаси учун қўллаш мумкинлиги машҳур семаснолог М. М. Покровский томонидан ўз

—<sup>1</sup>Пропозитив маъно, ушшг хусусиятлари ва типлари ҳақида Қаранг: Арутюнова Н. Д. Предложение и его смьул. М., 1976. с 70—80.

вақтида алоҳида кўрсатиб ўтилган эди<sup>1</sup>. Ана шунга, яъни мазкур укол сўзишшг пропозитив маънода эканлигига кўра айни гапнинг мазмуни мураккаблашган, пропозицияларнинг бири, яъни ёрдамчиси синтактик қурилишда ихчамлашган ҳолда, фақат уколдан кейин сўз формаси билан ифодаланган. Бу семантик пропозицияларни «Хосиятга укол қилинди» ва «Хосият равон нафас ола бошлади» тарзида тушуниш мумкин. Кўришиб турганидай, гапдаги семантик пропозицияларнинг предикатлари ҳам, субъектлари ҳам умумий эмас. Агар предикатлар умумий бўлганда эди, гап қиёсий содда гап бўларди. Айни пропозициялар синтактик қурилишда тўлиқ ифодаланса, гап кўшма гапга айланади ва демак, мазмуний-синтаетик номувюфиқлик йўқолади: Укол қилинганч,

Хосият равон нафас ола бошлади. Бунда бош ва эргапт гапларнинг предикатлари тенг (бир хпл) эмас, яъни қилмоқ — нафас олмақ. Мазкур қиёсий содда гаптаги пропозициялар синтактик (қурилишда тўлиқ ифодаланса, гап кўшма гапга айланади ва демас, мазмуний-синтактик номувофшчлпк йўқолади: Ўртоқ Кобозев гапиргач, Собир Юсупов гапирди. Бунда бош ва эргаш гапларнинг предикатлагри тенг (бир хил), яъни гапжрмоқ-гапирмоқ. Шунинг учун ҳам бундай кўшма гап деярли қўлланмайди, умумий прадикатларнинг бири синтактик қурилишда қисқартирилади ва қиёсий содда гап шаклланиб, унда маакур мураккаб мазмун сақланиб крлаверади.

Қиёс узвларининг тескари тартибда ифоддланиши ооф қиёсий содда гапларнинг ҳар икки типиди ҳам кузатилади. Аммо бундай ифодаланиш соф қиёсий содда гапларнинг иккинчи турида, яъни қиёс асоси бевосита феъл билан ифодаланган турида бўлганда, бу феъл сифатдош шаклини олади ва иккинчи даражали предикацияли сифатдош ўрамлар юзага келади. Шунинг учун бу ҳолатга тўхталмайхмиз, фақат соф қиёсий содда гапларнинг биринчи турида қиёс компонентлари тескари тартибда ифодаланганда юзага келадиган маэмуний ва синтактик хусусиятларни (караб чиқамиз.

Қиёс компоентлари тескари тартибда ифодаланган содда гапларда қиёс субъекти ифадаси турли синтактик ўринларда келиши, қиёс эталони ва қиёс асоси ифодалари эса ана шу ўринларнинг аниқловчилари вазифасида келиши мумкин. Масалан: Сигирнинг елинига кўйдан каттароқ эчкемар ёпишиб олган эди (Саид Ахлшд). Инимдан ортик одамни душманимга тутиб бермайман (О. Юсупов ).

Мазмуний-синтактик номувофикликка эга содда гап-ларнинг тилда мавжудлиги шакл ва мазмуннинг диалектик бирлиги синтаксисда зиддиятли характерда бўлиши-ни кўрсатади. Бу зиддиятнинг моҳияти эса муайян мазмун узвларидн айримлари (асосийлари) нинг бевосита ифодаланиши ва айримларишшг бавосита ифодаланиши ўртасидаги карама-қаршиликдан иборат.

### ЭРГАШ ГАПЛИ КЎШМА ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Кўшма гап тил сянтактик сатҳиюшг олий бирлигидир. Содда гап ҳам синтактик сатҳ бирлиги ҳисоблаиса-да, у Кўшма гапга қараганда анчайИН ихчам бирликдир. КўшМа гап содда гапдан энг аввалю мазмун сиғимининг катталиги, мазмуний-синтактик тузилишининг ўзига хослиги, мураккаблиги билан фарқлаиади. Албатта, ҳар икки гап тури — содда гап ҳам, кўшма гап ҳам Муайян ҳукм ифодачиси сифатида мавжуд бўлса-да, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлишдай энг муҳим вазифаси бевосита гапларда намоёи бўлса-да, содда ва кўшма гаплар тузилиши ва мазмуний таркиби ҳамда бу таркггбья юзага кеелтирувчи узвлар муносабати уларнинг ҳар бирида мутлақо ўзига хосдир. Мантиқ фани нуктаи назаридан олиб қараладиган бўлса, содда гапларда асосан содда ҳукм, кўшма гапларда эса мураккаб ҳукм ифодаланади<sup>2</sup>

Туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида кўшма гап ва унинг табиати масаласи бир неча ўн йиллардан бери ўрганиб келинади. Аммо бу давр мобайнида кўшма гап асюсан бир жиҳатдан тадқиқ этилди. Г.А.Золотова синтактик тадқиқотларнинг истиқболи ҳақида фикр юритар экан, шундай таъкидлайди: «Синтактик тадқиқотларнинг муаммоларини, улардаги синтаксиснинг муҳим хусусиятларининг мутаносиблигини уч савол ёрдамида тасвирлаш мумкин: нима?, қандай? ва нима учун?. Нима? ёки нима ҳақида? — бу андозавий (типовой) мазмун, синтактик бирликларяинг маэмунияти (семантикаси) ҳақидаги савюл. Қандай? ёки нима билан? — бу ифода воситалари, тизим (конструкциялар) ҳақида савол. Нима учун? ёки нимага? — бу синтактик бирликларнинг функционал мақсади ҳақида савол»<sup>3</sup> Ўзбек тилшунослигидаги, 1.Покровский М.М.О.методах семасиологии (1886) В кн: Хрестоматия по истории русского язышознашш.М.,1973,с359

Содда ва мураккаб ҳукм ҳақида қаранг: Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. Тошкент, «Ўқитувчи», 1984,152-155-б.

2 Золотова Г. А. 0 перспективах синтактических исследований. Изв. АН СССР. Серия

литературм и яъша, том 45, №6, 1986, с.501.

умуман, туркий тилшушюликдаги кўшма гап юзасидан олиб борилган тадқиқотларда асосан ана шу иккинчи саволга, яъни қандай? ёки нима билан? деган саволга жавоб изланган. Тўғри, бу тадқиқотларда биринчи саволга, яъни нима? ёки нима ҳақида? деган саволга ҳам баъзан қисман жавоб бордай туюлади, адолат юзасидан буни таъкилламоқ лозим. Аммо мазкур тадқиқотлардаги асосий тамойил (принцип) «шаклдан мазмунга» тарзида бўлиб, асосий диққат-эътибор бевосита шаклга қаратилган, мазмун эса тадқиқотчининг бевосита диққат марказда турмаган.

Айтиш жоизки, анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий (формал) ситаксисга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Кўшма гап ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда кўшма гап табиати ва унинг мазмуний — таркибий хусусиятларига оид янги қарашларнинг пайдо бўлиши учун қонуний равишда мустаҳкам замин ҳозирлади.

Кўшма гапларни ўргатишнинг дастлабки босқичларида ўзбек тилидаги, умуман туркийшуносликдаги кўшма гап назариялари, асосан, рус тилшунослигида шаклланган (кўшма гап назариялари қолипида яратилган. Айтиш мумкинки, нафакат (кўшма гап, балки тилдаги жуда кўплаб бошқа ҳодисалар талқинида ҳам ана шу йўл, яъни рус тилшунослигидан нусха кўчириш бир қадар анъанага айланган<sup>1</sup>. Жаҳон тилшунослиги тарихида бундай ҳол бир неча бор кузатилган, хусусан, қадимги латин тилшунослигининг юнон тилшунослигидан нусха олиш асосида шаклланганлиги маълум<sup>2</sup>. Табиийки, бундай йўл тил ҳодисаларининг муайян тилнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларини тўғри ва холис тушунишга имкон бермайди. Албатта, ҳар қандай бошқа фан каби тилшунослик илми ҳам бошқа тилшуносликлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиши керак, бу сиз мумкин эмас Аммо ижодий фойдалашга бошқа нарсая, айнан нусха кўчириш, масаласи, рус тилшунослигидаги таърифларни таржима қилиб олиб, улаши ўзбек тилидан олинган мисоллар орқали «далиллаш» мутлақо бошқа нарсадир. Иккинчи йўл тутилганда, ўзбек тилининг ўз хусусиятлари ўз табиати очилмай қолади ёки жуда бўлмагандан, ноҳолис талқинга эга бўлиб қолади, ўзбек тилида мавжуд бўлмаган ҳодисалар ҳам ўзбек тилига кириб қолиши мумкин Бу, албатта, тилга материалистик ёндашув тамойилига мутлақо зиддир. Шу муносабат билан пирик тилшуноғ, Б. А. Серебреншишев шундай ёзган эди: «Тил ҳодисаларига материалистик ёндашувнинг биринчи ва мутлақ қатъий талаби — ҳодисага талқини, уни тушуниш айна ҳодисанинг ҳақиқий табиатига, ҳақиқий моҳиятига мос бўлмоғи лозим. Аммо бу қанчалик гайри табиий туюлмасин, барча қийинчиликлар ана шу ердан бошланади. Тилни ҳар қандай ортиқча кўшимчаларсиз, қандай бўлса ўшандайлигича тушуниш бениҳоя қийин»<sup>3</sup>. Ҳар қанча қийин бўлмасин, тилшунослик тугал фан бўлмоғи учун, тилдай мураккаб ва ўзига хос ҳодисашиғ табиатини мунтазам идрок этмоқ учун смазкур талабга амал қилиш шарт.

Ўзбек тилшунослигида, умуман, туркийшуносликда, ҳатто бошқа тилшуносликларда ҳам, айниқса, эргаш гапли кўшма гаплар атрофидаги баҳслар кўпдан давлот этиб келади. Зеро, эргаш гапли кўшма гаплар боғланган кўшма гапларга қараганда узлари ўртасидаги мазмуний таркибий муносабатлар табиатига, бу муносабатни юзага келтирувчи мазмуний, мантикий ва синтактик механизмларнинг анча мураккаблигига кўра фарқ қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли кўшма гапларни баҳолашда жиддий муаммолар авчагина. Бу, айниқса таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, шарт феъли ўрамлари ва бошқа тизимлар мавжуд бўлган синтактик бирликларни баҳолашда кўпроқ кўзга ташланади. Ана шундай гапларнинг синтактик мақомини белгилашда, яъни бундай гаплар синтактик содда гапми ёки эргаш гапли кўшма гапми? деган масаладаги мунозара ҳали тинган эмас, бу масалага бағишланган махсус кенгаш ҳам охириги гапни айтаолмади<sup>4</sup> Ҳали ҳанузгача ягона, тўғри кўпчилик томонидан эътироф қилинган бир фикрга келинганича йўқ. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида турли ўрамларни ўз ичига олувчи ўзига хос гап типлари мавжудки, уларни

мураккаблашган содда гаплар деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир<sup>5</sup>.

- 
1. Маҳмудов Н. М. Қайта қуриш ва ўзбек морфологияси" нинг айрим масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1988, 3-соғ 16—20-б.
  2. Кондрашов Н. А. История лингвистических учений. М. Просвещение, 1979, с. 18—19.
  3. Серебренников Б. А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М.: Наука, 1983, с.8.
  4. Қаранг: Вопросы1 грамматики тюркских языков (Материаль координационного советдания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках, состояв Шегося 24—27 сентября 1957 г.). Алма-Ата, 1958.
  5. Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н. М. Семантико-синтактическая асимметрия в простом предложении узбекского языка Докт. диссертация. Ташкент, 1984, с.94—142.



Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни ўрганишда Ғ. Абдурахмонов, М. А. Асқарова, А. Бердиалиевларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида дивдатга сазовордир<sup>1</sup>. Ғ. Абдурахмонов ва М. А. Асқаровларнинг тадқиқотларида ўзбек тилидаги эргаш гаплар, асосан, формал (шакл) жиҳатдан ўрганилган. Маюалан, М. А. Асқарованинг докторлик диссертацияси «Ҳозирги ўзбек тилида эргашуш усуллари ва эргаш гап типлари» деб номланган бўлиб, унинг биринчи боби эргашуш усуллари ва шакллари тадқиқ этишга бағишланган<sup>2</sup>, кейинги уч бобда ҳам эргашган қўшма гап узвларининг боғланишида иштирок этувчи лисоний воситалар таҳлили асосий ўринда туради. Ҳатто эргаш гапларнинг мазмуний-синтактик типлари ҳақида гап кетганда ҳам, мавмун билан боғлиқ киска изоҳлардан гкейин, яна барибир боғловчи воситалар, қўшма гап узвларининг ўринлашуви каби масалаларга кўпроқ эътибор қилинган. Ғ. Абдурахмонов тадқиқотларида ҳам қўшма гапларга ана шундай ёндашувни кўриш мумкин. Бу фикрларни айтишдан мақсад мазкур тадқиқотларнинг ўзбек тилшунослигидаги жуда жиддий қимматини камситиш эмас. Уларнинг ўзбек тилшуносли-пшинг, умуман, туркийшуносликнинг бугунги тараққиёти учун илмий-назарий замин ҳозирлаганлиги шубҳасиз, ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиётини мазкур тадқиқотларсиз тасаввур қилиш мушкул.

Ҳар қандай тил бирлиги каби гап ҳам, хусуоан, қўшма гап ҳам, икки томонлама бирликдир, яъни ифода томони ва мазмун томонига эга. Узоқ вақтлар мобайнида қўшма гапнинг асосан ифода ва қисман мазмун томонлари ўрганилди. Кейинги йилларда тилшуносликда гапнинг мазмун томонига, «семантика» деб юритиладиган жиҳатига эътибор кучайди, мазмуний (семантик) синтаксис, деган йўналиш юзага келди. А. Бердиалиевнинг тадқиқотлари ана шу йўналишдаги ўзбек тилшунослигидаги дастлабки ишлардандир. Унинг докторлик диссертациясида эргаш гапли қўшма гаплардаги парадипматик ва синтагаматик хусусиятлар чуқур тадқиқ этилган. Эргашган қўшма гапларнинг мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функцияллик каби бир қатор муҳим масалалар ишонарли тарзда ҳал қилинган. Шубҳасиз, бу иш ўзбек тилшунослигидаги қўшма гап назариясига қўшилган муҳим ҳиссадир. Лекин ишнинг кириш қисмида алоҳида таъкидланганидай, тадқиқотдаги асосий услуб таркибий-мазмуний (мазмуний-таркибий эмас) бўлиб, у «шаклдан мазмунга» қабалидаги таҳлилга асосланган<sup>3</sup>. Айтиш керакки, таҳлил фақат «шаклдан мазмунга» қабалидаги тамойил асосида олиб борилганда, бевосита лисоний шаклларда ўз ифодасини топмайдиган, тилдаги турли воситаларнинг бир-бири билан муносабати атосидд юзага келадиган, бавосита реаллашадиган маънолар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиши мумкин. Шунинг учун бу тамойил билан бир қаторда «мазмундан шаклга» тамойили ҳам муҳимдир. Аслида шакл ва мазмун диалектикасининг моҳиятига мувофиқ равишда мазмуний таҳлил ҳар шжи тамойилга асосланмоғи лозим. Ҳамонки, «мазмуний таҳлил гапнинг қандай англаниши, қандай интерпретация қилиниши ва унинг ташқи оламдаги ҳолатлар, жараёнлар, объектлар билан қандай алоқадорликка эга эканлигини тушунтириши керак»<sup>4</sup> экан, бунда гапнинг ҳам мазмуни. ҳам шажли тўла ҳисобга олинмоғи шарт.

Тилшунослик тилни ўрганишда узоқ вақт грамматик тизимининг энг аввало шаклий хусусиятларига дахлдор бўлган таснифлаш йўлидан борди. Бу йўл «тил — тил эгаси — ташқи юлам» муносабатини тушунтиришга имкон бермади. Буниинг оқибатида нафақат назарий тилшунослик, балки амалий тилшунослик ҳам кўп нарса ютқазди. Ҳозирги пайтда ўрта ва олий мактаблардаги она тили ўқитишдаги самарадорликнинг ўта пастлиги ҳам энг аввало ана шу билан боғлиқ. Ҳозир мактабда она тили ўқитувчисининг асосий мақсади ўқувчига у ёки бу грамматик категорияни тўғри белгилай олиш малакасини еингдиришдан иборат. Ўқутвчи, айтайликки, «эга»ни топа олса, демак, у билади деб қаралади. Аммо бу ўқувчига нима беради, «эга»нинг ортида нима бор? Бу каби еаволларга аниқ жавоб берилмайди. Амалий тилшунослик ҳам ана шундай тил ҳодисаларини таснифлашга асосланган, яъни унда «тил белгисининг ортида турган

объектив борлиқ эмас балки айни тил белгисининг тавсифи муҳим»» деб, қаралган<sup>5</sup>.

1 Абдурахмонов Ғ. А. Қўшма гап синтаксиси асосларн. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1958; А с қ а р о в а М. А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960; Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкент, «Ўқитувчи», 1987, 171—240-б; Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент, Фан, 1989.

2 Бу ҳақда батафсил қаранг: Асқарова М. А. Способн подчжнения и типм придаточнмх предложсний в современном узбекском язшке, Авт. докт. дисс. Ташкент, 1963, с.16—71.

3 Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях сложнопод инснкого предложения узбекского литературного язша. АДД, Ташкент, 1989.

4. Б и р в и ш М. Семантика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике, вышуск X, М., Прогресс, 1981, с.177.

5 Идеографические аспект русской грамматики. Под. ред. В. А. Белошапковой и И. Г. Милославского. М.: Изд-во МГУ, 1968, с.5.

Мавжуд грамматикалардаги аоосий йўл «тил белгисининг шаклидан унинг маъносига» тарзида бўлиб, бу мутлақо семасиологик ёндашувдир, уларда онамасиологик ёндашув йўқ. Она тилини ўргашганда ҳам, иккинчи тилни ўрганганда ҳам семасиологик ёндашув билан бир қаторда ономасиологик ёндашув бўлмас экан, жиддий натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тилшунюсликда кейинги пайтларда «фаол грамматика», «идеографик грамматика», яъни муайян маъмуининг энг мақбул тарздаги ифодаланиш имкониятларини тавсифловчи, бошқача айтганда, «мазмуидан шаклга» тамойилига асосланган грамматика яратишга ҳаракат қилимокда. Рус тилининг идеографик грамматикаси маасалари ҳақида фикр юритар экан, В. А. Белошашва ва Г. И. Милославскийлар шундай ёзадилар: «Она тили ўқитишнинг бош мақсади — тил далилларини муайян «токчаларга» териб чиқишни ўргатиш эмас, балки ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ифодаланиш ўргатишдан иборат. Бундай вазифани ҳал қилиши лозим бўлган грамматика моҳият жиҳатидан таснифловчи бўлиши мумкин эмас... Бошқача қилиб айтганда, вазифа мана бундай қўйилмаслиги керак: тил белгиси берилган, бу белгининг каталотда эгаллаши лозим бўлган ўрнини топиш керак аксинча, мана бу тарзда қўйилиши керак: муайян «ғоя» («идоё») берилган, бу «ғоя»ни ифодаловчи тил белгисини топиш керак»<sup>1</sup>.

Рус тилшунюслигида бу йўналишда иш бошланган, хусусан, рус тилидаги қўшма гаплар ана шундай идеографик жиҳатдан ўрганилган: С. А. Шуваловашга «Қўшма гапдаги (Мазмуний мунюсабатлар ва уларнинг ифодаланиш усуллари) номли монографияси мазмуний синтаксис учун жуда қимматлидир»<sup>2</sup>. Бу монографияда, энг аввало, қўшма гапда ифодаланидиган мазмунларнинг таснифи, сўнг қиёсий мазмун ва унинг ифодаланиш моделлари берилган. Бунда С. А. Шувалова қўшма гапларнинг деярли барча типларига мурожаат қилади.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмушш гантаксиси ўрганилар экан, айтиб ўтилган ҳар икки тамойил — «мазмундан шаклга» ва «шаклдан мазмунга» тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Гапнинг синтактик қурилиши жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган, бунинг устига синтактик қурилиш аниқ, кўриш мумкин бўлган сатҳдир. Шунинг учун гап қурилишини белгилаш бирон-бир қийинчилик туғдирмайди. Лекин мазмуний-синтаксисдаги иккинчи (муҳим жиҳат — мазмуний сатҳ ҳам бор, бироқ гапнинг мазмун жиҳатини белгилаш унчалик ҳам осон эмас.

Гапнинг мазмуни нима? Гапнинг мазмуни деганда нимани назарда тутиш керак? Ҳрзирги тилшунюсликда бу саволга жавоб беришда бир неча йўналишни кўриш мумкин. Улар орасида гап маъносининг деиютатив концепцияси кенг тарқалган. Бу концепцияга, кўра, гап маъносининг денотати ғайри лисоний ситуадиядан, муайян воқеадан («событе») иборат. Ушбу масалани бизгача ўрганган тилшунюсларга эргашиб, биз ҳам элементар содда гапнинг ифода жиҳати (плани)ни «вақеа» («событие») сўзи билан вошгаймиз<sup>3</sup>

Аммо, айтиш лозимки, воқеа фақат содда гап орқалигина эмас, балки ундан кичик бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, Эшик очилди гапида ифодаланган воқеа айти гапнинг турли шаклий кўчимлари (трансформацияси)да ҳам, бу кўчимлар гап эмас, балки сўз бирикмалари мақомида бўлса ҳам, ифодаланаверади: Эшик очилди- эшикнинг очилиши->эшик очилиб - эшикнинг очилганлиги-очилган эшик кабиларда ҳам мазкур воқеанинг ўзи ифодаланган, фақат айти кўчимлардаги модаллик ҳар хил. Шунга қарамасдан, барибир, воқеани энг тўлиқ, батафсил ифодаловчи белги гапдир.

Муайян воқеа ифодаловчи гап бўлса, воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодачиси қўшма гапдир. Бошқача қилиб айтганда, тил белгиси сифатидаги қўшма гапнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги муносабатдан иборатдир<sup>5</sup>. Қуйидагиларни қиёслайлик: Сен рақсга тушсанг, ҳамма хурсанд бўлади Сен рақсга тушганинда ҳамма хурсанд бўлади, Сен рақсга тушишинга қарамай, ҳамма хурсанд бўлди ва ҳк. Бу қўшма

гаплардаги қисмларда айни бир воқеалар ифодаланган, лекин бу воқеалар ўртасидаги муносабатлар ҳар хил, яъни шарт, пайт, тўлиқсизликдан иборат муносабатлар ифодаланган. Тўғри, бундай муносабат содда гапда ҳам ифодаланиши мумкин.

1 Идеографические аспекты русской грамматики, с. 7.

2 Шувалова С. А. Смысловые отношения в сложном предложении и способы их выражения. М.: Издво МГУ, 1990.

3 Бу атама ҳақида яна қаранг: Колосова Т. А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980, с. 14; Москальская О. И. Проблемы системного описания синтаксиса. М.: Вьютая школа, 1981, с.9—10;

4. Васильев Л. М. Современная лингвистическая семантика. М.: Высшая школа, 1990, с. 51 ва бошқалар.11-92

5 Колосова М. А. Кўрсатилган. асар, 14-бет. 162

Масалан: Сенинг келишинг ҳаммани хурсанд қилди. Бу содда гапда икки воқеа ўртасидаги сабабнатижа муносабати акс этган. Лекин, барибир, воқеалар ўртасидаги муносабатлар содда гаплардагига қараганда қўшма гапларда аниқ (ва тўла ифодаланеди. Чунки моҳиятан содда гаплар муайян бир воқеани ифодаловчи, қўшма гаплар эса икки ёки ундаи ортиқ воқеа орасидаги муносабатни ифодаловчи шаклдир.

## ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

Тилда, хусусан, униг синтактик сатҳида гапнинг шаклий ва мазмуний таркиблари ўртасидаги алоқа беҳад мураккаб ва кўпинча зиддиятли бўлиб, улар бир-бирлари билан тўлиқ мувофиқ келмайди, кўпинча мазмуний-синтактик номувофиқлик мавжуд бўлади. Ана шундай номувофиқлик бўлмаса, тилшуносликнинг олдида муаммониң ўзи ҳам бўлмас эди. Лекин гапларнинг аксариятида) ана шундай номувофиқлик бор.

Айтиш лозимки содда гаплар доирасидаги мазмуний-синтактик номувофиқлик, асосан, тилдаги тежаш тамойилининг намоён бўлиши сифатида юзага келса, қўшма гаплардаги бундай номувофиқликнинг замини тилдаги ортиқчалик тамойилига бориб тақалади.

Бир денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синонтажтик иомувофиқлик ҳамшртп мавжуд бўлади ва бу иомувофшшшкнииг юзага келиши тилдаги ортиқчалик тамойилининг амал қилиши натижасидир. Бу тамойил нутқий алоқадаги муайян зарурият билая бюғлик, албатта. Бундай зарурият сифатида сўзловчининг турли субъектив мақсади, воқеани баҳолаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Сўзловчи айна мақсади, баҳоси ва шу кабиларни алоҳида таъкидлаб ифодалаш учун предикатив тизимларни танлайди, лекин бу тизимлар денотатив воқеани эмас, мазкур мақсадга (кўра модусни ифодалайди. Бунинг натижасида назарий жиҳатдан икки деиотатив воқеа ифодачиси бўлган икки (ёки ундан ортиқ) предикатив бирликдан иборат эргаш гапли қўшма гап фақат бир денотатив воқеани ифодалайдиган бўлиб қолади, яъни фақат бир «мазмуний ядро»ни ўз ичига олади. Бу, тайинки, мазмун ва шакл жиҳатидан номутаносибликни келтириб чиқаради.

Т. А. Колююова рус тилидаги Дело в том? что для ремонта;.. нужен... станок каби гапларда ифода жиҳатининг (Мазмун жиҳатига мос эмаслигини айтиб ёзади: «Бундай қўшма гаплар, икки предикатив бирлшшинг (мавжуд бўлишига қарамасдан, бир ситуацияни ифода қилади. Жумланинг мазмуни аслида эргаш гап қисмида мужассамлашган, бош гап қисми эса ҳамиша олдин келиб, сезиларли даражада мазмуисизлашган, у ахборот бериш воситаси эмас, балки эргаш гапдаги ахборотнинг ўзига хос актуаллаштирувчисидир»<sup>1</sup>. Тадқиқотчи ана шуни ҳисобга олиб, бундай галларнинг ифода жиҳатига кўра қўшма, мазмун жиҳатига кўра эса соадда эканлигини гтаъкидлайди.

Ўзбек тилидаги эргаш гапли қўшма гапларда асосий «ахборотни актуаллаштирувчи» сифатида, яъни модуос ифодачиси сифатида бош гап ҳам, эртага гап ҳам, айтиб ўтилганидай, келавериши мумкин. Қиёс: Ҳамма гап шундаки биз тезроқ ишга киришмоғимиз керак. Кун тартибидаги кейинги масалага келсак, асосий маърузани касаба уюшмасининг раиси цилади. Биринчи гапда модус бош гап орқали, иккинчи гапда эса ;модус эргаш гап орқали ифодалаттан. Лекиш барибир ҳар ишш гапда ҳам мамуий-синтактик номувофиқлик мавжуд.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, модус эргаш гапли қўшма гаплариинг эргаш қисмида ифодаланганда, эргаш гапда предикат еифатида кўпинча шарт майлидаги феъл (юқоридаги мисол),-гапда шаклли феъл (Гапнинг тўғрисиани айтганда, сиз кўп ўқишингиз керак) кабилар иштирок этади. Эргаш гапда нфодаланган мазкур шакллар билан боғлиқ «шарт» ва «пайт» маънолари иейтраллашади. Бу ҳол, албатта, тушунарли, чунки мазкур предикатлар денотатив воқеа ифодаеида иштирок этмаган.

Шуниси ҳам табиийки, модус ифодаловчи тизим ихчамлашишга мойил бўлади. Бунини яхлит гапда денототив восқага қараганда модуснинг номуҳимлиги билан изоҳлаш мумкин. Ана шу номуҳимлик, аслида, тегишли сўз шаклларидаги маъньюларнинг («шарт», «дайт» каби) кучсизланишига ёки нейтраллашишига олиб келади. Бу нейтраллашув кўпгина эргаш гапли қўшма гапларда жуда аниқ бўлади. Мен сенга айтсам, одамларга яхшилик қил, кейинги масалага келсак, асосий маърузани касабани уюшмасининг раиси қилади. Гапнинг очиғини айтганда, ишга жиддий киришмоқ шарт, Мен ўйлайманки, у бугун келади каби эргаш гапли қўшма гапларда ана шундай нейтраллашувни кўриш мумкин. Бу нейтраллашувга ва гапнинг тегишли қисмларида

† Колосова Т. А. Русские сложные предложения асимметричной структуры. Воронеж. Издво Воронежского университета, 1980, с.32—35.

ифодаланган модуснинг мантикий-мазмуний табиатига кўра бундай шаклан қўшма гаплар ҳақли равишда кириш тизимли содда гаплар сифатида баҳоланади<sup>1</sup>. А. Ғуломов кириш тизимларнинг асосий гаидаги фикрга боғлиқ бўлган, шу ҳақдаги қўшимча мулоҳазаларни ифодаланишини таъкидлайди. Унингча «бу мазмун бўёклари жуда хилма-хил: сўзловчининг айтилаётган фикрга субъектив муносабатини, шу фикрга боғлиқ ҳолда туғилган эмоцияларни, фикрнинг умумий баҳосини ва шу каби ҳолатларни билдиради»<sup>2</sup>. Бу маънолар биз модус тавсифи билан боғлиқ ҳолда айтган маънолар билан мую келади. Демак, кириш гап, кириш сўз, кириш тизимларнинг семантикаси бевосита модусдан иборат. Модус ифодаланган ва предикатларидаги тегишли Шаклтар маъноси аниқ нейтраллашган аксар эргаш арни кириш гаплар сифатида баҳолаш бундай таклан қўшма гаплардаги мазмуний-синтактик номувофнгликни бартараф этади. Чунки бундай ҳолатдаги эргаш гапнинг гаплиги инкор этилмаган ҳолда у қўшма гапнинг синтактик таркибидан ташқарига чиқарилади. Зеро «кириш конатрукциялар сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини биддирадиган, лекин гап бўлаклари синтактик жиҳатдан боғланмаган элементлардир»,

Юқорида айтиб ўтилганидай, модус ифодаловчи гаплар моҳиятан шаклий жиҳатдан ихчамлаишига мойил бўлади. Бу модус сифатидаги маъноии нутқий алоқа талабига мувофиқ таъкидлаш даражасининг катта ёки кичиклиги билан боғлиқ. Ана шу даражага мутаносиб равишда модус ифодаланган гапни предикатив тизим, ҳатто бир еўзгача ихчамлаштириш мушшн. Бу муносабат билан А. Ғуломов шундай ёвади: «Маълумки, барибир, англашиладики каби кириш сўзларнинг бир қис-ми аслида бир гап бўлган. Бу гап ҳар жиҳатдам ўзгариб, кучсизланиб, кириш сўзга айланган. Масалан, барибир (багри бцр: эга+кесим). Буларнинг баъзиларида -ки боғловчисининг кўлланиши ҳам шуни кўрсатади. Маълумки, пахта терими сентябрь ойдан бошланади (аслида: маълумки — бош гап, қолгани эга эргаш гап: Пахта теримишиг сентябрь ойдан бошланиши маълум нарса.) Ўйлайманки, бугун келар (аслида ўйлайманкп — бош гап, қолгани тўлдирувчи эргап гап: «У бугун келади», — деб ўйлайман). Кўчирма гап билан муаллиф гапининг муносабатидан бош гап билаи тўлдирувчи эргаш гапнинг муносабати англашилиб туради»<sup>4</sup>. Агар нутқий алоқада модусни гап шаклида ифодалаб алоҳида таъкидлашга зарурат бўлмаса, модусни ифодаловчи гап ихчамлашиб боравериши мумкин. Шунинг учун ҳам А. Ғуломовнинг юқорида –келтирилган фикри асослидир. Яна қиёслайлик Агар мен сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерда туролмайсиз. Бу гапда-са нинг маъноси нейтраллашган эмас, у тўла «шарт» маъносини ифода этган, яъни қўшма гапнинг ҳар икки қисмида ҳам денотатив воқеа ифодаланган, модус алоҳида гап билан ифодаланган эмас. Яхлит қўшма гапнинг мазмуни икки денотатив воқеа ўртасидаги шарт муносабатидан иборат, яъни биринчи денотатив воқеа (эргаш гапда) нинг амалга ошиши иккинчи денотатив воқеа (бош гапда) ни келтириб чиқаради. Гапнинг мазмуний ва шаклий жиҳатлари бир-бирига мувофиқ келади. Энди мана бу гапни олиб кўрайлик: Агар мен сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерлари кўрмагансиз. Бу гапнинг эргаш қисмида модус ифодаланган ва эдредикат ифодасидаги -са (айтсам)нинг «шарт» маъноси нейтраллашган; бош гапда эса (сиз бу ерларни кўрмагансиз) денотатив воқеа ифодаланган. Шу маънода эргаш гап мазмунан киржи гапга яшшлашади, боғловчи восита -са ҳам мазмуи, ҳам грамматик жиҳатдан кучсизланган. Модусни ифодаловчи гапнинг ихчамлаша олиш хусусиятига кўра мазкур гапда қуйидагича шаклий кўчим (трансформация) ни амалга ошириш мумкин: Агар мен сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерлари кўрмагансиз Мен сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз- Сизга тўғриси айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз- Тўғриси айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз -Тўғриси, сиз бу ерларни кўрмагансиз. Кўринадики, детаотатив воқеа ифодаси бўлган гап билан қаршилантилган ва маъмуни модусдан иборат бўлган Агар мен сизга тўғриси айтсам гапи мазмунан тўғриси шаклидаги киршп сўз билан тенг.

/ Умуман, эргаш гапли қўшма гапларнинг таркибида алоҳида гап орқали

ифодаланган модус мазмуни мавжуд бўлган барча турлари учун мазмуний-синтактик номувофиклка хосдир. Айни чоқда бундай эргаш гапли қўшма гаплардаги модус ифодасининг табиатига кўра уларда ҳамиша кириш тизимли гапларга айланиш имконияти мавжуд. Бу мазмуний-синтактик жараён, яъни эргаш гапли қўшма гапларнинг кириш тизимли гапларга шаклий қўчиши бениҳоя мураккаб ва ўзига хос жиддий жараён бўлиб, унда бир катор мантий-лисоний қонуниятлар амал қилади. Бундай қонуниятларни тўлиғича очиб бериш ва тасвирлаш алоҳида иш учун мавзу бўла олади.

1. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри. Тошкит, «Ўқитувчи», 1987, 155-6.

2 Фуломов А., Асқарова М. Курсатилган асар, 156-5. 3 Фуломов А., Асқарова М. Курсатилган асар, 155-6.

4. Фуломов А., Асқарова М. Курсатилган асар, 155—156-6.

### ЭРГАШ ГАПЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Ўзбек тилидаги эргаш гапларнигаг таснифи умуман бошқа тиллардаги эргаш гапларининг таонифига яқия туради. Бу тасодифий емас, албатта. Чунки «туркий тиллардаги, шунингдек, бошқа тиллардаги эргаш гап назарияси содда гап назарияси билан увий боғланган»<sup>1</sup>. Эргаш гапларни содда гаплардаги муайян бўлақлар билан нисбатлаш тилшуносликда жуда узоқ анъанага эга. Айрим тилшуносликларда, масалан, испан тилшунослигида эргаш гапларнинг вазифасини сўз туркумлариининг содда гаплардаги вазифаси билан тенглаштиришдан иборат қараш ҳам бор<sup>2</sup>. Лекин бу қараш ҳам аввалги қарашдан унчалик фарқ қилмайди.

Рус тилшунослигида бундай қарашларнинг шаклланигаига батафсил тўхтаб ўтирмасдан, В. А. Белошаптованинг умумлаштиришларига мурожаат қилиб қўя қолган маъқул. У ёзади: «Рус синтаксис илмида турли даврларда эргаш гапли қўиша гапларни таснифланишининг уч тамойили илгари сурилган эди. Эргаш гапли қўшма гапларни яхлитлигича содда гапларга, эргаш гапларни эса содда гап бўлақларига ўхшатишга асосланган тасниф жуда кенг тарқалди. Бу тамойилга асосланган ташиф қолипи ўзининг моҳият эътибори билан XIX асрнинг ўрталари-да шаклланди; унинг яратилишида Ф. И. Буслаевнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Бу таснифнинг асосий тамойилга мувофик, эргаш гаплар орасида эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол эргаш гаплар фарқланади, ҳол эргаш гапларининг турлари сифатида ўрин, равиш, даража ва миқдор, пайт, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик эргатп гаплар ажратилади...

Эргант гапларни содда гап бўлақларига ўхшатишга асоюланган таснифга эргаш гаттли қўшма гапларни бош ва эргаш қисмларнинг боғланши воситаларига кўра шаклий таснифлаш қарамақарши қўйилади. Бундайтаснифлаш А. М. Пешковский, М. Н. Петерсон, Л. А. Булаховский, А. Б. Шапиролар томонидан илгари сурилган ва ҳимоя қилинган... Эргаш гапли қўшма гаплар орасида икки асосий тип фарқланган: боғловчи вазифасидаги сўзли гаплар (нисбий эргаш) ва боғловчили гаплар (боғловчили эргаш).

Учинчи, таркибий-мазмуний таснифнинг яратилишида Н.С.Посттеловнинг ишлари муҳим роль ўйнайди, у эргаш гапли қўшма гапларининг икки асосий тиини ажратган; икки аъзоли тап ва бир аъзоли тип. Икки аъзоли ва бир аъзоли гаплар ўртасидаги фарқни Н. С. Поспелов бош ва эргаш қисмлар ўртасидаги алоқадорликнинг турли табиати билан боғлайди: икки аъзоли гапларда эргаш қисм бош қисм билан яхлитлигича боғланади, бир аъзоли гапларда эргаш қисм бош қисмдаги бир сўзга тегишли бўлади, бунда у бу еўзни ривожлантиради ёки аниқлаштиради»<sup>1</sup>. В. А. Белошапкованинг ўзи айни типларни «бўлақланган» («расчлененное») ва «бўлақланмаган» («нерасчлененное») гаплар деб номлайди<sup>2</sup>- Н. С. Поспелов ва В. А. Белошапковаларнинг бу масаладаги қарашларида жиддий фарқ йўқ.

Эргаш гапларнинг бош гапини яхлитлигича изоҳлаши ёки унинг бирор бўлаги билаи алоқадор бўлиши ҳақидаги қараш туркийшуносликда ҳам кенг тарқалган.



Масалан, М. А. Аокарова таъкидлайди: «Эргаш гап эса мазмун ва тузилишига кўра бош гапдан кўра бошқачароқ тузилиб, бош гапнинг бирор бўлагини ёки бош гапни яхлитлигича изоҳлайди<sup>1</sup>. Озарбайжон тилидаги эргаш гапли кўшма гаплардаги бош ва эргаш гап муносабатидаги айна хусусиятни таъкидлаган ҳолда А. З. Абдуллаев ва А. Г. Жаводовлар туркий тиллардаги, хусусан, озарбайжон тилидаги эргаш гапли кўшма гапларни икки мазмуний-синтактик гуруҳга — «бир мазмуний ядроли» ва «икки мазмуний ядроли» гапларга ажратишни тавсия қиладилар. Бунда улар бош гапдаги бирор бўлашш изоҳлайдиган эргаш гапли кўшма гаплар кўпроқ бир мазмуний ядрога ва бош гапни яхлитлигича изоҳлайдиган эргаш гапли кўшма гаплар кўцроқ икки (мазмуний ядрога эга бўлишини айтадилар<sup>2</sup>. Лекин, гарчи муаллифлар бундай таснифлашни барча туркий тиллар учун тавсия, қилаётган бўлсада, уни ўзбек тили учун тўлиғича татбиқ этиб бўлмайди. Чунки улар фарқлаётган «бир мазмуний ядроли» ва «икки мазмуний ядроли» кўшма гаплар тушунчалари биз юқорида айтиб ўтган бир денотатив воқеа ифодаланган ва икки (ёки ундан ортик) денотатив воқеа ифодаланган эргаш гапли кўшма гапларга яқин келади. Ўзбек тилида, юқорида кўриб ўтилгандай, модус бош гап орқали ҳам, эргаш гап орқали ҳам ифодалана олади, эргаш гап

1 — Баекаков А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, 6.119.

2 В асилев а-Шве де О. К., С т е п а н о в Г. В. Теоретическая грамматика испанского языка. Синтаксис предложения. М.: Высшая школа, 1981, с. 232.

1 Белошапкина В. А. Современный русский язык. Синтаксис. М.: Вытстная гакола, 1977, с.216—219,

2 Ўшя жоида.

1 Гуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 187-6.

2 Абдуллаев А. З., Джавадов А. Г. О семантическом ядре азербайджанского сложноподчиненного предложения. — «Советская тюркология», 1987, № 1, с.52—53.

орқали ифодаланганда эса, бу гап шаклан бош гапга тўлиғича тегишли бўлади (Мен сизга тўғриенини айтсам, сиз бу ерларни кўрмагансиз). Мисол тариқасида келтирилган гапдан кўриниб

турибдики, унда бир денотатив (воқеа — «мазмуний ядро» ифодаланган. Демак, мазкур тилшунослар фикрига тўлиғича қўшилиш мумкин эмас. Айтиш мумкинки, эргаш гапларни таснифлашда кейинги пайтларда у ёки бу тарзда турли тилшуносликларда эргаш гапли кўшма гапларнинг содда гапларга киёсланишидан қочишга қанчалр ҳаракат қилинмасин, барибир бу ҳаракатлар моҳиятан ана шу киёсланишдан узокқа кетолмаяпти. М. И. Черемисина ва Т. А. Колюшвалар ҳали равишда таъкидлаганларидек, «тобе предикатив бирликларнинг вазифалари билан гап бўлаклари вазифалари ўртасидаги ўхшашлик ҳозир урф (модада) бўлмасада, ...бу ўхшашликдан қочиш кутулиш қийин»<sup>1</sup>. Уларнинг фикрича тобе предикатив бирликларнинг вазифаларини содда гап бўлакларининг вазифалари билан солиштириш мумкин. Эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, турли мазмуний турларга эга бўлган ҳол вазифалари содда гапда сўз шакллари, сўз бирикмалари, турли синтактик тизимлар орқали бажарилиши мумкин. Айна вазифалар предикатив бирликлар орқали бажарилганда, гап кўшма гапга айланади<sup>2</sup>.

Ҳар қандай гап аслида муайян синтактик ўринлар (познциялар) тизимидан иборат. Содда гаплардаги синтактик ўринлар эргаш гапли кўшма гаплардаги синтактик ўринлардаи аслида фарқ қилмайди, улар бир хил<sup>3</sup>. Синтактик ўрин учун айна ўринни қандай бирлик эгаллаши аҳамиятли эмас. И. Н. Егорова бу муносабат билан Ои слышит журавлиный крик ва Он слышит, как кричат журавли гапларини киёслаб, бу гапларнинг таркибий тархида фарқ йўқлигини, бу тархлар бцр хил эканлигини, фарқ фақат вюситасиз объект ифодаси билан беркилувчи синтактик ўриннинг қандай бирлик билан тўлдириляётганлигидалигини, бу ўрин эса слышатъ феълининг маз-муни билан бағлиқлигини айтади. Биринчи гапда мазкур сиитактик ўринни сўз бирикмаси, иккшгчи

гапда эса гап эгаллаган. Аиа шунга кўра у мазкур содда гап ва кейин-ги эргаш гапли кўшма гап ўртасида функционал муқобиллик бор деб ҳисоблайди, ҳатто бу кўшма гапни содда гапнинг ўзига хос аналоги деб қарайди<sup>4</sup>.

Синтактик ўрин гапдаги предикатни ифодалаган сўз-нинг маъноси ва демак, валентлигига кўра юзага келади, Бошқача қилиб айтганда, бош гапнинг кесими вазифасидаги сўзнинг маъноси ва валентлиги эргаш гапнинг моҳиятини ва қўлланишини таъминлайди. Предикатнинг валентлигига кўра юзага келадиган синтактик ўрин, агар предикатнинг маъмуний имконияти йўл қўйсагина, тобе предикатив бирлик томонидан эгалланиши мумкин. Акс ҳолда эргаш гапга кўшма гап таркиб топмайди. Эргаш гапга кўшма гапларнинг мазмуний синтаксисини ўрганишда ҳам ўрни билан валетлик назариясига (мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Айтилган мулоҳазалардан шу нарса -келиб чиқадики, эргаш гапли кўшма гапларни ўрганишда барибир содда гаплардаги бўлақларнинг вазифаларидан андоза олган маъқул. Чунки яхлит сиитактик ўринлар тизими сифатида эргаш гапли кўшма гаплар содда гаплардан деярли фарқ қилмайди. Эргаш гапли кўшма гапларда гапнинг грамматик «синчи», асосини бевссита бош гап ташкил қилади. Эргаш гап эса у ёки бу тарзда ана шу бош гап таркибига муайян бир бўлақ сифатида киради. «Бош гап таркибидаги муайян бўлақни изоҳлайдигаш эргаш гаилар» деб ажратилгашда ҳам шу нарса назарда тутилади.

Энди «бош гапни яхлитлигича изоҳлайдиган эргаш гаплар» деган ибюрага келсак, у мантиқан тўғри эмас. Бундай гаплар ҳам бош гапдаги муайян бир бўлақ — ҳол тазифасда келади. Эргаш гапларнинг бу типини баҳолашда кўпинча айрим тилшунослар уларии ҳол эргаш гаплар дейишдан ўзларини тиядилар. «Ҳол эргаш гапли қўйиша гап билан инкинчи даражали бўлақлардан бири бўлган ҳол турлариийилг сон жиҳатдаш тенг келмаслигидан чўчиймзи?! Ҳол предикатив бирлик эмас, балки у гап бўлагидир. Ҳол эргаш гап эса предикатив бирлик бўлиб, дискурсининг бир элементи. Демак, ҳол билан ҳол эргаш гапли бир йўсинда ўрганиб бўлмайди, улар семантик турларининг сон жиҳатдаи тенг бўлиши ҳам шарт эмас»<sup>1</sup>. Лекин Р. Сайфуллаева барибир аяъанадан чиқиб кетолмайди: «Эргаш гап бош гапнинг бирор бўлагини изоҳлайди. Агар бош гапдаги изоҳланувчи бўлақ ифодаланмаса, эргаш гап бош гапни бутунича изоҳлайди»<sup>2</sup>.

1Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 1987, с. 61.

2Черемисина М. И., Колосова Т. А. Кўрсатилган асар, 105-6.

3Яна қаранг: Шутова Е. И. Вопро'сь1 теории синтаксиса.М.: Наука, 1984, с.55.

4Егорова И. Н. Позиционньт эквивалентм слова в составе предложения. В кн.: Русский язьш. Грамматические следова-ния. М.: Наука, 1967, с.78-79.

1. Сайфулласва Р. Эргашган кўшма гапнипг таснифи «Ўзбек тили ва адабиёти», 1989, 3-сон, 22-6.

2. Сайфуллаева Р. Уша жойда.

Аслида «бутунича изоҳлайди», «бош гапга бутунича алоқадор бўлади» қабилидаги ибораларнинг ўзи аниқ эмас. Қаидай қилиб эргаш гап яхлит бош гапни изоҳлаши мумкин? Ҳар қандай гап бўлаги (аниқловчи бундан мустасно) функционал жиҳатдан фақат ва фақат косимга алоқадор бўлади. Кенг маънодаги ҳол синтактик ўрнини эгаллаган предикатив бирлик, яъни демак, эргаш гап ҳам яхлит бош гапга эмас, балки унинг бир зарурий бўлаги — кесимга алоқадор бўлади. Масалан, Баҳор келгач, ўлкамизнинг ҳамма ери-да гуллар очилади гапидаги эргаш гап (Баҳор келгач) ботн гапдаги кесими вазифасидаги очилмоқ феълининг маъноси ва валентлигига кўра мавжуд бўлган ва пайт ифодаси билан берилиши лозим бўлган синтактик ўринни эгаллайди, яъни бош гапдаги ҳол вазифасидаги предикатив бўлақ сифатида бевосита кесимга боғланади. Ҳатто эргаш гапнинг ўрнини ҳам алмаштириш (мумкин: Ўлкамизнинг ҳамма

ерида гуллар, баҳор келгач, очилади. Бундай эргаш гапли қўшма гапларда эргаш ва бош гаплар бир қадар бир-биридаги мустақилдай туюлади, «бош гапдаги бирор бўлак билан алоқаланадиган эргаш гапли қўшма гапларда эса бундай эмас, эргаш ва бош гаплар анчайин зичроқ боғланган. Бу ҳолат ҳам, эҳтимол, олдинги тип гапларда эргаш гап яхлит бош гап билан алоқаланади, деган қарашга олиб келса керак. Аммо гапдаги синтактик ўринлар орасида ҳол синтактик ўрни ўзининг «ижобий мухторлиги» (автономияси) билан алоҳида ажралиб туради<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, гапнинг ҳол бўлаги, шубҳасиз, кесимга тобе бўлсада, кесим ўрнидаги сўзининг кучли синтагматик валентлигини мутлақо реаллаштира олмайди. Таъкидлаш лозимки, ҳол гапнинг асосий мазмунини ташкил қилувчи воқеа билап у ёки бу жиҳатдан боғланган воқеани ифодаловчи гап бўлаги бўлиб, мазмун томондан «гап ичида гап ифодаловчи» сифатида келишдек ўзига хослик билан характерланади<sup>2</sup>. Бу, тайинки, предикатив бирликларнинг бу синтагматик ўринни эгаллаб, эргаш гап бўлиб келишлари учун жуда ҳам қулайдир. Шунинг учун ҳам ҳол синтактик ўринини, у содда гапда бўлса ҳам, эргаш гапли қўшма гапда бўлса ҳам, нисбатан эркин деб қараш маптийқидир<sup>3</sup>.

Кўринадики, эргаш гапларнинг ҳар қандай тури ҳам у ёки бу тарзда бош гапда муайян бир бўлак билан алоқаланади. Табиийки, бу алоқаланиш усуллари хилма-хил. Лекин бундан бошқача деб қараш, яъни эргаш гап яхлит бош гап билан алоқаланади деб қараш бош гапдаги кесимнинг мазмуний-синтактик макомини камситишга олиб қолади. Шунинг учун ҳам Н. А. Баскаков ҳозирги турк тилидаги эргаш гапларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Бош гапдаги субстантив бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга эга ва тўлдирувчи эргаш гаплар қиради.

2. Бош гапдаги атрибутив бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга кесим ва аниқловчи эргаш гаплар қиради.

3. Бош гапдаги атрибутив ҳол бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар. Бу гуруҳга сабаб, натижа, шарт, тўсиқсиз, мақсад, пайт, ўхшатиш ва чоғиштириш эргаш гаплар қиради<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гаплар (бошқа кўпгина тилшуносликлардаги каби) «мазмуний-шаклий жиҳатдан 14 турга ажратилади: 1) эга, 2) кесим, 3) тўлдирувчи, 4) аниқловчи, 5) равиш, 6) ўлчовда)ража, 7) чоқиштириш-ўхшатиш, 8) сабаб, 9) мақсад, 10) пайт, 11) ўрин 12) шарт, 13) тўсиқсиз, 14) натижа эргаш гаплар<sup>2</sup>.

Бундай таснифга кўра, биз ҳам ана шундай ажратишга ишнинг кейинги қисмларида амал қилсақда, айтиш керакки, айни таснифда бош гап хусусиятлари у (қадар акс этган эмас. Бу тасниф, айтилганидай, эргаш гапларнинг таонифи, эргаш гапли қўшма гапларники эмас.

Бизнингча, бош гапларнинг ўзини ҳам икки турга ажратиб олиш мақсадга мувофиққа ўхшайди: 1) ҳавола бўлакли бош гаплар ва 2) ҳавола бўлақсиз бош гаплар. «Ҳавола бўлак» деганда умумий тилшуносликдаги «дейксис белгилар» ни назарда тутамиз. Дейксис белгиларнинг моҳияти шундан ибаратки, улар мазмунни — воқеа, белги, ҳаракатларни бевосита ифюдаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин<sup>3</sup>. Ўзбек тилидаги олмошга ва бошқа нисбий сўзлар ана шундай дейксис белгилар бўлиб, улар қўшма гапларда ҳавола бўлақлар сифатида иштирок этиши мумкин.

Кацнельсон С, Д. Типология язьша и речевоe мшшление. Л : Наука, 1972, с.212.

2 Кацнельсон С. Кўрсатилган асар, с. 22.

3 Хо ж и е в А., Ма х м у д о в Н. Семантика ва сиитактик позиция. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1983, 2-соп, 31—32-б.

1. Б а с к а к о в А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, с.157.

2. Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 187-б.

3. Вейнрейх У. О семантической структуре язмка. — В кн.: Новое в лингвистике. Вьш.

У. М.: Прогресс. 1970, с. 177—183-6

Ҳавола бўлакнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳолатда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам муайян мазмуний ва синтактик хусусиятлар билан характерланади. Куйидаги гапларни қиёслайлик: Толиб ака шуни билиб қўйсинки, Ақром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди (Ф. Мусаёнов). Онаси кийиниб чиққунча, ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди (А.Кўчимов).

Биринчи гапнинг бош қисмида шуни ҳавола бўлаги бор, у тўлдирувчи вазифасида, иккинчи гапда ота-бола тойчоқни ялтиратиб артиб қўйишарди шаклидаги бош гап таркибида ҳавола бўлак йўқ. Аввало ҳавола бўлакнинг табиатига кўра айтилиши бош гапдаги тўлдирувчи синтактик ўрни фақат шаклан беркитилган, чунки -ҳавола бўлак мазмунан бўш, шунинг учун бош гап синтактик тўлиқ бўла ҳам, мазмунан нотўлиқ. Иккинчи гапдаги бош гап эса ҳам мазмунан, ҳам синтактик жиҳатдан тўлиқ. Биринчи бош гап мазкур ҳавола бўлакнинг кейинш эргаш гапга ҳавола қилишига кўра мазмунан тўлиқ бўлади, эргаш гап бош гап предикагининг кучли синтагматик валентлигини беркитувчи тўлдирувчи ўрнига қўйилиб идрок қилинади. Иккинчи гапда эса эргаш гапнинг ўрни бош гап таркибий қурилишининг бевосита ичида. Биринчи гапда эргаш гап бош гапнинг синтактик ўринлар тизимидан ташқарида бўлиб, у бу тизимга муайян мантикий-мазмуний ҳаракатлар орқали олиб кирилса, иккинчи гапда бундай ҳаракатларга зарурият йўқ, чунки у айтилиши тизимнинг узвий аъзоси. Иккинчи гапдаги эргаш гап бош гап предикатининг кучсиз синтагматик валентлигини беркитувчи синтактик ўринни эгаллаган, шунинг учун эргаш гап иштирок етмаганда ҳам, бош гап мазмуний-синтактик маъносини йўқотмайди. Айтилган мулоҳазаларга кўра яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Ҳавола бўлаклар бош гаплар синсемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда, мустақил қўллана олмайди, мазмунан чала бўлиб қолади. Ҳавола бўлаклар эса автосемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда ҳам мазмунан нисбий мустақиллигини сақлай олади, мазмунан чала, нотўлиқ; бўлиб қолмайди.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг айримларида бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ўзи билан чегараланмайди. Бу ҳавола бўлак билан мувофиқ келувчи бошқа бир ҳавола бўлак эргаш гап таркибида ҳам мавжуд бўлади. Бош ва эргаш гаплардаги бу ҳавола бўлаклар савол-жавоб тарзидаги доимий қаршилантириш (сопозиция) ни ташкил этади ким — у, ким — ўша, кимлар — улар, нима — ўша, нима — шу, нима — у, қанча — шунча, қандай — шундай, нечта — шунча, қанчалик — шунчалик, қаер — шу ер, қай томон — шу томон каби. Ана шу ҳавола бўлаклардаги қаршилантиришга кўра бош ва эргаш гаплар ўртасидаги алоқа табиатида ҳам ўзига хослик юзага келади. Масалан: Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради. Даерда интизом бўлса, у ерда муваффақият бўлади. Бу гаплардаги -тобеллик алоқаси бошқа эргаш гапли қўшма гаплардагидая фарқли ўлароқ, икки ташаббуслар, яъни «алоқа йўналиши эдгаш гаплардан бош гапларга, айтилишида бош гаплардан эргаш гаплар томон ҳаракат (қилади)»<sup>1</sup>. Тобе алоқанинг ўзига хос бу тури турли тилшунослар томонидан турлича шимланган. Улар орасида дастлаб А. М. Пешкойокий томонидан тавсия этилган «взаимное подчинение», яъни «ўзаро тобеланиш» атамаси<sup>2</sup> ҳодиса моҳиятини аниқ акс эттирди.

Ўзаро тобеланишли эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап олдин, бош гап эса кейин келади. Эргаш гап таркибидаги ҳавола бўлак умумлашган сўроқ маъносида (ким, нима, қанча, қандай, қаер каби), бош гап таркибидаги ҳавола бўлак эса шу сўроққа умумий жавоб маъносида (у, ўша, шунча, шундай, ўша ер каби) бўлади<sup>3</sup>. Бунда эргаш гапнинг предикати шарт эргаш гапнинг предикати каби шарт майлидаги феъл (ёки баъзан шарт маъносига эга бўлган бошқа феъл: масалан, -р экан) орқали ифодаланган бўлади, лекин ундаги шарт маъноси кучсизланган бўлиб, бу шакл мазкур ҳавола бўлаклар билан биргаликда бош ва эргаш гапларни боғловчи восита вазифасини бажаради. Айтилишида ҳавола бўлаклар шарт маъносини хиралаштиради, шунинг учун ҳам ўзаро тобеланишли, демак, ҳар ик-ки қисмида ҳам ҳавола бўлаклар мавжуд бўлган эргаш

гапли қўшма гаплар сирасида шарт эргаш гапли қўшма гаплар йўқ. Агар имкон бор ўринларда ҳавола бўлақлар тушириб қолдирилса, гаптаги шарт мазмуни яққол юзага чиқади ва гап шарт эргаш гапли қўшма гапга айланади. Диёсланг: Ким меҳнат қилса, у роҳат кўради (эга эргаш гап). — Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан (шарт эргаш гап). Қаерда иитизом бўлса, у ерда муваффақият бўлади (ўрип эргаш гап). Интизом бўлса, муваффақият бўлади (Шарт Эргаш гап)<sup>4</sup>.

Г. Вердиалиев А. Координатив алоқа ва унинг хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1984, 3-сон, 21-6.

2. П е ш к о в с к и й А. М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. М.: Учпедгиз, 1956, с.467—468.

3. А с қ а р о в а М. А. Способи подчинения и типи придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД, Тагакент, 1963, с.64.

4. Асқарова М. А. Кўрсатилган асар, 64-6.

Аммо таъкидлаш лозимки, ҳавола бўлак фақат гапдагина мавжуд бўлганда, ҳавола бўлакнинг тушириб қолдирилиши эргаш гап турининг ўзгаришига олиб келмайди. Қиёсланг: Толиб ака шуни билиб қўйсинки, Ақром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди. — Толиб ака билиб қўйсинки, Ақром Саиднинг ҳам очерки журналда чиқмайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам тўлдирувчи эргаш гап мавжуд,

Иккинчи ҳолатдаги, яъни бош гапдаги ҳавола бўлаги тушиб қолган гапларни ҳам ҳавола бўлакли бош гап сифатида қараш мадоадга мувофиқ, чунки ҳавола бўлак бундай ҳолларда қўлланмаганда ҳам унинг синтактик ўрни очик эканлиги аниқ сезилиб туради. Одатда бош гапдаги ҳавола бўлатсининг тушиб қолиши, асосан, эга ва тўлдирувчи эргаш гапли (қўшма гапларда кузатилади. Гапдаги предикат ифодасининг кучли сиитагматик валентликлари кўпинча ана шу бўлаklar — эга ва тўлдирувчи билан беркилади. Ана шунинг учун ҳам бош гапдаги эга ва тўлдирувчи вазифасида келган ҳавола бўлаklar қўлланмаганда ҳам барибир, унинг борлиги англанади, истаган пайтда уни тиклаш мумкин.

Эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи эршш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлакли гаплар ҳисобланади, уларда баъзан бош гапда, баъзан ҳам бош, ҳам эргаш гапда ҳавола бўлак мавжуд бўлади. Ўлчов-даража, пайт ва ўрин эргаш гапли қўшма гапларнинг маълум қисмида ҳам йкки ҳавола бўлак (ҳам бош, ҳам аргаш гапда) мавжуд бўлади. Натижа эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлак, асосан, бош гапда бўлади. Қолган барча эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлаксиз гаплардир.

Энди эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бир мазмуний-таркибий турини алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

## ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Эга эргаш гапли қўшма гапларда асосан икки хил табиатли мазмуний муносабат ифодалайди. Ана шунга кўра бундай қўшма гапларнинг шаклий жиҳатдаи ҳам икки кўриниши мавжуд, яъни бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли: Шуниси муҳимки, дўстларимиз ғалаба қилди; Мусобадада ким ғолиб чиқса, ўгаа мукофотланади. Айтиб ўтилганидай, ҳавола бўлак вазифасида олмошлар ёки табиатан олмошларга яқин сўзлар келади. Айни турдаги қўшма гапларда ҳавола бўлак эганинг ўрнида бўлади.

Айтилган иккала эргаш гапли қўшма гап кўринишларидан олдин биринчисини таҳлил қилайлик. Биринчи қўшма гапда бош гап (Шуниси муҳимки) эргаш гап (дўстларимиз ғалаба қилди) дан олдин келган. Бош гапдаги эга ўрнидаги ҳавола бўлак шу кўрсатиш олмоши билан ифодаланган. Мазмуний жиҳатдан олиб қаралса, қўшма гапда фақат бир денотатив воқеа ифодаланган. Табиийки, қўшма гап икки (ёки ундан ортиқ) воқеа ифодаси учун хосланган шакл, демак, мазкур қўшма гапда икки воқеа ифодаланиши керак. Гапда, ҳақиқатдан ҳам, вдкинчи «воқеа» ҳам бор, лекин тасаввур этилаётган бу иккинчи «воқеа» денотатив воқеа эмас, балки модус «воқеа» дир. Бу модус «воқеа» алоҳида, яъни бош гап орқали ифодаланган. Мазкур қўшма гапда бош гап асосий воқеани эмас, балки модусни ифодалаганлиги учун мазмуний-функционал номувофиқлик, икки денотатив воқеа эмас, балки бир денотатив воқеа ифодаланганлиги учун эса мазмунийсинтактик номувофиқлик юзага келган. Кўриниб турибдики, қўшма гап қисмлари ўртасидаги муносабат мазмунан модус ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабат. Айни чоқда модус ифодаланган бош гапдаги эга ҳавола бўлак бўлиб, у мазмунан бўш, яъни денотатив воқеа ифодачиси бўлган эргаш гапга ишора қилиш баробарида мазмунга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у бош гапдаги предикатнинг мазмуний валентлигига мувофиқ қўлланиши лозим бўлган номинатив воқеадан иборат субъектнинг ўринбосаридир, зеро кўрсатиш олмошлари аниқ, предметни ҳам, ҳар қандай воқеани ҳам кўрсатиши, уларга ишора қилавериши мумкин. Бундан яна шуни таъкидлаш мумкинки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг айни турида бош гапнинг предикати вазифасида муҳим, ажабланарли, қизик, аниқ? яхши, ёмон? бор, маълум, маълум бўлмақ,

англашилмоқ, эга тушмоқ, келиб чиқмоқ каби модал (кенг маънода) маъноли сўзлар келади. Бундай сўзларнинг субъект валентлиги кўпроқ номинацив воқеа ифодасини тақозо этади. Қиёс: китоб муҳим ~ китобни ўқиш муҳим; Аҳмад аниқ (?) — Аҳмаднинг келганлиги аниқ.

Агар модусни нутқий алоқада алоҳида таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, яъни модусни гап шаклида ифодалашга ҳожат бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси бўлган эргаш гап бош гапдаги ўзининг мантиқий ўрни—ҳавола бўлак (эга) ўрнини эгаллайди ва гап содда гапга айланади: Шуниси муҳимки, дўстларимиз ғалаба қилдн— дўстларимизнинг ғалаба қилганлиги муҳим.

Айтиш (мумкинки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг бу турида модус «воқеа» ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабат акс этади. Бунда модус «воқеа» субъект мазмунига кўра чала бўлади, денотатив воқеанинг модус «воқеа» ичига мантиқан субъект сифатида киришига кўра мазмуний алоқа юзага келади. Муайян денотатив воқеага нисбатланган модус ёки модал мазмун кучли таъкид ифодалана олади.

Қуйидаги мисоллар ҳам айtilган фикрларни далиллайди: Бу ернинг шуниси яхшики, қаҳвани тунука чойнакда эмас, инглиз жезвесиди қайнатишади (А. Мухтор). Анварга шуниси қизиқ туюлдик, бу ерда... ҳамма дарахтлар бир чизик устида саф туради (А. Қодирий). Бир нарса аниқки, аҳвол ёмон... (А. Мухтор).

Баъзан бош гапда эга вазифасидаги ҳавола бўлак тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу туркий тиллардаги, хусусан, ўзбек тилидаги гап қурилишининг хусусияти, яъни шаклан ифодаланмаган эганинг косимидаги тегишли қўшимчалар орқали англонавериши билан изоҳланади. Бунинг устига, эга ифодаланган тақдирда ҳам, бундай эргашган гапларда у номинатив воқеа ифоддсининг ўринбосари, холос, ҳақиқий номинатив воқеа эса эргаш гап орқали ифодаланган, бу ифода айни қўшма гапнинг ичиди. Шундай экан, бош гапдаги эганинг йўқлиги фақат шаклан билинади, холос, мазмунан эса мутлақо сезиларли эмас. Мана шунинг учун ҳам бош гапдаги эга вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланганда ҳам, ифодаланмаганда ҳам эргаш гапли қўшма гапдаги мазмуни муносабатида сезиларли ўзгариш бўлмайди. Аввалги ҳолат учун айтиб ўтилган мазмуний хусусиятларнинг барчаси бу ҳолатда ҳам сақланади. Қуйидаги мисолларда буни тўла кўриш мумкин: Бу саволлардан маълум бўлдики, айбнома уйдирма эмас... (А. Қаххор). Лекин юзидан кўриниб турибдики, масала унга ҳали мутлақо ойдин эмас... (А. Мухтор). Бирдан эсимга тушдики, ҳозиргача исмини сўрамабман. (А, Мухтор). Ўзингга аёнки,... мен бир қочоқман (Ё. Яқвалхўжаев).

Бундай қўшма гапларда баъзан бош гапнинг фақат кесимнигина сақланиб, қолган бўлақлар тушиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда кесим вазифасидаги сўзнинг модал маънони ифодалаш хусусиятига кўра бош гап кириит сўз мақомини олади ва демак, қўшма гап содда гапга айланади. Бу гапдаги мавжуд мазмуний-синтактик номувофикликнинг йўқолишига олиб келади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Маълумки, тил кишилар ўртасидаги алоқа воситасидир. Шубҳасизки, ҳақ сўз ҳамиша ғалаба қилади. Табиийки, мен, йигит киши... жиддий тус олишим керак (А. Мухтор). Қизиқки, ишнинг барбод бўлганига Собиржоннинг ўзи ҳам амин бўлди (А. Мухтор),

Эга эргаш гапли қўшма гапларнинг таҳлил этилган бир ҳавола бўлакли турида (мазмуний бағланиш жуда зич, бу бағланишни таъминловчи шаклий воситаки узвидир, лекил ҳавола бўлакнинг бундаги муайян иштирокини ҳам таъкидламоқ лозим. Чунки айни (қўшма гап қисмлари орасидаги бағланишнинг синтактик механизмида бу бўлак асосий ўрин тутди. Бу фикрни ҳавола бўлак тушиб қолган ҳолатлар учун ҳам айтиш мумкин чунки эга вазифасидаги бу бўлак қўлланмаганда ҳам, предикатнинг субъект валентлигига кўра зганинг синтактик ўрни (бўш бўлса ҳам) билиниб туради.

Эга эргаш гапли қўшма гапнинг иккинчи кўриниши — икки ҳавола бўлакли турини кўрайлик: Мусобақада ким ғолиб чиқса, ўша мукофотланади. Бу гапда бош гап (ўша мукофотланади) эргаш гап (Мусобақада ким ғолиб чиқса) дан кейин келган. Кўриниб турганидай, ҳар икки гапда ҳам ҳавола бўлак бўлиб, улар ким ва шунга

мувофиқ ўша сўзлари билан ифодаланган. Ана шу бири иккинчисига (мувофиқ келувчи ҳавола бўлакнинг мавжудлиги, шунга кўра ўзига хос синтактик механизмга кўра (ўзаро тобеланиш) икки гап жуда зич боғланган. Мазмунан олиб қаралса, кўшма гапда икки ўзаро боғланган денотатив воқеа ифодаланган. Бир қарашда -са кўшимчаси ва унинг маъносига кўра бу икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат шаргг муносабатидан иборат, яъни биринчи воқеанинг амалга ошиши ўз-ўзидан иккинчи воқеани келгариб чиқаради. Аммо давлат билан қаралса, мазкур шарт маъноси иккинчи ўринга сурилган. Бу шу билан боғлиқки, иккала денотатив воқеа табиатан ҳар хил эмас. яъни биринчи воқеа субъект жиҳатидан умумлашган мавҳум, иккинчи воқеа эса субъект жиҳатидан биринчи воқеа билан нисбатланган ҳолда аниқ. Демак, воқеалар мазмуни тенг эмас. Айни пайтда бош ва эргаш гаплардаги эгалар ўртасида мазмуний-синтактик мувозийлик бор. яъни умуман, ким ва ўша олмошлари айни матнда деярли бир денотатив ишорага эга, фақат бу ишора уларнинг бирида савол билан «ўралган», иккинчисида эса саволсиз. Қиёсланг: Мусобақада ким ғолиб чикса, ўша мукофотланади гапида «ғолиб чиқиш» ҳаракатини ҳам; «му-кофотланиш» ҳаракатини ҳам бир субъект бажарадд. Ёки: Мусобақада Аҳмад ғолиб чикса, Аҳмад мукофотланади. Бош гапда ифодаланган денотатив воқеа субъектнинг тавсифли, демак, таъкидли ифодасига нутқий алоқада зарурият бўлмаса, эргаш гапдаги денотатив воқеанинг субъекти таъкидланган мувозийликка кўра матндан чиқариб юборилади ва айни денотатив воқеа номинатив шаклда бош гапдаги денотатив воқеанинг субъектк сифатида англанади, бу ҳолда (кўшма гап содда гапга айланади: Мусобақада ким ғолиб чикса, ўша мукофотланади — Мусобақада ғолиб чиққан мукофотланади.

Бундай эргаш гапли кўшма гапларда бош гапдаги кесим вазифасида келадиган сўз маъно жиҳатидан чегараланган эмас, бу вазифада турли маъноли сўзлар келиши мумкин.

Айтиш керакки, бундай кўшма гапларда икки нотенг табиатли денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ифодаланади. Айтилганларни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: баъзан эргаш гапдаги ҳавола бўлак -ки узви билан ҳам қўлланиши мумкин, у таъкид учун хизмат қилади: Ким нафсини тиймаса, у тўғри йўлдан ҳам сирғанар (Мақол). Ким ўзига қасд айласа, у иблисга хизматкор. Кимки иккиланувчиларга ёрдам қилишни истар экан, у аввало ўзининг иккиланишига барҳам беришдан иш бошлаши керак («Ақл ақлдан қувват олар»), Кимки тақдирга тан берса, ҳаёт тўлқинида ғарқ бўлиб кетади (О. Ёкубов).

Баъзан бош гапдаги ҳавола бўлак қўлланмаслиги ҳам мумкин. Бунда икки ҳавола бўлакли эргашган кўшма гап бир ҳавола бўлакли кўшма гапга айланмайди. Чунки ҳавола бўлакнинг эгадан иборат синтактик ўрни барибир билиниб туради. Бунинг устига бош гапдаги эганинг ифодаланмаганлиги фақат шаклан холос, мазмунан эса эганинг бевосита ифодаланмаганлиги сезилмайди, чунки эргаш гапдаги денотатив воқеа маъмунан бош гапнинг эгасига нисбатланади. Ана шунинг учун ҳам олдинги ҳолатдаги, яъни бош гапда ҳавола бўлак шаклан ифодаланганда эга эргаш гапли кўшма гапга хос бўлган мазмуний хусусиятларнинг барчаси бу ҳолатда ҳам сақланаверади. Қуйидаги гаплар буни далиллайди: Ким самоварчилик қилишимга тўсқинлик қиладиган бўлса, менинг душманам бўлади (А. Қаҳҳор). Кимки ошиқдур жаҳонда, Шеърга бўлғай мубтало (Э. Воҳидов). Кимки бировга ёмонлик қилса, шу дунёнинг ўзидаёқ жазосини кўради. («Ҳадислар»дан). Кимки... аламларини ичига ютса, дардга чалинади (Саид Аҳмад).

Айрим ҳолларда бош гапдаги денотатив воқеа бир пайтнинг ўзида еубъект жиҳатидан умумлашган бирдан ортик деиотатив воқеа билан алақага киришиши мумкин. Бундай ҳолларда эргаш гапли кўшма гапда бирдан ортик эргаш гап иштирок қилади: Кимки халқ бахт-саодатига қўл кўтаришга журъат этса, кимки омма ўртасида хурофот ва миллатчилик уруғини сочишни хаёл қилса, кимки Ватангизга зиён-заҳмат етказишни ўйласа, янчиб ташланади (К. Яшин).

Ҳавола бўлақлар сифатида фақат шахс билан алоқадор бўлган ким—шу, ким—у, ким—ўша кабилидаги қаршилантирилган олмошларгина иштирок этмайди, шахс



маъносига эга бўлмаган нима—шу, нима—ўша, нима нар са — ўша нарса каби қаршилангиришлар ҳам келавериши мумкин: Нима нарса кўп бўлса, ўша нарса хор бўлади (Мақол). Қозонга нима тушеа, чўмичга ҳам ўша чиқади (Мақол).

Юқорида айтиб ўтилдики, икки ҳавола бўлакли эга эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гаплардаги ҳавола бўлақлар мазмуний-синтактик мувозийликка эга, яъни улар қўшма гапнинг ҳар икки қисмида эга синтактик ўринни эгаллаган. Аммо бу мутлақ доимий ҳолат эмас. Баъзан бу мувозийлик бузилиши ҳам мумкин. Бунда бош гапдаги ҳавола бўлақ эга вазифасида бўлгани ҳолда эргаш гапдаги унга мувофиқ келувчи ҳавола бўлақ бошқа синтактик ўринни, хусусан, кўпврок тўлдарувчининг ўрини эгаллаган бўлади. Лекин бу денотатив воқеалар ўртасидаги мазмуний муносабатларнинг табиатига сезиларли таъсир қилмайди. Масалан, Биз нима кўрсатсак, меҳмонга шу маъқул бўларди гапида бош гапдаги ҳавола бўлақ—шу эга вазифасида, эргаш гапдаги ҳавола бўлақ — нимани эса тўлдирувчи вазифасида келган, яъни ҳавола бўлақлар мазмуний-синтактик мувозийликка эга эмас. Бу, албатта, бош ва эргаш гаплардаги предикатлар (маъқул бўлмоқ, кўрсатмоқ) нинг валентликларида мутаносибликнинг йўқлиги (масалан, маъқул бўлмоқнинг воситаса объект валентлиги йўқ, кўрсатмоқда эса шундай валентлик бор) билан изоҳланади. Мазмуний муносабат эса айни гапда аввалги (кўрилган гаплардагидан деярли фарқ ишлмайди. Яна киёсланг: Мирвали яна ниманики тахмин қилса, (ўша) тўғри чиқади (Саид Аҳмад). Инсон нимагаки эришалмаса, ўша нарса азиз туюлади (Ў. Ҳошимов).

Ниҳоят, шуни таъкидламоқ лозимки, эга эргаш гапли қўшма гапларнинг бир ҳавола бўлакли кўринишида бош гап эргаш гапдан ажратиб олинганда, маънога эга бўлолмайди, чунки днинг таркибида аниқ маънога эга бўлмаган ҳавола бўлақ бор. Лекин улардаги эргаш гап бош гапдан ажратиб олинганда ҳам маънога эга, бошқача қилиб айтганда, унда денотатив воқеа ифодаланган, бош гапда эса бор-йўғи модус ифодаланган. Эга эргаш гапли қўшма гапларнинг икки ҳавола бўлакли кўринишида эса бош гап ҳам, эргаш гап ҳам алоҳида олинганда, маънога эга бўлолмайди, чунки ҳар икки гапда ҳам ҳаволи бўлақ мавжуд. Бунинг устига бундай қўшма гап қисмлари ўртасида бир томонлама эмас, балки икки томонлама тобеланиш, яъни ўзаро тобеланиш бор.

## КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Кесим эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам ифодаланган мазмун муносабатининг табиатига кўра икки хил кўриниши фарқланади, яъни 1) бир ҳавола бўлакли ва 2) икки ҳавола бўлакли қўшма гаплар: Энди сизларга муборак топшириқ шуки, ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз (М. Мансуров). Сен нима бўлсанг, бизам шу (Ш. Холмирозаев, Т. Усмонов).

Биринчи тур кесим эргаш гапли қўшма гаплар жуда кенг тарқалган. Келтирилган мисолда бош гап (Энди сизларга муборак топшириқ шуки) эргаш гапдан (ҳар бирингиз алоҳида-алоҳида йўлга отланасиз) олдин берилган. Бош гапдагина ҳавола бўлақ бор, у шу олмоши билан ифодаланган бўлиб, кесим (синтактик ўрини эгаллаган. Мазмуний жиҳатдан олиб қаралса, қўшма гапда икки денотатив воқеа ифодаланган. Аммо бош гапда ифодаланган денотатив воқеа алоҳида олинганда «чала» яъни предикат жиҳатдан мавҳум. Бу мавҳумлик эргаш гапдаги денотатив воқеа билан алоқадорликка кўра йўқолади, яъни бош гапдаги денотатив воқеанинг иредикати эргаш гапдаги денотатив воқеа билан тенг. Бошқача қилиб айтганда, бир денотатив воқеа (бош гапдаги) иккинчи денотатив воқеа (эргаш гапдаги) ни мазмунан бевосита ўз ичига олади. Демак, денотатив воқеалар ўртасидаги муносабат-алоқа жуда зич. Бу ўринда яна бир нарсанн таъкидламоқ жоизки, бундай кесим эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги кесимнинг шу қабилидаги ҳавола сўзлар билан ифодалашш ички бир заруриятдир. Чунки бош гапдаги субъект ифодаси бўлган эга вазифасида топшириқ, одат, оқибат, шарт, сир, эътиқод, жиҳат, боис, гап, қизиғи, тўғриси, муҳими каби сўзлар келадикки, бу сўзларнинг

мазмуний тавсифи кўпроқ денотатив воқеани тақозо этади, лекин денотатив воқеа ифодасини айна субъектларга нисбатланадиган предикат ифодаланадиган ўринга ҳамиша ҳам қўйиш мумкин эмас. Ана шунинг учун ҳам айна мақсад ва мазмун учун шу кабилидаги ҳавола бўлак жуда қулай. Бунинг устига ҳавола бўлак мавжуд бўлганда, мазмун қисмлари алоҳида таъкид олади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўлаганнинг қаншарига мушт тушди (А. Қаҳҳор). Таниганимнинг боиеи, шуки, бизнинг ҳовлимиз билан Шарофат аммамнинг ҳовлиси ўртасида эшик очилган эди (Ғ. Ғулом). Аммо урушнинг таомили шулки, бундай вақтда душманга озуқа берилмаслиги керак (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов).

Таҳлил этилаётган кесим эргаш гапли қўшма гап турида ҳавола бўлак вазифасида, асосан, шу олмошининг қўлланганини таъкидлаш ўринлидир. Баъзан бу олмош шунда шаклида ҳам, шундан иборат шаклидаги бирикма таркибда ҳам келади: Муаллифнинг усталиги шундаки, у ўз қаҳрамонига қайтарилавериш сийқаси чиққан расмий саволлар бермайди (Ф. Мусажонов). «Синчалак»да этган гоёнинг қудрати шундаки, у кейинчалик жамиятимизга катта зарар келтирган бу касалдан огоҳ бўлишга чакиради (М. Қўшжонов). Фожиали томони шундаки, худди ўша хоин ва иккиюзламачилар эндиликда элга йўл кўраётиб, ўзларини даҳо санаб юришибди (Н. Қобул). Бу ҳолатда ҳам денотатив воқеалар ўртасидаги муносабатда сезиларли ўзгариш бўлмайди.

Аммо бош гапнинг эгаси вазифасида қизиги, тўғриси, очиғи, қувончлиси, яхшиси, ёмони каби модаллик, баҳо мазмунига эга бўлган сўзлар келганда, бош гапдаги денотатив воқеа модус «воқеа» мақомини олади, қўшма гап фақат эргаш гапда ифодаланган бир денотатив воқеа ифодачисига айланади. Қўшма гапнинг (мазмунни модус «воқеа» ва денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат бўлади. Бунинг натижасида бош гапнинг мазмунан «камбағаллашуви»га кўра қўшма гапда мазмуний-функционал номувофиқлик, денотатив воқеанинг иккита эмаслигига кўра мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келади. Бунда, модус, албатта, таъкидли ифодага эга бўлади. Қуйидаги мисоллар буни далиллайди: Қизиги шундаки, шу кўринишига овози мулойим эди (Ф. Мусажонов).

Энг қизиги шуки, ўзбошимча ҳақпарастларнинг жазосини Насриддиновнинг ўзи бермас эди (С. Сиёев). Аммо қувончлиси шундаки, кўпчилик материаллар шу куннинг талабига жавоб беради (Ф. Мусажонов). Керати шуки, ана шу миққийни ҳам боқиш керак (Ғ. Ғулом). Бунинг қизиқарли жойи шунда эдики, нотаниш мусофир йигит шаҳаншоҳга ўхшаш эди («Тошкент оқшоми»). Кўриб ўтилганидай, бир ҳавола бўлакли кесим эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи восита ҳамиша -ки дир.

Гап шундаки шаклидаги бош гап кесим эргаш гапли қўшма гаплар таркибида жуда кўп қўлланади, у анчайин турғунлашган, шунинг учун ҳам бундай синтактик тизим шаклан айна қўшма гапда бош гап бўлсада, у ҳозирда мазмунан «камбағаллашиб», айна гапни олдинги гап билан ююкловчи воситага айланган. Бундай бош гапда ҳам денотатив воқеа ифодаланмайди, балки у маълум даражада модус ифодачисидир, у ҳам боғлаш воситаси, ҳам таъкид учун хизмат қилади. Мисоллар: Гап шундаки, бу саволлар Собиржоннинг ўз дилида ҳам қалашиб ётибди (А. Мухтор). Гап шундаки, оқсоқол, янги ҳукуматга қарши жанг қилишдан фойда йўқ экан (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). Гап шундаки, Никкел сени ёмон кўради (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). Гап шундаки «Атлантида» лайнери яна бир соатдан кейин Буэнос-Айресга жўнайди (О. Юиусов). Форс тилида ҳам шундай турғун тизим бор, лекин у боғловчига айланиб бўлган ва ҳол онки — ваҳоланки. У ҳам аслида бош гап (қўшма гапда) бўлган. Боғловчи шаклида бу сўз ўзбек тилига ҳам ўтган. Ўзбек тилидаги ҳолбуки зидловчи боғловчиси ҳам аслида ана шу ваҳоланкига ўхшатиб, унинг таржимаси сифатида юзага келган. Уни ҳам аслида қўшма гап таркибидаги бош гап тарзида (Ҳолбуки, ҳамма ишга тушиб кетди) тасаввур қилиш мумкин. Лекин у яхлит тасаввур қилинади; у зичловчи боғловчи: ...Йиғлаш сенинг ҳаққинг эмас, менинг ҳаққим, ҳолбуки мен йиғламайман (А. Қодирий).

Баъзан бош гап тўлиғича кириш иборалар мақомини олиши мумкин: Аввало

шуки, одоб керак (Ғ. Ғулом). Бу, айниқса, бош гапнинг ҳавола бўлақдан иборат кесми тушиб қолганда, жуда аниқ бўлади: Гапнинг очиги, энди яшашга у қадар ишқибоз ҳам эмашан (Н. Қобул). Тўғриси, журналистларга унчалик эътиқодим йўқ (Н. Қобул) Энг муҳими ўзингизни ёмонотлик бўлишдан асранг (Н. Қобул).

Энг даҳшатлиси, бу қўлёмаларни ўқийдиган одамларнинг ўзи йўқ (Н. Қобул).

Кесим эргаш гапли қўшма гапнинг Сен нима бўлсанг, бизам шу қабилидаги икки ҳавола бўлакли турига келсак, бу тур у қадар кенг тарқалган эмас. Бундай гаплар аслида қўшма гапларнинг (бюшқа тур (аниқловчи, ўррш. ўлчовдаража каби)ларидаги синтактик жараёнлар натижасида юзага келган. Мазкур гапда бош гапнинг кесими шу ҳавола бўлаги билан, эргаш гапнинг кесими эса нима бўлсанг ҳавола бўлаги билан ифодаланган. Аслида бош гапнинг кесими ҳам шу бўламиз шаклида бўлиши керак, лекин бўлмоқ ҳар икки ўринда ҳам (нима бўлсанг — шу бўламиз) ёрдамчи феъл бўлгани учун кейинги ўринда тушиб (қолган. Эргаш гапдаги нима (бўлсанг) ҳавола бўлаги билан бош гапдаги шу ҳавола бўлаги бир-бирни тақозо этади, ўзаро тобе алоқа юзага келган. Эга эргаш гапли қўшма гапларнинг тегишли тугридаги каби икки нотенг денотатив воқеа ўртасидаги муносабат айна қўшма гапнинг мазмунини ташкил этади. Бир уимумлашган (предикатга кўра) денотатив воқеа иккинчи бир предикат жиҳатда аниқ бўлмаган денотатив воқеанинг ичига предикат сифатида киради. Шунини айтиш керакки, ҳар икки денотатив воқеанинг предикати барибир аниқ айтилмайди, лекин тингловчи учун умумий тарзда идрок этиладиган бўлади. Қуйидаги гапларда ҳам бунини кўриш мумкин: Сотиб олинган қул қандай бўлса, у ҳам бизга шундай эди (Ойбек). Ким ишласа, ер ўшаники (А. Мухтор) Ольга Петровна қаерда бўлса, ўғил ва қизлар шу ерда эди (М. Исмоилий). Бундай ҳолатдаги дўшма гаплардаги муайян синтактик сурилишнинг борлиги уларни кесим эргаш гапли қўшма гаплар сифатида талқин этиш имконини беради. Масалан, охириги мисолдаги қаерда — шу ерда қаршилантиришидаги ҳавола бўлақлар одатда ўрин эргаш гапли қўшма гапларга тегишли, аммо шу ерда бирикмаси айна гапда кесим синтактик ўрнида, эди тўлиқсиз феъли ўзи мустақил кесим бўла олмайди. Унинг ўрнида бошқа тўлиқ феъл бўлганда, у кесим бўла оларди ва шу ерданинг синтактик мақом ҳол бўларди. Унда қўшма гапни ўрин эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳолаш тўғри бўларди. Лекин мазкур ўринда шундай эмас. Шунинг учун бундай ҳолатларни кесим эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Лекин айрим тадқиқотчилар бундай қилмайдилар. Мазкур гапларни кесим эргаш гап сифатида эмас, балки ўрин эргаш гап деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>.

Айтиш керакки, кесим эргаш гапли қўшма гапларнинг биринчи турида бош гап алоҳида олинганда маънога эга эмас, эргаш гап иккинчи турида эса илгари айтилган ўзаро тобеланишга кўра эса маънога эга, ҳар икки қисм ҳам алоҳида олинганда маънога эга эмас.

## ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ифодаланадиган мазмуний муносабатнинг табиатига кўра тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам икки хил кўриниши фарқланади, яъни 1) бир ҳавола бўлакли ва 2) икки ҳавола бўлакли: Аҳмаджон... фақат шуни биладикки, немислар бу тепаликни ҳаддан ташқари ўққа

<sup>1</sup> ҒуломовА., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 214-6.

тутди. (А.Қахҳор). Шўро нимани талаб қилса, шуни бажариб юрди (Ш, Холмирзаев, Т.Усмонов).

Бир ҳавола бўлакли тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда ҳавола бўлақ тўлдирувчи вазифасида фақат бош гапда мавжуд бўлади ва у асосан шу олмоши орқали ифодаланади. Бу ҳавола сўз -ки узви билан биргаликда бош гапни эргаш гап билан боғловчи восита вазифасини ҳам бажаради. Келтирилган гапда бош гап (Аҳмаджон

фақат шуни биладикки) эргаш гап (немислар бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутди) дан олдин келган. Албатта, бу кўринишдаги қўшма гаплар учун бу доимий ҳолатдир. Бош гапдаги ҳавола бўлак, кўриниб турганидай, воситасиз тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллаган. Бу воситасиз тўлдирувчи ҳавола бўлак сифати-да мазмунан эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеага ишора қилади, мантиқан уни бош гапга олиб киради. Бош гапда эса денотатив воқеа эмас, балки модус «воқеа» ифодаланган. Бошқача қилиб айтганда, айна қўшма гапда фақат битта денотатив воқеа ифодаланган, иккинчи «воқеа» эса бу воқеани тавсифловчи модусдир. Модуснинг алоҳида, таъкидли ифодалаш зарурияти мазкур воқеа ифодаси учун содда гап эмас, балки қўшма гап шаклининг танланишига олиб келган. Мазкур қўшма гапнинг мазмуни эса, демак, денотатив воқеа билан (модус «воқеа» ўртасидаги муносабатдан иборат. Агар модусни таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси модус «воқеа» ифодасининг ичига шаклан киритилади (аслида мазмунан ва мантиқан ичида) ва бунда мазкур синтактик тизим шаклан содда гапга айланади: Аҳмаджон фақат немисларнинг бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутганлигини билди. Бу тилдаги тил воситаларини тежаш моятсининг амал қилиши натижаси бўлади. Аммо келтирилган қўшма гап тилдаги ортиқчалик моятсининг амал қилишига кўра шаклланган. Шунинг учун ҳам мазкур қўшма гапда ҳам мазмуний-функционал (грамматик гап бош мазмунан «камбаиал»), ҳам мазмуний-синтактик номувофиклик бор. Лекин бу ҳам нутқий алоқадан кузатилган мақсад билан алоқадор бўлган заруриятдир.

Қуйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайди: Шуни яхши билиб қўйгинки, сен суянган тоғнинг таги нураб қолган (Саид Аҳмад). Шу нарсани эсдан чиқармангки, одам-одам билан учрашади, тоғ-тоғ билан учрашмайди (Ойбек). Ахборотингиз учун шуни айтиб қўяйки, аллақачон уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган (О. Юсупов). Ҳавола бўлак вазифасидаги сўз фақат воситасиз тўлдирувчи ўрнидагина эмас, балки воситали тўлдирувчи ўрнида бўлганида ҳам, айтилган мазмуний хусусиятлар тўлалигича сақланаверади. Тайинки, ҳавола бўлакнинг воситасиз ёки воситали тўлдирувчи синтактик ўрнида бўлиши айна бош гапдаги кесим ўрнинг эгаллаган феъл (ёки бошқа туркум)нинг маъноси, валеятлиги билан боғлиқ. Мазмуний грамматикада объектли ва объектсиз феъллар фарқланади. Бош гапнинг қисми вазифасида объектсиз феъллар келганда, ҳавола бўлак воситали тўлдирувчи ўрнида бўлади: Биз шунга аниқ ишонамизки, миллатлараро низолар яхшиликка олиб келмайди. Мен шундан кўрқаманки у бу ишни охирига етказишн қийин.

Бундай тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида келадиган сўзлар маъно жиҳатдан модус ифодаси учун мос келадиган сўзлар бўлади. Бу вазифада кўпроқ билмоқ, кўрмоқ, айтмоқ, таъкидламоқ, эсда тутмоқ, эсдан чиқармоқ, пайқаммоқ, ишонмоқ, кўрқмоқ, фаҳмламоқ, тушунмоқ, огоҳ бўлмоқ, ўйламоқ, сезмоқ, қарор қилмоқ, аниқламоқ, тан бермоқ, ҳис этмоқ, мўлжалламоқ, шубҳаланмоқ каби ҳис-сезги, идрок, нутқий ва фикрий фаолиятни билдирувчи сўзлар келади. Бундай маънолар модус «воқеа» ифодаси учун жуда мувофиқ келади. Бу ўринда яна таъкидлаш керакки, айтмоқ, демоқ, хабар қилмоқ каби сўзлар бош гапда кесим бўлиб келганда ҳам, улар модус ифодаси учун хизмат қилади. Бундай қўшма гапларда В. В. Мартинов ибораси билан айтганда, реал борлиқдаги (ғайрилисоний) воқеа билан бу воқеа ҳақидаги хабар (лисоний) ўртасидаги муносабат аск этади. Бошқа келтирилган феълларнинг маъносида «баҳо», «руҳий ҳолат», «тахмин», «ишонч» каби модаллик узвларининг борлиги кўриниб турибди. Булар ҳам яна шуни кўрсатадики, тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг айна турида бош гап ҳаминиша модусни ифодалайди.

Кўпинча айтмоқ феъли алоҳида эмас, балки бирикма таркибида бош гапнинг кесими вазифасида келади. Бунда айна феъл ҳаракат номи (айтиш) шаклини олиб, керак, лозим, шарт, мумкин, каби модал сўзлар билан бирикмага киришади. Бу модал сўзлар бош гапда ифодаланган «воқеа»нинг модус характерида эканлигини янада таъкидлайди. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Бу ўринда шуни айтиш керакки,

Қаландаровларни ўша давр ҳаёти ярата бошлаган эди (М. Қўшжонов). Аввало шуни айтиш керакки, ижодкорнинг ўзи кўниккан нжодий тамойилларини ўзгартириш мушкул масала (А. Аъзам). Фақат шуни айтишим мумкинки, дарёни куритишга бизнинг Конституциямиз йўл қўймайди (А. Мухтор). Ҳозирча фақат шуни айтганим мумкинки, сафар жиддий, оғир, узоқ ва масъулиятли бўлади (А. Мухтор). Бундай ҳолатдаги бош гаплар кириш ибораларга анча яқин туради. Уларнинг кириш ибораларга мазмунан жуда яқин, ҳатто улар билан бир хил эканлигини айтиш гапларнинг бошида қўлланган аввало, бу ўринда, фақат каби сўзлар алоҳида таъкидлайди.

Бош гапдаги тўлдирувчи вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин унинг ўрни барибир сезиларли, чунки тегишли кесим вазифасидаги сўзнинг валентлиги уни кўрсатиб туради. Шу мазмуний валентлик барибир эргаш гапдаги денотатив воқеага ишора қилаверади ва шу асосда айтиш денотатив воқеага бош гапда ифодаланган модус нисбатланаверади. Демак, бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ифодаланмаслиги қўшма гапдаги мазмуний хусусиятларга таъсир этмайди. Масалан: Мен ўйлайманки, қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари ўзлари... очеркни яна бир муҳокама қилдилар (Ф. Мусажонов). Яхши билар эдимки, шундай сулув қизларбизда жуда сийрак бўлади (Ғ.Ғулом). Шоюсуф ака аниқ ишонадики, ўзининг ўлик-тириги... ўз маҳалла халқларидан ажралмайди (Ғ.Ғулом). Мана шундагина Эргаш фаҳмладики, буваси энди дунёда иўк (А. Мухтор).

Бош гапдаги ҳавола бўлакнинг шаклан ифодаланмаслиги ифодаланган ҳолатларга қараганда кўпроқ учрашини таъкидламоқ лозим. Шу ҳам муҳимки, бош ва эргаш гаплардаги кесим вазифасидаги феъл грамматик жиҳатдан чегараланган эмас, яъни бу феъллар сон, шахс, замон, бўлишли, бўлишсизлик жиҳатидан чегараланмаган. Бош гапнинг кесими бўлиб келадиган феъллар орасида билмоқ, айтмоқ, ўйламоқ, кўрмоқ сўзлари, айниқса, кўп қўлланади. Бош гапда фақат кесимгина сақланиб қолиб, бошқа барча бўлақлар тушиб қолса, бош, гап мазмунан кириш сўз билан тенглашади. Мисоллар: Ўйлайманки юзимизни ерга қаратадиган воқеа юз бермайди (Н. Қобул). Биламанки, ўз оғзи билан ҳеч нарса айтмайди (А. Мухтор), Айтмоқчиманки, очеркларимизнинг қахрамонлари куруқ, ҳис-туйғусиз бўлиб қолишмасин (Ф. Мусажонов). Демокчимаикм, ўқувчини битта қолипга ўргатиб, зериктириб қуймайлик (Ф. Мусажонов). Бундай бўлиши табиий, чунки таҳлил этилаётган қўшма гап турида бош гап ҳамisha модусни ифодалайди, кириш сўз ёки кириш ибора ҳам модус ифодалаш, воситаси. Шунинг учун ҳам бундай бош гап ва кириш сўз ҳамда ибора ўртасида мазмуний чегара йўк.

Лисоний адабиётларда тўлдирувчи эргаш гаплар бош гап билан -ки узвидан ташқари -ми -ку юкламалари воситасида ҳам боғланиши айтилади<sup>1</sup>. Ана шу адабиётлардан бирида шундай дейилади: «Бош гапга -ми юкламаси воситасида боғланиб келган тўлдирувчи эргаш гаплар огоҳлантириш ва таъкид мазмунини англайди. Бундай қўшма гаплардаги -ми юкламаси -ки билан алмаштирилса, қўшма гапнинг мазмунига деярли путур етмайди: Биласизми, ерларимиз Кизилқум билан чегарадош. — Биласизки ерларимиз Қизилқум билан чегарадош<sup>2</sup>. Аввало, «огоҳлантириш ва таъкид» мазмуни объектив мазмуний ёки субъектив мазмунми? Албатта, у субъектив мазмун, яъни объектив мазмунига сўзловчининг муносабати нуқтаи назарини ифода этади. Биз таъкидладикки, тўлдирувчи эргаш гапларнинг бу турида асосан, фақат бир объектив мазмун - денотатив воқеа мавжуд бўлиб, у ҳам эргаш гапда ифодаланади. Бош гапда эса ана шу денотатив воқеага тегишли модус — сўзловчининг муносабати ифодаланади, демак, огоҳлантириш, таъкид маъноси эргаш гапда эмас, бош гапда ифодаланиши мумкин. Бунинг устига таъкид маъноси боғловчи восита -ми юкламаси эмас, балки -ки узви бўлганда англашилади. Қолаверса, қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларнинг мазмуний муносабатнинг ифодаланишидаги беқиёс аҳамияти олдинроқ кўрсатиб ўтилди, шундай экан, -ми юкламаси -ки билан алмаштирилганда мазмуний муносабатда муайян субъектив ўзгаришлар бўлиши тайин. Хусусан, -ми бўлганда, барибир, мазмуний

муносабат сўроқ маъноси билан бир қадар мураккаблашади.

Бундай гапларда икки хил ҳолатни фарқлаш мақсадга мувофиқ. Боғловчи восита - ми юкламаси бўлганда, эргаш гап таркибида баъзан сўроқ билдирувчи сўз мавжуд бўлади, баъзан эса бундай сўз бўлмайди: Биласанми, бўрилар қандай увлайди? (Ойга қараб ҳасратли, узун) (Й. Эшбек). Биласанми, баримиз бир элат боласимиз (Ш. Холмирзаев). Биринчи мисолдаги эргаш гапда қандай сўроқ олмоши бор, у ҳам шаклан, ҳам мазмунан -ми юкламаси билан алоқалашади. Шунинг учун ҳам айти юкламанинг маъноси сақланади. Мазмунан бўриларнинг увлаш тарзи ҳақидаги тағбилим — пресуппозиция тингловчига маълум эмас ёки сўзловчи шундай ўйлайди. Шунинг учун ҳам бош гапнинг қўлланиши, у фақат модусни ифодаласа ҳам, зарурият, демак бундай ҳолатларда тўла маънодаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапириш

1 — Ғул о м о в А., А с қ а р о в а М. Кўрсатилган асар, 192-б. Абдурахмонов Ғ., Су л а й м о н о в А., Хо л и ё р о в Х., О м о н т у р д и е в Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксп. Тошкент, Уқитувчи, 1979, 138-б.

2 Ғул о м о в А., А с қ а р о в а М. Кўрсатилган асар, 193-б  
мумкин. Яна қиёсланг Биласизми, бу сувларни қаёқдан опкелтиряпмиз? (Саид Аҳмад). Ўшандан кейин, мен, биласизми, не аҳволда қолдим? (А. Мухтор).

Олдин келтирилган Биласанми, баримиз бир элат боласимиз гапидаги эргаш гап таркибида сўроқ сўз йўқ. Мазмунан сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам эргаш гапда айтилган «бир элат боласи» эканлиги ҳақидаги тағбилим ҳар икки томон учун ҳам маълум, демак, бу ҳақда сўрашга зарурият йўқ. Ана шунинг учун ҳам бундай ҳолатда - ми сўроқ юкламасининг маъноси бўёқ сифатида қисмангина сақлансада айти маъно, асосан, нейтраллашади, кучсизланади. Бош гап, асосан, эслатиш, маълум ахборот (эргаш гапдаги) ни қайта ёдга тушириш учун хизмат қилади, бу жиҳатдан бундай бош гап кприш бўлақларга жуда яқин туради. Бу ҳолат ҳисобга олинадиган бўлса, айти ҳолатларда тўла маънодаги тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапириш бирмунча қийин. Яна қиёсланг: Зумрад, биласанми, кейинги пайтларда ҳадеб битта нарсани ўйлайвераман (С. Сиёев). Биласанми, у мени ўзидан ҳам кўпроқ яхши кўради (Н. Қобул). Биласизми киши чарчаган вақтда кўнгилни ғаш қиладиган хаёлларга боради (А. Қаҳҳор), Кўриниб турганидай, бундай ҳолатлардаги бош гапдаги кесим вазифасида кўпроқ билмоқ феъли келади. Бу, айниқса, оғзаки нутқда кўп (кузатилади. Айрим кишилар борки, улар ҳар икки сўзнинг бирида биласизми, билдингизми, тушундингизми каби сўзларни кўшиб гапирадлар. Билмоқ феълидан бошқа яна айрим феъллар ҳам мазкур вазифада келиши мумкин: Кўряпсанми, менинг бошим эркак бошидир (А. Мухтор). Ишонасанми, хотини бир игна ҳам бермади. (С.Сиёев). Ишонасанми, мен усиз бир кун ҳам яшолмайман (И. Қобул).

Баъзан бош гапнинг кесими вазифасида ишонч, тахмин ва шу каби маънолардаги отлашган сўзлар, сўз бирикмалари ёки турғун иборалар келади. Бундай бирликларнинг мазмуний валентлигига кўра тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллайдиган ҳавола бўлақ кўпроқ шунга сўз шаклидан иборат бўлади, лекин у кўпинча шаклан ифодаланмайди. Бундай гаплардаги мазмуний муносабат ҳам бош гапнинг кесими феъл билан ифодаланган қўшма гаплардагидан деярли фарқ қилмайди. Лекин, модусга айтиқса, субъектив модаллик бош гапда жуда аниқ ифодаланадики, бу бош гапни кириш ибораларга яқинлаштиради. Мисоллар: Аминманки, сиз бундай жойни кўришни хаёлингизга ҳам келтирмагансиз (О. Юсупов,) Ҳайронманки, олибсотар шунча пулни нима қилади («Тош оқш.»). Имоним комилки, бойвачча қамалганларнинг биронтасини танитайди (Ё. Яқвалхўжаев). Ишончим буюкки, бўлур зўр байрам (Зулфия).

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг иккинчи яъни икки ҳавола бўлақли кўринишида нимани — шуни (баъзан кимни — ўшани) тарзидаги ҳавола бўлақлар қаршилантеририлиши мавжуд. Келтирилган Шўро нимани талаб қилса, шуни бажариб юрди гапида буни кўриш мумкин. Айти қаршилантеририлган муъофиқликка кўра қўшма гап қисмлари аро алоқа жуда зич, чунки ўзаро тобеланиш мавжуд. Аввалги ҳолатдагидан

фаркли ўларок, гапда икки денотатив воқеа ифодаланган, демак, гапда мазмуний-синтактик номувофиклик йўқ, Қўшма гапнинг мазмуни ана шу икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат. Эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеа объект жиҳатидан мавхум, умумлашган, бу денотатив воқеа мазмунан бош гапда ифодаланган денотатив воқеа ичига объект сифатида киради. Аммо барибир объект жиҳатдан умумлашганлик, мавхумлик яхлит қўшма гапда ҳам сақланади. Бошқача қилиб айтганда, айна объектнинг нима эканлиги бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам аниқ, очиқ айтилмайди. Лекин у умуман англашиларли бўлади, акс ҳолда гап нутқий алоқа учун яроқли бўлмасди. Демак, гап қурилиши назарий жиҳатдан нотўғри бўларди. Бироқ ундай эмас. Айтиш мумкинки, бундай ҳолларда гапдаги объект бир қадар умумлашган ҳолда ифодаланади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: Қалбингиз нимани буюреа, сиз менга шуни буюринг (П. Қодиров). Баъзилари нимани гапирган бўлса, шуни қоғозга туширдим (Ў. Ҳошимов). Икки кун орасида нима тайинласак, шуни муҳайё қиласан (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов),

Нутқда баъзан бундай эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гаплари таркибидаги тўлдирувчи вазифасидаги ҳавола бўлак шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу мазмуний муносабатларнинг тўлиқ ифодаланаверишига тўсқинлик қилмайди. Буни қуйидаги (мисолларда кўриш мумкин: Нима берсангиэ (шунга) розимиз (Н. Қобул). Уларнинг дадалари нима дейишса, (ўшани) олиб беришади (Саид Аҳмад). Нимани сўрамасин, то (ўшани) топиб бермагунча тинчимайди (Н. Қиличев).

Юқорида кўриб ўтилган мисолларда ҳавола бўлаклар ўртасида мувозийлик бор, яъни ҳавола бўлакнинг ҳар иккаласи ҳам иўлдирувчи сиитактик ўрнини эгаллаган. Баъзан бу мувозийлик бузилиши ҳам мумкин, яъни эргаш гапдаги ҳавола бўлак эга синтактик ўрнини, бош гапдаги ҳавола бўлак эса тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллаши мумкин. Бош гапдаги ҳавола бўлакнинг ўрни тўлдирувчи бўлганлиги учун ҳам эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап сифатида қаралади. Бунда ҳам мазмуний муносабат аввалги ҳолатдагидай ифодаланаверади. Мисоллар: Гулнор... кўнглига нима келса, шуни қилади (Ойбек). Кимки санинг айбингни айтур санга, Шафқат ила лутфу қарам қил анга («Ақл ақлдан қувват олади») Кимки бўлса дилозор, ундан элу юрт безор (Мақол).

Ниҳоят, таъкидлаш лозимки, бир ҳавола бўлакчи тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда бош гап унда ҳаминиш модус ифодаланишига, ва албатта, ҳавола бўлакка кўра эргаш гапда ажратиб олинганда, маънога эга бўлолмайди, Эргаш гап эса маънога эга бўла олади, чунки унда денотатив воқеа ифодаланади. Икки ҳавола бўлакчи тўлдирувчи эргаш гапларда эса ҳар изкки қисм — бош гап ҳам, эргаш гап ҳам қисмлараро тобеланишга кўра бири иккинчисисиз маънога эга эмас.

## АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат ифодаланади. Бу денотатив воқеаларнинг табиати ва ифодаланишидаги ўзига хосликка кўра бир ҳавола бўлакчи ва икки ҳавола бўлакчи аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни фарқлаш мақсадга мувофик.

Шундай сўзлар борки, улар капалакка ўхшаб жумладан-жумлага енгил кўчиб юраверади... (А. Қаҳҳор)гапи бир ҳавола бўлакчи аниқловчи эргаш гапли қўшма гапдир. Унда шундай сўздан иборат ҳавола бўлак мавжуд бўлиб, у бош гапдаги сўзлар сўзи билан ифодаланган эганинг аниқловчиси бўлиб келган. Бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам алоҳида-алоҳида деноиатив воқеа ифодаланган. Маълумки, аниқловчи гапнинг конструктив бўлаги эмас, унинг гап таркибида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги гапнинг синтактик асосига таъсир этмайди. Аммо бош гапдаги ҳавола бўлак орқали ифодаланган аниқловчи анчайин муҳим, чунки у эргаш гапга ишора қилиш йўли билан эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеани бош гапда ифодаланган денотатив воқеа ичига олиб киради. Таъкидлаш керакки, аниқловчи бўлагининг гапнинг конструктив бўлаги бўла

олмагани учун ҳам бош гапнинг мазмуни сифатидаги денотатив воқеа ҳозиргача кўриб ўтилган эргаш гапли кўшма гаплардагидан фарқли ўларок чала бўлмайди. Денотатив воқеаларнинг ўзаро зич алоқасини таъминлайдиган мазмуний жиҳатлардан яна бири муносабатга киришаётган денотатив воқеалар муайян таркибий узвларга кўра умумийликка эга бўлади, бу аоксар ҳолларда шаклан ҳам ифодаланади. Мазкур кўшма гапда бош гапдаги воқеа субъекти, яъни эга аниқланмоқда, эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеанинг субъекти ҳам бош гапдаги субъектининг айнан ўзи, улар сўзлар ва улар сўзлари орқали ифодаланган ва тегишли гапларнинг эгаси сифатида келган. Демак, бош гапдаги ҳавола бўлақдан иборат аниқловчига эга бўлган сўз эргаш гапда мазмунан у ёки бу тарзда такрорланиши мумкин. Аммо мисолдагидай, масалан, эга ҳавола бўлакли аниқловчига эга бўлса, бу эганинг маъносига эргаш гапда, албатта, эга вазифасидаги сўз (кўпроқ олмош) ишора қилиши шарт эмас, бошқа синтактик ўринлардаги сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Айтиш керакки, эргаш гапдаги олмош билан ифодаланиб, денотатив жиҳатдан бош гапда аниқланаётган сўз билан бир хилликка эга бўлган бўлақ ҳавола бўлақ билан алоқалашмайди, агар шундай бўлганда эди, гап икки ҳавола бўлакли бўлиб (қолар эди. Баъзи ҳолларда эргаш гаплардаги олмош билан ифодаланиб, бош гапда ҳавола бўлақ томонидан аниқланаётган бўлақ билан бир хил денотатга эга бўлган бўлақ тушиб қолши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолларда ҳам деногтатив воқеалар ўртасидаги муносабат бемалол ифоддланаверади. Бош гапдаги ҳавола бўлақ тарзидаги аниқловчилар сифатида шундай сўздан ташқари баъзи, айрим, бир каби сўзлар ҳам келади. Мисоллар: Баъзи иборалар борки, улар халқ латифалари, масаллари орқали туғилган (Ш. Шомаксудов, С.Долимов). Дунёда шундай мамлакат борки, у ерда барча хотин-қизлар тенг ҳуқуқли (Ойбек). Эндиликда ҳеч оила йўқки, унда бир ёки бир неча саводли одам бўлмасин (А. Қаҳҳор). Ҳув анави ерда шунақанги чиройлилари борки, қараб тўймайсиз (Л. Кўчимов) Менинг бир муродим бордирки, бунга эришмоғим худойи таоло измидадир («Бир соатлик халифа»).

Ҳавола бўлақдан иборат аниқловчи бош гапнинг от кесимини аниқлаб келши ҳам мумкия. Бунда бош гапда ифодаланган: денотатив воқеанинг предикати билан эргаш гапдаги денотатив воқеанинг субъекти бир нарсдан иборат бўлиши мумкии. Маоалан, Севги шундай навбахорки, у тикандан гул қилур (Э.Воҳидов) гапида бош гапнинг кесими (навбахор) шундай ҳавола бўлаги билан аниқланган. Навбахор сўзининг ҳам, у олмошининг ҳам айни матндаги денотати битта нарса, аммо бу битта нарса икки денотатив воқеа таркибига икки хил узв сифатида предикат ва субъект сифатида кирган. Бу умумийлик мазкур кўшма гапдаги мазмуний муносабатни таъмин этган. Аммо бу, яъни бош гапдаги предикатнинг эргаш гапдаги субъект билан денотатив бир хилликка эга бўлиши доимий ҳолат эмас. Бош гапдаги аниқланаётган предикат эргаш гапдаги бошқа бўлақлар билан ҳам ана шундай денотатив бир хилликка эга бўлиши мумкин (фақат кесими билан эмас). Эргаш гапдаги бош гап предикати билан денотагав бир хил бўлган бўлақ тушиб қолиши ҳам мумкшг. Бунда маамуний муносабатда ўзгариш бўлмайди: Мисоллар: Унинг хўжалиги бир мактабки, унда мана ман деган хўжалик раҳбарлари ўқиса арзийди (Саид Аҳмад). Рус тили биз учун шундай ўзанки, у орқали биз етти иқлим маърифат дарёларидан бахраманд бўламиз (А. Орипов). Бу не ишдирки, менинг ақлим етмади (Ё. Яқвалхўжаев) .У шундай иблиски, бойликка хирс қўйган хар қандай одамни йўлдан оздиради (О. Юсупов).

Юқорида шарҳланган мазмуний-шаклий хусусиятлар бош гапдаги ҳавола бўлақ тўлдирувчини, ҳолни аниқлаб келганда ҳам кузатилади. Қуйидаги мисолларда ортиқча таҳлилсиз ҳам буни кўриш мумкин: Мен сенга шундай нарсалар келтирайки, уларни тушингда ҳам кўрмагансан (Ойбек). Кейинчалик шундай ўқитувчиларни кўрдимки, улар ўқувчининг кўз ўнгида чекар эди (З. Мўминова). Мен сизни ҳозир шундай жойга олиб борайки, бир умр мендан хурсанд бўлиб юрасиз (О. Юсупов). Тўрабек шуандай хаяжонда чақирдики, ўзи тилла топган одам ҳам шунчалик тўлқинланмас (М. Мансуров).

«Ўзбек тили грамматикаси»да Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи пишса (А. Қаҳҳор)



(қабилдаги гаплар кесим эргаш гапли қўшма гаплар сифатида талиқин этилган<sup>1</sup>. Бизнингча, ундай эмас. Бу қабилдаги гаплар аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардир. Мазкур гапда ифода этилган мазмун «Ер ўзи гуллаб, ўзи пишавадиган ўрик эмас» тарзида. Мазкур гапдаги ўрик сўзи олдидан бир сўзи қўшилса бу назарий жиҳатдан мумкин, кейинги гапнинг ана шу бирнинг маъносини очиш учун келганлигини бемалол англаш мумкин. Бунинг устига, аввалги ҳолатлар-даги каби бош гапдаги предикат эргаш гапдаги субъект билан денотат жиҳатдан бир нарса, яъни ўрик — (ўрикнинг) ўз. Бош гапдаги аниқловчи вазифасидаги ҳавола бўлакнинг баъза тушиб қолиши бор ҳодиса. Айниқса, мазкур мисолдаги каби ҳолаугларда мантиқий тағбилим (пресуппозиция) жуда аниқ билиниб туради, яъни ўрикнинг ўзи гуллаб, ўзи пишиши ҳаммага маълум нарса. Ана шунга кўра ҳам бундай ҳолатларда предикат бўлишсиз шаклда (ўрик эмас) ифодалангани, эргаш гапнинг кесими эса шарт майлидаги феъл билан ифодалангани. Демак, бундай гапларда эргаш гап бош гапдаги бўлишсиз шаклда ифодаланган от кесимни аниқлайди, яъни улар аниқловчи эргаш гапли (қўшма гаплардир. Яна қуйидаги мисолларни ҳам қиёсланг: Бу носқовоқ бўлмасани, битта-яримта хинжирига қисган бўлса (Ғ. Ғулом). Мен адресний стол эмасманки ким кўрганнинг турар жойини билаверсам (Ғ. Ғулом). Йигирмата мол игнамаски, бир ковакка беркитиб қўйсак (А. Кўчимов)

Қиосқаси, бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-функционал ва мазмуний-синтактик мувофиқлик мавжуд бўлади, улардаги мазмун икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ўртасидаги муносабатдан иборат. Бу муносабатнинг юзага келишида воқеалар узвлари ўртасидаги денотатив умумийлик муҳим роль ўйнайди. Бош гапда ҳавола бўлак қайси бўлакни аниқласа, шу бўлакнинг денотати эргаш гапда ҳам муайян бўлакнинг денотати сифатида мавжуд бўлади. Бундай гаплардаги шаклий боғловчи восита -ки узвидир.

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг икки ҳавола бўлакли турида кимнинг—уйинг, ким—у, қандай— шундай, қайси—ўша тарзидаги қаршилантирилган ҳавола бўлақлар мавжуд бўлади. Бундай гапларда ҳам икки деноиатив воқеа ифодалангани ва улар ўртасидаги алоқа жуда зич бўлди, чунки бундай гапларда ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзаро тобеланиш мавжуд. Мисоллар: Кимнинг қуроли билим бўлса, унинг келажаги порлоқ (Ж. Абдуллахонов). Ким олдига каттароқ суяк ташласа, ўшанинг орқасидан кетаверади (О. Юсупов). Халқ қайси йўлдан юрса, сен ҳам шу йўлдан юр (Ойбек).

Ниҳоят, шуни айтиш керакки, аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг биринчи турида бош гап автосемантик бўла олади, эргаш гап эса ҳаммиша синсемантик, гақкинчи тури (кенг тарқалган эмас) да эса ҳар икки қисм ҳам синсемантикдир.

## ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Пайт ва бошқа (кўриб ўтилган гап бўлақлари номлари билан аталадиганлардан ташқари) эргаш гаплар анъанага кўра бош гапни яхлитлигича изоҳлайди деб қаралади.

Аммо

1. Ўзбек тили грамматикаси. II том, Синтаксис, Тошкент: Фан, 1976, 419-6.

эргаш гапларнинг бу типлари ҳам асли-да бош гапнинг кесими ороқали ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатни аниқловчи турли ҳол бўлаклари билан мазмунан ўхшашдир. А. Н. Баскаков бу муносабат билан шундай деб ёзади: «Шундай қилиб, уларнинг (бундай эргаш гапларнинг) мазмуни бош гапнинг яхлит мазмули билан эмас, балки унинг ҳар қандай гапда мазмуний ва грамматик марказ ҳисобланувчи предикати мазмуни билан алоқадордир»<sup>1</sup>. Демак, пайт эргаш гаплар бош гапдаги кесим орқали ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Бундан айтиш мумкинки, пайт эргаш гап ҳам мазмунан, ҳам грамматик жиҳатдан бош гапнинг бевосита кесимига эргашади: Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда, Толибжон кабина томини тапиллатиб урди (Саид Аҳмад)гапида Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда эргаш гапи бош гапдаги урди кесимига бевосита боғланади, яъни Қачон урди? — Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда урди. Кўринаддики, пайт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланиб, уларнинг бири иккинчисини ичига пайт билдирувчи узв сифатида киради. Шунинг учун ҳам икки денотатив воқеа ўртасидаги муносабат пайт муносабати сифатида реаллашади ва бу муносабат ифодалаётган қўшма гап пайт эргаш гапли қўшма гап сифатида баҳоланади. Денотатив воқеалар ўртасидаги пайт муносабатининг ифодаланиши жуда хилма-хил ва бениҳоя кенг тарқалган. Тува тилидаш пайт ифодаловчи тизимларни чуқур тадқиқ этган Л. А. Шамина шундай таъкидлайди: «Пайт билдирувчи тизимлар (темпорал конструкциялар) қўшма гапининг барча функционал ва таркибий тизимининг ўзаги (ядриси) ни ташкил қилади. Воқеалар ўртасидаги пайт муносабатлари у ёки бу тарзда ҳар қандай полипредикатив тизимда ифодаланади. Аммо махсуслашган тизимлар (сабаб, тўсиқсизлик ва шу кабилар) да бу муносабатлар фонни ташкил этади, пайт билдирувчи тизимларда эса улар алоканинг асосий синтактик мазмуний ташкил қилади»<sup>2</sup>. Чиндан ҳам икки денотатив воқеа ёнма-ён келар экан, улар ўртасида муайян муносабат юзага келар экан, у ёки бу тарздаги пайт муносабатининг улар ўртасида бўлмаслиги мумкин эмас. Фақат сўзловчининг нутқий алоқадаги асосий мақсадининг нима эканлигига кўра бу муносабат иккинчи ўринга сурилиши ёки асосий мазмун сифатида таъкидланиши мумкин. Ана шундай таъкидланганда, тегишли шаклий ва мазмуний хусусиятларга эга бўлган пайт эргаш гапли қўшма гаплар шаклланади.

Пайт эргаш гапли қўшма гапларни тасвирлашда бош ва эргаш гапларда ифодаланган воқеаларнинг бир вақтда ва ҳар хил вақтда содир бўлишига, эргаш гапдаги воқеанинг бош гапдаги воқеадан пайт жиҳатидан олдин ёки кейинлигига алоҳида эътибор қилинган. Бу, албатта, мазмуний синтаксис учун муҳим. Аниқловчи, тўлдирувчи, эга ва кесим эргаш гапли қўшма гаплар тадқиқида эса денотатив воқеаларнинг хусусиятларига, умуман гапларнинг мазмуний томоиларига етарли эътибор берилган эмас. Бундай гаплар тавсифида, асосан, шаклий таҳлил етакчилик қилган. Пайт ва эргашган гапларнинг кейинги турларида мазмуний жиҳатлар ҳам анча-мунча ҳисобга олинган. Бу табиий, чунки бундай эргаш гапли қўшма гапларда воқеалар ўртасидаги мазмуний муносабатлар анчайин аниқ ифодаланади. Тегишли шаклий воситалар мазкур муносабатларни асосий ҳолларда таъкидлаб туради.

Икки воқеа ёнма-ён турар экан, мантиқан олиб каралганда, бу воқеалар бир пайтда содир бўлиши, ҳар хил пайтда содир бўлиши, ҳар хил пайтда бўлганда эса биринчи воқеа иккинчисидан олдин ёки кейин содир бўлиши тайин. Пайт муносабати ана шунга мувофиқ бир неча мантиқий гуруҳларга тавсифланиши мумкин. Маълумки, маитикий тушунчалар умумлисонийлик табиатига эга. Биронбир тил йўқки, ундан мавжуд мантиқий тушунчалар ифода топа олмайдиган бўлса. Ҳар бир тилда тушунчаларнинг ифодаланиш тарзигина айрича бўлади.

Ўзбек тилшунослигида (бошқа тилшуносликларда ҳам) пайт эргаш гапли қўшма гаплар тавсифида пайт муносабатининг кўрсатилган мантиқий гуруҳлари ва уларнинг ифодаланиши йўллари анчайин тўлиқ кўрсатиб берилган. Масалан, Ғ. Абдурахмонов пайт муносабатининг эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланиши билан боғлиқ

ҳолатларни қуйидагича фарқлайди: 1. Бош ва эргашгаплардаги иш-ҳаракат, хусусият бир вақтда рўй беради. 2. Бош ва эргаш гаплрдаги иш-ҳаракат, хусусият турли вақтларда вужудга келади. А. Бош гапдаги ҳаракат, хусусият эргаш гапдаги ҳаракат, хусусиятдач олдин рўй беради. Б. Бош гапдаги ҳаракат, хусусият эргаш гапдаги ҳаракат, хусусиятдан сўнг юзага келади. Айти турларда яна хусусий ҳолатлар ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммаси тегишли мисоллар билан кўрсатаб берилган<sup>3</sup>.

Ҳар бир тилда, хусусан, ўзбек талида мазкур пайт муносабатларини (улар айти кўриниш-

1——Ба с к а к о в А. Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, с.164.

2 Шамин а Л. А. Временные полипредикативные конструкции тувинского языка. Новосибирск: Наука, 1987, с. 3.

3——А б д у р а ҳ м о н о в Ғ., С у л а й м о н о в А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Кўрсатилган асар, 141—145-б.

да мантикий тушунчалардир) ифодаловчи доимий шакл ва тизимлар мавжуд. Муайян икки воқеа. ўртасидаги пайт муносабатлар} кўринишлари (вариантлар)ни тегишли шакл ва тизим ларни келтириш билан ифодалайвериш мумкин. Бунда хатто денотатив воқеалар ўзгаришсиз қолиб, факат улар ўртасидаги пайт муносабатининг табиатиғина ўзгаради Киёсланг: Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди (Ойбек). Дераза очилганда, Йўлчи бошини кўтарди Дераза очилгач Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилиб Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилгунча, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилгандан кейин, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилишидан олдин, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилган эди, Йўлчи бошини кўтарди. Дераза очилар экан, Йўлчи бошини кўтарди ва ҳоказо. Мавжуд гап вариантларидан қайси бирининг танланиши, албатта, нутқ тузувчининг алоқа мақсади билан боғлиқ.

Бош гапдаги денотатив воқеанинг эргаш гапдаги денотатив воқеа билан бир вақтда, ундан олдин ёки кейин воқе бўлиши мантикий жиҳат бўлганлиги учун ҳам асос, ўзак пайт муносабатлари ҳисобланади. Нутқ жараёнида бу асос пайт муносабатлари нутқ тузувчи томонидан субъектив мураккаблаштирилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, нутқ тузувчининг денотатив воқеаларга ва улар ўртасидаги муносабатга бўлган хусусий, субъектив қараши, талқини ҳам қўшма гапда акс этиши мумкин. Бунда кўпроқ воқеалар ва улар ўртасидаги пайт муносабатининг муайян жиҳати таъкид олади. Бундай таъкидаи ифода учун хилма-хил лексик ва грамматик воситалардаи фойдаланилади. Пайт эргаш гапларнинг бош гаплар билан боғланишида бир қатор узвлар иштирок этади ва уларнинг аксарияти пайт муносабатининг муайян кўриниши ифодаси учун мослашган бўлади. Масалан, -ганда шакли, асосан бир вақтда содир бўладиган воқеаларни, -гунча шакли асоеий воқеа (бош гапда) ва ундан кейин содир бўладиган вақеани, -гач шакли асосий воқеа ва ундан олдин содир бўладиган воқеани боғлаш учун хизмат қилади. Шунга қарамасдан, айна пайт муносабатлари яна таъкидлалиши мумкин. Масалан, Бу гапларни ҳам кейин, воқеалардан бир неча йил ўтгач, эшитдим (Н. Қобул) гапидаги воқеалардан бир неча йил ўтгач, эргаш гапи -гач боғловчи воситасига кўра асосий воқеадан олдин содир бўлган воқеани билдиради, бироқ буни яна ҳам таъкидлаш учун кейин пайт холи ҳам келтирилган, эргаш (гап ажратилган бўлакдай бўлиб келган. Сўзловчи ана шу — асосий воқеа ёрдамчи воқеадан кейин содир бўлганлигини яна ҳам таъкидлаш мақсади билан шундай қилган.

Ёки Арава чорраҳадан бурилиб кетганидан кейингина Ҳайдар қалъага қайтди (А. Раумат) гапида асосий денотатив воқеа (Ҳайдар қалъага қайтди) эргаш гапдаги денотатив воқеадан кейин содир бўлган, буни — гапидан кейин узвидаги кейин ёрдамчи сўзининг маъноси ҳам таъкидлайди. Аммо нутқ тузувчи ана шу «кейинлик»нинг тугал, тўлиқ эканлигини субъектив таъкидлаш мақсади билан яна-гина юкламасини ҳам қўллаган. Гапдаги мазкур пайт муносабати шу тариқа субъектив мураккаблашган.

Эргаш гапдаги воқеанинг бош гапдаги воқеадан олдин содир бўлиши ҳам кенг тарқалган. Аммо «олдин» тушунчаси аниқ даражаланган тушунча эмас. яъни қанча олдин, кетма-кетми, бир соат олдинми, бир кун олдинми, бу маълум эмас. Масалан, Мен гапдан тўхташим биланок, у ярим соатдан кейин келишини айтди (Ч. Амирежби) гапида эргаш гапдаги воқеа тугаши билан бош гапдаги воқеа бошлаилади. Ана шу кетма-кетликнинг жуда тез алмашинаётганини таъкидлаш мақсади билан оқ юкламаси қўлланган. Гап мазмунида субъекти мураккаблашув юзага келган. Бундай таъкид ҳам юкламаси воситасида ҳам бўлиши мумкин: Сигаретии тугаллаган ҳам эдики, буфетдан Раҳим ака чиқди (Ф. Мусажонов). Энди ўтирган ҳам эдики, жияни Бахтиёр Жўраев ҳовлиқиб кириб келди. Бунда ҳам эргаш гапдаги тўлиқсиз феъл билан асосий феъл орасига киритилади.

Эргаш ва бош гаплардаги олданма-кейин воқеаларнинг тез алмашинувининг ифодаланишида ҳам нинг ўрнини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугади гапида икки денотатив воқеа бевосита кетма-кет воқе бўлади, кетма-кетлик жуда тез алмашади, эргаш гапдаги воқеа амалга ошб бўлишидац кейиноқ

бош гацдаги воқеа ҳам амалга ошиб бўлади. Буни таъкидли ифодалашда ҳамнинг ўрни сезиларлиди, Аммо таъкидлаш лозимки, бош гапнинг кесими бўлишлц феъл билан ифодаланса, шундай бўлади. Агар бўлишсиз шаклдаги феъл билан ифодаланса, денотатив воқеалар ўртасидаги муносабатни бошқача талқин этишга тўғри келди, чунки пайт муносабати хиралашиб, воқеалар ўртасида тўсиқсизлик муносабати юзага келади. Қиёс: Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугади (пайт муносабати). Поезд келди ҳамки, суҳбатимиз тугамади (тўсиқсизлик муноса бати).

Эргаш гапли кўшма гапларда пайт муносабати ифо даланганда ҳаммиша ккки денотатив воқеа (баъзан уадан ортик) ифодаланади. Шунга кўра гапда мазмуний-синтактик мувофиқлик сақланади. Бош гап аоюий денотатив воқеани ифодалаб, эргаш гапда ифодаланган денотатив воқеани ўзининг пайт билдирувчи узви сифатида ўз ичига олади. Бунга кўра гапда мадауний-функционал мувофидлик бузилмайди.

Аммо айрим ҳолларда эргаш гапларддги воқеа ўзининг денотативлигини йўқотади. Бошқача қияиб айтганда Эргаш гапда модус «воқеа» ифодаланади, бунинг натижасида эргаш гаплардаги модус — «воқеа» билан бош гапдаги денотатив воқеа ўртасидаги пайт муносабати хиралашади ва эргаш гаплар тшнши ибораларга айланади ёки жуда бўлмаганда уларга яқинлашади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Уз тили билан айтганда, адирга «узокдан раҳбарлик» қиларди (Саид Аҳмад).Аслини олганда, Азим ўғри номозшомни ўқигану Яккабоққа елдек югуриб кетган (Саид Аҳмад).Энди билса, коса тагида нимкоса бор экан (С, Сиёев). Гапнинг индаллосини айтганда, эҳтиёт бўлинг, Нурзоджон (Н. Қобул). Бундай ҳолатларда, табиийки, гапда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келади, лекин аслини олганда, ўз тили билан айтганда, гапнинг индаллосини айтганда кабилар кириш тизимлар сифатида талқин этилар экан, улар гап таркибидан тааикарида деб қаралади ва гап содда гап мақомини олади. Бунда мазкур номувофиқлик йўқолади.

Пайт эргаш гапли кўшма гапларнинг асосий қисми ҳавола бўлакюиз бўлади. Эргаш гап иайт холи сифатида тўғридан-тўғри бош гап таркибига кираверади ва демак, ҳавола бўлакка зарурият бўлмайди. Лекин у (қадар кенг тарқалмаган бўлса-да, иики ҳавола бўлаккли пайт эргаш гапли кўшма гаплар ҳам бор. Бундай гаплардд қачон-шунда //ўшанда// ўша пайтда тарзида қаршилантирилган ҳавола бўлаклар мавжуд бўлади. Масалан, Сен қачон ўнинчи синфни битирсанг, ўшанда соат олиб бераман гапида бош гапдаги ўшанда ҳавола бўлаги пайт холи вазифасида келган, эргаш гапда ҳам худди шундай синтактик ўриндаги мос қачон ҳавола бўлаги бор. Иккала денотатив воқеа пайт жиҳатдан умумийликка эга, иккала воқеа ҳам бир пайтда амалга ошади, лекин, бу пайт умуйт англашиларли бўлса-да, очиқ-аниқ айтилмайди. Бу гапда ҳавола бўлакни чиқариб юборганда ҳам гапдаги пайт муносабати ўзгармайди; фақат таъкид бир қадар кучсизланади: Сен ўнинчи синфни битирганинда, соат олиб бераман.

Айтиш керакки, аввалги асосий тур — ҳавола бўлакисиз пайт эргаш гапли кўшма гапларда бош гап мазмунан эркин, эргаш гап эркин змас бўлса, кейинги икки ҳавола бўлаккли турида бош гап ҳам, эргаш гап ҳам эркин эмас.

## **РАВРИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР**

Равиш эргаш гапли кўшма гапларда ҳам ҳавола бўлак мавжуд бўлмайди. Эргаш гапда ҳам, бош гапда ҳам, асосан, денотатив воқеа ифодаланади. Эргаш гапда ифодаланган денотатш воқеа бош гапдаги денотатив воқеа ичига тарз билдирувчи узв сифатида бевосита кирадн. Масалан, Кичик Кобуга бу хабар етиб, хон ташвишга тушиб қопти (Саид Аҳмад). гапида хон ташвишга тушиб қопти бош гапида ифодаланган денотатив воқеанинг ичига эргаш гапдаги денотатив воқеа тарз узви сифатида киради, яъни икки ёнма-ён воқеа бири иккинчисининг узви тарзидаги муносабатда. Яна қуйидаги мисолларни ҳам қиёсланг: Бутун оламга кўклам нафаси таралиб, тупроқдан муаттар ис анқиди (Ё. Яквалхўжаев). Туман сийраклашиб, баҳай-бат қояга илиниб турган яшил

кишлоц кўринди (А. Мухтор). Уфқ қизғиш тусга кириб, қуёш ётоғидан бош кўтарди (И. Рахим). Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади (П. Қодиров). Бундай ҳолатларда сабаб-натижа ва пайт маънолари ҳам сезилиб туради. Аммо кўп ҳолларда бундай маъно (нозиклжклари сезилмайди, равиш эргатп гап соф тарз маънусини . ифода этади. Бу одатда бош ва эргаш гаплардаги денотатив воқеаларнинг муайян узвлари ўзаро алоқадор бўлганда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бош ва эргаш гаплардаги муайян бўлақлар (кўпинча эга) ифодалаган нарсалар бир кишига (ёки бир предметга) тегишли бўлади: Нодира қизариб, юз-қулоқлари ловиллаб кетди (Ў. Ҳакимали) ганида бош гаптаги эга (юз-қулоқлари) ифодалаган нарса эргаш гаптаги эга (Нодира) ифодалаган шахсга тегишли. Бу жиҳатдан қўшма гапнинг иккала қисмида ифодаланган денотатив воқеалар ўртасидаги муносабат-алоқа анча зич, улар бири иккинчисининг ичига узв сифатида киришидан ташқари узвларидаги алоқадорликка кўра ҳам боғланади. Яна қиёсланг: Саида бир лаҳза нафаси ичига тушиб ноқулай аҳволида қолди (А. Қазхор). Маҳкам юрагида ҳислари тўлиб тошиб, югуриб кетди. (П. Қодиров), Баъзан кумлоқ соҳилда ҳисларим тинкнб, Зулайҳоипнг катта, ғамгин кўзлари тасаввуримга келади (А. Мухтор). Қони қочган юзлари оқариб, лаблари кўкиш тусга киргани (Н. Қобул).

Баъзан ўпкаси тўлиб, томоғига иссиқ нафас тикилиб қолди (Саид Аҳмад) Ҳавасим келиб, у билан хаёлан суҳ-батлашардим (Н, Қобул). Шўро раиси Араб Тоға йигитларнинг талабини эшитиб, боши қотиб қолди (Ш. Холмирзаев, Т. Усманов). Кунботи) димоғи чоғ бўлиб, Балкиён йўлига равона бўлди (Фозил Йўлдош) каби гаплардаги ўпкаси тўлмоқ, ҳаваси келмоқ, боши қотмоқ, димоғи чоғ бўлмоқ тарзидаги иборалар қўшма гап қисми — эргаш ёки бош гап сифатида талқин этилади. Аслида улар турғун иборалар бўлиб, уларнинг маънуси сўзнинг лексик маънусига тенглашади. Масалан, димоғи чоғ бўлди лексик маъно жиҳатидан хурсанд бўлди дан ҳеч бир фарқ қилмайди. Мазкур турғун иборалар фақат шаклан гап, холос. Шунинг учун ҳам улар қатнашган қўшма гапларда кучли мазмуний-шаклий номувофиқлик юзага келади. Уларни, айтайлик, сохта қўшма гаплар деб айтиш мумкин бўлар.

Равиш эргаш гапли қўшма гапларда умуман мазмуний-синтактик мувофиқлик сақланади. Уларда эргаш гап мазмунан эркин эмас, бош гап эса эркиндир.

## ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар, асосан, икки ҳавола бўлакли бўлади. Бундай қўшма гапларда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам денотатив воқеани ифодалайди. Бу денотатив воқеалар ўрин жиҳатидан умумийликка эга бўлади, аммо эргаш гапта ифодаланган денотатив воқеанинг содир бўлиш ўрни анвқ эмас, балки умуман айтилади, шунинг учун ҳам у қаерда, қаердаки, қаерга каби сўроқ шакллари билан ифодалангани. Бош гапта эса ана шу сўроқларга мувофиқ келувчи ўша ерда, у ерда, у ерга каби ҳавола бўлақлар мавжуд бўлиб, улар бош гаптаги ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради, яъни ўрин ҳоли синтактик позициясида бўлади. Қаерда—у ерда кабилида-ги ҳавола бўлақлар бир-бирини доимий тақозо қилади ва денотатив воқеалар ўртасидаги мустаҳкам алоқани таъмин этади. Масалан, Қаерда сув еероб бўлеа, у ерда табиат кўркам бўлади «Ёшлик» гапидаги бош гапта ҳол оинтактик ўрнида келган у ерда ҳавола бўлаги эргаш гаптаги қаерда ҳавола бўлаги (у ҳам ҳол ўрнида) билан ннсбатланади ва шу асосда эргаш гаптаги денотатив воқеани асоией войкеа ичига олиб киради. Бунда бош гапдаш денотатив воқеанинг содир бўлиш ўрни таъкидли ифодага эга бўлади. Агар шундай таъкидли ифода зарурияти бўлмаса, ҳавола бўлақлар гапдан чиқариб юборилади ва гап содда гапга айланади. Қиёсланг: Сув сероб бўлган жойда табиат кўркам бўлади.

Куйидаги мисоллар ҳам айтилганларни далиллайлн; Беор мусича қаерда ғув-ғув қилса, ўша ерда унинг ҳаловати йўк (Мирмухсин). Оқсоқол қаерда бўлса, ўша жойда иш

бир тартибда борарди (Ў. Ҳошимов). Эгардаги суворий жиловини қаёққа тортса, ўша томонга йўл соларди (Саид Аҳмад). Ҳозирча қаерга юбореалар, ўша жойга бораверинг (Н. Раумат).

Илгари ҳам айтиб ўтилганидек, икки ҳавола бўлакли эргашган кўшма гапларда бош ва эргаш гапларни боғловчи шаклий восита асосан айна ҳавола бўлақларнинг ўзи ва -са шарт майли кўшимчасидир. Келтирилган мисолларда бу кўришиб турибди.

Айтиш керакки, баъзан ҳавола бўлақларнинг бири, яъни бош гапдагиси шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу билан икки ҳавола бўлакли ўрин эргаш гапли кўшма гап бир ҳавола бўлақлига айланиб қол-майди. Чунки бош гапдаги ўрин холи синтактик ўрнининг очиқ эканлиги сезилиб туради. Аввалги ҳолатлардаги мазмуний-синтактик алоқа белгиси амал килаверади, яъни бош гапдаги ҳавола бўлақ шаклан ифодалав-маганда ҳам, яхлит кўшма гапдаги мазмуний муносабат ифодасида сезиларли ўзгариш бўлмайди. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: Қаерда пайдо бўлсалар, эл оёққа туриб кутиб олади (А, Мухтор). Қаерда ишламасин, орқасидан фақат яхши гап қолади (Саид Аҳмад). Қаердаки, бу мутаносиблик бузилса, фожиа келиб чиқади (С. Сиёев).

Ўрин эргаш гапли кўшма гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосан сақланади. Айна пайтда уларда бош гап ҳам, эргаш гап ҳам мазмунан эркин эмас, чунки кўшма гап қисмлари аро ўзаро тобеланиш мавжуд.

### **ШАРТЛАНГАНЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР**

Шартланганлик муносабатлари пайт муносабатларидан ҳам, бошқа ҳар қандай муносабатлардан ҳам анча мураккаб ва ўзига хосдир. Бу муносабатлар мантиқ илмида ҳам, тилшуносликда ҳам анча жиддий ўрганилган. «Шартланганлик—бу мураккаб тузилган мажмуа, муносабатларнинг мураккаб тизимидир»<sup>1</sup>. М.И.Черемисина ва Т. А. Колосоваларшга кўрсатиш-

1 Черемисина М. И., Колосова Т. А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск, Наука, 1987, с.68.

ларича, грамматик анъанага кўра шартланганлик муносабатлари ўз ичига беш хил муносабатни олади, яъни шарт, сабаб, тўсиқсизлик, мақсад ва натижа муносабатлари (Ўша жойда). Шартланганлик муносабатларининг барчаси бир ғояга асосланади, яъни бир воқеа иккинчисини келтириб чиқаради ёки иккинчи воқеа биринчисининг мавжудлигига кўра юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур муносабатлардаги асос ғоя «сабаб-натижа» (кенг маънода)дан иборат бўлади<sup>1</sup>.

Мазкур ғоянинг намоён бўлишида воқеалар талқини-инг табиати, нутқ эгасининг алоқадаги мақсади қабилар ҳал қилувчи роль ўйнайди, ана шуларга кўра шартланганлик муносабатларининг аниқ типлари фарқланади. Масалан, қуйидаги икки воқеани олайлик: дехқонларнинг астойдил меҳнат қилиши (1-воқеа) ва озиқ-овқатнинг мўл бўлиши (2-воқеа). Булардан 1-воқеа келтириб чиқарувчи, 2-воқеа эса келиб чиқувчи воқеалардир, яъни улар шартланганлик муносабатларига кўра алоқадор. Улар бир-бирлари билан «сабаб-натижа» ғояси асосида муносабатда бўлар экан, шартланганлик муносабатининг қуйидаги типлари намоён бўлиши мумкин: 1. Сабаб муносабати, яъни 1-воқеа сабаб, 2-воқеа эса натижа, 1-воқеа бевосита 2-воқеани келтириб чиқаради: Дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди. Озиқ-овқат мўл бўлди, чунки дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Дехқонлар астойдил меҳнат қилганликлари учун, озиқ-овқат мўл бўлди. Шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлдики, дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар. 2. Шарт муносабати, яъни 2-воқеанинг амалга ошиши учун 1-воқеа шарт, ҳар икки воқеа учун ҳам фарзийлик хос: Дехқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат мўл бўлади. Дехқонлар астойдил меҳнат қилганларида эди, озиқ-овқат мўл бўларди. Дехқонлар астойдил меҳнат қилар эканлар,

озик-овқат мўл бўлади. Агар деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар борми, озиқ-овқат мўл бўлади. 3. Тўлиқсизлик муносабати, яъни 1-воқеа 2-воқеанинг бажарилиши учун шарт бўлсада, бу тағбилимга (пресуппозицияга) кўра англашилиб турсада, бу шарт тўсиқ бўлмайди: Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлмади ёки Деҳқонлар астойдил меҳнат қилмасалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлди. 4. Мақсад муносабати, яъни 2-воқеа 1-воқеани амалга оширишнинг мақсадди натижаси сифатида юзага келади: Озиқ-овқат мўл бўлсин деб, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Озиқ-овқат мўл бўлсин учун, деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар. 5. Натижа муносабати, яъни 2-воқеа Ъвоқеанинг ўз-ўзидан воқеа бўладиган натижаси сифатида юзага келади: Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, озиқ-овқат мўл бўлди. Деҳқонлар шундай астойдил меҳнат қилдиларки, натижада озиқ-овқат мўл бўлди.

С. А. Шувалованинг таъкидлашича, сабаб, шарт ва мақсад муносабатлари шундай фарқланади: агар 1-воқеа объектив борлиққа нисбатланганда, реал бўлса, сабаб муносабати, агар бу воқеа реал эмас, фаразий, тахминий (гипотетик) бўлса, шарт муносабати, агар 2-воқеа амал-га оширилиши мўлжалланган ният бўлса, мақсад муносабати юзага келади. Кўриниб турганидай, шарт ва сабаб мазмунларининг фарқлиниши 1-воқеанинг тавсифи асосида бўлса, мақсад мазмунининг фарқлиниши эса 2-воқеанинг тавсифи асосида бўлади, яъни биринчи икки мазмунда келтириб чиқарувчи воқеа муҳим бўлса, кейинги мазмунда келиб чиқувчи мазмун муҳимдир<sup>2</sup>.

Мантиқшунос П. В. Таванец ҳам сабаб ва шартли ҳукмлар ўртасидаги муҳим фарқлардан бири ҳақида шундай ёзади: «Бу фарқ шундан иборатки, сабаб ҳукмдаги воқеа ёки далиллар ҳамиша борлиқда мавжуд воқеа ёки далиллар сифатида намоён бўлгани ҳолда, шартли ҳукмда бу воқеалар фақат бизнинг тафаккуримиз орқали мавжуд деб тахмин қилинадиган воқеалар тарзида намоён бўлади<sup>3</sup>. Ҳақиқатан ҳам, масалан, юқоридаги сабаб ва шарт муносабатлари ифодаланган икки гап қиёсланса, буни аниқ кўриш мумкин: Деҳқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди. Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат мўл бўлади. Биринчи гапдаги иккала воқеа ҳам реал борлиқда мавжуд, иккинчи гапдаги иккала воқеа ҳам реал борлиқда мавжуд эмас, амалга ошмаган, уларнинг амалга ошиши тахмин, фараз, тасаввур қилинади. Буни умумий тилшуносликдаги атама билан айтадиган бўлсак, сабаб муносабатидаги воқеалар реал, шарт муносабатидаги воқеалар эса ирреалдир.

Шарт муносабати билан тўсиқсизлик муносабати бир-бирига яқин туради, бу уларнинг асосий ифода воситаларида ҳам кўринади, яъни ҳар иккала муносабатнинг ифодаланишида -са шарт майли қўшимчаси иштирок этади. Фақат тўсиқсизлик муносабатининг ифодаланишида -са билан биргаликда ҳам (-да) юкламаси ҳам қўлланади ва бу юклама шарт муносабатини

1. Ш у в а л о в а С. А. Кўрсатилган асар, 53-б.

2. Ш у в а л о в а С. А. Кўрсатилган асар, 56-б.

3 Т а в а и е ц Т. В. Суждение и его шгдм М : Изд-во АН СССР, 1953, с/125.

кучсизлантиради. Аммо таъкидлаш зарурки, шарт муносабати барибир мавжуд бўлади, лекин у бевосита эмас, балки тағбилим сифатида тўсиқсизлик муносабатининг асосида ётади.

Агар ана шундай тағбилим мавжуд бўлмаса, тўсиқсизлик муносабати юзага келмайди. Лекин шарт муносабатидан фарқли ўлароқ, тўсиқсизлик муносабатидаги воқеалар ирреал эмас, балки реал бўлади. Қиёсланг: Деҳқонлар аетовдил меҳнат қилсалар, озиқ-овқат мўл бўлади (шарт муносабати, воқеалар ирреал). Деҳқонлар астойдил меҳнат қилсалар ҳам, озиқ-овқат мўл бўлмади (тўсиқсизлик муносабати, воқеалар реал). Айтиш керакки, айни гапдаги шарт муносабати тағбилим сифатида кейинги тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапнинг мазмунида мавжуд.

Натижа муносабатидаги воқеалар ҳам реал бўлади. Бунда 1-воқеа 2-воқеани келтириб чиқариш учун атай амалга оширилмайди, балки 1-воқеа шундай бажариладики, натижа 2-воқеа сифатида ўз-ўзидан келиб чиқади.



Шартланганлик муносабатларининг кўрсатилган беш хил беш хил эргаш гапли кўшма гапларда ифодаланади: сабаб, шарт, тўсиқсизлик, мақсад ва натижа эргаш гапли кўшма гаплар. Бундай эргаш гапли кўшма гаплардаги шаклий хусусиятлар, қисман мазмунини ўзига хосликлар, боғловчи воситалар ўзбек тилшунослигида тавсифланган<sup>1</sup>. Шунинг учун мазкур эргаш гапли кўшма гаплардаги айна жиҳатларга батафсил тўхталишга зарурият йўқ. Айна эргаш гапли кўшма гапларнинг бу ўринда асосий мазмуний жиҳатларига эътибор қилишнинг ўзи етарли деб ҳисоблаимиз.

### САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИК ҚЎШМА ГАПЛАР

Таъкидланганидай, бундай кўшма гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гапда сабаб воқеа бош гапда эса ана шу сабабш кўра юзага келадиган воқеа ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, эргаш гапдаги воқеа мазмунан бош гапдаги воқеа ичига сабаб узви сифатида киради, чунки бош гапдаги воқеа асосий воқеа ҳисобланади. Масалан, бпр воқеа асосий хабар сифатида айтилганда, агар уни келтириб чиқарган сабабга зрурат бўлса, албатта нега? деган савол тугилади, бу саволнинг жавоби, тайинки, сабаб воқеадан иборат бўлади: — Шеърларингиз босилмайди. — Нега? — Чунки ўзимиз шеърга кўмилиб ётибмиз (В. Катаев). Бу парчада сабаб муносабати бўлиб-бўлиб ифодаланган. Уни бир гап сифатида ифодалаганда, сабаб муносабати айна гапнинг мазмунини ташкил этади: Шеърларингиз босилмайди, чунки ўзимиз шеърга кўмилиб ётибмиз. Бунда олдин асосий воқеа, ундан кейин сабаб ифодаланган.

Яна қуйидаги мисолларни қиёсланг: Бир-бирларингизга эҳсон қилинглр, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади («Ҳадис»лардан). Аммо оқибат-натижадан мамнунмиз, чунки ҳозир лойиҳа, ҳар қалай, мавжуд (А. Мухтор). Ойна опа хатни охиригача ўқий олмади, чунки ҳовлининг эншгини кимдир тақиллата бошлади (Ш. Холмирзаев). Биринчи навбатда шу одамни айтиш керак, чунки у Асаднинг марҳум отасига қадрдон киши эди (Ф. Мусажонов).

Баъзан сабаб воқеани биринчи ўринга чиқариш, унга урғу бериш мақсади билан ҳам олдин эргаш гап, кейин бош гап келтирилади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Унинг бундай одати йўқ эди, шунинг учун йигит хайрон бўлиб, бироз қараб турибди (А.Қаҳҳор). Ўша пари қизларнинг руҳлари ҳамон сув тагида яшармиш, шунинг учун сирли дарё деб аталган (Ў. Ҳакимали). Аммо шу тобда хордиқ чиқаришга фурсат йўқ эди, шу боис... тагин жиддий ишга киришиб кетдилар (Ў. Юсупов). Саодат кўпдан бери ашула айтмаган эди, шунинг учун ҳам у жаранглаган овозларга кўшилиб ашула айтгиси келди (И. Раҳим).

Бу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Лисоний адабиётларда шунинг учун эргаштирувчи боғловчи сифатида талқин этилади. Лекин аслида ундай эмас. Бундай талқин рус тилидан нусха олишнинг оқибатидир. Айна шунинг учун одатдаги сўз шаклидир, яъни олмош + учун. Бу сўз шакли «қотиб» қолган эмас, Шу учун, шу боис, шу сабабли, шу туфайли кабилар ҳам мазмунан шунинг учун билан бир. Келтирилган гапларда бу сўз шакларини бемалол алмаштириб қўллайвериш мумкин. Шундан келиб чиқиб, шунинг Учун кабиларни сабаб холи (бош гапда) синтактик ўрнидаги ҳавола бўлак сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Бу, айниқса, айна ҳавола бўлакли бош гап эргаш гапдан олдин келган, қуйидаги гапларда яна ҳам аниқ билинади: Мен шунинг учун ҳам буни қиламанки, Ҳаётхон кейинчалик Ғуломжондан

1 Қар.: Ғуломо в Л., Аскарлова М. Ҳозирпг ўзбек адабий тили, Синтаксис. 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 203—207-б.; А с қ а р о в а М. А. Способм подчинения и ттпът придаточных предложений в современном узбекском язмке. АДД. Ташкент, 1963, с.90—100; Абдурахмонов Ғ., Суяймонов А., Холиёров Х., Омонтурдисв Ж. Ҳозирги ўзбек адабний тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 146—163-5.

умрбод рози бўлсин (М. Исмоилий). Очерк менга шунинг учун ёкмадики, унда тирик, жонли одам йўқ (Ф. Мусажонов). Таркибида мазкур сўз шакллари бўлган бош гаплар

иштирок этган гапларни бир ҳавола бўлакли сабаб эргаш гапли қўшма гаплар дейиш тўғри бўлади. Бундай ҳолатларда бош гап мазмунаи боғли, эргаш гап эса эркин бўлади. Ҳавола бўлакисиз бўлганда эса хилма-хил ифода воситаларига кўра қўшмш гап қисмлари нисбий мустақиллик жиҳатидан турли мақомга (эркин, боғли) эга бўлиши мумкин.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплардаги сабаб муносабати субъектив мураккаблашуви ҳам мумкин. Ўзбек тилида бундай мураккаблашув кўпроқ нутқ эгаси наздида келтирилатган сабабнинг аниқ ёки ноаниқлиги, умумга маълум ёки номаълумлиги, тахминийлиги каби субъектив маъно нозикликларини гап мазмунига киритишга ҳисобига юз беради. Масалан, Мажлис эрта бошланди, фақат шунинг учун у кеч қолди гапида бош гапдаги воқеанинг юз беришига олиб келган сабаб айтилган эргаш гапдаги воқеанинг бир ўзи эканлиги, бунинг аниқ эканлиги таъкидланган, бу билан сабаб муносабати субъектив мураккаблашган. Бу мураккаблашув фақат юкломаси орқали шаклан ифодаланган.

Сабабнинг аниқ эмаслиги, сўзловчи муайян воқеани сабаб деб тахмин қилаётганлиги маъноси билан сабаб муносабатининг субъектив мураккаблашуви нисбатан кўпроқ учрайди. Бу кўпинча -ми юкломаси орқали таъкид-ланади. Масалан: Кетмон эзворгани учунми, елкаси хўккайиб чиққан (Н. Қиличев). Юраги бир нимани сездими, овозининг борича бақирди (С. Барноев), Унинг эти уюшдими, ижирганиб ўрнидан турди (Е. Яқвалхўжаев). Баъзан тахминийликни яна ҳам таъкидлаш учун -ми дан ташқари бошқа лексик восита, масалан, негадир сўзи ҳам келтирилади: Ҳамон хотини тикилиб тургани боисми негадир дудуқланиб изоҳ берди (Н. Қиличев). Тахминийлик жуда кучли бўлганда, баъзан айтилган ҳолатдаги бирдан ортик сабаб эргаш гап тарзида келтирилиши ҳам мумкин: Билими саёзлик қилдими ё омади чопмадимми ишқилиб, қора чамадонни даранглатиб яна Қорасувга Қайтди (С. Сиев). Сабабнинг тахминийлиги яна бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади: Аммо ортикча хурсандчилик кўнгилларига сиғмади, чамамда, яна жимиб қолишди (Ч. Амирэжиби). Олчинбек... аллақандай нохуш хабарни эшитди, шекилли, ... ранги ўзгарди (К. Яшин). Рус тили унга ғалати эшитилса керак, ... астойдил қулоқ соларди (А. Мухтор). Ҳукуматнинг бир далзарб иши бордирки, зудлик билан олиб кетган (А. Мухтор).

Айрим ҳолларда сабабнинг умумга маълумлиги таъкидланади, бунда сабаб билан натижанинг узвий боғлиқлиги ҳам умумга маълум тағбилим сифатида англашилиб туради. Шунинг учун ҳам сабаб воқеа ифодаланган эргаш гапнинг иредикати бўлишсиз шаклда бўлиб, -ми юкломасини олган бўлади: Саратон қуёши еру кўкни ёндириб, атрофга олов пуркаётган бир палла эмасми, катта-кичик ўзмни чойга уради (Х. Тўхтабоев).

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплардаги сабаб мазмунининг субъектив мураккаблашуви яна бошқа кўринишларда ҳам бўлиши мумкин. Шуниси муҳимки, бундай гап-ларда, асосан, икки (ёки ундан ортик) денотатив воқеа ифодаланади. Шунинг учун ҳам асосий ҳолларда уларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келмайди.

## ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Бундай қўшма гапларнинг мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Юқорида айтилдики, шарт муносабатидаги воқеаларнинг биринчиси — шартни ифодалагани ирреал бўлади, шунинг учун иккинчи воқеа ҳам ирреаллик касб қилади. Аммо айрим тадқиқотчилар бошқачароқ нуқтаи назарни илгари сурадилар. Масалан, Ғ. Абдурахмонов шундай ёзади: «Кесими ирреал шартни англаувчи формалар билан ифодаланган эргаш гаплар баъзан мазмунон ирреалликни ифодаламайди. Бундай эргаш гапларда воқеа, ходиса рўй беради, демак, шарт реал бўлади, Бундай шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг иккинчи хусусияти шуки, улардаги мазмун ўтган замонда рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлади: Бу икки батальон бу ердан кетмаганда эди, тўплар химоясиз қолмаган бўлар эди. (Л. Толстой)...» Келтирилган гапдаги шарт реал эмас,

чунки шарт моҳиятан «батальоннинг кетиши» эмас, балки «батальоннинг кетмаслиги» дир, булар эса бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи икки хил воқеа. Гапнинг умумий мазмунидан англашилиб турибдики, «батальоннинг кетиши» воқеаси ҳақиқатан рўй берган, лекин шарт-воқеа, яъни «батальоннинг кетмаслиги» рўй берган эмас, бу воқеа фаразий, ирреал воқеадир, у рўй бермагангина эмас, энди ҳам рўй бермайди. Шарт муносабати «батальоннинг кетмаслигидан иборат фаразий, ирреал воқеа билан «тўпларнинг ҳимоясиз қолмаслиги» воқеаси ўртасида юзага

Абдураҳмонов Ғ. ва бошқ. кўрсатилган асар, 151-6. 210

келган. Тайинки, шартнинг ўзи ирреал бўлгач, унга боғлиқ натижа ҳам ирреал бўлади. Қисқаси, шарт муносабатидаги воқеалар ҳамиша, асосан, фаразий (гипотетик), ирреал бўлади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланган воқеалар мантиқан ўзаро шарт муносабатига киришади. Бу муносабат шаклан икки нисбий гап — бош ва эргаш гаплар ўртасида бўлар экан, эргаш гапдаги шарт-воқеа муайян узв сифатида бош гапдаги воқеа ичига киради. Шаклий-функционал жиҳатдан эргаш гап бош гапнинг синтактик курилишида шарт ҳоли ўрнини эгаллайди. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Мирвали ёнимда бўлса, мени пашша ҳам чакмайди (Саид Аҳмад). Сиз кетмон ушласангиз, мен Мадаминга йигит бўлиб кетаман (Ё. Яқвалхўжаев). Разведка сал хато маълумот берса, армия ҳалок бўлади (А. Мухтор). Сизни ҳайдашса, биз ҳам бу мактабдан кетамиз (Н. Қобил).

Баъзан эргашгапнинг предикати бўлишсиз феъл билан ифодаланган бўлади, бош гапдаги предикат эса бўлишли феъл билан ифодаланади, бу табиийки, бош ва эргаш гаплар ўртасидаги зидликни кучайтиради. Бунинг натижасида шарт воқеа бир қадар таъкидли ифодага эга бўлади. Мисоллар; Сизни сувдан ўтказиб қўймасам, менга берган нонингиз ҳаром бўлмай (П. Қадиров). Бошингга ташвиш тушмаса, қайтиб келмасдинг (С. Аҳмад). Шу қоидаларга итоат қилмасангиз, бўйингиз чопилади (Ғ. Ғулом). Ўзингиз иш бермаганингиздан кейин, мен нима ҳам қила олардим (Ф. Мусаёнов).

Айрим ҳолларда шарт воқеа бирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин, бу шарт воқеалар муайян бир воқеанинг юзага келиши учун шарт вазифасини бажариб келади. Миисоллар, Агар садоқати самимий бўлса, ҳақон ҳазратлари сингари бўлсалар, камина учун эътирозга ўрин қолмас эди (Ойбек). Агар дафъатан қоялар устига қоялар қулса, музликлардан кўчкилар кўчса, ер қатламлари уйғониб, тоғларга ларза келса, бу жимлик уларнинг даҳшатли гумбурини дунёга келмасданок ютиб юборарди (А. Мухтор).

Шарт воқеа. агар, модомики, бордию каби воситалар билан таъкидланиши ҳам мумкин. Бунда шарт муносабати субъектив мураккаблашуви мумкин. Субъектив таъкид орқали мураккаблашув қўшма қисмлари йўқса, бўлмаса каби воситалар орқали боғланганда жуда ҳам аниқ бўлади. Масалан: Уни тез олиб келинглар, йўқса, қамоқда бир кун нчида жувонмарг бўлади (З. Мўминоева), Сен тезроқ кел, бўлмаса, онанг хафа бўлади. Бундай мазмуний мураккаблашув қўшма гап қисмлари -ми, -са -борми каби воситалар билан боғланганда ҳам кузатилади: Ҳаётхон олдида бир аниқ мақсад қўйдими, минг уринсанг ҳам қайтара олмайсан (М. Исмоилий). У ишга киришса борми, ҳеч бир иш чала қолмайди.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан, икки (ёки ундан ортиқ) денотатив (воқеа ифодаланади, шунга кўра уларда мазмуний-синтактик номувофиклик юзага келмайди. Аммо айрим ҳолларда шарт воқеа модусдан иборат бўлиши ҳам (мумкин. Бундай ҳолатларда (мазмуний-синтактик номувофиклик юзага келади, эргаш гап мазмунан кириш тязимларга яқинлашади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: У ёғини суриштирсангиз, мен одам боласининг... дунёдан умид узишига ишонмайман (А. Қаҳҳор). У ёғини сўрасанг, Афғонистондаям ҳозирлик кўрилаётир (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). Лекни, мен сизга айтсам, вей, яхшилиқни ҳам билган биларкан (Н. Қобул). Агар малол келмаса, деразани очиб қўйинг (Н.Қобул).

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар ҳавола бўлаксиз бўлади. Бош гап мазмунаи эркин, эргаш гап эса боғлиқлик хусусияти билан характерланади.

## ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Шартланганлик муносабатлари ифодаланган эргаш гапли қўшма гаплар орасида тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар айни муносабатнинг намоён бўлиши (ва унинг идрок қилиниши жиҳатидан бениҳоя ўзига хосдир. Энг аввало бундай гапларда бир

пайтнинг ўзида икки хил муносабат, яъни ҳам шарт муносабати, ҳам тўсиқсизлик муносабати мавжуд бўлади. Албатта, асосий ва демак, тўсиқсиз аргаш гапли қўшма гап тузишга олиб келадиган муносабат тўсиқсизликдан иборат, лекин бу муносабатни тасаввур қилиш (мумкин эмас Чунки «тўсиқсизлик» деганда, муайян шартнинг тегишли воқеанинг юзага келишида тўсиқ бўлмаслиги назарда тутилади. Бунда шарт муносабати бевосита эмас, балки бавосита иштирок этади, бошқача қилиб айтганда, шарт муносабати айни гапда тағбилим (пресуппозиция) сифатида мавжуд бўлади. Агар тағбилим сифатида шарт муносабати иштирок этмас экан, тўсиқсизлик муносабатининг юзага келиши мумкин эмас. Масалан, Йигитлар ҳар қанча қисташса ҳам, у овқатга ўтирмади (Саид Аҳмад) гапида тўсиқсизлик муносабати ифодаланган. Гапда «Қисташса. ўтириш керак» тарзидаги шарт муносабатидан иборат тағбилим мавжуд, у сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам, умуман, шутил вакили учун меъёр, одатдаги ҳол. Тўсиқсизлик муносабати эса ана шу меъёрнинг бузилиши, одатдаги ҳолдан чекиниши, истисно тарзида юзага келади, бошқача айтганда, шарт муносабати нормал ҳолат бўлса, тўсиқсизлик муносабати унинг истисносидир. Ана шу (маънода тўсиқсизлик муносабати бшиқа муносабатларга қараганда анчайин мураккаб ва ўзига хосдир. Тўсиқсиз эргаш гаплар мазмунан тўсиқсизлик ҳоли билан мос келади. Яна мисоллар: Аҳмадбек ҳожи бир оз таскин топган бўлсада, кўйгли ёришмас эди (Е. Яқвалхўжаев). Вақт ярим кечадан оғиб қолган бўлсада, Ҳамза мижжа қоққани йўқ (К. Яшии). Лекин табиат қанча ўжар бўлмасин, улар қайсарлик билан яна кулба тиклайдилар (Саид Аҳмад). Ҳали барвақт бўлишига қарамай, қуёш ёниб бош кўтармоқда эди (Х. Султонов).

Тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлишсиз феъл орқали ифодаланганда, шарт кучли ифодаланади (буни шарт эргаш гаплар муносабати билан ҳам айтган эдик), шундай кучли шартга қарамай бош гапдаги воқеа рўй бераётганлига учун аюосий муносабат, яъни тўсиқсизлик ҳам кучаяди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш (мумкин: Ҳеч нарсани ҳал қилмаса ҳам, унга шу маълумотларнинг ўзи қизиқ (А. Мухтор). Гаплар эшитилмаса-да, мартенчилар бир-бирларини англари эди (А. Мухтор). Қор ёғмаса-да, ... изғирин аёвсиз эсарди (С. Барноев). Эрали сувлиқни тортмаса ҳам,... от ёлларини силкитади (Саид Аҳмад).

Тўсиқсизли мазмуни баъзи гапларда субъектив мураккаблашуви ҳам мумкин. Бунда тўсиқсизликнинг қатъийлиги ёки қатъий змаслиги, вақтинчалиги каби субъектив маънолар таъкидланади. Бунинг учун эргаш гапда гарчи, башарти каби сўзлар, бош гапда эса барибир, албатта каби сўзлар келтирилади, улар тўсиқсизликнинг қатъийлигини таъкидлайди: Подачи қанчалик тошмехр бўлмасин, барибир юрагининг бир четида ... юмшоқ кўнгиллик ҳам бор эди (Н. Қобул). ... Сиз келмасангиз ҳам, албатта, ўзим олдингизга бораман (Ғ. Ғулом). Бу одам. башарти бошига қилич келса ҳам, бировни сотмайди (Ф. Мусажопов). Опа. учун бола ҳар вақт бола бўлиб қолади. Гарчи соқол, мўйловлари сабза урган бўлса ҳам (Уйғун).

Бош гапда ҳали каби сўзларни келтириш орқали тўсиқсизлик мазмунининг вақтинчалиги, муайян вақтдан кейин тўсиқсизликнинг йўқолиши мумкинлигига ишора қилинади, албатта, бунда тўсиқсизлик мазмуни субъектив мураккаблашади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Бизнинг уй ичимизда мендан кичик иккитагина ўғил укаларим бўлса ҳам, уларнинг қўлидан ҳали ҳеч иш келмас эди (Ғ. Ғулом). ... Қиш яқинлашиб қолган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёгингарчилик бошланмаган эди (С. Айний) Водий нафаси келиб турса ҳам, ҳали айланма тоғ йўллари тикка, хатар ли (А. Мухтор).

Тўсиқсизлик эргаш гапли қўшма гапларда булардан бошқа ҳам субъектив мазмуний мураккаблашув кузатилади. Лекин, муҳими, уларда, асосан, икки денотатив воқеа ифодаланади. Шунга кўра уларнинг таркибида мазмуний-синтактик номувофшқлик деярли юзага келмайди. Бош гап ҳамиша мазмуний эркин бўлади, аммо эргаш гап узининг грамматик шакли ва мазмуний хусусиятига кўра, асосан, боғли характерга эга бўлалади. Шушшглек, ҳар икки денотатив воқеа ҳам реал характерга эга

бўлади.

## МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Бундай гапларнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги мақсад муносабатидан иборат бўлади. Шартланганлик муносабатларининг сабаб ва шарт турларида, айтиб ўтилганидай, келтириб чиқарувчи воқеа (1-воқеа)нинг табиати асосий бўлса, мақсад муносабатида келиб чикувчи (2-воқеа)нинг табиати муҳимдир. Қиёс: Дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар, шунинг учун озиқ-овқат мўл бўлди. Бунда 1-воқеа, яъни «Дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар» келтириб чиқарувчи ва у ўз табиатига кўра сабабни билдиради. Озиқ-овқат мўл бўлсин деб, дехқонлар астойдил меҳнат қилдилар. Бу гапда иккинчи воқеа, яъни «Озиқ-овқат мўл бўлсин» келиб чикувчи ва у ўз табиатига кўра мақсадни билдиради. Кўринадики, сабаб эргаш гапли ақўша гапларда эргаш гап 1-воқеани, бош гап 2-воқеани ифодаласа, мақсад эргаш гапли қўшма гапларда аксинча, эргаш гап 2-воқеани, бош гап 1-воқеани ифодалайди. Айтиш мумкинки, мақсад муносабатида шартланганлик муносабатларининг бошқа барча турларидагидан фарқли ўлароқ, воқеалар ўртасидаги муносабат йўналиш бошқача, яъни бошқа турларда «1-воқеа 2-воқеа» тарзида, демак, тўғри йўналиш, мақсад муносабатида эса «2-воқеа 1-воқеа» тарзида, демак, унга тескари йўналиш. Ана шу иккинчи воқеани амалга ошириш биринчи воқеани амалга оширишдан кузатилган мақсад бўлади. Шунинг учун ҳам мақсад эргаш гаплар мазмунан мақсад ҳолига тенглашади. Қуйидаги гапларда буни кўриш мумкин: Уруш-жанжал кўпаймасин деб, бутун дардимни ичимга ютаман (Ойбек). Амунни дуо қиламан, токм биздек ошиқларни... учраштирадиган эзгу дарё бўлсин (А. Мухтор). У... савдолашаётганда харидор зерикмасин деб, дурбин билан сурат ҳам қилиб қўйибди (Ғ. Ғулом).. Одамлар ишдан қолмасин деб, маросимни соат беш яримга тайин қилганмиз (Саид Аҳмад).

Бу мазмун муносабати ҳам турли субъектив маъно нозикликлари билан мураккаблашуви мумкин. Масалан, мақсад муносабати алоҳида таъкидланиши мумкин, бунда турли лексик грамматик воситалардан фойдаланилади. Айтайлик, бош гап таркибида атайлаб каби сўзлар (мақсад ҳоли) келтирилиши мумкин: Кўпроқ одам эшитсин деб, атайлаб дўриллаган овоз билан баланд гапиряпти (Х. Тўхтабоев). Мақсаднинг тахминийлигини таъкидлаш учун, масалан, эргаш гапнинг кесимини -(а)р шаклли сифатдош орқали ифодалаш мумкин: Бирор киши учраб қолар деб, у катта йўлдан юрди («Тош, окш.»).

Бу ўринда мақсад муносабатининг яна бир мазмуний-манتيкий жиҳатини таъкидламоқ лозим. Сабаб муносабатида ҳар икки воқеа ҳам, асосан, реал бўладиган бўлса, шарт муносабатида ҳар икки воқеа ҳам ирреал, фаразий бўлади. Буни айтиб ўтдик. Мақсад муносабати бу жиҳатдан улардан фарқ қилади, яъни мақсадни ифодалайдиган воқеа, асосан, ирреал, фаразий, асосий воқеа эса деярли ҳамиша реал бўлади. Мантиқан амалга ошиб бўлган нарса мақсад, ният бўла олмайди. Шунинг учун ҳам мақсаднинг ирреал, асосий воқеанинг реал бўлиши табиий. Айтиш керакки, мақсад воқеанинг ирреаллиги айни қўшма гапнинг ичида, холос. Уидан бошқа матнда, матннинг давомида у реаллашуви мумкин. Қиёс: Бирор киши учраб қолар деб, у катта йўлдан юрди. Нияти холис экан, қараса, дўсти келяпти..

Қисқаси, мақсад эргаш гапли қўшма гапларда икки денотатив воқеа ифодаланади. Шунга кўра гапда мазмуний-синтактик мувофиқлик сақланади. Бош гап ҳамиша мазмунан эркин, эргаш гап эса боғли бўлади.

## НАТИЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Натижа муносабати бундай қўшма гапларнинг мазмунини ташкил қилади. Иккинчи воқеа биринчи воқеанинг натижаси сифатида юзага келади. Шуни айтиш

керакки, бош гапдаги ҳаракат атай аргаш гапдаги ҳаракатни амалга ошириш учун қилимайдди, балки эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатнинг натижаси сифатида ўз-ўзидан келиб чиқади. Мисоллар: Йигитлар... уни шунчалик иззат қилишар эдики, Аскар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди (А. Қаҳҳор). Бирок деҳқонлар ўртасида меҳнат тақсимлаш шундай ўзгардики, ҳар икки томон бир-бирларини камситмай бошладилар. (Ғ. Ғулом). Малик муаллим Суяркулнинг қулоғини шундай бурадики, боланинг кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди (А. Кўчимов). Ўша коммунистни шундай белини узишадики, у ҳеч қанақа курашга ярамай қолади (Н. Қобул).

Айтиш керакки, бундай кўшма гапларнинг бош гапи таркибида деярли, ҳамиша, шундай, шунақа, чунонам каби сўзлар бўлади ва улар бош гапдаги воқеанинг натижаси борлигига, яъни эргаш гапга ишора қилиб туради, шунинг учун уларни ҳавола бўлақлар дейиш мумкин. Натижа эргаш гапли кўшма гаплар, демак, бир ҳавола бўлақли гаплардир, бу бўлақлар бош гапда, асосан, ҳол ўрнида келади. Ана шу бўлақка кўра бош гап мазмунан эркин бўлолмайди, эргаш гап эса эркин бўла олади.

Натижа эргаш гапли кўшма гапларда воқеаларнинг мазмуний хусусиятлари асосан икки хил бўлади. М. А. Аскарлова тўғри кўрсатганидай, 1) «натижа эргаш гапдаги фикр реал бўлади», 2) «натижа эргаш гапдаги фикр мўлжалланган ва тахмин қилинган бўлади»<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, натижа эргаш гапли (кўшма гапларда баъзан реал воқеалар ўртасидаги, баъзан эса ирреал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланади. Юқорида келтирилган гапларда реал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланган. Агар ирреал воқеалар ўртасидаги натижа муносабати ифодаланадиган бўлса, эргаш ва бош гапларнинг кесими буйруқ-истак майлидаги феълдан иборат бўлади, баъзан бош гапнинг кесими керак, зарур каби сўзлар иштирок этган, бирикмадан иборат бўлиши ҳам мумкин. Мисоллар: Сан раис Тўрани бир ўрай-бир ўрайки, қайси тешикка кирганини билмай қолгин (А. Кўчимов). ...Шундай тасвирлаб берсинки, ўқувчи бу одамнинг яхши ёки ёмонлигини шу овқат еб ўтиришидан билиб олсин (Ф. Мусажонов). Бир иш қилайликки, ўз оёғи билан келсин (Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов). ... Биз чорвачилиқда ишни шу қадар онгли ва давр талаби даражасида ташкил этишимиз керакки, ёшлар энг яхши заводларга оқиб боргандек унга интилсин (11. Қобул).

<sup>1</sup> Ғуломов А., Аскарлова М. Кўрсатилган асар, 222-б. 216

Натижа эргаш гапли қўшма гаплардаги мазмуний муносабат ҳам субъектив мураккаблашиши мумкин. Бу натижа маъносини таъкидлаш, эргаш гапдаги воқеанинг келиб чиқиши мумкин, бўлган бир неча натижадан бири— энг «кичиги» эканлигини кўрсатиш маъноси кабилар ҳисобига бўлади. Биринчи маъно нозиклиги оқибатда, натижада каби сўзлар воситасида ифодаланади: Кейинги вақтларда у шундай тадбирлар қўлладики, оқибатда Малош Золтан билан Зуфар бир-бирларини кўра олмади (О. Юсупов). Ёзувчи ана шундай оддий бир воқеани шундай фавкулудда маҳорат билан тасвирлаганки, натижада китобхон инсоннинг ҳаётга муҳаббати бениҳоя қудратли куч эканини ҳис қилади (А. Қаҳҳор). Кейинги маъно нозиклиги ҳатто сўзи билан таъкидланади: Кеча шу қадар жимжитки, ҳатто кекса қайрағочда мудраган чумчукнинг инига сигмай типирчилагани ҳам эшитилади (Саид Аҳмад). Мен унинг оғзини шундай маҳкамлаб кўяманки, ҳатто ичидаги сирини соясига ҳам айтмайдиган бўлади (О. Юсупов).

Воқеаларнинг табиати қандай бўлишидан қатъи назар, барибир улар денотативдир. Шунинг учун ҳам натижа эргаш гапли қўшма гапларда асосий ҳолларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келмайди.

### **ЎЛЧОВ – ДАРАЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР**

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмун муносабатининг ифодаланишига кўра икки хил кўриниши фарқланади: 1) икки ҳавола бўлакли ва 2) бир ҳавола бўлакли.

Икки ҳавола бўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар нисбатан кенг тарқалган. Эргаш гапли қўшма гапларнинг бошқа икки ҳавола бўлакли турларидага каби бундай гапларда ҳам қаршилантирилган ҳавола бўлақлар мавжуд бўлади, яъни қанча — шунча, қанчалик — шунчалик кабилар. Бош гапда шунча, шунчалик каби ҳавола сўзлар мавжуд бўлади ва улар ўлчов-даража ҳоли синтактик ўрнида келади. Қанча, қанчалик сўзлари ҳам эргаш гапда шундай ўринда бўладӣ, демак, улар орасида мувозийлик бўлади, икки депотатив воқеа ҳаракатнинг миқдорий белгисига кўра умумий бўлади. Воқеалар ўртасидаги муносабат ўзаро тобеланишга кўра жуда зич бўлади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: Тоҳиржоннинг дарди қанча оғирлашса, у шунча қувонади (Ойбек). Одатда шоликорлик ботқоғида қанча кўп шалолатиб юрилса, шунча қиёғи кўп бўлади (Саид Аҳмад). У йигит қанча ишлаган бўлса, Сиддикжон ҳам шунча ишлашга аҳд қилди (А. Қаҳҳор). Қанчалик омадинг юришса, шунчалик сени жини суймайдиганлар кўпаяди (Н. Қобул).

Бундай гапларда (мазмуний-синтактик мувофиқлик асосан, ҳамиша сақланади. Қўшма гап қисмларидаги ўзаро тобеланишга кўра бош гап ҳам, эргаш гап ҳам мазмунан эркин бўлолмайди.

Бир ҳавола бўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплардаги бош гапда шундай, шу даражада, шу қадар, шунчалик каби ҳавола сўзлар мавжуд бўлади, бу сўзлар баъзан ўлчов-даража ҳоли сифатида бир ўзи, баъзан бирикма таркибида келиши мумкин. Бу ҳавола бўлак эргаш гапни бош гапга олиб кирувчи, эргаш гапнинг бош гапдаги «ўриябосари» сифатида муҳимдир. Эргаш гапдаги денотатив воқеа бош гапдаги денотатив воқеадаги ҳаракатнинг бажарилиш даражасини кўрсатувчи узв сифатида айни асосий воқеа билан алоқаланади. Мисоллар: Бир йилда кабинетини шу даражада ўзгартириб юбордики, кўрсангиз, тарих музейи дейсиз (А.Кўчимов). Ўшанда шу қадар ўлгим келдики, буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди (Н. Қобул). Ҳалп Онахонинг билмаганлари шу қадар кўп эдики, сўраб охирига етолмасдай кўринди (А. Мухтор).

Бу турда бош гап мазмунан эркин бўлолмайди, эргаш гап эса бўлиши мумкин.

### **ЧОҒИШТИРИШ ВА ЎХШАТИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР**



Бундай эргаш гапли кўшма гапларининг мазмуний асосини қиёслаш муносабати ташкил этади. Қиёслаш инсоннинг дунёни билиш жараёнида жуда катта ўрин тутати. Икки ёки ундан ортиқ предмет, воқеа-ҳодисани улар ўртасидаги мавжуд ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш мақсади билан қиёслаш ташқи оламни бйлишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан биридир, Бу усул инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади.

Айтиш кедракки, қиёслаш муносабатининг табиати икки хил, яъни 1) фарқни кўрсатиш ва 2) ўхшашликни кўрсатиш. Шунга кўра биринчи ҳолатни чоғиштириш, иккинчи ҳолатни эса ўхшатиш муносабати сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Чоғиштириш эргаш гапли кўшма гаплардаги асосий мақсад икки донотатш воқеа ва улар ўртасидаги фарқли жиҳатни ифодалашдан иборат. Шунинг учун ҳам бундай гаплардаги воқеалар асосий ҳолларда реал бўлади: Мисоллар: Тили билан Фазлиддинга ҳар хил ёқимли сўзлар сўзласа, фикри бошқа ёқларда кезди (Ойбек). Асқарали ўзини асалари билан овутса, Салима кийиклар билан овунардди (Саид Аҳмад) Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешин чоғи у белбоғини ёзарди (Н. Қобул). Йигитнинг сазаси сингунча, хўкизнинг бўйни узилсин (Мақол).

Ўхшатиш эргаш гапли кўшма гаплардаги асосий мақсад эса денотатив воқеа ва тасаввурий воқеа ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ифодалашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, нутқ эгасининг асл мақсади фақат бир денотатив воқеа ҳақида хабар беришдир. С. А. Шувалованинг ҳақли равишда таъкидлашича, бундай ҳолатларда «муаллиф денотатив воқеаяни яна ҳам тўлиқроқ ва аниқроқ ифодалашга интилиб, ҳиссий-образли («ассоциативно-образные») алоқалардан фойдаланади... От смущения он отчаяно краснел, как краснеют дети гапида ифодаланган воқеалардан бири — «он отчаяно краснел» — денотатив воқеанинг мутлақо тўлиқ тасвиридан иборат, шунга қарамасдан, унга «ёрдамчи сифатида» муаллиф тасаввурида денотатив воқеа билан муайян ассоциатив ўхшашликка кўра юзага ксладиган бошқа бир намунавий («типовой») воқеа тасвири келтирилади»<sup>1</sup>. Демак, нутқ эгаси муайян бир денотатив воқеани ифодалаш учун бу воқеа ифодасидан ташқари яна бир тасаввурий воқеа ифодасини келтиради, улар ўртасидаги алоқа эса ўхшашлик муносабати асосида юзага келади. Чоғиштириш ифодаланган гаплардан фарқли ўлароқ, бундай гапларда бош гап реал воқеани, эргаш гап эса ирреал воқеани ифодалайди. Мисоллар: Бу хонага шундай жимжитлик чўкканки, гўё унда ҳаёт бутунлай йўқ (А. Мухтор). У худди укаси ташқарида кутиб тургандай, кушдай учиб чикди (Ойбек). Гулнор, гўё Йўлчи уни ҳам чақирган каби, нақ Унсин билан баравар ўрни дан сапчиб турди (Ойбек). Тунлари тракторлар, оч бўрилар галаси бетиним увлагани янглиғ, тинмай тариллайди (Н. Қиличев).

Ўхшатиш эргаш гапли кўшма гаплардаги мазмун муносабати гўё, худди, бамисоли каби ёрдамчи сўзлар билан субъектив мураккаблашиши мумкин.

Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли кўшма гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосий ҳолларда сақланади. Айни пайтда бош гаплар мазмунан эркин бўла олади, лекин эргаш гаплар ҳамиша мазмунан боғлиқ бўлади.

---

1. Шуъалова С. А. Кўрсатилган асар, 78—79-б.

## КЎЧИРМА ГАПЛИ ҚЎНША ГАПЛАРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Кўчирма гапли қўшма гаплар ҳам, табиийки, қўшма гапларнинг ўзига хос бир тури сифатида шакл ва мазмун муносабатида кўра бир қатор хусусиятларга эга. Бундай гапларнинг синтактик қурилиши бошқа қўшма гаплар билан киёсланса, уларнинг кўпроқ эргаш гапли қўшма гапларга яқин туришини кўриш мумкин. Аммо тадқиқотчилар кўчирма ва муаллиф гапи ўртасида очик ифодаланган “боғловчилар иштирок этмагани учун уларни боғловчисиз қўшма гапнинг бир тури деб ҳисоблаш мумкин”лигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup> Лекин қандай баҳоланишидан қатъи иазар, кўчирма гапли қўиша гапларда ҳам бош (ҳоким) ва эргаш (тобе) гапларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Кишилар нутқий алоқада бир-бирларига муайян воқеа-ходисалар ҳақидагина эмас, балки бошқа кишиларнинг нуқтаи назари, сўзлари ҳақида ҳам маълумот берадилар. Бу иккинчи тур маълумот эса ўз ифодаси учун кўчирма гапли тизимларни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бундай тизимлар тилда кеча пайдо бўлган эмас, тилнинг энг қадимий даврларида, масалан, Ўрхун-Эиасой ёдномаларида ҳам айии тур қўшма гаплар жуда кенг қўлланган. Мазкур қўшма гаплар узоқ тарихий тараққиётни бошидан кечирган бўлсада, улар таркибидаги унсурлар (кўчирма гап ва муаллиф гапи) ўртасидаги тобе-ҳокимлик муносабати ҳозирга қадар ўзгарган эмас.

Табиийки, муаллиф гапи қўшма гап таркибида ҳоким вазиятда бўлади, шу маънода у бош гапдир. Кўчирма гапли қўшма гапларнинг асос, тамал турида муаллиф гапи яхлит гапнинг «синчи» сифатида кўчирма гапни ўз ичига олади. Масалан, Аҳмад: «Уртоғим имтиҳон топширди», — деди гапида Аҳмад деди муаллиф гапи бўлиб, грамматик жиҳатдан яхлит гапнинг асосий «синчи»дир, синтататик асосидир. Эга ва кесимдан иборат бу гап алоҳида олинганда, содда гап, аммо тўлиқсиз содда гап. Чунки демоқ феълининг кучли мазмуний валентлиги, яъни «нима (ни) демоқ» очик қолган. Ана шу хусусиятга кўра мазкур қўшма гапда кўчирма гап муаллиф гапи билан бениҳоя зич боғланган. Бошқача қилиб айтганда, деди феълининг кучли мазмуний валентлиги доимий равишда бўлгани каби кўчирма гапдан иборат бирлик билан беркитилган. Ҳар қаидай гапнинг муайян синтактик ўринлар тизимидан иборат эканлигини эсга олсак, мазкур гапда эга ва кесим ҳамда алоҳида гап (кўчирма гап) билан ифодаланган тўлдирувчи мавжудлигини мантиқий тасаввур этиш мумкин. Лекин тўлдирувчи синтактик ўрнини эгаллаган бирлик нокоммуникатив эмас, балки коммуникатив, демакки, предикатив бирлик эканлигидан келиб чигқиб, яхлит ишни қўшма гап деб баҳолаш, табиийки, тўғри бўлади. Бу мулоҳазалардан кўринадики, муаллиф гапи бош гап, кўчирма пап эса эргаш гап мақомидадир. Албатта, боғлавчи бўлмаса-да (зотан мазкур ҳолатларда алоҳида боғловчига эҳтиёж ҳам йўқ, чунки мазмуний қурилишда бундай боғловчи бор), мазмуний-мантиқий тобе — ҳокимлик мавжуд, шаклан тилшуносликдаги анъ-анага кўра бундай гапларни «боғловчисиз қўшма гаплар» деган билан ҳеч нарса ўзгармайди. Шунинг учун ҳам уларни эргашган қўшма гапларнинг ўзига хос алоҳида тури сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўзига хослик нимадан иборат? Энг аввало, юқорида таъкидланганидай, кўчирма гап билан муаллиф гапининг ўзаро боғланиши ўзига хосдир. Бундай ҳолларда боғловчи воситанинг йўқлиги ҳақида кўп гапирилади. Аслида ўзи боғлиқ бўлган нарсани яна боғлаш учун восита излаш бефойда иш. Айтиб ўтилганидай, кўчирма гап тизими демоқ (ва бошқа нутқ феъллари) феълининг кучли мазмуний валентлиги талаб этадиган ва демак, шу феълга тобе бўлган бирликдир. Шундай экаи, демоқ феъли ва кўчирма гап мазмуниятининг таъкидланган ўзига хослиги бундай эргашган кўпша гапларнинг ўзига хослигини тайин этади. Муаллиф гапи бош гап сифатида, кўчирма гап эса эргаш гап сифатида ана шу тарзда ҳам грамматик, ҳам мазмуний ҳоким-тобелик муносабатида бўлади. Айни муносабат юқорида келтирилган, «тамал тур» деб номланган кўчирма

гапли қўшма гапнинг «Ўртоғим имтиҳон топширди», — деди Аҳмад шаклидаги кўчимиди ҳам тўлалигича сакланади.

Аммо мазкур гап муаллиф гапи тўлиқ кўчирма гапдан олдин келадиган шаклга кўчирилса, мазкур муносабат бир қадар бошқача бўлади: Аҳмад деди: «—Ўртоғим имтиҳон топширди». Бундай кўчирма гап деди феълнинг кучли мазмуний валентлигини тўғридан-тўғри беркита олмайди, яъни кўчирма гап тегишли бирлик сифатида бевосита деди сўзига тобе бўла олмайди. Нега? Бу ўринда яна бир мазмуният ходисасига тўхталиш керак. Тил бирликларининг

1 Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. Тошкент^ Фан, 1970, 459-бет.

2 Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. II том. Синтаксис. Тошкент: Фан, 1989, 270"бет.

мазмуний валентликлари бир тарафлама ва икки тарафлама бўлиши мумкин. Масалан, феъл бир тарафлама валентликка эга, яъни фақат олд валентлиги бор, валентлиги талаб этган сўзлар унинг олдидан келади. Лекин феъл функционал шакллари олса, у икки тарафлама валентлик касб этади, масалан, ўқиган сифатдоши ҳам олд, яъни «китобни ўқиган» ва ҳам орқа, яъни «ўқиган бола» валентликларига эга. Ана шунга кўра деди феъли ўзидан кейин келган кўчирма гапни бевосита тобелантира олмайди, бундай кўчирма гап деди нинг очиқ кучли валентлигини тўғридан-тўғри беркита олмайди. Шунинг учун муаллиф гапи таркибида ҳавола бўлакка эҳтиёж сезилади. Эргаш гапли кўшма гапларнинг айрим типларидаги бош гапларда бўлгани каби муаллиф гапи таркибига шундай, бундай каби ҳавола бўлак киритилади. Бу ҳавола бўлак деди феълининг мазкур валентлигини кўчирма гап мазмунига ҳавола қилган ҳолда беркитади. Аҳмад шундай Деди: — «Уртоғим имтиҳон топширди». Демок феълининг мазмунига кўра кўчирма гап бевосита бу феълнинг олдидан келиши керак. Агар муаллиф гапи яхлитлигича мантиқан таъкидланиши лозим бўлса, яъни олди бутун муаллиф гапини. сўнг кўчирма гапни ўрииллаштиришга зарурият бўлса, у ҳолда муаллиф гапидаги демок феълидан олдин тегишли кўчирма гапнинг бўш қолган ўрни мазкур ҳавола бўлак билан тўлдирилади. Бу ҳолда кўчирма гап демок феъли биян бевосита эмас, балки бевосита боғланади ва демакки, кўчирма гапнинг муаллиф гапи билан алоқаси у қадар зич бўлмайди.

Кўчирма гапли кўшма гапларнинг, асосан, 2 турини фарқлаш мумкин; 1) муаллиф гапида ҳавола бўлаги йук 2) муаллиф гапида ҳавола бўлаги бор. Кўчирма гап демок феълидан олдин келса, ҳавола бўлак эҳтиёжи бўлмайди ва бундай гапларнинг кўчирма гапли кўшма гапларнинг ҳавола бўлаксиз турига киритиш мумкин. Бу тур уч кўринишга эга: 1. Аҳмад “Ўртоғим имтиҳон топширди”, - деди. 2. “Ўртоғим имтиҳон топширди”, - деди Аҳмад. 3. “Ўртоғим, - деди Аҳмад, - имтиҳон топширди”. Охирги гапда уўчирма гапнинг бир қисмига деди феълидан олдин келган, холос. Аммо бу ҳол мазкур тасниф ва талқинни ўзгартирмайди, чунки деди феъли ўз мазмунига кўра кўчирма гапнинг қисми билан бўлсада, боғланган, мазкур кўчирма гап эса бир бутундир. Бу турдаги кўшма гапларда кўчирма гап ва муаллиф гапи бевосита боғланган, улар ўртасидаги алоқа жуда зич, мустаҳкам.

Кўчирма гап демок феълидан кейин келса, таъкидлаб ўтилганидай, ҳавола бўлакка эҳтиёж юзага келади ва бундай гаплар кўчирма гапли кўшма гапларнинг ҳавола бўлакки турига киради. Бу тур, асосан, бир кўринишга эга: Аҳмад шундай деди: «Уртоғим имтиҳон топширди». Аммо шундай (бундай ва ш.к.) ҳавола бўлаги шаклан қўлланмаслиги ҳам мумкин: Аҳмад деди: «Ўртоғим имтиҳон топширди». Бироқ у мазмуиан мавжуд бўлаверади, чунки демок феълининг муаллиф гапининг ичида реаллашмаган кучли валентлиги унга ишора қилаверади. Тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гапларнинг бир ҳавола бўлакки туридаги каби ҳолат (Аҳмад шуни биладики, ўртоғи имтиҳон топширган—Аҳмад биладики, ўртоғи имтиҳон топширган)ни бу ерда ҳам кўриш мумкин.

Кўчирма гапли (кўшма гапларнинг кўрсатилган ҳар икки турида ҳам уларнинг шаклига мувофиқ тарзда, асосан, икки (ёки ундан ортик) мазмун муносабати — пропозиция ифодаланади. Фақат бундай кўшма гапларнинг биринчи турида бу пропозициялар бири иккинчисининг ичига кирган ҳолда, иккинчи турида эса ёнма-ён ҳолда жойлашган бўлади. Шунга кўра пропозицияларнинг ўзаро алоқасининг мустаҳкамлиги бу икки турда фарқли бўлса-да, умуман, шакл ва мазмун мувофиқлиги деярли ҳаммиша кузатилади.

Муаллиф гапнинг кесими вазифасида, албатта, демок Феълидан ташқари нутқ ва бошқа турли семантикага эга феъллар ҳам кенг қўлланади.<sup>1</sup> Ундай ҳолларда ҳам гапнинг шакл ва мазмун жиҳатидан хусусияти юқоридагича бўлаверади.

Кўчирма гапли қўйша гапларининг ҳар икки турида ҳам муаллиф гапи таркибида равишдош билан ифодаланган ҳол бўлиши мумкин. Масалан: Чечан янга: — Ҳой қизлар,

— деди кулиб... —Тортинмасдан, йигитларга ёпишинқираб ўтиринглар (О. Ёкубов). Муаллиф гапидаги кулиб равишдоши равиш ҳоли вазифасида келган. Услубий мақсад билан ...деди кулиб шакли ...деб кулди тарзида ўзгартирилши мумкин: Қизлардан бири: — Вой, ўлмасам, бу ёқда кап-катта йигит бор демайсиз-а, Мастурахон опа!—деб кулди (О.Ёкубов). Умуман, бундай кўчим тилда жуда кенг тарқалган: ...деди хулоса қилиб, деб хулоса қилди, ...деди йиғлаб, деб йиғлади, ...деди жеркиб, деб жеркиди, ...деди хайратланиб, деб хайратланди тарзидаги минглаб кўчимларни эслаш мумкин. Бундай кўчимларда мантиқий таъкиднинг ўрни ўзгаради, яъни биринчи ҳолатда кўчирма гап таъкидланган бўлса, иккинчи ҳолатда таъкид кўчирма гапдан

---

1 Абдуллаев А. Б. Ҳозирги ўзбек адыбий тилида кўчирма гапли копструкциялар. Тошкент: Фан, 1978, 38-бет.

олиниб, муаллиф гапининг кесимига берилади. Проф. М. Асқарова деб ёки дея равишдоши сўзлаш ҳаракати билан боғлиқ бўлмагаи феъллар билан бирга келганда, кўчирма гап бутунлигича муаллиф гапидаги мазкур феъллар билан ифодаланган кесимга нисбатан ҳол ёки ҳол эргаш гаплик вазифасини бажаришини жуда тўғри таъкидлайди ва «Бу хом хаёл», — дея «каронат» қилган эди Қодиров каби гапларда кўчирма гаплик хусусиятининг бир оз кучсизланганлигини ўринли қайд этади.<sup>1</sup> Мазкур гапда кўчирма гаплик хусусиятининг кучсизланиши билан яхлит гап содда гапга айланган ва мазмун муносабатлари— пропозициялар айнан сақлангани учун шакл ва мазмун номувофиклиги юзага келган. Гап ҳол, кесим ва эгадан иборат.

Таъкидлаш лозимки, кўчирма гаплик хусусиятининг кучсизланиши оқибатида қўшма гап содда гапга айланиб кетса ва мазкур мазмун сақланса, шубҳасиз, шакл ва мазмун номувофиклиги юзага келади. Лекин кўчирма гаплик хусусияти кучсизланса ҳам, гап қўшма гаплигини сақласа, табиийки, шакл ва мазмун мувофиклиги ҳам сақланаверади, фақат қўшма гапнинг таснифий мақоми ўзгаради, холос. Масалан: Жамшид акам кўриб қолмасин деб,..ариқ ёқалаб кетди (О. Ёкубов). Бу гапда кўчирма гаплик хусусияти кучсизланиб, гап сабаб ергаш гапли қўшма гап мақомини олган.

Кўчирма гапли қўшма гапларнинг ҳавола бўлаксиз турида яна бир ҳодиса кузатилади. Аҳмад «Ўқишни битирай», — деди гапини олиб (кўрайлик. Бу гап кўчирма гапли қўшма гап сифатида шакл ва мазмун мутаносиблигига эга. Лекин бу тур гапларда синтактик қайта бўлиниш имконияти мавжуд, яъни ундаги кўчирма гаплик хусусияти йўқолиши мумкин. Бу хусусият йўқолса, ёзувдаги тиниш белгилари ҳам ўзгартирилиб ёзилади: Аҳмад ўқишни битирай деди. Мазмун жиҳатидан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам бутунлай бошқа гап синтактик қайта бўлиниш натижасида юзага келган. «Аҳмаднинг ўқишни битиришига оз қолди» маъносига бу гап, табиийки, содда гапдир. Синтактик жиҳатдан эга, тўлдирувчи, кесимдан иборат. Синтактик қайта бўлинишдан олдинги шаклдаги кўчирма гапнинг ва муаллиф гапининг кесимлари (битирай, деди) биргаллашиб, бир содда гапнинг кесими ўрнини эгаллаган. Демак, кўчирма гаплик хусусиятининг йўқолиши билан бундай ҳолларда қўшма гап содда гапга айланади. Аммо шакл ва мазмун номувофиклиги юзага келмайди, чунки мазмун айнан сақланмайди, балки пропозицияларнинг бири йўқолади. Муаллиф гапининг кесими бўлган демоқ феъли ўзининг асосий маъносини йўқотади, у ёрдамчи феъл мақомини олади. Шунга кўра Аҳмад ўқишни битирай деди гапида «Аҳмад сўзлади» тарзидаги пропозиция йўқ. Демак, бир «Аҳмад тезда ўқишни битиради» шаклидаги пропозиция бир содда гапда ифодаланган. Демоқ феъли бундай ҳолларда асосий маъносини йўқотганлиги учун ҳам эга вазифасида ҳар қандай семантикали сўзлар кела олади. Мисоллар: Ҳамидулла дарвозага етай деб қолган эди (Ў. Умарбеков). «Нафс» тўлиша-тўлиша китоб ҳолига етай деб қолди (Н. Аминов). Қўшнимизнинг ити тишлаб олай деди (Р. Орипов).

Кўчирма гапли қўшма гаплардаги бош (муаллиф гапи) ва эргаш (кўчирма гап) гапларнинг ўзаро муносабати ўзига хосдир. Бу тур қўшма гапларнинг шакл ва мазмун муносабатларини янада чуқур ўрганиш матн синтаксиси учун ҳам аҳамиятлидир.

## ХАБАР ТИЛИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

Хабар газетанинг бошқа жанрларидаи ўзининг ихчамлиги, шаклан сиқиклиги билан ажралиб туради. Хроника — ахборотнинг энг содда кўринишларидан бири, у кўпинча бирор муҳимроқ воқеа, янгилик ҳақидаги хабардан иборат бўлади. Хрониканинг вазифаси муайян фактни тасвирлаш эмас, балки ана шу факт ҳақида фақат ахборот беришдангина иборат.

Хабар ҳажман қисқа ва ихчам бўлса-да, ундаги ҳар бир гап атайин мураккаблашган, турли синтактик шакллар хилма-хил синтактик тузилмалар билан кенгайган бўлади. Гап таркибида жуда кўп ҳолларда хабар талаби ва мантикига мос равишда турли кириш ва киритма тузилмалар қўлланади, кўплаб сифатдош ва равишдош

ўрамлар, ҳаракат номили ва шарт феълли тузилмалар учрайди, турли-туман изоҳловчили бирикмалар кўзга ташланади. Айтиш мумкинки, бундай тузилмаларнинг ҳар бири муайян мазмун муиосабатини ифода этади, мустақил гап мазмунига тенг маълумотни анчайин умумлаштирган, ихчамлаштирган ҳолда акс эттиради. Аммо барча асосий ҳолларда улар иштироки билан содда гаплар қўшма гапга айланмайди. Фақат содда гаплар мураккаблашган содда гапларга айланади, холос.

1. Ғуломов А. Асқаров М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис.: Тошкент, 1961, 263-бет



Шу тарзда мураккаб мазмунни содда гап шаклида ифода қилиш имконияти туғилади. Тўғри, хабарнинг композицион-синтактик қурилишида кўшма гаплар ҳам жуда кенг тарқалган, уларда шакл ва мазмун (мувофиқлиги тўлиқ сақланган бўлади, яъни мураккаб шаклда мураккаб мазмун ифодаланади. Аммо нисбатан мураккабланишган содда гаплар миқдори сезиларли даражада ортиқ. Бу ҳолат, албатта, хабар жанрининг доимий талаби билан, яъни нисбатан кичик, ихчам синтактик бирликлар орқали кўпроқ маълумот ифода қилиш зарурияти билан изоҳланади. Ҳар қандай тил таракқиётидаги муҳим тамойил бўлган тил воситаларини тежаш тамойили газетанинг хабар жанрида яна ҳам ёрқин намоён бўлади. Масалан: 11 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг кўшма мажлисида қатнашиш учун республикамизга ташриф буюрган япониялик тадбиркорлар республика Бош вазири ўринбосари, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония кўмитаси раиси Ўткир Султонов билан учрашди («Ўзбекистон овози», 1995 йил 12 сентябрь).

Г. Я. Солганик таъкидлаганидек, хабарнинг синтактик қурилиши статик характерга эга<sup>1</sup>. Бу жанрнинг вазифаси, таъкидлаб ўтилганидек, воқеани тўлиғича, барча иқриқчилари билан, ҳаракатда тавсифлаш эмас, балки у ҳақда хабар бериш, уни кўрсатишдан иборат. Шунинг учун ҳам кесим синтактик ўрнида кўпроқ ўтган замон феъл шакллари, натижа маъносига эга шакллар қўлланиши кўзга ташланади: адо этдилар, бўлиб ўтди, бошланди, бажардилар, тугалланди, ниҳоясига етди, талаб қилди ва ҳокозо.

Бундай феъллар эса кўпинча тавсифий ўрамларни тақозо этади, яъни айни феълларга мувофиқ равишда ҳаракат номили ўрамлар ёки воқеа, фактни яхлит ифода этувчи маъносида воқеа, факт мазмуни етакчи бўлган от сўзлар қўланади. Бу, албатта, хроника жанрининг асосий мақсадига мос келади, яъни асосий таъкид феълга эмас, балки кенг маънодаги отга қаратилади. Хроникада воқеа, жараён тасвири асосий эмас, балки факт ҳақидаги хабар таъкиди асосийдир, унда воқеа, факт иложи борича предметлаштирилган ҳолда кўрсатилади. Бунинг учун эса энг қулай шакл ҳаракат номили ўрамлар ва бошқа шу каби феълдан ясалган от шакллар асосида шаклланивчи тузилмалар жуда ҳам қулайдир. Масалан: Бухорода халқ депутатлари вилоят кенгазининг сессияси бўлди. Унда аҳоли турмуш даражасини ҳамда унинг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий-ҳимоялашни яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда сўзга чиққанлар республика ҳукуматининг иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўраётган чора-тадбирларини маъқулладилар («Халқ сўзи», 1993 йил 28 июль).

Хуллас, хабар тилининг синтактик тузилиши ўзига хос бўлиб, унда мураккабланишган содда гаплар жуда фаол равишда қўланади. Бундай гагларда шакл ва мазмун мувофиқлиги ҳамиша бузилган бўлади, уларда номувофиқлик мавжуд бўлади. Бу эса кичик шаклларда катта мазмунни ифодалаш имконини беради.

1. Вакиров В.Н., Кохтяев Н.Н., Солганик Г.Я., Стилистика газетных жанров М., 1978, с 41.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши	3	
Кириш	4	
Синтактик бирликларнинг уч томони		8
Синтактик муносабатлар		12
Тобеликнинг йўналишига кўра синтактик алоқа турлари		21
Икки томонлама алоқа (координация) ...	22	
Бир томонлама алоқа (субординация) ...		22
Боғли алоқа : : :		25
Эркин алоқа .....:		27
Парадигматик муносабат .....:		29
Синтактик бирликларнинг даражалӣ муносабати . .		29
Синтактик муносабатларда шакл ва мазмун алоқаси .		31
Сўз бирикмаси; . :	36	
Сўз бирикмасининг шакл ва мазмуни		37
Гап сиитаксиснинг асосий бирлиги сифатида		40
Гапнинг грамматик категориялари	41	
Гапнинг грамматик шахс категорияси ....		42
Гапнинг грамматик замон категорияси ....		44
Гапнинг коммуникатив категорияси	46	
Ифода мақсади категорияси .....:		47
Дарак гаплар .....:		50
Сўроқ гаплар .....:		54
Буйруқ гаплар .....:-	55	
Истак гаплар :		56
Гапнинг омонимликка кўра турлари .	56	
Гапнинг модаллик категорияси . . . . . :		58
Гап мураккаб тузилма сифатида	58	
Гапнинг шаклий тузилиши .....:		58
Гап бўлаклари .....:	59	
Гап бўлақларининг шаклий тузилиши :	60	
Гап бўлақларининг мазмуний тузилиши ....		61
Гап бўлақларининг шакли ва маъноси ўртасидаги муносабат		63
Гап бўлақларининг даражаланиши		64
Йиғиқ гаплар		65
Бош бўлақлар	65	
Кесим	66	
Эга	77	
Ёйиқ гаплар	82	
Иккинчи даражали бўлақлар	82	
Тўлдирувчи	82	
Ҳол	89	
Аниқловчӣ ...	93	
Ёйиқ гапларда шакл ва мазмун муносабати . . . . .	94	
Мураккаблашган гаплар	97	
Шаклий ва мазмуний мураккаблашув		98 .
Синтактик алоқага киришмайдиган синтактик шакллар		98
Мазмуний муносабат .....:	99	
Гапнинг мазмуний тузилиши :	107	
Содда гапларда шакл ва мазмун		109
Мураккаблашган содда гапларда шакл ва мазмун		115
Сифатдош ўрамлар билан мураккаблашган содда гаплар		117

Равишдош ўрамлар билан мураккаблашган содда гаплар	128
Ҳаракат номили тизимлар билан мураккаблашган содда гаплар	133.
Қиёсий содда гапларда шакл ва мазмун	136
Ўхшатиш содда гаплар : :	138
Соф қиёсий содда гаплар . . ; : :	146
Эргаш гапли қўшма гапларда шакл ва мазмун	155
Шакл ва мазмун бирлиги ...	162
Эргаш гапларнинг таснифи .....	166
Эга эргаш гапли қўшма гаплар	175
Кесим эргаш гапли қўшма гаплар	181
Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар	185
Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар	192
Пайт эргаш гапли қўшма гаплар :	195
Равиш эргаш гапли қўшма гаплар :	201
Ўрин эргаш гапли қўшма гаплар : :	202
Шартланганлик муносабатларини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар	204
Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар	207
Шарт эргаш гапли қўшма гаплар	210
Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар	212
Мақсад эргаш гапли қўшма гаплар	214
Натижа эргаш гапли қўшма гаплар	215
Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар	217
Чоғиштирига ва ўхшатиш эргага гапли қўшма гаплар .	218
Кўчирма гапли қўшма гапларда гаакл ва мазмун . .	221
Хабар тилида шакл ва мазмун	226

**НИЗОМИДДИЙ МАҲМУДОВ, АБДУҲАМИД НУРМОНОВ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ НАЗАРИЙ  
ГРАММАТИКАСИ**

(Синтаксис)

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир Ҳ. Юсупова

Бадий муҳаррир Э. Нурмонов

Техн. муҳаррир Ш. Бобохонова

Мусахҳиҳа М. Иброҳимова

ИБ № 6547

Теришга берилди 25.10.94. Босишга рухсат этилди 15.10.95. Бичими 84x108'/з2. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.л. 12.18. Шартли кр.-отт. 12,39. Нашр. 31. 11 44. Нусхаси 5000. Буюрт. М« 92.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13-69-94. "Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, муроди» кўчаси, 1-уй.